

МАХПИРАТ НОМИДАГИ ЎРТА ОСИЁ  
ХАЛҚЛАРИ ТАРИХИ ИНСТИТУТИ  
САЛТИКОВ-ШЧЕДРИН НОМЛА РОССИЯ  
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ

АМИР ТЕМУР КЎРАГОН

# ТЕМУР ҚИССАСИ

(«ҚИССАИ ТЕМУРИЙ», «ТЕМУР ЭСДАЛИКЛАРИ»,  
«МАЛФУЗОТИ ТЕМУРИЙ»)

Эски ўзбек тилидан ҳозирги ўзбек тилига ўгириш,  
сўз боши, лугат ва изоҳ м у а л л и ф л а р и :  
тарих фанлари доктори Ҳайдарбек БОБОБЕКОВ,  
филология фанлари доктори Аҳмаджон ҚУРОНБЕКОВ,  
юридик фанлари доктори Ҳалимбой БОБОЕВ,  
полковник Зуҳриддин БОБОКАЛОНОВ

Тошкент  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
«Фан» нашриёти  
2004

«Темур қиссаси» («Қиссаи Темур», «Малфузоти Темурий», «Темур эсдаликлари») номли асар эски ўзбек тилидан ҳозирги ўзбек тилига тўлиқ ҳолда таржима этилиб, биринчи марта чоп этилмоқда. Китобда Амир Темур эсдаликлари ва тузуклари шу кунгача чоп этилган китобларга нисбатан энг тўлиқ ҳолда берилмоқда.

Асар кенг оммага мўлжалланган.

*Масъул муҳаррир:* тарих фанлари доктори  
Хайдарбек БОБОБЕКОВ

*Илмий муҳаррир:* юридик фанлари доктори  
Ҳалимбой БОБОЕВ

*Тақризчилар:* юридик фанлари доктори  
Турсунбой МИРЗАЕВ,  
тарих фанлари номзоди  
Махмуд СОДИКОВ

Т 0503010000 – з- 771  
М355(04)-2004 Рез. 2004

ISBN 5-648-02994-2

30910  
10 383 Н Ўз1  
Н Т39

© Ўзбекистон Республикаси ФЛ  
«Фан» нашриёти,  
Махпират номидаги Ўрта Осиё  
халқлари тарихи институти,  
Ҳ.Н.Бобобеков, 2004 йил.

2006

Alisher Navciy  
nomidagi  
Узбекистонни  
халқлари тарихи  
институти

AD2168

**«Ўз тарихимизни ҳалол ва объектив баҳолаш бугун ёш давлатимиз учун сув билан ҳаводек зарур».**

**И.А.КАРИМОВ**

## **СЎЗ БОШИ**

Улуг бобомиз Амир Темурнинг ҳақиқий тарихий ўрнини тиклашга шўролар даврида академик И.Мўминов ва тарих фанлари доктори А.Ўринбоевлар ҳаракат қилдилар. Аммо, мустамлакачиларга лаганбардорлик қилиб, айрим тарихчилар бунга йўл кўймадилар ва бу ёвуз кучлар 1973 йил июнь ойида Амир Темурнинг шахсини расман коралашга ҳам муваффақ бўлдилар. Ҳаттоғи. Амир Темур ҳакидағи қадимиғи қўлёзма асарларни чоп этиш қатъий манъ этилди, Шарафуддин Али Яздийнинг чоң этилган «Зафарнома» асари эса сотувдан йигиб олиниб, ёкиб ташланди.

Мустақилликка эришишимиз туфайли, Президентимиз Ислом Каримовнинг саъй-ҳаракати билан Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини дунё миқёсида нишонлашга муваффақ бўлинди ва Тошкентда унинг салобатли ҳайкали ва музейи барпо этилди, буюк соҳибқирон ҳақида бир неча китоблар чоп этилди. Масалан, «Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни» мавзуидаги ҳалқаро конференция тезислари» (Тошкент, 1996. Муаллифлар груҳи. Ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилган), «Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати» (Тошкент. 1996. Ҳ.Дадабоев), «Темур тузуклари» (Тошкент. 1996. А.Софуний ва Ҳабибулло Кароматов таржималари). «Зафарнома» (Тошкент, 1996, Низомиддин Шомий. Таржимонлар. изоҳ ва лугат тузувчилари ҳамда нашрга тайёрловчилар Ю.Қакимжонов, А.Ўринбоев, Ҳабибулло Кароматов, О.Бўриев), «Амир Темур ва ватанпарварлик тарбияси» (Тошкент. 1997. Муаллифлар груҳи. Нашрга тайёрловчи Ҳ.Н.Бобобеков), «Зафарнома» (Тошкент, 1997, Шарафуддин Али Йаздий. Таржимон Муҳаммад Али ибн Дарвеш Али ал-Бухорий, 1519. Сўз боши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари Ашраф Ахмад ва Ҳайдарбек Бобобеков), «Тузуки Темурий» (Тошкент, 1999, Амир Темур Кўрагон. Сўз боши, табдил, лугат ва изоҳ муаллифлари Ҳ.Бобобеков).

ков, Ҳ.Бобоев, А.Куронбеков), «Уложение Темура» (Ташкент, 1999. Таржимон Ҳамидулла Кароматов), «Қиссаи Темур» («Малфузоти Темурий») (Ташкент, 2000. Амир Темур Кўрагон. Сўз боши, табдил, лугат ва изоҳ муаллифлари Ҳ.Бобоев, Ҳ.Бобоев, А.Куронбеков), «Зафарнома» (Ташкент, 2000. Амир Темур Кўрагон. Сўз боши, табдил, лугат ва изоҳ муаллифлари Ҳ.Бобоев, Ҳ.Бобоев, А.Куронбеков), «Дастур ул-амал» (Ташкент, 2000. Сўз боши, табдил, лугат ва изоҳ муаллифлари Ҳ.Бобоев, Ҳ.Бобоев, А.Куронбеков) ва бошка кўплаб китоб ва мақолалар шулар жумласидандир.

1996 йили «Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни» мавзуидаги халқаро конференция тезислари тўпламига сўз боши»да Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов шундай деб ёзган: "Амир Темурнинг таваллуд куни унинг Ватанида илк бор тантана қилингани. Бу кадам Мовароуннаҳр заминида юз берадиган улкан ўзгаришларнинг месаси Ўзбекистоннинг факат мустақилликка эришганидан гина иборат эмаслигини кўрсатади.

Чиндан ҳам халқнинг тарихий хотираси кайта тиклана бошлади. Миллий анъаналар ва кўхна маданиятимиз қайта юз оча бораётти. Улуғ аждодларимизни ёд эта бошладик. Уларнинг маънавий меросини ўзлаштиряпмиз...

Бирок Амир Темурнинг энг асосий тарихий хизмати шундан иборатки, айнан унинг ҳукмронлиги даврида Европа ва Осиё қитъалари халқи илк бор ўзларининг бир геосиёсий майдонда яшаётганларини ҳис этдилар. Бу, хусусан, бугун жуда муҳим. Чунки инсоният шуни тушундикни, биз ҳаммамиз бир-биримизга чамбарчас боғлик ўзаро алокадорликда яшар эканмиз, демак, энди янги, уйғун ва хавфсиз дунё тартиботи ўрнатиш учун имконият пайдо бўлди.

Турли мамлакатдан ташриф буюрган олимларга улкан ишларни амалга оширганликлари, ўтмишимизни тадқиқ этиш борасида тарихий объективлик қатъиятларига амал қилганиликлари учун миннатдорлик билдиришини истар эдим. Тарих соҳасида меҳнат қилаётган олимнинг жамият олдида юксак ҳалол хизмат қилиш, тамойилларастлик ва бир томонлама баҳолардан қутулиш талаб этилади. Амир Темур ўз "Тузулар"ида ҳам қайд этиб ўтганидек, ҳамиша "... ҳалолликни илм билан тенг кўрган" олимларни беҳад ҳурмат қиласи.

Ўз тарихимизни ҳалол ва объектив баҳолаш бугун ёш давлатимиз учун сув билан ҳаводек зарур...

Тарих - буюк муаллим! Бағоят топиб айтилган ҳикматли сўз бу...". Тошкент шаҳри. 1996 йил 25 сен-тябрь.<sup>1</sup>

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов тилига олган Амир Темурнинг "Тузуклар"и асари бир неча асрлардан бери дунёни кезиб юрмокда ва олимларни, давлат арбобларини, ҳарбий саркардаларни ҳамда тарих ва юридик фанларига қизиқиб келаётгандан барча китобхонларни ҳайратда қолдириб келмоқда. Кўплаб давлат арбоблари бу асардан ластур ул-амал сифатида фойдаланиб келишган.

Шу билан бир каторда ҳозирга қадар бу асарга гурлича қарашлар ҳам мавжуд бўлганлигини қайд этишимиз лозим. Амир Темурнинг асарига келсак, олимларимиз орасида турлича фикрлар мавжуд. Масалан, академик Бўрибой Аҳмедовнинг ёзишига караганда: «Тузуки Темурий» асарини форс тилига Мир Абу Толиб ал-Хусайний ат-Турбатий Арабистондан қайтишда Аграда бобурий Шоҳ Жаҳон (1628-1657)-нинг хизматига кирган ва ўшанда унинг илтимоси билан "Тузуки Темурий"ни эски ўзбекчадан форс тилига таржима қилиб, мазкур подшохга тақдим этган эмиш. "Лекин Мир Абу Толиб ал-Хусайний ат-Турбатий-нинг мазкур таржимаси ўша Яман ҳукмдори Жаъфар подшо кутубхонасида кўрган нусхага асосланганми, ё асарнинг Ҳиндистонда ҳам ўшандай туркийча нусхаси бўлганми, буни билмаймиз"<sup>2</sup>.

Мир Абу Толиб ал-Хусайний ат-Турбатийнинг ўзи «Қиссаи Темур» номли қўллэзма китоб бошида айтадики. икки шариф ҳарам соҳиби ва Яман ҳокими Жаъфар Бостонийлининг китобхонасида бир китобга кўзим тушди, уни [ўкиб] кўрсам бошдан-оёқ ҳаммаси Соҳибқирон Амир Темур Кўрагонининг ўз сўзларидан [иборат] экан, етти ёшидан етмиш тўрт ёшигача бошдан кечирган воқеаларни ёзибди, яъни қандай қилиб ўзини сultonлик мартабасига етказган ва не хосият бирла етти иқлим мамлакатларига фармонраво бўлган. Уни бош-

1. "Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни" мавзуидаги халқаро конференция тезислари. Тошкент: "Ўзбекистон", 1999. 3 - 5-бетлар.

2. А х м е д о в Б. «Темур тузуклари» ҳакида икки оғиз сўз// Темур тузуклари. Тошкент. 1996. 4-бет.

дан-оёқ ўкиб чиксам подшохлик қонуни ва давлат тизими, мулк олииң қоидаларй, аскар ва раият интизоми, мулк ва мамлакатни бошқариш усули, уруш ва саф тузиш қоидаларини ўз ичига олган экан. Уни форс тилига таржима қилиб, китоб ҳолига келтирдим, токи подшохларга кўлланма бўлар. Ул Султони Соҳибқирон, яъни Амир Темур Кўрагон ўз гав-харбаён тили билан шундай деб ёзгандики, «охири саодатли фарзандлар ва яхши тилакли вазирларнинг оппоқ ёргуларига маълум ва тушунарли бўлсинким, ўн икки ишни мен ўзимга шиор ва касб қилим». Шу сабабдан тангри таоло менга улуғлик ато қилиб, самовий кудрат билан кўллаб-куватлади ва султонлик мартабасига етказди». Ушбу парчадан яққол кўриниб турибдики, Мир Абу Толиб кутубхонанинг ўзида асарни форс тилига таржима қилиб, нусха олган. Кейин ушбу форсий таржимадан нусхалар кўчирилиб, бутун дунега тарқатилган.

"Тузуки Темурий" асарининг кейинги ўзбек тилига таржималари ҳақида эса 1996 йилда чоп этилган «Темур тузуклари» китобининг сўз бошисида шундай ёзилган: "Тузуки Темурий" тўлиқ равишда Хоразм (Хива)да Муҳаммад Юсуф ар-Рожий тарафидан 1273 (1856/57) йили ва Паҳлавон Ниёз Девон томонидан 1858 йили эски ўзбекчага таржима қилинган... Асарнинг эски ўзбек тилига қилинган яна бир нусхаси бор, лекин у тўлиқ эмас. Унда тарих ҳазрат соҳибқироннинг 39 ёшигача бўлган давр воқеаларини ўз ичига олган, холос. Таржима Кўкон хони Муҳаммад Алихон (1821/22-1858/59)-нинг топшириги билан Хўжанд козиси Набижон Маҳдум тарафидан амалга оширилган.

Кейинги йилларда "Тузуки Темурий"нинг хозирги ўзбек тилига қилинган тўла таржималари пайдо бўлди»<sup>2</sup>.

Бизнинг фикримизча, Муҳаммад Юсуф ар-Рожий таржи-маси энг қисқартирилган вариантидир. Бу вариантига ўзбек

- 
- 1.Салтиков-Шчедрин номидаги Россия миллый кутубхонаси, кўлёзмалар бўлими, инвентарь № ТНС 107.
  - 2."Темур тузуклари" ҳақида икки оғиз сўз // Темур тузуклари. Тошкент, 1996, 5-бет. Бу ерда Муҳаммад Алихоннинг хонлик даври хато ёзилган. 1821/22-1858/59 эмас, балки 1822-1841 йиллардир. Муҳаммад Алихон 1841 йил ноябрь ойида ўзининг укаси Султон Маҳмуд фойдасига таҳтдан воз кечади.

тилига Соғуний томонидан таржима қилинган нусханинг мазмуни ва ҳажми ҳам түғри келади. Ўзбек тилига нисбатан тўлик таржима Паҳлавон Ниёз Девон томонидан амалга оширилган. 1996 йили чоп этилган "Амир Темурни ёд этиб" номли тўпламда куйидаги жумлаларни ўқиймиз: "Алишер Навоий ижодини ўрганиш ва тарғиб этиш давр талабига айланган кезлари, навоийшунослар бирдан кўпайиб кетгандай, ҳозир Амир Темур, Улугбек, Бобур, Султон Ҳусайн Бойқаро ҳакида у ср - бу ердан кўчириб ёзаётганлар уруғлаб (?) кетди. Ҳакиқий асл асарлар туриб, тарихий манбалар ва илмийликдан йирок ҳалқ оғзаки ижоди намуналарига яқин Салоҳиддин Қоришинг "Темурнома"си, Набижон Махмуднинг "Амир Темурнинг таржимаи ҳоли"га ўхшаган наклу ривоятларга асосланиб ёзилган асарлар ҳам нашр қилинмоқда".

Бу ерда муаллиф Набижон Махдум Хотиф Хўжандийнинг "Тузуки Темурий" асарини эътиборга олмоқда ва қўпол ҳатога йўл кўймоқда. Чунки бу асар "наклу ривоятларга асосланиб ёзилган асар" эмас, балки "Темур тузуклари" асарининг биринчи қисмининг тўлик варианти бўлиб, унда Амир Темур билан Амир Ҳусайнларнинг дўстлашиши, ораларига низо тушиши, уларнинг бир-бирлари билан бўлган жанглари тўлик ёри-тилган. Китоб Амир Темур билан Амир Ҳусайн ўргасида дўстлик битими тузилиши билан тутатилган. Бу қимматли таржима ҳакида биз "Тузуки Темурий" (Тошкент. 1999) ва "Зафарнома" (Тошкент. 2000) китобларида батоф-сил ёритганмиз ва таржима асл нусхасининг ксерокопиясини илова килганмиз.

Шу кунга қадар айрим темуршунос олимларнинг фикрича, 1991 ва 1996 йилларда чоп этилган "Темур тузуклари" ва Санкт-Петербургда сақлашаётган «Тузуки Темурий» ва «Малфузот» кўлёзмалари ҳам ўзбек тилидаги тўлик таржимаси хисобланар эмиш.

Масалан, бизнинг фикримизча эса "Темур тузуклари" (Тошкент, 1991, 1996) ва "Тузуки Темурий" (ТНС 103) таржималарида форсий тилдаги қисқаргирилган асардан фойдаланилган. "Малфузот" леб номланаштган таржима асарининг

---

1. Аҳмедов Б. Амир Темурни ёд этиб. Тошкент, 1996. 4-бет.

номи эса "Қиссаи Темур" деб аталади. Асл форс тилидаги нусха ҳам "Малфузот" деб аталмаган, униң тұлық номи эса форс тилида "Малфузоти Темури" ("Мемуары Темура", "Высказывания Темура", "Темур сўзлари" ёки "Темур эсдаликлари") деб ёзилған. ТНС 33 раками форс тилидаги нисбатан тұлық нусхасининг номи эса "Малфузоти Амир Темур" ("Постановления Эмира Тимура") деб картотекада қайд этилған. 1766 йилда кўчирилған бу қўлёzmанинг биринчи варагида эса "Темурномай соҳибқирон" деб ёзилған.

Шу кунга қадар Амир Темурнинг Сейистонга бўлган муносабати хақида хато фикрлар айтиб келинмоқда. Соҳибқироннинг Сейистон волийсига 770 ҳижрий (1368/69) йилдаги ҳарбий ёрдамини айрим темуршунослар Клавихо фикрига асосланган ҳолда "боскінчилик юриши" деб баҳоламоқда. Масалан, «Темур Ҳусайн билан бирга туркманлар устига ва Сейистонга боскінчилик юришлари килади. Сейистонда Тимур ўнг қўли ва ўнг оёғидан яраланади. Натижада қўли леярли қуриб колади, оёғи эса бир умр оксокланади, шу сабабли ҳам Темурланг, яъни оксок Темур (Европада Тамерлан) деган лакаб олади»<sup>1</sup>.

А.Ю.Якубовский: "Клавихо писал о молодости Тимура со слов лиц, которые были в курсе всего, что рассказывалось тогда в обществе о могущественном эмире Средней Азии. Рассказывая о дальнейшей биографии Тимура, Клавихо приводит эпизод, произошедший в Сеистане. Как-то ночью Тимур "напал на стадо баранов, и в это время пришли сеистанцы, бросились на него и на его людей, многих убили, а его свалили с лошади, ранили в правую ногу, отчего он стал хромым, также в правую руку, от чего он лишился двух маленьких пальцев". С этого времени Тимур и получил прозвище Тимурленг, т.е. Тимур хромец, в европейском произношении - Тамерлан.»<sup>2</sup>

Бу юриш хақида «Темур қиссаси»да батафсил ёзилған. Ундан аник ва равшан кўриниб турадики. Амир Темур Сейистонга боскінчилик юришлари килған эмас. Бу ҳақда Хотиф Ҳўжандий таржимасида ҳам, Шарафуддин Али Йаз-

1. Узбекистон халклари тарихи. I жилд. Тошкент. 1992. 153-бет.  
2. Тамерлан. М.:«ГУРАН», 1992. С.20.

дийнинг «Зафарнома» асарида ҳам яққол кўриниб турибдики. Амир Темур босқинчилик қилгани йўқ, балки Сейистон волийсининг илтимосига кўра Амир Ҳусайнни амири лашкар қилиб ёрдамга юборади. Аммо Баҳром Жалойир соткин-кинлик қилганидан кейин Амир Темурнинг ўзи Амир Ҳусайнга етиб боради ва биргаликда Сейистонга келишади.

Унинг волийиси уларни хурмат ва катта совғалар билан кутиб олади. Сўнгра Сейистоннинг еттита қалъаларини босиб олган душманларга қарши чиқиб, улар билан жанглар қилиб галаба қозонади. Шу жанглардан бирида Амир Темур ярадор бўлади.

Демак, Амир Темур Сейистон қонуний ҳокимининг илтимосига кўра ёрдамга келган. Босқинчиликни Амир Темур хаёлига ҳам келтирмаган!

Тўгри, Сейистон волийиси душманлари томонидан алданиб, Амир Темурга хиёнат қиласи. Амир Темур хиёнат қилгандарни ёмон кўрап эди ва шунга кўра хатти-ҳаракат қиласи.

Амир Темурнинг тахтга чиқиши ҳам турлича тас-вирланади. Масалан, Амир Темурдан аламзада бўлган Ибн Арабшохнинг ёзишича, Темур мазкур султони Ҳусайнни 771 йилнинг шаъбон ойида (1370 йил 28 февраль - 29 март) ўлдирган ва ўша вактдан бошлаб мустакил равишда ҳокимиятга эгалик қиласи.

Ибн Арабшоҳ куйидагича давом этади: «Сўнгра Бадахшон амирларини иззат-икром билан юртларига қайтариб ва султон Ҳусайнни ўзи билан бирга олиб Самарқандга равона бўлди. Бу (вокеа) 71-йилнинг шаъбон ойида, яъни хижрийдан 700 йил ўтгандан кейин (1370 йил 28 февраль - 29 март) бўлган эди. (Кейин) Темур Самарқандга келиб, уни ўзига лор ул-мулк деб қабул қиласи ва подшоҳлик қонун-коидаларини йўлга қўйиб, уларни ўз сиёсати ва тутган низомига асосан тартибга солди. Сўнгра у Султон Ҳусайнни ўлдирив, (тактга) ўзи томонидан Чингизхон зурриётидан бўлган Суюргомиши деган бир шахсни қўйди».

1.Шарафуддин Али Йаздий. Зафарнома. Тошкент, 1997. 29-30-бетлар.

2.Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. Тошкент, 1992. 73-74-бетлар.

3. Ўша ерда.

Бу ерда Арабшоҳ воқеани мутлақо ҳато ёзган. Бу воқеалар ушбу «Темур киссаси» саҳифаларида батафсил баён этилган.

Академик Б.Аҳмедов "Соҳибқирон Темур" номли рисолада ёзишича, "Хижрий 771 йилнинг тирмоҳ (1370 йил июнь) ойида Амир Темур Самарқандда катта курултой тўплади. Үнга, одатга кўра, ўғлонлар, нўёнлар, амирлар ва Чигатой улусидаги барча қавм ва қабилаларнинг бошликлари чакирилиди. Курултойга Шибирғон вилоятининг ҳокими Зинда Чашмдан бошқа улуснинг барча етакчи амирлари келди. Шундан ҳам кўриниб турибдики, ҳар икки азим дарё - Сирдарё билан Амударё оралигидаги музофотларда истикомат килиб турган барча қавмлар ва халқлар Суюргатмишхон (1370-1388) ва Амир Темур ҳокимиятини ихтиёрий равишдан олдилар. Самарқандда чакирилган курултой марказий давлат тизимини шакллантириш ва қўшинни тузиш масалаларига бағишланган эди.<sup>1</sup>

"Темур ва Улуғбек даври тарихи" (Тошкент, 1996) номли китобда ҳам шундай ёзилган: "Икки дарё оралигидаги ерларни, яъни собик Чигатой улусининг жануби-ғарбий қисмини бирлаштириш жараёни аниқ қандай кечганлиги ҳакида маълумотлар сакланиб қолган. Аммо шуниси маълумки, хижрий 771 йилнинг тирмоҳ (1370 йил июль) ойида Самарқандда чакирилган курултойга Шибирғон ҳокими амир Зинда Чашмдан бошқа Чигатой улуснинг барча амирлари ва қабила бошликлари тўпландилар. Курултой тинч, ўзаро низоларсиз ўтди. Вилоят ҳокимлари, икки дарё оралигига яшовчи турк-мўғул қабилалари бошликлари Суюргатмиш ва Амир Темурнинг олий ҳокимиятини тан олдилар."<sup>2</sup>

Амир Темурнинг ўзи "Темур киссаси"да ёзишича<sup>3</sup>. Абул Баракотнинг ташаббуси билан тўй бахонасида таҳт дъавогарлари бўлмиш Шоҳ Махмуд Бадаҳший, Шайх Мухаммад Баён Сулдуз, Амир Кайхусрав ва Амир Темурни ҳам тақлиф этиб, музокара олиб боради ва Амир Кайхусравнинг тақлифи бўйича куръя ташланиб Амир Темур шоҳлик мансабига сайланади. Таҳт давогарлар эса тиз эгиб Амир Темурни му-

1. Аҳмедов Б. Соҳибқирон Темур. Тошкент. 1996. 15-бет.

2. Темур ва Улуғбек даври тарихи. Тошкент, 1996. 78-бет.

3. Ушбу «Темур киссаси» ки gobga қаралсин.

боракбод этадилар. Сўнгра тантанали равишда Амир Темурни тахтга чиқарадилар.

Шарафуддин Али Йаздий ҳам ўзининг «Зафарнома» асарида Амир Темур шоҳлик даражага кўтарилганлигини тасдиклайди. Унинг ёзишича «ул маҳалда ҳазрат соҳибқироннинг ёни ўтгуз тўртда эрди ва бу иттифоқ чаҳоршанба кунида, рамазон ойининг ўн иккисида, торих етти юз етмиш бирда, ит йилда (1370 йил 9 апрель) бўлди.

**Шеър:**

*Етти юз етмиш бир эрдики, даҳр,  
Жаҳон ичра тобти Темурбек баҳр.  
Жаҳонким бор эрди жафодин ҳароб,  
Йарук этти олами ул офтоб.  
Ойиким кўрунур эди Кешидиги,  
Бўлуб кун тутти барии ер юзин.  
Темур Таригай шаҳи шермард,  
Киби қилди даҳр ичра разму набард.  
Фалак ичра бисер кўрди азоб,  
Ки бўлди жаҳон ичра чун офтоб.*

Давлат билан салтанат тахтида ўлтурғонда адлу дод қилиб, халойик барча хурраму шод бўлуб, даҳр ичра гам йўқ бўлди ва айшу ишратдин ўзга эл ичида йўқ эрди. Ҳазрат соҳибқирон салтанат тахтида ўлтурғонда буюрликим, ҳазойинларни очиб, ганж ва молдии ҳар нимаиким бор эрди, чиқориб, ҳазрат кошида келтурдилар. Ул кун улуғ тўй этиб, барча беклар жамъ бўлуб ўлтурдилар.»<sup>1</sup>

Б.Ахмедовнинг «Ўлуг'бек» номли китобида эса Амир Темурнинг Ҳиндистонга юриши тактикаси кўпол даражада бузиб ва камситиб тасвирланган. Унда бундай ёзилган: «Ҳинд хукмдори Султон Махмудхон ўз ихтиёридаги бир юз йигирма нафар урушга ўргатилган филни бирваракайига жангга тушурди. Кўп урушларни кўриб чиниккан филлар хайкириб олдинга ташландилар ва Темур қўшинининг Пирмуҳаммад Жаҳонгир билан Султоншоҳ бошқариб турган баронгори олдила саф гортиб турган пиёда аскарларни тоғтаб ташлади-

<sup>1</sup> Шарофуддин Али Йаздий. Зафарнома. Тошкент, 1997. 67-69-бетлар.

лар. Темур ҳам, амирлар ҳам, лашкарлар ҳам авваллари бунақа ахволға дучор бўлмаган эдилар. Қисқаси ҳаммани вахима ва кўркув босди. Кўпчилик турган ўрнини ташлаб боши оқган тарафга қоча бошлади. Ахвол яна бир неча дақика шутариқа кечгудай бўлса, урушнинг тақдири, балки курашларда елкаси ерга тегмай келаётган жаҳонгирнинг не-не умидлар билан қилган бу юриши нима билан тамом бўлишини билиш кийин эмас эди. Лескин бирдан оёқ остидан чикиб қолган шармандалиқдан Темурни ўша Ҳалил Султоннинг ақлу фаросати ва дадиллик билан қилған ҳаракати асрраб қолди. У кўшин орқасидаги эҳтиёт қисмларни илгарига ташлади, угруқ кошидаги барча молу туяни шитоб билан ҳайдатиб келди ва ҳар бирининг устига хасу хашак боғлатиб ўт қалатиб юборди. Ўт азобига чидолмаган жошиворлар бўкирганича олдинга, филлар устига ташландилар. Бунакасини хеч кўрмаган филлар ўтга айланиб келаётган от ва туяларга дош беролмадилар ва орқага караб коча бошладилар. Энди филларнинг оёғи остида Султон Маҳмудхоннинг пиёда аскари қолди. Ҳалил Султон ўз кўшини билан ёниб бораётган моллар ва туялар кетидан интилиб, филлар сафини ёриб ўтди ва Султон Маҳмудхоннинг баронгорига ташланди. Темурнинг бошқа кўшинлари бундан рухланиб ҳужумга ўтдилар<sup>1</sup>.

Бу воқеани Шарафуддин Али Йаздий эса ўзининг "Зафарнома" асарида шундай баён этади: "Соҳибқирон буюриб эрдиким, "Темурдин тиканлар йасасунлар!" Ва мукаррар қилиб эрдиким, "Ул тиканакларни йайоғларға берсунларким, алар саклаб, уруш кўйинда ҳар качонким пилларни кўйабергайлар, ул тиканларни йўлларда сочқайлар!" Аммо соҳибқироннинг давлати андин ортуқ эрдиким, мундок нималарга анга эҳтиёж бўлгай.

... Аммо душманинг гўлида турғон боҳодирлари пиллари билан ҳамла қилдилар. Амирзода Рустам ва амир Шайх Нуриддин ва Шоҳ Маликбек аларнинг ўтирувларига бориб йаҳши ишлар килдилар. Ва Шайх Нуриддинбек килич еткурди ва Шоҳ Маликбек таки йаҳшилар борди. Давлат Темур Тавачи ва Мангли Хожа ва кўшун беклари ўзларини пилларга уруб, хиндуларким, пиллар устида турууб эрдилар, барча-1. Аҳмедов Б. Улуғбек. Тошкент, 1989. 17-18-бетлар.

ни ўқ била захмлар урдилар.

Хиндустан диловарлари туруб мардоналиқ күрсатур эрдилар. Аммо чибиннинг на токати бўлғайким, пил кошида турғай, ё кийик шерга муқобила бўлғай.

Алқисса, хиндулар барча туролмай қочтилар.<sup>1</sup>

Амир Темур "Темур киссаси"да ҳам ўзининг тактикасини батафсил ёритган. Ундан Амир Темурнинг қанчалик зукко ва ҳақиқий стратег ҳамда тактик саркарда бўлганлигини бемалол кўриши мумкин. "Темур киссаси"да Амир Темурнинг кўрган тушлари ва уларни шарҳлаб, режаларига таққослаб кўриш, кўплаб тушлари тўғри бўлиб чиқиши ҳақида қизиқарли маълумотлар бор. Булардан ташкари жангдан ёки ҳарбий юришдан олдин Амир Темурнинг ўзи Куръондан фол очиши батафсил ёритилган. Булар ҳақида бизнинг машҳур темуршунос олимларимиз негадир ҳеч нарса демаганлар. Эҳтимол, бунга шўролар давридаги атеистик дунёқараашлар тўскинилик килган бўлиши мумкин.

Амир Темурнинг тушлари ва Қуръондан фол очишига тўхталишимизнинг сабаби шуки, булар Соҳибқироннинг уёки бу хатти-харакатига руҳан ёрдам берар ва ўзига ишонч хосил этар эди. Булар эса жанг пайтида нафакат ўзига, балки бутун ҳарбий кўшинига ишонч ва куч-кувват багишларди. Жанг олдидан эса бу жуда катта омил бўлиб ҳисобланади. Амир Темурнинг жангларда енгилмай доимо голиб чиқишининг муҳим сабабларидан бири сифатида буларга қаралмоғи лозим.

«Темур киссаси» Амир Темурнинг ҳарбий маҳоратини, унинг ҳарбий стратегия ва тактикасини, ҳалқиарварлиги ва ватанларварлигини чукур ўрганишда биринчи даражали муҳим мағба бўлиб ҳисобланади.

«Темур киссаси»да айрим жойлари қискартирилганга ўхшайди. Масалан, унда Шайх Аҳмад Яссавийнинг рубоийи ҳакида айтилади, аммо рубоийнинг ўзи ёзилмаган. Хотиф Хўжандийнинг таржимасида эса бу рубоий келтирилган.

Амир Темурнинг "Темур киссаси" асарининг юқорида номлари зикр этилган нусхалари таржималарини ўқиб бизда бир фикр туғилди. Уларда Амир Темурнинг ёши ва айрим воқеаларининг тарихий саналардаги фарқ кўзга ташланади.

1. І.І. А. Йаздий. Зафарнома. Тошкент, 1997. 21-бет.

Айрим ҳолларда воқеаларни баён этишда қайтаришлар учрайди. Бу қарилик аломати бўлиши ҳам мумкин. Чунки 40-50 йил аввал содир бўлган воқеаларни эслаетганда ҳар бир киши ҳам 1-2 йилга адашиши мумкин. Бу эса асар матни муаллифлиги шахсан Амир Темурнинг ўзига мансуб эканлигини исботлайди.

Бизнинг фикримизча, Абу Толиб Ал-Хусайний кўлёзманинг асл туркӣ нусхасидан форс тилига таржима киласётгандан ёки бошқа котиблар нусха кўчираётганида хатога йўл қўйган бўлиши ҳам мумкин. Масалан, биз фойдаланган кўлёзмада «549» ўрнига «729» сана ёзилган. Бу ерда ракамлар турли сабабларга кўра кўлёзмада яхши кўринмаса арабча «5» шаклан «7» га, «4» эса «2»га ўхшаб кетади. Шунинг учун биз матн мазмунини ўзгартиргмаган ҳолда кўлёзмада хато келтирилган йил ва ёшларини тўғрилаб қўйишни лозим кўрдик.

Хуллас, ушбу «Темур қиссаси» шу кунгача ўзбек тилида чоп этилган ва маълум бўлган «Темур тузуклари»нинг Дунедаги энг тўлиқ нусхасидир. Ушбу китобни ўқиган ҳар бир киши асарни Амир Темурнинг ўзи ёзганига ишонч ҳосил қиласди ва Амир Темур даври тарихига оид кўплаб мавжуд кўпол чалкашликлар ечимини ҳам топиб олиши осон бўлади. Шу жумладан Амир Темур якка хоким сифатида 1370 йили таҳтга ўтирганлиги ҳам очиқ ва равшан баён этилган. Бундай мисолларни кўплаб келтиришмиз мумкин.

Биз 2000 йили ушбу асарни тарихшунос олимларга мўлжаллаб эски ўзбек тилида кам нусхада чоп этган эдик. Аммо ушбу китобга талаб катта бўлганлиги ва тарихга кизиқувчи оммага ўқиш осон ва тушунарли бўлиши учун ҳозирги ўзбек тилига таржима килиб ҳамда айрим нотўғри тарих саналарини тузатиб чоп этмоқдамиз.

Ушбу китобни чоп этишга бегараз амалий ёрдам берган Шоаҳор Шомансуров, Рустам Қосимов, Тоҳир Исломов ва Мақсуджон Холмуҳаммедовларга самимий миннатдорчилигимизни билдирамиз.

*Ҳ.Бобоев, Ҳ.Бобоев, А.Қуронбеков,  
З.Бобокалонов, Т.Мирзапев*

## МАСЬУЛ МУҲАРИРДАН

Қадимги кўлёзма китобларни варакласангиз кўпларида асарнинг ёзилиш сабаблари ёки кимнинг илтимосига биноан ва кимга бағишлиланганлиги ҳакида маълумотлар келтирилган. Бундай табаррук асарларни ўқиб мен ҳам ушбу «Темур киссаси» («Киссаи Темур») асарининг чоп этилишига нима сабаб бўлганлигини ёзишни лозим топдим.

1997 йил декабрь ойида Кўқон хони Худоёрхоннинг авлодларидан бўлмиш Темурбек Худоёрхоновнинг илтимосига кўра ва унинг ҳомийлигига Кўқон хонининг хазинаси ҳакида архив маълумотлари топиш учун Санкт-Петербургга бориб, бир нечта кизикарли янги хужжатлар топдим. Бир бўш куним колган эди. Вақти бекор кетказмаслик учун Салтиков-Шчедрин номидаги Россия миллий кутубхонасига бориб, кўлёзма фондидаги манбалар билан танишдим ва ТНС 107 раками кўлёзма китобни олиб кўрдим. Қарасам, менга маълум бўлган «Темур тузуклари»дан ҳажми каттароқ эканлиги кўзга якқол ташланди. Мен бу кўлёзманинг сарлавҳаларини ва матндан айрим парчаларини ёзиб олдим. Тошкентга кайтганимдан сўнг барча чоп этилган «Темур тузуклари»ни топиб, ёзиб олган сарлавҳалар ва матн парчаларини тақкослаб кўрдим. Чоп этилган барча «Темур тузуклари» матни ТНС 107 раками кўлёзма матнидан ҳажм жихатдан кам эканлигига ишонч ҳосил қилдим ва бизга ўзбек тилига таржима қилишиб чоп этилган «Темур тузуклари» китоби «энг тўлиқ таржима» деб бизни ишонтириб келган темуршунос олимларимизга нисбатан менда шубҳа туғилди. Лекин аниқ хулоса қилиш учун яна бир марта Санкт-Петербургга бориб, ТНС 107 раками кўлёзма китобни тўлиқ кўчириб олишим ва чоп этилган китобларнинг матнига тақкослаб кўришим лозим эди. Бунинг учун ҳомий топишими керак эди. Кўп кишиларга ва ташқилотларга мурожаат қилдим, аммо натижачикмади.

Бир куни Ўзбекистон телевидениесининг «Ассалом Ўзбекистон» кўрсатувига мени таклиф этишиб Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асари ҳакида сўзлаб беринимни сўрашиб. Шу кўрсатувга яна «Темур тузуклари» ҳакида сўзлаб берини учун Тошкент давлат юридик институтининг ректори-

ри, профессор Ҳалимбой Бобоевни ҳам тақлиф қилишган экан. Кўрсатувдан кейин мен Ҳ.Бобоевга ТНС 107 рақамли қўлёзма ҳакида сўзлаб бердим ва ҳомий топаолмаёт-ганимни айтдим. Ҳ.Бобоев ҳеч иккиланмай Тошкент давлат юридик институти ҳомий бўлишини айтиб, мени ишонтирдилар ва 1998 йилнинг август ойида хақиқатдан ҳам мени Санкт-Петербургга юбордилар. Мен Салтиков-Шчедрин номидаги Россия миллий кутубхонасиning қўлёзмалар бўлими фондида сакланаётган форс ва ўзбек тилида ёзилган барча «Темур тузуклари»ни олиб кўрдим. Кутубхона ходимлари менга жуда ҳам яхши муомалада бўлишди ва улар билан ҳамкорлик қилишга қарор қилдим. Бўлим бошлиғи Ольга Васильеванинг ёрдамида ушбу кутубхона директори В.Н.Зайцев билан мен, Махпират номидаги Ўрта Осиё ҳалқлари тарихи истиутининг директори сифатида расман ҳамкорлик тўғрисида тузилган шартномага имзо чекдик ва бунга асосланган ҳолда ТНС 107 ва ТНС 123 рақамли қўлёзма китобларнинг микрофильмини менга белул беришди. Бунинг учун ушбу кутубхона ходимларига ўз самимий миннатдорчилигимни билдираман.

Умуман олганда, Санкт-Петербургдаги Салтиков-Шчедрин номидаги Россия миллий кутубхонасидан ва Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар кутубхонасидан ўнта поёб қўлёзмаларнинг ксерокопияси ва микрофильмларини сотиб олдим. Буларни ҳам табдил ва таржима килиб, чоң этиш ниятимиз бор. Ҳозирга кадар Санкт-Петербургдан олиб келган қўлёзмалардан «Қиссан Темур»дан ташқари Амир Темур Кўрагоннинг «Тузуки Темурий» (иккинчи қайта нашрига «Зафарнома» деб ном кўйдик) ва номаълум муаллифнинг «Дастур ул-амал» номли асарларини чоп этдик.

Оллоҳ Ўзбекистонни тинчлик, осойишталик ва мўлчиликда сакласин! Оллоҳ барча ўтган авлодларимизнинг руҳини шод этсин! Оллоҳ барча ўзбекистонликларни ва ушбу сатрларни ўқиётган меҳрибонларимизни ўз паноҳида сакласин! Амир Темур руҳи Ватанимиз қудратини қўллаб-кувватласин!

**Ҳайдарбек Назирбекович БОБОЕКОВ,**  
Махпират номидаги Ўрта Осиё ҳалқлари  
тарихи институтиning директори,  
тарих фанлари доктори.

# ТЕМУР ҚИССАСИ



# Меҳрибон ва шафқатли Оллоҳ номи билан.

Ҳак субҳонаху таолуга қўпдан-кўп олқишилар бўлсинким, «Ҳакиқатда биз сени ер юзида халифа қилдик» калимаси билан абадий соҳибқиронлик анқо қушига жаҳонни эгаллаш иқболи каноти бирла оламни забт этиб Қоф тоги чўққисида ошиён қилди ва бекиёс Яратганга мактovлар бўлсинким. Пайғамбар (*унга Оллоҳнинг дуоси ва саломлар бўлсин*)нинг оқ умматини ривожи ва (Муҳаммад) Мустафонинг мунаввар шариатини янгилаш учун Амир Темур салтанати савлатин олам салтанатининг жами тартибларидан юксак ва олий шон қилди. Аммо шу билан бирга, билиш аҳли ва кўриш эгаларининг дил кўзларига аник ва равшан бўлсинким. Ҳазрати максади улуғ ҳукмдор, адолат шиори тождор, ўз мансабига муносиб шаҳаншоҳ ва давлат аршининг султони, күёш бош кийимлик, юлдуз кўшинлик, мулк ва миллатнинг ҳомийси, зулм ва бидъатнинг йўқотувчиси, заифлар ва мискинларнинг ёрдамчиси, тож ва узук (муҳрли) вориси, буюк султонлар сарвари, қарамли хоконлар сардафтари, мамлакатларни эгалловчи, остонаси осмонга туташувчи, яъни Султон ўғли Султон, Хокон ўғли Хоқон, зафар қозонувчилар ва голиблар ва фатҳ эгалари отаси Сайид Муҳаммад Баҳодирхон (*Оллоҳ таоло давлати байрогини баланд ҳилтиратсин ва шавкатли айёмини абадий қилсин*) сипоҳ ва лашкар тузишдан, раият ва фуқаролар орасида адолат ўрнатишдан бир лаҳза бўш қолса. илгари ўтган шоирлар девонларини ва ўтган олиймиқдор султонлар тарихини ўқиб, қўп вақтини китоб ўқишга сарфлар эди. Шу аснода ҳар ғазалнинг мазмуни ва ҳар подшоҳнинг қоида ва қонунлари илмга мойил дилига ёкса ва маъкул бўлса, шу заҳоти уларни замона шоирлари даврон фозил кишиларига буюриб, унга мухаммас боғлатар ва таржима килдиран ва шу баҳона билан уларга заррин гулли кийимлар ва сён-саноқсиз нақд пул инъом этиб, уларни халойик орасида бошини осмонга кўтариб, мол-дунёга эҳтиёжини қондиради.

Бир куни тарих ўқиётганида Абу Толиб Ҳусайнин ёзган битикларидаи бўлган ушбу рисолага кимё асар назарлари тушиб, бу йўксул факирни, бу тоқати йўқ ҳакирни, кулларнинг энг хоксори, миннатдор кимсаларнинг малики бўлмиш Ко-мил тахаллусли Пахлавон Ниёз Девон, ота-бобосидан тортиб бу подшохлар остонаси хизматида бўлган ва сулоланинг срини кўриқлашни ўзи учун буюк давлат ва улуғ саодат билib, ҳар турли хизмат етишса уни бажаришга жон-жаҳдим билан киришардим, менга ғоятда лутфу марҳамат ва ниҳоятда раҳм-шафқат кўрсатиб, ўзимга ўхшаш кишилардан танлаб ва мумтоз этиб, мазкур рисолани таржима қилишга буюриб, бошимни ифтихор фалагининг энг юкори чўққисидан ошириди. Шунда камоли ожизлик ва кам қувватлигимдин коинот янглиг даргоҳ мулозимларига ҳали бундай улуғ ишга қўл урмаган ва бу тарика кўркинчли йўлга қадам қўймаган эдим, деб арзи ҳол этгим. Шунда яна бўйсуниш вожиб бўлган фармон чиқарилдики, агар ҳар маъно кунгирасини идрок этишга ожизлик килсанг, юксак жозибали ва буюк акл-заковат эгаси, замона шоирларининг энг буюги ва мушкулларни ҳал қилувчи Оғаҳий лакабли Мухаммад Ризо Миробнинг кўмагини ўзингта ҳомий килиб қўлидан тутгин. Шундай килиб «буйрукни бажарувчи маъзурдур...» қабилида бу улуғвор ишни ўзимга лозим деб билдим.

Ўзимни нотавон ва кучсизлигимдан қўркиб, безовта бўлсам ҳам лекин Мавлоно Низомийнинг (*Оллоҳ утинг сирини сероб қилсин ва қитган яхши шиларининг ажрини жсаннатда берсин*) бу мисраси хотиримга келди:

*«Подиюҳлар илтифоти кимиёи давлатдур».*

Бу мисра манзудидан кўнглимга қувват ва тилимга журъят етишиб. ўзимга таскин ва ором бериб, фазлу қарамли подшохнинг беҳад инояти ва инохона илтифотини ўзимга ёр ва мададкор билиб, қувватим йўқлиги ва мол-мулким камлигига қарамай, бундай улуғ ишга қўл урдим ва қалам тулпорини сахифа майдонига сурдим.

**Байт:** *Агар лутфи сultonи фирузфар,  
Бу йўлда манга бўлмаса раҳбар  
Бу йўлда булиб пўядин ҳам қаддим,  
Тона олмажум манзит-мақсадим.*

Илоҳо, бу эътибори йўқ хоксор банда, беҳад ранжу машаккат ва беадад қайгули меҳнат тортиб, бу хавфли водий ичра кадам кўйгусидир ва бу кўркинчли дашт узра қуюндеқ юргусидир, унга лутфу марҳаматинг йўлбошчисини ражбару рахнамо қилиб, бошланишин тугаш чегарасига улагиш ва ибтидосини нихоя турар жойига киритгин.

### Шеър:

*Е раб, менга лутфу шафқатинг ёр айла,  
Алтофи иноятинг мададкор айла,  
Ҳар сўзки кўнгил махзанидии бўлса аён,  
Тарвиж бериб ривнақи бозор айла.*

Бу шарофатли китобни битказиш учун бор кучимни ва саъй-ҳаракатимни ишга солай, ранжу меҳнатимни бекорга кетказмай, хосу омга бирдай кўнглига ёқимли қил, хусусан подшоҳнинг мафтун қилувчи табъига чиройли ва гўзал килгин, ул даргоҳи олампаноҳ жаннатга ўхшаш мажлисидағи тушунгандан оғоҳ қишилар кошида ҳам мақтовга сазовор ва мақбул этгин.

Бу кўлезма таржимони Абу Толиб Ал-Хусайниний китоб бошида айтадики: «*Икки шариф ҳарам соҳиби ва Яман ҳокими Жаъфар Бостонитинг китобхонасида бир китобга кўзим тушди, уни [ўқиб] кўрсам бошдан-оёқ ҳаммаси Соҳибқирон Амир Темур Кўрагонининг ўз сўзларидан [ғиборат] экан, етти ёшидан етмиш тўрт ёшигача бошдан кечирган воқеаларни ёзиди, яъни қандай қилиб ўзини сultonлик мартабасига етказган ва не хосият бирла етти иқтим мамлакатларига фармонраво бўлган. Уни бошданоёқ ўқиб чиқсан подшоҳлик қонуни ва давлат тузуми, мулк олиш қондалари, аскар ва раият интизоми, мулк ва мамлакатни бошқарши усути, уруши ва саф тузиши қондаларини ўз ичига олган экан. Уни форс тилига таржисма қилиб, китоб ҳолига келтирдим, токи подшоҳларга қўлланни бўлар».* Ул Султони Соҳибқирон, яъни Амир Темур Кўрагон ўз гавҳарбаён тили билан шундай деб ёзгандики, охири саодатли фарзандлар ва яхши тилакли вазирларнинг оппоқ ёргуғ дилларига маълум ва тушунарли бўлсинким, ўн икки ишни мен ўзимга шиор ва қасб қилдим. Шу сабабдан танири таоло менга улуғлик ато қилиб, самовий қудрат билан қўллаб қувватлади ва сultonлик мартабасига етказди. Ул жумладан бири шуки, адолат

тарозисини кўлимга олдим, на кам килдим, на оргик, ҳаммани ўлчовда баробар тутдим. *Иккинчидан* худонинг бандаларига ҳақли равишда ҳукм килдим ва ҳақ тарафига мойиллик кўрсатдим. Учишчидан бефойда ишдан кочдим. *Тўртингчидан*, худойи таолонинг бандаларига раҳм-шафкат қилдим ва ҳар ишда ҳаммага фойда етказдим. *Бешинчидан*, ҳеч кишининг кўнглига озор бермадим. *Олтишчидан*, ҳеч кимни даргоҳимдан кувмадим. *Еттингчидан*, ёнимга кирган ва чикканга йўл бердим. *Саккизинчидан*, худойи таолонинг итоатини бажо келтирдим. *Тўққизинчидан*, худойи таоло улуғ этган одамларни улуғладим. *Ўнинчидан*, дин ишини дунё ишидан илгари кўйдим. *Ўн биритчидан*, рост сўз айтдим, рост сўз эшидим. *Ўн иккисинчидан*, дин ва дунё ишини ростлик билан туздим.

*Ва шундай эшитдимки*, Оллоҳ таоло Одам Сафиуллоҳни яратганда, фаришталар айтибдики, бир мавжудот яратилдики, унинг авлодларидин неча минг ёлғон сўз ва ёлғон ваъда вужудга келади. Оллоҳ таоло уларга мурожаат килиб айтдики, мен уларнинг орасига бир қилич юбораманки, ҳар киши эгри ва ростгўй бўлмаса, у қилич уни пора-пора қилади. Эшигтимки, у тиф тўғри гапиравчи ва тўғри гапни эшитувчи сultonлардир. Буни эшиттагач ўзимга росттўйликни ва росттўйликка қулоқ солишини шиор килдим. Ҳар кимга ваъда берсам, ваъдамга вафо килдим. «Аҳдингизги вафо қилинг» амрига амал килиб, ваъдага хилоф иш тутмадим. Жабр ва зулмдан ўзимни тийдим, фисқу фужурга рози бўлмадим. Қариндош-уруглардан алоқани узмадим ва улардан меҳр-окибатни аямадим. Вужудим уйини худойи таолонинг дор улмулки килдим. У мулқдан худойи таолонинг нойибларидан сўроксиз фойдаланмадим. Ҳақ таоло бандаларининг муҳим ишларини бажаришда бепарволик ва сансоларлик кilmадим ва ҳеч кимнинг мол-мулкини поҳак тортиб олмадим. Бирорларнинг мол-дуниёсини тўплаш билан шугулланмадим. Аскарлар ва раиятнинг фаровон турмушини таъминлаш пайида бўлдим ва ҳеч кимнинг молидан тамаъ қилмадим.

*Шундай бўлдики*, Амир Ҳусайн аскарлар ва раият мол-мулкига кўз тикди, отасининг амирлари ва менинг амирларимнинг мол-мулкига тамагирлик кўлини узатти, шу сабабдан давлати биноси кулади.

*Яна шуни айтиш керакки, Ҳақ таолю итоатини Расули Ҳудо итоатида, деб билдим. Мұхаммад Мустафо (унга Олиоғзинг алқови ва саломлар бўлсин) шариатига амал қилдим ва шариатга хилоф иш тутмадим. Ва ул Ҳазрат хонадони ва саҳобалари тутган саодатли ишларни севдим ва мухаббат шартини бажо келтирдим.*

Худойи таолонинг мулкида дини исломга ривож бердим ва доим лайғамбар [тарғиб этган] динни кучайтиришга интилдим ва салтанатимни у билан мустаҳкамладим.

Дин ва давлат тушунчаси ҳар иккаласи бир қориндан тугилган, дин ва шариат коидалари билан мустаҳкамланмаган давлатда улуғлик ва шавкат доимий бўлмайди ва салтанат ҳукми амалга ошмайди, бўлган-бўлмаган кишилар у давлатга дахл этадилар.

*Яна бир нарса шуки, уламо, саййидлар (пайғамбар авлодлари) ва шайхларни ўзимга яқинлаштиридим, уларга таъзим бажо қилдим ва ҳеч бирининг сўзини қайтармадим. Шунинг учун ҳам ҳалойик менинг дуойи хайримга кўл очдилар. Шариат уламолари билан доимо ҳамсухбат эдим. Улардан дин ва дунё масалаларини сўрардим.*

*Айттишиларича. Константинополь подшохи Рай мамлакати срларига лашкар тортади, шунда маълум бўладики, унинг даргоҳида саййидлару уламо ва қариялару мансаб эгалари [ишлар] тараффудини кўрадилар. Шундан сўнг бу юргни эгаллашдан воз кечди. Вазирлар ва амирларига тушунтириш бердики, мен самовий китобларда ўқиганман, ҳар подшохнинг даргоҳига саййидлар. уламо ва қариялару мансаб эгалири борди-келдиси бўлса бундай подшохнинг давлатига шикаст етмайди. Эшлишимча бу подшохнинг даргоҳида ана шу кавмдан бир жамоаси бор экан. Шундан билдимки, бу подшохнинг давлати ва салтанатига шикаст етмайди ва бу юрт қарам бўлмайди.*

*Шундан сўнг унга бир мактуб ёзади. Мазмуни қуйидагича ёди: «Сени хислатинг одил сultonлар одатидан экан ва сен ҳудони танийдиган киши бўлганинг учун сен билан уруши қилишибдин воз кечдим».*

Тарки дунё қилган кишилар ва дил эгаларидан ҳиммат тиладим ва уларнинг табаррук нафаслари билан дуойи фотиха килишларини сўрадим, улар кўнглига аён берган ҳодисалар-

га риоят қилдим ва уларни мендан кўнгиллари озор топишига йўл кўймадим.

Мусулмонларни қамоққа солишга ва Муҳаммад (унга саломлар бўлсин) хонадони ва зурриётини уриш ва ўлдиришга журъат этмадим, балки уларнинг иззат-икромини бажо қилдим ва уларга айб кўйиш ва озор беришдан ўзимни тийдим.

Яна шуни айтиши керакки, одил подшоҳлар Оллоҳнинг ердаги сояси деб эшиганим учун, подшоҳларнинг яхшироқлали, гуноҳкорларнинг гуноҳидан ўтишини билганим учун мен одил подшоҳлар тутган йўлига амал қилдим. Нафси бузук, бирорвга ёмонлик тиловчи дўйстлардан узоқлашдим.

Ва Худо ҳар кимни дўст тутса, уни султонлик мартабасига етказиб, халойик ишлари жиловини унинг кўлига топширади деб эшигиттим. Агар уларга адолат ва инсоф билан муомала қиласа, ҳак таоло унинг мулкини абадий, безавол сақлайди ва агар зулм ва ахлоқсизлик ва бузуклик тариқасида иш тутса, унинг наслини тугатиб, мулкини кўлидан олади.

Мен ўз салтанатимни мағбу баркарор колиши учун адолатни бир кўлимга ва инсофни яна бир кўлимга олдим. Бу икки чироғ шуъласидан салтанатим сулоласи чирогини ёндиридим. Даргоҳимда тўрт хушмуомила вазир тайинладим: бири Маҳмуд, бири Маҳмуд Оқибат Маҳмуд, [бири] Шаҳоби Хурросоний ва бири Носируддин Маҳмуд эди. Уларга амр этдимки, менга адолатли сўздан ўзгасини айтманглар, одамларнинг ахволини текшириб туринглар ва киши молидан тамаъ қилманглар, рост сўзланглар, ёлғон деманглар.

Чунки мен эшигидимки, Тангри таоло ҳар кимни салтанат таҳтига ўтқазса, унга яратганинг лутфу карамини ато қиласди, токи бу лутф орқасида халойикни ўзига мутеъ ва фармонига тобе этади. Ва бу илоҳий илтифот унга шуъла ёғдиради. Султонлардан қайси бири бу илтифотни улуғласа, давлати тараққий топади.

Мен токи салтанат таҳтида ўлтиридим, бу илтифотни улугладим. Худойи таолонинг амрига амал қилдим. Худойи таолонинг бандаларига шафқат кўргиздим, шариат ва адолат ва инсоф билан амал қилдим.

Арзирум саҳросида карасам лашкарим беş фарсах (1 фарсах - 8 км) жойни эгаллаган экан, бу одамларнинг ҳаммаси

менга мутеъ эди, ҳайрон бўлиб Худойи таолога шукр этдими-  
ки, мен ҳам улардек бир одамман, шунча микдордаги халқни  
мендай ожиз-шикастага бўйсунувчи килиб қўйибди. Бу ҳак-  
да уламодан савол этсан, сенга илоҳий лутф нур ёғдирган,  
сен илоҳий соясан, дедилар.

*Иигирма бир ёшимда* (1571/1356) Қутб ул-актоб Зайнуддин  
Абу Бакрга ирова қўлинин бердим. Шайх камаримни шоҳлик  
ёғдуси билан боягладилар, ўз бош кийимини бошимга қўй-  
дилар ва ақик қўзли бир узук бердилар. Унинг кўзига «Рос-  
ти-ю русти» («Куч ҳақиқатда») нақш қилинган эди. Айтди-  
ларки, яқин кунларда давлат тоңги ёришади. Менинг кўнг-  
лимга аён қилдики, Мухаммад (унга саломлар бўлсин) авло-  
дидан бир киши сенга мададкор бўлади. Ҳозир уни кўри-  
шинг маъқул эмас, кейинрок кўрасан.

Шундай килиб *етмиши ёшимда* (805/1402-1403) Рум мам-  
лакатини ўзимга бўйсинариб қайтгач. Қутб ул-орифин  
шайх Садруддин Ардабилий хизматига бордим ва ундан  
күтбларни бирига мулоzимат кўрсатай, деб илтимос қилдим.

Шайх дедиларки: «Солон тогида бир булоқ борки, суви гоҳ  
иссиқ ва гоҳ совуқ бўлади. Ана шу булоққа бир киши келиб  
таҳорат қиласди. Қутб ўша одам».

Сўнг шайхнинг буйруғига биноан ўша булоқ бошига бо-  
риб, кутиб ўтирдим. Тоңг пайти бир киши келиб, булоқ бо-  
шида таҳорат қилиб намоз ўқиди. Иккиси кун яна келиб та-  
ҳорат олди. Учинчи кун яна келди. Қарасам, ўша одам эди.  
Шайх като қилмадими, деб ўзимча ўйладим. Унга караб хи-  
тоб қилдим: «Эй Саййид оғо Али мен сени аскарларим ва  
навкарларимнинг энг кўли мансабдагиси, деб билардим, бун-  
дай юксак мартабага қандай эришидинг!»

Дедиким: «Мен Қутб ул-актоб (Күтбларнинг энг буюги)-  
нинг амири билан салтанатининг бошидан давлатинг мададко-  
риман».

Шундан сўнг намозга машғул бўлди. Мен унга иқтидо қил-  
дим ва унинг иқтидолисида ҳузур топдим. Намоздан бўшагач,  
деди: «Е амир, сен иш таъзадаи худойи таолонинг меҳмони-  
сан. Меҳмон мезбондан ҳар имми тиласа топади».

Ман иймон талаб қилдим. Шунда дедики: «Иймон Мұҳам-  
мад Олоюхнинг пайғамбари (Олоюҳ уни ва хонадонини ёрла-  
косин) билан барқирордир ва у биршаҳардирки, унинг таш-

қарисидин «Унга ибодат қилинглар, Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқ» дерлар ва баъзи у шаҳарнинг ичкарисидан «Билингизки, Оллоҳдин бошқа илоҳ йўқ» дерлар ва у шаҳарнинг дарвоза-бошири «Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, Мухаммад Оллоҳнинг пайғамбаридир», дейдилар».

Шундан сўнг бошини саждага кўйди. Бориб бошини сажладан кўтарсам, омонатини Ўзига топширган экан. Ўта афсусланиб, шайхнинг хизматига келдим. Кўрган воқеаларими ни унга маълум эттим.

Шайх айтдики: «Давлат низоми ва нокаслар қўлидан мулк олмоқ ва бирорвга бермоқ худойи таолонинг пайғамбарларининг қўлидадир. Ҳар бир давлатда кутблардан бири вакиллик килади. У давлатни кўллаб-куватлайди. У вакиллик қилювчи оламдан ўтса, унинг ўрнига яна бири тайин бўлмаса, бундай давлат заволга юз тутади, - ва дедики: - Қайсаннинг давлатига Оллоҳ кишиларидан бири вакил эди. У дунёдан ўтгач, сен зафар топдинг».

Мен бу ишорадан англадимки, менинг давлатим хам тамом бўлаётган экан. Аммо унинг ўрнига яна бир киши тайин бўлар, деб умидвор эдим. Асир тушиган гўрт минг румийни камоқдан озод этдим.

Ва *етти юз эллик олти* (756/1355) ҳижрий санасида Туронзамин соҳасини ўзбеклар (Бу ва бошқа сахифаларда даштда яшовчи кўчманчи кабилалар назарда тутилмоқда – тарж.) зулмидан халос эттим. Мовароуннаҳр салтанати таҳтига ўлтиридим. Хатиблар минбарлардан хутбани менинг отимга ўқидилар. Шунда саййидлару уламо ва машойиху фуқаро менинг давлатим дуосига кўл кўтардилар.

Ўша давр дин пешволаридан Ҳожа Абдуллоҳ уларнинг менинг дуюи хайр килишларига қаршилик қилди ва дедики: «Бу конхўр турк (Амир Темур) ахли исломдан неча минг кишини катлга ётказди, нечук уни дуо қилурсизлар?» Кечаси тушида Ҳазрати Рисолатпеноҳ (Пайғамбар) (уни ва хонадинини Оллоҳ ёрлағосин ва унга саломлар бўлсин) кўради, қараса мен Онҳазратнинг қошида тутдек адл ва яқин турибман. Ҳожа Абдуллоҳ уч марта салом беради, саломига алик олишмайди. Охири фарёд ческиб айтадики: «Ё Расулуллоҳ, сенинг умматингдан неча минг кишини катл эттирган ва аҳли исломнинг ўйларини вайрон қилган Темур сенга яқин бўйтиб, сенинг динингда гайратлар кўрсатган ва шариатинг-

*га ривож берган менинг саломим қулогингга нега кирмайди?» Онҳазрат иноят юзидан дедиларки: «Гарчи Темур кўп қон тўқди, менинг умматимни қатлга етказди, аммо ул менинг зурриёт ва авлодимни дўст тутти ва нусрат берди, сен нечук унинг дуюю фотиҳасин манъ этарсен?»*

Уйкудан уйғониши билан шу кечада менинг олдимга келиб, узр сўради. Бу хабар хосу омнинг қулокларига етиши билан менинг давлатим дуосига кўл кўттардилар, мени «оллоҳ ўзи қўллаган» билиб, мени қўллаб-қувватлашга гувохлик бердилар. Ва мен бу сийловлар шукронаси учун Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи васалламнинг авлодларини эъзозлашга илгаригидан ҳам кўпроқ саъий-харакат кўрсатдим.

Мени Оллоҳнинг ўзи қўллашини гувоҳи бўлган воқеалардан бири шу эдикни, Арзиурмда Қайсарнинг тўрт юз минг отлиқ лашкари билан рўпара бўлиб, саф тутдим ва лашкарнинг чап-ўнгига назар солдим. Бир пайт қарасам Карбало ва Нажаф саййидларидаи тузилган кўшин Ироқи араб томонидан пайдо бўлди. Уларнинг сардори Сайид Муҳаммад Миғтоҳ эди ва улар ўзи билан бирга оқ байроқ кўтариб келишарди. Ва мен амр бердимки, улар менинг қошимга келсин, деб. Уларнинг келганини ўзимча яхши фолга йўйдим.

Уларнинг байроқдори Сайид Муҳаммад айтдикни, тўртинчи халифани тушумда кўрдим ва улар айтдиларки: «Менинг оқ байроғимни подшоҳликнинг муқаддас туғи, деб олиб кетинглар». Нажаф саҳобалари «Бу муқаддас туғ соҳиби Румта лашкар тортган Амир Темурдир», - дейишди.

Мен Тангри таолога сажда килдим за бу ҳодисани менинг воқеалар дафтаримга ёзиб кўйишларига амр эттим. Ўшанда менинг узангимдаги уламо менга ишора қилдиларки, сана саккиз юзда Рум мағлуб бўлғусидир, деб Куръони Каримда нозил бўлган Шунда мен ўзимни «Оллоҳ томонидан қўлланган»лигимни билдим. Шу аснода Ики Темурак келиб: «Ғалаба муборак бўлсин», деди. Мен «ғалаба ва иқбол» сўзларини эшитгач, оқ байроқни унга бердим, токи у билан урушга кирсинг. У оқ байроқни кўргач, гайрат билан жангга равона бўлди.

Тўғри чиккан башоратлардан бири шу эдикни, Рум мамлакатини бўйсиндиришга юз тутганимда «Сайиди турк Аҳмад Яссавийнинг мақомоти» китобидан фол очдим. Шу кечада ба-

шорат топдим. Шу фолни хотиримда сакладим. Қайсарнинг аскари билан рўнара бўлган чоғда ўша [шеър]ни ўқишига машғул бўлдим, то фатҳ эттим.

Бу қисқача воқеанинг тафсилоти шуки, бу китобнинг таржимони Комил айтадики, эшитишимча таниқли ва машҳур киши бўлган Ҳазрати Баҳоуддин доим Амир Темурнинг қошида бўлиб, ҳар ерга кетса бирга борарди ва ҳар ишда Амир ундан фотиха олар ва фол кўрарди.

Ман Рум тарафига қараб йўл олганимда илоҳий илмлар билимдони, маъно мушкулларини ҳал қилувчи, яъни аллома Тафтазонийким замона тафсир қилувчиси эди, менинг арзимга етказди-ки: «Доим сафарга кетарда девоналардан фол оласан, бу сафар Куръони Каримдан фол олгил, токи зафар топгайсан», деди. Шунда Куръонни очгач бу оят чиқди: «Алиф, лом, мим, гулибат ар-Румфи аднайларзи» («Алиф, лом, мим, жуда яқин жойда Рум маглуб бўлди»).

Шунда аллома айтди: «Таъмия қоидаси бўйича «адно арз»дан мурод «зод» ҳарфидурки, ҳисобда саккиз юздир. Шундан маълум бўладики, сана саккиз юзда (800/1397-1398) Румга борсанг маглуб қиласан».

Шундан сўнг ўша айтилган санада Румга бориб, уни таслим қилдим.

Иккинчи башорат шуки, ушбу (760/1358-1359) санада Тўғлук Темурхон, Чингизхоннинг набираси эди, Мовароуннаҳри босиб олишга азм этти ва Ҳожи Барлос қочиб, Хуросонга жўнади. Мен икки кўнгиллик бўлдим: Барча одамларимни олиб Хуросонга йўл олайми ёки Тўғлук Темурхонни кўлга олайми? Бу ҳакда пирим Зайнуддин Абу Бакр Тойибодийга «Сиз не буюурсиз?» деб хат ёздим.

Бу хатга ширим шундай жавоб ёзибдилар: «Ҳар вақтки осмонлар ёй бўлса ва ерлар унинг или бўлса ва ҳодисалар ўқ ва одамлар ишиони ва ўқ отувчи қазо бўлса, одамлар нечук қочиб қутулурлар?» Ва яна «Энди худойи таоло сен билан бирга», дебдилар. «Бориб Тўғлук Темурхоннинг ўку ёйини оласан. Вассалом».

Мен бу мактубдан башорати тамом топдим ва бориб хонни Ҳўжанд суви ёқасида кўрдим. У мени кўрганини ўзига яхши фол этти ва мен уни ўзимга ром килдим. У мени ўзига амир этиб тайинлади ва ҳар ишда мендан маслаҳат сўрарди.

Унга хабар келдики: «Дашти Қипчокда сенинг амирларинг ва аскарларинг қаршилик байробини күттардилар!» Бу бобда, ўзим бир неча күшун лашкар билан бориб уларни даф килсаммикин, деб мендан маслаҳат сўради. Мен, «сен борсаниг бир хатар бор ва қайтганингда икки хатар бор. Ақлли киши бир хатарни икки хатар, деб гумон килади», дедим.

У бу маслаҳатимга тахсин айтди. Шундан сўнг Мовароуннахри келажақда сақлаб туриш бўйича маслаҳат сўради. «Давлат чодирини ҳиммат или билан маҳкамла, устунини адолат тиргаги билан тикла ва таноблари михини инсоғ ерида маҳкамла, токи бу чодирга ҳар ким кира олсин ва чиқа олсин. Бу диёрда саййидлар ва уламо ва машойихни азиз тутгил, раиятни адолатинг соясида сақлагин. Бу мулкнинг яхшиларига мурувват ва яхшилик кил, ёмонлари билан муросаи мадора килиб умр кечиргил. Бу диёр аскарларини эҳсон билан боғла, токи ҳар иш қилса — ҳақини олсинлар ва агар хизматда ўлсалар-мукофотини олсинлар», - дедим.

Унинг лашкарлари Мовароуннахр аҳолисидан мол-давлатини тортиб олишганди, бу мол-мulkни қайтариб беришларини талаб қилишарди. Унинг ҳузуридаги уламо ҳам ўша молни қайтариб олиб беришга мойил бўлдилар. Шунда лашкарлари норози бўлди. Бу бобда мендан кенгаш истади. Мен шундай кенгац бердим: «*Туркларнинг сабри кузларидек тандир. Уларнинг кўнглини қаро қилма, токи кўнгил қўтиб, тишлари қисқа бўлсин*».

Менинг маслаҳатларим кўнглига ёкиб, Даشت Қипчок амирлари дафъига жўнаб кетди. Мовароуннахр мамлакатини ака-укалик йўли билан менга қолдириди.

Мени қўлловчи башоратлардан бири шу эдикни, Ҳазраг Рисолатпаноҳ саллалилоҳу алайхи васалламни тушимда кўрдим. Менга башорат бердиларким: «*Менинг авлодларимига берган нусратинг туфаили Олмоҳ тоюло сенинг тушти камарингдан тўқсон кишига сұлтонлик ато қилди*».

Бу воқеа шундай юз бердики, *сана етти юз олтмиш икки* (762/1361, марта)да Ғўғлук Темурхон иккинчи марта ба Мовароуннахрга лашкар чекди ва менга мұхаббатнома юборди. Мен истикболига чиқиб уни кўрдим. Ва у аҳдини бузиб Мовароуннахри ўғли Хожа Илёсга берди, мени лашкарбоши этди. Мени хафа кўриб Қочули Баҳодир ва Қубул-

хоннинг аҳдномасини чиқариб кўрсатди, бу аҳднома пўлат варакка: «Хонлик Қубулхон авлодига, лашкарбошилик Қочулининг авлодига мансуб бўлсин. Бир-бирига қарама-каршилик кўрсатмасин», деб ўйиб ёзилган эди.

Уни ўқиганимдан кейин, шу аҳдномага вафо тариқасида унга каршилик қилмадим. Лашкарбошиликка рози бўлдим. Ва лескин Ҳожа Илёснинг салтанат иш-ларига унча укуви йўқ эди. Лашкари зулм-жаврга қўл чўздилар. Шу аснода Мовароуннахр аҳолиси менга келиб арз қилдиларки, ўзбеклар тоифаси Самарқандга чопкин ясад, ул мавzedан мингга яқин бокира кизни олиб кетдилар. Бу воқеани Илёсхожага айтдим, унинг ҳукми ўзбекларга таъсири бўлмади.

Шундан сўнг саййидларнинг улуғларидан бир гурухи менинг олдимга келиб фарёд чекдиларки, пайғамбар зурриётидан етмиш нафар саййид ва саййидзодани золим ўзбеклар асирга олиб кетиб, камоққа ташладилар. Шунда ислом ғайрати кўнглимда жўш уриб, уларни асирикдан озод этгани отландим ва ўзбек амирлари билан урушиб зафар топдим. Етмиш саййидни уларнинг бандидан озод этдим.

Шу туфайли ўзбеклар мен билан низолашидилар ва макр йўлига ўтиб Тўғлук Темурхонга менинг устимдан «Темур каршилик байробини кўтарди», деб ёздилар. Ва у менинг катлимга ёрлиг юборди.

Бу ёрлиг йўлда менинг қўлимга тушиб, ўз эҳтиётимни килиб кўйдим.

Шу аҳволда Ҳазрати Рисолатпаноҳни тушимда кўрдим. Менга лутғ нурини ёғдириб: «Ул нусратиким менинг авлодимга бердинг, Оллоҳ таоло шу туфайли сенинг наслингдан етмиш авлодинга салтанатни сазовор қилди», - дедилар.

Үйқудан уйғонгач, воқеа тафсилотини пиrimга ёздим. Жавобида ёздиларки: «Сенга башорат бўлсинким, Расулуллоҳу алаиҳиссаломни кўрмоқдан сенга кўп зафарлар ёр бўлади. Сабуктегиннинг отасики бир кийикка раҳм этди, шу туфайли пайғамбар алаиҳиссаломни тушида кўрди. Он Ҳазрат унга дедиларки, бу кийикка кўрсатган раҳмдиллигинг сабабидан, Ҳақ таоло сенинг наслингдан неча кишига салтанат каромат қилди». Ва яна: «У сultonлик мартабасига эришиди», - деди.

Шайхнинг бу ишоратидан менинг салтанатим шавкати

янада ортди.

Ушбу туш асарларидан эдикى, кўзим тиригига ўз насл-на-  
сабимдан ўттиз етти кишини амирлик мартабасига етказдим  
ва ҳар бирига тахтгоҳ ато қилдим.

Ва яна мени қўлловчи башоратлардан бири шу эдикى, пи-  
рим менга ёздиларки, «Менга аён бердикى, худоий таоло се-  
ни ўз хазинасининг мулкдори қылди ва бу хазина калидини  
Муҳаммад Мустафо қулига берди». Бу башоратдан ўзимда  
улуғлик ҳис этдим ва гайбий зафарларни олдиндан кўрар-  
дим.

Яна бир башорат шу эдикى, ўзбеклар тоифаси менга нисба-  
тан низо камарини боғлаб, мен билан нифок ҳосил қилгани-  
дан сўнг Тўғлук Темурхондан иккинчи марта менинг кат-  
лимга ёрлиғ келди. Улар мени ўлдиришга ўзаро иттифок туз-  
дилар. Мен билан мунофиқона ҳамсұхбат бўлардилар. Мени  
кўнглидаги ниятларидан воқиғ эмас, деб гумон килар, мени  
гоғил колдириб қўлга олишмокчи эдилар. Уларнинг нифоқ-  
лари ҳаддидан ошгандан кейин ов баҳонасида Самарқанд-  
дан чикиб Кухистонда бир тошга суюндим. Ана шунда Ҳумо-  
куши бошимга соя солди ва мен у ерда яхшигина ухлаб ол-  
дим.

Ўша саҳрова юрган бир чўпон мени уйғотиб бир сўз деди,  
унинг сўзини ўзимга яхши фолга йўйдим ва бу янги башо-  
ратни топиб, Самарқандга қайтдим. Лекин ўзбеклар тоифа-  
сидан кўнглим тинч эмас эди, охири шу даражага етдикى, у  
тоифанинг зулму ситамлари ҳаддан ошиб, чидаб бўлмас да-  
ражага етишди.

Шунда Мовароуннахр уламоси фатво ёздиларки: «Ла ила-  
ха иллаллоҳи Муҳаммаду Расуллоро» деган бандаларига во-  
жиб ва лозимдурки, мусулмонларнинг молу мато ва номусу  
обрўйларига тажовуз қилаётган ўзбеклар тоифасининг кат-  
лига иттифок қилиб, молу жон била саъий харакат қилгайлар  
ва бизлар ҳам бу тоифани орадан кўтаришга химмат кўрсат-  
ган подшоҳга итоат камарини белларимизга боғлармиз. Агар  
у бу бобда ўзбўларчиликка йўл қўйса, қиёматда жавобини  
берур».

Бу фатвони менга келтирғач, мусулмонлар иттифоқидан  
башорат топиб, уни пиримга юбордим ва пирим унинг ҳо-  
шиясига ёзиб юбордилар: «Салтанат қутбига баиорат



3 d.

бўлсин. Мусулмонлар Хулафойи Рошидин суннатларига амал қилиб, сенинг подиоҳлигингга иттифоқ кўргузуб, зуму-ситам ҳароратидан сенинг давлатинг соясига паноҳ келтирганига ушбу фатво қатъий далилдир».

Бу сўзлар ёзилган у фатво менга теккач, мазлумлар додин золимлардан олишга, Мовароуннахр соҳасин нопок ўзбекларнинг хас-хашагидан пок этишга ҳиммат кўрсатиб йўлга тушдим. Аммо бу ишда ўзимдан ўзга яқин киши топа олмадимки, унга кенгаш солсан. Йўкса барча Мовароуннахр ахли менинг ҳукмдорлигимни тан олишган эди. Аммо уларнинг иттифоқига ишонмадим, шунинг учун Самарқанд шаҳрида адолат байрогини баланд кўтармадим.

Ва Мовароуннахр ахли ўzlари бу сирни фош этгач, ўзбеклар хужум эта бошлидилар. Шу вазиятда пиrimдан хат олдим: «Оллоҳ қўллаган Амир Темурни тушимга аён бердики, Расул алайҳиссалом учинг галабасида ёр бўлгусидир. Кўрқмасин ва гамгин бўлмасинким, Расули Худо у билан биргадир».

Бу хатдин ўзгача башорат топиб, кўнглим тўқ бўлди. Мана шу ўйлар билан машғул бўлиб юрганимда, Тўғлук Темурхон мени қатлимга ёрлик юборди. Ўша пайтда Амир Кулол менга Хоразм мамлакатига кетишни ишора қилиб: «Алғирор миммо лойатоқа мин сунан ил-мурсалин», яъни «Тоқат қиломас ишдан қочмоқ пайгамбарларнинг суннатларидандир», — дедилар. Ва мен Куръони Каримдан фол очдим. Шунда фолимга бу оят чиқди: «Қуёши белгиланган жойига караб юради. Кудратли ва доно яратганинг амири шудир».

Шундан сўнг Сайид ул-мурсалин алайҳиссалом суннатларин тутиб, хижрат ихтиёр этиб, ўз холимдан пиrim хизматига нома ёздим. Сўнг олтмиш киши билан отланиб, Самарқанддан Хоразм тарафга юзландим. Шунда пиrimдан нома жавоби етиб келди: «Оллоҳ қўллаган Абул Мансур Темур тўрт ишни ўзига шиор этсин, то ҳиммат билаги билан мақсадига эришгай ва омад ёр бўлгай. Ва буюкларнинг буюги пайгамбарлар суннатларини тутиб азм отган бўлсанг, йўлга отланган чоғда Гангри таолога таваккал қилгин ва Ҳазрати Иброҳим алайҳиссалом суннатини тутиб, гайратни ўзингга улуғ шиор этгинки, салтанатинг даврида зино ва бузукчилик юз бермасин. Ва лайлак гайратидан кам қилмагинки, бир

лайлак ошёнасида зөг боласини ўз болалари билан ҳамогуш күргач, уч кунгача шу зөг боласига тикилиб үтирди. Сүнг түрт юз лайлак билан келиб, ўша лайлак модасини тумшук ва чангал билан уриб ўлдирдилар. Ва мардлар гайрати мардона бўлмоги керак, хусусан подшохлар гайрати обрўйу номус ҳимоясида бир куш гайратидан камрок бўлмайди. Ва Муҳаммад алайхиссалом суннати тақозосига тадбир ва кенгаш солишидан ғофил бўлмагин ва хушёрлик ва эҳтиёт шевасин тарқ этмагин.

Чунки ҳар бир подшоҳ бу маънидан ғофил бўлса, салтанати заволга юз тутади ва хўрлик балосига қолади. Ва Йул бошловчи Халифалар суннатида барқарор бўлмоқ керак. Ҳиммат ва шижоат ва саховат расмини ўзингга шиор этасан ва ҳар ишда ҳиммат ва зътибор кўрсатасан. Ва тошбака диккат-зътиборидан ўрнак олгинким, диккат назари билан тухумини ёриб, бола очади. Ҳидоят йўлига юрувчиларга саломлар бўлсин».

Ва яна худо тўғри йўлга бошлиган ва қўллаганигининг далили шуки, Таваккал Баҳодир минг отлик билан менинг устимга бостириб келган пайтда, мен олтмиш отлик билан унинг устидан зафар қозондим ва унинг минг кишисини ўлдирдим. У мен билан уруши қилганидан пушаймон бўлди. Мен Ҳурносон тарафга равона бўлдим. Шунда йўл бошида турган Алибек Жоникурбоний, мени қамокқа солиб, ўлдиришга қасд килди. Мени икки ой муддат ичи тўла бурга бўлган бир қамокда тутқунликда сақлади. Ҳудонинг ўзи қўллабз, килич тутиб ана шу зиндандан чиқдим ва зинданбонлардан хеч кимса менинг йўлимни тўсолмадилар. То Алибекнинг уйигача шундай бордим. Зинданбонлар кетимдан «Қочти, қочти» деб қичкириб келардилар. Мен қочишни ўзимга ор билиб, Алибекнинг олдига бордим. Шунда Алибек шарманда бўлиб, узр сўради. Унинг акаси Муҳаммад Жоникурбонийнинг элчиси Ҳурносондан мен учун исча эгарланган от, тилла буюм ва ярок келтирди. Ва Алибекка хат ёзиб: «Амир Темур сизнинг вилоятингизга келур бўлса, унинг иззатикромин бажо келтургайсиз», - деб тайинлаган эди.

Ва Алибек ўта курумсок одам эли, акаси мен учун юборган нарсалардан улуш талаб килди ва мен унга тамаъ қилган улушидан кўпроқ бердим.

Ва яна салтанатта етишими башорат қилғанлардан бири, бир мунажжим эди. У менинг ёнимга келиб толеъим жадвалини тузди ва ҳукм этдики: «Жадий (Тог эчкиси) - толеъ ва Зұхал (Сатурн) - соғиби толеъ ўз давлатхонасидадир. Сенинг давлату салтанат ва иқболинг мангулиги ва барқарорлиги ва камолинг давомига дәлолат қилади. Ва Зұхал ўз шарафига етишгач, барча подшохларга ғолиб бұласан. Ва ҳар кимса сенга келса, барча талаб-мақсадлари ҳосил бұлади. Ва Қуёш түртпинчи хонададирки, Ҳамал буржидир ва Қүёшнинг шираф уйидир. Қуёш ўша буржса ўрнашганды тихт устиги ўрнашиб, мамлакатларга равнақ ва динга ривож берасан ва бутхоналарни ёқиб, бутларни синдурасан. Ва форзандларингдан күп киши жағонда шаҳриёр ва номдор бұладылар. Үлар ҳам шариатнинг тұғри іўлини түтишлари керак, токи үларнинг салтанаты давомти ва барқарор бұлсан. Ва агар шариатта хилоп үш тұтсалар ва динни күчайтиришидан құл ювсалар, салтанатларининг биполари құлаб, вайрон бұлади».

Ва башоратлардан бири шу здикі, отам Амир Тарагай мен-га хабар бердики: «Мен бир кеча туши күрсам, шаклу шамом-йили арабға ўшыған бир нуроний кимса құлымға бир ялонғоч қилич берди ва мен у қилични ҳавода сермадим. Шунда упинг шуғынды барча ерларни ёритди. Уиқудан уйғонғач, шаііх Күлөл хизматларига бориб, тушумдаги воқеани арз эттім. Үлар шундай таъбир эттилар: «Тангри таоло сенға бир ўғыл берурким, ер юзин қилич зарби билан тобе құлур ва ис-лом ағыл үндап наф топарлар ва ислом динига күссват ва ривож беріб, күфру бидъат ва тубанлыкни даф этар».

Шундай қилиб сана етти юз ўттис олты (736/1336)да Тангри таоло сени каромат қилиб она қорнидан тириклик майдоннiga чикарди. Уә Ҳазрат шунда бу оятни тиловат қилдилар: «Аминтум ман фиссамағи ан йаҳсиға бикум ул-арзи фа иза ҳия тамур» («Осмоннинг сезни ер ютиши амридан құрқмайсизларми, ҳолбуки у ларзага келиб турибди»). Ва бу-юрдиларки: «Биз бу ўғлонга Темур от күйдик». «Темур» сұзы мұносабати билан фотиха үқидилар».

Яна салтанат мансабига эришувимга бўлган башоратлардан бири шу здикі, тушимда курдимки, мухит уммони (океан) сохилида ўтирибман, қўлимда бир узун ва энли тўр бор.

Ов қилиш учун уни уммонга ёйибдурман. Ва у түр уммонни бугунлай қоплади ва у уммондаги наҳангдан балиқача ҳамма жонвар ва ҳайвонот менинг түримга кирдилар. Ва бу тушумни таъбирини бундай қилдилар: «*Бу түр сенинг салтанатинг навосидирким, ер юзининг барча инсонлар яшайдиган соҳасига ёйлиб, барча халқ сенга тобеъ бўлур*».

Ва яна салтанатимга топган башоратлардан бири бу эдики, Рум мамлакатини эгаллашта отландим. Шунда Ҳазрати Ҳожа Аҳмад Яссавийнинг китобларидан фол олдим ва у китобдан бир рубоий фолимга чиқди ва мен у рубоийни хотиримда сақладим ва Қайсар лашкарига юзма-юз бўлган чоқда, ўша рубоийни етмиш марта такрор ўқидим ва фатҳ этдим.

[Рубоий:

*Ялдо кечани шамъи шабистон этган,  
Бир лаҳзада оламни гулестон этган.*

*Бас, мушиқи ишим тушубтур, осон этгил.  
Эй, барчани мушикулини осон этган.]*

Ва яна салтанатимга бўлган башоратлардан бири бу эдики, Шайх Кулолнинг хизматларига назр қилгани йигирма кўй олиб бордим. Амир Кулолнинг назарлари менга тушгач, буюрдиларки: «*Сенинг юзингда салтанат асарини кўрарман*». Сўнг ўйга чўмди, кейин бошларини кўтариб дедилар: «*Сенга ва авлодингги подшоҳлик муборак бўлсин. Ва оламда подшоҳлигинг муддати кўп бўлгусидир, то дин ва шариатга ривож бергайсан*».

Ул Ҳазратнинг хизматларидан чиққач, салтанат ишларига бел боғладим Шундай қилиб, кундан-кунга салтанатим улуғлиги ортиб, бундай мартабаларга эришдим.

Ва яна Оллоҳ қўллаганлигининг далили бу эдики, Менгли Нуғай ва Амир Абу Саид Ёбгу сардорлигидаги олти минг отлиқ Жета (мўғул) лашкари менинг устимга бостириб келдилар. Ва менинг кошимда минг отлиқдан ортиқ киши йўқ эди. Жета амирлари ўз лашкарини сафга тузгач, мен ҳам уларнинг қархисида ўз отликларимни уч гуруҳ қилиб саф туздим. Менинг лашкарам душман лашкарининг кўплигини кўриб саросимага тушди. Шу аснода Амир Жокуй Барлос ва

Ики Темур ва Амир Мусо ва Амир Сулаймон минг отлик билан пайдо бўлиб, келиб менга кўшилдилар ва шундан сўнг менинг лашкарим кўнгли тинчиди. Ва мен ҳам худонинг ўзи кўллаганини билиб, урушга киришдим ва Жета лашкари устидан зафар қозондим.

Яна Оллоҳ кўллаганлиги а далиллардан бири бу эдики, Тўғлук Темурхоннинг ўғли Илёсхожа ўттиз минг отлик билан Тошкўприкдан Чилобгача чодир курдилар. Ва менинг лашкарим олти мингдан ортиқ эмас эди. Ўз лашкаримни дилига кўркув тушган эди ва урушга жасорати етмас эди.

Мен қанча далда бермай, урушга кўнгли чопмас эди. Шунда Хуросон ва Термиз саййидларидан бир жамоа келиб, мардона сўзлар айтдилар. Сўнг уларнинг сўзларидан лашкарим далда топиб, урушга чоғландилар. Шундан сўнг уруш килиб, ғалаба қозондим.

Ва яна мени кўллаган башоратлардан бири бу эдики, Илёсхожанинг лашкарига яқинлашиб, ўз кўшинларимни тартибга келтирган пайтимда, қурол-аслаҳаларимни такиб урушга кириш ва чиқиши хаёлимдан ўтказдим. Намоз пайти келиб намоз ўқидим. Шундан сўнг саждагоҳда бироз ушландим. Шу пайт кимдир: «Эй Темур, нусрат сенгадур», - деганини эшиздим. Ва уйкудан уйғониб боксам, ҳеч кимсани кўрмадим. Ва мулозим, хизматкорлардан ҳам қошимда бир киши йўқ эди. Билдимки, бу овоз менга эшитилган оллоҳ фариштасининг овози эди. Шундан сўнг кўнглим бўшашиб, Тангри таолога шукр саждасин бажо келтирдим.

Ва яна салтанатимни Оллоҳ кўллаган ходисалардан бири шу эдики, Форс мамлакатини эгаллашга йўл олган пайтимда, Шоҳ Мансур беш минг отлик билан менга қарши туриб менга яқинлашибди. Ва мен найза талаб килдим. Найзадорлар ёнимда йўқ экан, шу пайт бир найзадор ёнимда пайдо бўлди. Унинг кўриниши арабга ўҳшар эди ва у кимса найзасини менга бериб: «Аллоҳумма алсур Темуршоҳ», яъни «Бори худоё, Темуршоҳга галаба келтиргин!» - деди. Шу онда Шоҳ Мансур отдан йикилиб. Шоҳруҳ унинг тепасига етиб келди. Мен шундан кейин отлик арабни кўрмадим, Форс мамлакати таслим бўлди.

Ва мени кўллаб-куватлаган башоратлардан бири бу эдики, Балх волийси бўлган Малик Ҳусайндан Балх ва Ҳисор ва

Шодмон ва Бадахшон вилоятларини олган чоғимда пири  
шу мазмунда нома битди: «*Голиблар отаси Темуршоҳга ба-  
шорат бўлсинки Тангри таоло Ҳуросоннисенга берди. У ви-  
лоят аҳшини Султон Ғиёсуддиннинг зулму жабридан қут-  
қаргин*».

Бу башоратдан ғуурланиб, Ҳуросонни таслим килишга  
йўл олдим. *Сана етти юз саксон уч* (783/1381-1382)да  
Жайхун сувидан ўтиб, Малик Ғиёсуддинни хазиналар ва  
лафиналари билан таслим қилдим.

Мени Оллохнинг ўзи қўллаганларидан яна бири шу эдики,  
Хинд мамлакатини таслим қилганимда Сайид Муҳаммад  
Ғисудароз (узун соч) менинг қошимга келиб башорат берди-  
ки: «*Амир Сайид Али Ҳамадоний менга хабар бердиларким,  
Амир Соҳибқиронга башорат еткурғилким, унга Ҳазрати  
Хизр кўмак ва мадад бергувчиdir, то улким Ҳинд мамлака-  
тида Ҳазрати Муҳаммад алаиҳиссалом динига ривож бер-  
гай*».

Ва мен Ҳазрати Амир Сайид Алига мурид бўлганимда ка-  
роматларини кўрган эдим. Ва Самарканда олдимга келган-  
ларида мендин бир номулойим сўз эшишиб, кўнгли хира  
бўлган эди. Ва мен улардан узр сўрамадим. Ул азиз Самар-  
кандан чиқиб кетгач, мендан дили ранжимаган бўлмасайди,  
деб кўнглим нотинч эди. Шундай бир ҳолда уларнинг нома-  
ларини менга етказдилар. Билдимки ушбу тоифа кўнглида  
рағжиш бўлмас экан. Кўнгилдаги хижиллик тарқади.

Ва бу башорат менга етишгач, у диёрнинг бутхоналарини  
вайрон килдим. Хинд бутхоналаридан энг улкани Кавкал  
бутхонасини вайрон қилганимда, у бутхонадаги бутларни ўз  
кўлим билан синдиредим. Бу бутхона браҳманлари уларнинг  
худоларини парчаламаслигим учун неча ботмон тилла совға  
келтирдилар ва ноумид бўлгач, худоларининг кароматлари-  
дан сўз очдилар. Ва мен «*сизларнинг худоларинизни парча-  
лайман, агар уларнинг кароматлари бўлса, қайтадан ўзлари-  
ни тузатгайлар*», - дедим.

Ва бу бутхонада одамга ўҳшаш икки ҳайкал кўрдим. Улар-  
ни синдира бошладим. Шунда браҳманлар ялинитига тушди-  
лар, уларни синдириш оқибати ёмон бўлишини айтдилар. Ва  
бу ҳайкалларнинг бир қанча кароматлари бор, кароматлари-  
дан бири шуки, унинг бир минг олти юз хотини бор эди. Ва

бир кечада ҳаммаси билан алоқада бўларди, - дедилар.

Мен уларга: «Шайтон ҳам бир кечада неча минг кишининг ёнига кириб, уларни шайтонларатади. Бас, шундай экан, бу кароматларнинг ҳеч қапча қурби йўқ», - дедим.

Мени Оллоҳнинг ўзи қўллашининг далилларидан бири шу эдики, ҳар иш килсан вақти-соати келганинг келмаганига қарамадим ва Тангри таолога таваккал килиб, бу ишга киришдим. Негаки бир мунажжим вақти-соатини белгилаб, яхши соати деганида тескариси юз берганди.

Башоратлардан бири шу эдики, ҳар бир мушкул ишга дуч келганимда, унинг яхши-ёмон томонини тушимда аён берарди. Шундай бўлдики, Тўғлук Темурхон Мовароуннахрға лашкар чеккан пайтда, унинг олдига боришига иккиландим, бир хаёлим «бор» дерди, бири «борма» дерди. Шунда туш кўрсам, бир шоҳин (қарчиғай) учиб келиб қўлимга кўнди ва кўп сигирлар ҳам менинг олдимга келишибди. Уларнинг орасига бир шер тушиб қолган эди, мен шерни тутиб бўйнига бўйинбоғ солдим.

Бу кўрган тушимни шундай таъбир этишди: «*Қўлингга қўнган ўша шоҳин – давлат ва мамлакатдир. Ва у сигирлар мўлтқўл неъматдир. Ва у шер бир султондир, унга бўйинбог таққан экансан, у сенга тобеъ бўлур*». Ва мен ушбу тушдан башорат топдим. Сунг бориб Тўғлук Темурхонни кўрдим. У менга тобеъ бўлди.

Амир Қазағоннинг набираси Амир Ҳусайн давлатни кўлга киритиш тамаси билан отасини ўрнини эгаллап ниятида, Кобулдан менинг олдимга келди. Мен унга бир неча марта ёрдам бердим. У бир неча марта мен билан аҳдлашиб, аҳдини бузиб, менинг үлдиришга қасд қилди. Мен ҳамиша унга эҳсон ва яхшилик килдим. Унинг синглиси менинг оиласи бўлгани учун унинг айтган-қилганларини эшифтмаган ва кўрмаган бўлиб унга ёрдам кўрсатар эдим. Ва кўп саъий-ҳаракатлардан кейин, уни Балх мамлакатига ҳоким қилдим. Бироз куч тўплагач, менинг устимга лашкар тортиб, қатлим қасдида бўлди. Ва мен кариндош-уругчилик алоқалари муроҳазасини килиб, қадимги ва янги тутинган кариндошларим билан тинчлик битими тузишни ўладим. Ва бу ўй ҳар доим дилимда эди. Лекин унинг ўзи ўта юраги тор, ҳасадгўй, кин сакловчи, феъли тез айнийдиган, тап тортмай кон тўкувчи

баджахл ва тили аччик киппى эди. У билан тинчликда яшай ва муроса қилай десам, унга ишонч ва эътибор колмаган эди. У билан уруш қилишга ҳам кўнглим бўлмасди.

Ва бир марта туш кўрдимки, бир боғ ичига кирибман, у боғда бир иморат кўрдим, унинг ичидан кизил тўн кийган Амир Ҳусайнга ўхшаш бир киши чиқди ва бир кумуш дастурхонга бир қилич қўйиб, менга олиб келди. Қарасам бир тўда пашша ва ари унга хужум қиляпти.

Ва бу кўрган тушимнинг таъбирини шундай қилишди: Амир Ҳусайн бўлиб кўринган киши, пайгамбар алайҳисса-ломнинг фарзандлари ва кумуш дастурхон – мулкдир. Қилич билан Амир Ҳусайннинг мулкини олурсан ва унинг ўзи ҳам сенинг лашкаринг қўлида ўлгусидир. Ва сенга Ҳазрати имом Ҳусайн (*Оллоҳ ундан рози бўлсин*) куббасининг зиёрати насиб бўлур.

Гаъбирчилар айтганидай бўлди ҳам. Самарқанддан чиқиб Хоразм тарафга юриш килган пайтимда, уйқуда ўзимни яланғоч кўрдим. Арконга бир қора хирқа боғлаган эмишман. Кўп пашша ва чивинлар менга хужум килган эмиш ва мен у пашша ва чивинларни бир нарса билан кувар эмишман. Уйқудан уйгонгач, ўзимни ғамгин ҳолатда кўрдим.

Шу манзилда Таваккал Баҳодир минг отлик билан менинг устимга бостириб келди. Ва мен тушумни шундай таъбир этдим: Ялонғочлик – ғам-алам, хирқа – андуҳ ва чивинлар келмоги, Таваккал Баҳодирнинг лашкарини мағлуб бўлишидир. Шунда олтмиш отлиғим билан Таваккал Баҳодирнинг минг отлик лашкарига рўпара келиб, уни мағлуб қилдим.

Балх устига лашкар тортган пайтимда тушимда кўрсам, бир киши келиб қўлимга бир хасса берди ва бир қарчигай ҳам қўлимга кўнди. Бир неча куннинг ичидаги Балх теварагига этиб бордим ва Амир Ҳусайн қаршимда сафларини тузди. Бир пайт Амир Абул Барака Амир Ҳусайндан кўнгли қолиб, Амир Ҳусайннинг байроғини менга тортиқ килди. Шундан сўнг Амир Ҳусайннинг ўзини ҳам Балх минорасидан тутиб, менинг олдимга келтирдилар.

Форс мамлакатига лашкар тортганимда уйқуда кўрсам, менинг бир канча шиша шароб келтирибдилар. Ва мен қиличим билан ўша шишаларни синдиридим ва менинг қиличимда тиги кайрилган жойлар пайдо бўлди.

Бу тушумни бундай таъбир қилдим: Менга бир ёмон кўз тегади. Ва бу воқеа шундай рўй бердики, Шоҳ Мансур беш минг отлиқ билан ўзи менинг олдимга етиб келди. Сўнг худо қўллаб, мағлуб ва поймол бўлди.

Ва менинг лашкарим Дашиби Қипчокда оғир ахволда эдилар ва Тўқтамишон менинг эҳсонимни эсдан чикарди, уни Дашиби Қипчокга олиб бориб подшоҳ қилган эдим, у қилган яхшилигимдан кўз юмиб, оз фурсатда менинг устимга лашкар тортиб келди. Унинг лашкари ёмғир томчисидан ҳам кўпроқ эди.

Мен унга нома ёздим: «Ҳар кимса ўзига яхшилик қилган одамга ёмонлик қўлса, ҳаромдан тугулган бўлади ва бундай киши Элбурс тоги бўлса ҳам тезда ийқалиб юзтубан бўлади. Ва мен сенга яхшилик қилиб, Ўрусхондан қочиб келганингда ундан қутқарив, сени Дашиби Қипчокқа подиоҳ қўидим. Мен қилган яхшилик қадрини билмай устумга бостириб келдингми, ўз феъл ва ниятингга гирифтор бўласан».

Бу номани жўнатгач, кечаси туш кўрсам, шарқ тарафдан күёш чиқиб бошим устига келди. Шундан сўнг ўз-ўзидан нурсизланиб шарқда ботди.

Ва бу тушни шундай таъбир эттилар: «У қўёши Тўқтамишондирки, сенга рўпара бўлиб, маглуб бўлади, пат қанотидан айрилиб қочиб, келган ўлига қайтади».

Ва бу шундай бўлдики, Тўқтамишон сон-саноқсиз лашкар билан менинг қаршимда саф тузган эди, менинг лашкарим ҳам оч шер янглиғ Тўқтамишон лашкарини ўзига ем қилдилар ва Тўқтамишон Жўжи улусини талон қилишга бериб, узангиси синган ва жилови узилган ҳолда кочиб кетди ва мен зафарёр бўлиб қайтдим.

Ирок мамлакатини эгаллашга отланган вақтимда тушумда кўрдимки, бир водийга кирган эмишман ва бу водийда туюк ёпи эмиш, тўсатдан шу тяяларнинг орасига кирдим ва у тяялар менинг атрофимга йигиздилар.

Ироки араб мамлакатига кирган пайтимда, у дисерда яшайдиганлардан Бани Холид ва Бани Раста каби қабилалар менинг даргоҳимга кўп совға-саломлар олиб келдилар ва Ироки араб менга тобе бўлди.

Хиндистон устига лашкар тортган пайтимда, менинг амирларим Хиндистонни таслим этишимга қарши чиккан эдилар.

Гүшумда күрсам бир чорбокқа кирибман. Бир жамоа одамлар унда ниҳол ўтқизиш ва уруғ экиш билан машғул экан. Аңглашимча, бу чорбоғ менинг мулким экан. Унда каттакичик дараҳатлар күп, у дараҳатларда қушлар уя қурган эдилар. Қарасам қўлимда бир палахмон бор. Ўша палахмондан тош отиб қушларнинг қўйган уяларини буздим ва у қушларнинг ҳаммасини ерга кулатдим.

Ва шундай бўлдики, Ҳиндистон мамлакатига кирганимда, у диёрнинг подшоҳларини қочирдим, бутхоналарини бузиб, у мамлакатни ўзимга таслим қилдим.

Шом устига черик чеккан пайтимда Миср, Шом ва Истамбул лашкари ҳаммаси жам бўлиб келган эдилар. Менинг амирларим қошимга келиб: «Уч лашкар билан урушмоқ, уч лашкар қўшиналарини қочиришига анча куч керакдир». - дедилар. Ва мен намоз ўқишга машғул бўлиб, уйқуга кетдим. Тушимда кўрсам бир токқа чиқсан, оқ-қора булувлар, гард-ғуборлар атрофимни ўраб олган эмиш. Шу пайт кўрдимки, ёмгир ёғиб, ўша гард-ғуборни босди.

Бу тушумни уламо шундай таъбир қилди: «*Ўша тоз Шом диёридир, оқ ва қора булат Миср ва Шом лашкаридир, гард-ғубор уларнинг исёнидир ва ёмгир қатралари Амир лашкаридирки. Улар Миср ва Шом қўшиналарини қаҳрига олиб, исён ва гавголарини бостиради*».

Шундан сўнг мен ўша кўрган тушумга суюниб, юлдузлар каби лашкарим билан ой каби Шом диёрини таслим килишга жўнадим. Сўнг Миср ва Шом лашкарини қочириб, зафар қозониб, голиб бўлиб қайтдим.

Ва Қайсар тўрт юз минг отлик билан менга рўпара бўлганда, менинг қошимдаги лашкарим юз мингдан ошмасди. Румийлар ғулгуласи ортгач, Пайғамбар алайҳиссаломга бор вужудим билан берилиб, саловот айтишга машғул бўлдим.

Кечаси туш кўрсам, бир саҳродағи йўлда кетиб боряпман ва бу саҳронинг теварак-атрофида тумоноят одам экан. Шу алфозда бир ёғдуға назарим тушдики, унинг этаги осмонга туташтанди. Ўша ёғду тарафга юз тутдим. Шу пайт кўрдимки, йўл бошида уч тўда кул тушган экан. Менинг олдимда беш кимса кўл тутишиб боришмоқда. Уларни кўрганда кўнглимда бир ханғ пайдо бўлди. Шу пайт бир кимса, «ӯша

*Пайғамбар алайҳиссаломдир, сен билан бирга борурлар»,* деганини эшитдим. Ва мен төзөрөк юриб, ул Ҳазрат алайҳиссаломга салом бердим. Шунда улар ўша түрт кишининг бирини қулига ишорат қилди, у киши қўлини узатди. Сўнг уни тутдим, жуда узун экан.

Үйқудан уйғонгач, ўзимни ўта шавкатли ва буюк ҳис киздим, кўнглим тинчиди. Эртаси куни Қайсар билан рўпара бўлдим, шу туш таъсирида Қайсар билан Рум мамлакати менга таслим бўлиши мұяссар бўлди. Мана шу ғалаба учун кўп ранж ва азоб-укубат чеккан ўша онларда ўзимга-ўзим дедим.

**Байт:**

*Мардлик ва қудрат билан олами эгалмадик,  
Ва лекин олиб кетолмадик ўз билан гўрга.*

Ўзимга дедимки, менинг давлат ва салтанатимга бир кузатувчи ва номи чиккан бир шон-шавкатли киши керакдир, то давлат ва салтанатим то абад қолсин ва шухратим овозасини дунё ахли орасида, балки тўқиз қават фазога таратсин. Токи у Ҳазрати Рисолатпаноҳ саллаллаҳу алайҳи васалламдан тушимда эшитдим: менинг авлодимдан етмиш киши ер юзида ҳоким бўлади. Лекин мана шу ўйлар хаёлимни чулгаб юрган пайтда, яна бир уйқуда курдимки, шоҳ ва япроқлари кўп дараҳт фалакка бўй чўзиб, ер юзига соя солган экан, ўша дараҳт шоҳ ва баргларидан турли мевалар ёмғир катралари каби тўкилиб, чумоли ва чигиртка, пашина, қушлар, итлар ва бўрилар, шоколлар, тулки ва чивинлар ўша дараҳтнинг атрофида юрган эмиш ва меваларни ейишга хужум килиб, бир-бирларини тумшуғи ва чангали билан уришармиш. Мен ўша дараҳт меваларидан тотиб кўрдим, қарасам баъзиси ширин, баъзи тахир, баъзи аччик ва баъзиси bemaza эди. Шу пайт менга айтадики, бу дараҳт сенсан ва шоҳу барги сенинг шоҳу баргингдир.

Үйқудан уйғонгач, тушимни бундай таъбир қилишди: у дараҳт ўзинг, шоҳу барги сенинг авлодларингдир. Сенинг салтанатингга посбон бўладилар ва барча одамлар нафъ олади.

Бир кун ўтмиш холатларимдан афсусланган ва ғамгин, ўтмиш феъл ва сўзларимдан пушаймон ва надомат чекиб ўтирган эдим. Уйқуда курдимки, хас-ҳашак тўлиб-тошган бир

саҳрода ўтирганишман. Девлар ва тўнгизлар, итлар, қабих кўринишили эркак-хотинлар, илон ва чиён, ваҳший ҳайвонлар ва қуслар, чумоли ва чигирткалар жуда кўп эди, ҳаммаси менинг олдимга келдилаар ва мен улардан кўркиб уйғондим.

Сўнг бу воқеани пиrimга ёзиб юбордим. Жавобида пиrim шундай деб ёзибди: «*Уибу уйқуда курғанциаринг, ўзинг қилган ҳамма ималлар ва адодатинг сувратлариидир, яъни қилсан зулм, газиб, шаҳват ва ҳалоийиққа берган озорларинг ва ҳирс, баҳиллик, ҳасад, тақаббурлик ва шунга ўхши ёмон феълларингни сувратлариидирки, сенга кўрунур.* Энди уларни яхши хулиққа ўзгартириб, ёмон феълларингдан тавба қилмогинг керак».

Ва мен пиrim буйруғига амал қилиб, намоз ва рўза ва яхши амалларга машғул бўлдим.

Ва ҳалк озори, кин сақлаш ва ҳасад қилмоқдан воз кечдим. Шундан сўнг канча вактлар ўтиб туш кўрдим. Бир боғ ичига кирган эмишман ва у боли ичи тўла гулу сабза ва райхон, мевали дарахтлар ва окар сувлар ва хушовоз йигитлар ва хушрўй ўғлонлар ва қизлар эдиларки, уларнинг тамошосидан жуда кўп лаззат ва таърифга сиғмас хурсандчилик ҳосил бўлди.

Шунда ушбу воқеа тафсилотини ҳам пиrimга ёзиб юбодим. Ва пиrim унинг жавобида ёзибдилар: «*Тангри таоюрга шукр этгашки, яхши амалларингни сувратларини курсатиштилар. Ва билгил Ҳазрати Мұхаммад Мустафо саллатоху алайхи васаллам буюрибдиларки, ҳар одам билан бир шайтон бордир ва ҳар кишига вожибдорки Пайғамбар саллатоху алайхи васаллам изидан бориб, ўз шайтонини юзтубан қилиб, мағлуб этгай ва нағснинг шаҳват ва газаб каби сифатларини йўқотиб яхши хулиқ ва мақтovли сифатларини ўзига шиорэтгай, то изалий саодатга эришигай. Кимики Оллоҳга бўйсунса саломлар бўлсин*».

Хитой кофиirlарининг жиходига отланиб, Самарқанддан чиккан чоғимда бу кофиirlарнинг ғазотига умрим вафо қиласмикин. қиммасмикин деган кўнглимла иккиланиш бор эди. Ўшанда уйқуда туш кўрдим, бир улкан даражтнинг шоҳида ўтирибман. Шу пайт дараҳтнинг шоҳи синиб ерга йиқилдим. Ва яна шу холда кўрлимки, сув тўла кўзани бошимга кўйиб, бир йўлда кетаётгани эканман. Ногоҳ у кўза бошим-

дан тушиб, синиб, суви тўкилди. Шу он кўрдимки, отам Амир Тарагай менинг қўлимдан тутиб, бир ўтлокка кирди ва мени ўша ўтлокда қўйиб ўзи кетди.

Бу кўрган тушимни таъбирчилар хар қайси ўзича таъбир қилди. Лекин уларнинг таъбирлари кўнглимга маъкул бўлмади. Худойи таоло тақдирига рози бўлдим.

Яна ўша пайтларда туш кўрдимки, бир сахрода танҳо қолибман ва бу сахро ўта хавфли ва даҳшатли эди. Ўзимни бу ҳолат, гурбатда кўриб, бир оз йўл юрдим. Сўнг бир ўтлокка етиб келдим. Бу ўтлокда бир боғ кўрдим ва бу бокка кириб тил билан таърифлаб бўлмайдиган роҳат-фарогат топдим. Ва бу боғда неча турлик дараҳтлар ва анҳор, неча алвои чаман варайхонлар билан безалган эди. Унда сайроқи кушларнинг саноғи йўқ эди. Унинг ўртасида бир олий қаср кўрдим. Бу қаср ичидаги улкан салобатли киши курсида ўтирган экан. У кишининг ўнг ва чапида тўда-тўда кишилар тик туришини, қўлларига қоғоз-қалам тутган ва олдиларида бир дафттар очик турганмиш. Шу пайт қулогимга эшитилдики, бу дафттарларга ҳалойикнинг умри ва ризқининг ҳисобини ёзарканлар. Ўз ризқим ва умримнинг муддатини сўрашини ўйладим. Дархол уйғондим.

Форс мамлакатини эгаллаган чогимда, Шоҳ Мансурнинг кўллаб-куватлаши билан иттифоқлашиб, мен қўйган ҳокими ни ўлдириган эдилар, уларни ўлдиришга хукм қилдим. Шунда Сайид Абу Исҳок менинг олдимга келиб Шероз ахлини гуноҳини сўраб дедилар: «Шерозийларни қатли ом этмагни!» Мен Сайиднинг сўзига рози бўймай қайтардим. Шунда Ҳазрати Расули Акрам саллаллоҳу алаїҳи вассалламни тушимда кўрдим, менга итоб билан дедиларки: «Менинг фарзандим сенинг даргоҳининг келиб, бир жамоат гуноҳкорларнинг гуноҳларига шафоат тилади, нечук унинг шафоатини қабул этмадиг, то мен сени Тангри таоло даргоҳида шафоат қилгай эрдим».

Уйкудан уйғонишим билан калта ўйлаб иш килганимни англаб, ўша Сайиднинг манзилига бордим ва узр сўраб унинг шафоатини қабул этдим. Шероз ахлига вазифа бериб, муҳлисларимдан Ҳожа Маҳдумига Мехрижон мавзеини бердим. У билан ога-инирадай гаплашиб, ўзимга ҳеч бир сайиднинг сўзини рад қилмайман, деб сўз бердим. Ул жамоанинг

эъзозу эҳтиромида харакат қилиб, иззатларини орттирдим. Ва бу воқеани пиrimга ёзib юбордим. Шунда у ёзган хатимнинг ҳошиясига ёзибдилар: «*Салламакум аллоҳ ила ма та-манноҳу биҳаққи Мұхаммад ва олиҳи ва ман волоҳу* (Оллоҳ Мұхаммад ва унинг хонадони ҳаққига истаганларича алқовлар бўлсин ва у валиънематдир). Башорат бўлсинким, сенга Мұхаммад шафоати ва Тангри таоло қўллаши ёр булити, бу тоифани Ҳудо учун дуст тутуб, таъзим ва эҳтиромин бажо келтирмак керакдир. Ва кўрмасмусанким, беш вақт намозда уларни олқишишламай ўқий олмогунгидир. Дунё ва охират хурсандчилгидин умидвор бўлсанг, уларнинг ҳурматларини зиёда эткин, кимки Оллоҳ йўлида юргувчи бўлса саломлар бўлсин».

Ва яна тўғри йўлга бошловчи, салтанатим мададкори, ўзимда илоҳий нур ва субҳоний шон-шавкат асарини топган башоратлардан бири шу эдики, оғам Амир Тарагай менга хабар бердики, ҳали сен вужуд майдонига келмаган эдингки, тушимда курдим, қўлимда бир килични сермарман. У қиличдан ёруғ нур тарқалур. Ва шунда олдимдан фаввора каби сув сачраб чиқиб, ерга қатра-қатра тушадир.

Бу тушимни ҳокимлар бундай таъбир килишдики, сени пушти камарингдан бир ўғил вужудга келади, унинг киличи оламгир бўлади ва ер юзини булғанчдан тозалаб, шаҳарларни маъмур ва обод қилади ва олам ахли ундан нафъ оладилар ва унинг наслу авлоди кўп бўлади.

Ва ман бу тушдан гўла башорат топиб билдимки, тақдир лавҳида подшоҳлик менинг отимга муқаррар бўлади ва олдимга ҳар қандай яхшилик ва ёмонлик келадиган бўлса унга каноат этиб, Тангри таоло тақдирига рози бўлиб, салтанат мартабасига етишмокқа умидвор бўлдим.

Шунда менга яна бир бор ҳикоя килдики, сени ақиқа куни Шайх Шамсуддин хонақоҳига элтганимда Шайх бу оятни тиловат килди: «*Аминтум ман фис-самаъи ан йахсифа би-кум ул-арда фаиза ҳия тамур*». Ҳедиларки: «*Ушбу саодатли яхши фирзандга Темур от қўйдими*».

Ва мен бу ҳикоядан башорат топиб, Тангри таолога шукр этдимки, менинг отимни Куръондан олиб Темур қўйган экаилар. Бу қиссани эшитганимдан бери «*Таборакаллазий биядиҳ ил-мулку*» (*«Қўлида мулк бўлган оллоҳга муборак бўл-*

син») сурасининг тиловатига машғул бўлдим ва бу сурани эгалладим. Шунда *етти ёшга киргандим*. (743/1342-1343).



Сўнг отам Амир Тарагай кўлимдан тутиб мактабхонага элтиб, Мулло Алиякни менга муаллим килди. Мулло Алияк таълим тахтасига абжад ҳарфларини битиб ёнимга кўйди.

Бу тахтага назар соганимда унда ёзилган ҳарфлар бўстон сарви янглиғ куриниб, унинг тамошосидан лаззати тамом ҳосил бўлди.

Ва *тўққиз ёшга* (745/1344-1345) қадам қўйдим. Шундай қилиб менга таълим бердилар ва мен намозда «*Va ш-шамс* («Күёш») сурасини кироат ҳилар эдим.

3.Ф. Мактабда ўтирганимда табъим болаларга халифалик килишни тиларди. Ва мажлисга кирсам албатта мажлис тўрида бўлардим ва кўп вакт тиз чўкиб ўтириардим. Шунда бир мажлисда қандай ўтириш яхшироқ устида гап кетди. Ҳар ким ўзича сўз айтди ва мен барча ўтиришлардан яхшироғи икки тиззага чўккалақ ўтиришдир, - дедим. Ҳазрати Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам амр этибдирларки, намозда икки тиззада ўтиргайлар. Мажлис аҳли менга таҳсин айтдилар.

Мактабхонадан чиқиб болалар билан ўйин ўйнаганда, ўзимни уларга амир этдим. Ўзим бир баландлик устида туриб, ўғлонларни икки гурухга бўлиб уруштиардим ва ҳар гурух мағлуб бўлса, унга мадад бердим.

Ва *ўн икки ёшга кирганимда* (748/1347-1348) улгайиш ва донолик асарини ўзимда кўрдим, ҳар кимса кошимга келиб-кетса, у билан сухбатлашдим ва ҳар бирини ўзини мартабасига қараб муомала қилдим. Ўша пайтларда мени яхши феълийик тўрт сухбатдошим бор эди. Оқшом ва кундуз бирга бўлар эдик.

**Мени Тангри таоло подшоҳликка етказган пайтда,** ўзим билан бирга ўйнаган оғайниларимни бошини силадим ва туз ҳакини унутмасликларини билиб, сухбатларини риоя

ва туз хақини унугтасликларини билиб, сухбатларини риоя килдим. Ва ҳар бирини бир лойик мартабага тайинладим.

Танғри таоло менга мадад бердики, етти ёшимдан то етмиш беш ёшга етгунча таомни танҳо емадим ва танҳо йўл юрмадим. Кийган ҳар тўнимни эгнимдан ечгач, қайтиб эгнимга киймадим ва ҳамроҳларимга бердим ва йўлдошларим мендан нима сўраса «яхши, бўлади» деб уларга бердим.

Бир кун бир кўй сўйдим. Буйргумга биноан уни етти улушга бўлдилар ва унинг ҳар бир улушини бир ўртоғумга бериб айтдимки, ҳар кайсингиз бу гўштдан таом пишириб

енглар ва ҳар ким этганимни қилмаса товонини берур. Уларнинг ҳаммаси пишириб едилар.

*Ўн тўрт ёшга қадам қўйганимда* (750/1349-1350) ... Мовароуннаҳр ярамасларидан Муллоча деган бир кимса ўзини толиби илм либосида кўрсатиб, менга ошно бўлди... каттиқ кўнглим ранжиб ўзимга аҳд килдимки, ҳаргиз хиёнат аҳлини ўзимга яқинлаштирумайман ва ёнимга келтирмайман, деб. Ундан сўнг ўша Муллочани олдимдан кувдим.

Ва ўн беш ёшлик умрга қадам қўйгач (751/1350-1351), от миниша ов овлашга машғул бўлдим. Бир кун сайр қилиб, ов овлаб Хатлон тарафга бордим ва бир сув бўйига тушиб дам олишга машғул бўлдим. Шу орада белига садок боғлаган бир куролланган турк ҳам келиб шу сув бўйига тушди. Шу пайт чўлликлардан бир канизак елкасида бир мешкоб қатик кўтариб унинг ёнига келди. Уша турк унинг мешкобидаги қатигига ҳаридор бўлиб, қатигини срга кўйди... ва мен бир ажаб тамошо гувоҳи бўлдим. Ва ҳар қачон ўша туркнинг хаттихаракаги ёдимга тушса беихтиёр кулгим келарди.

Ва ўн олти ёшга қадам қўйганимда (752/1351-1352), отам Амир Тарагай қўлимдан тутиб, ўз хонақоҳига олиб кириб: «Эй ўзим, бизлар ота-бободан Чигатой ва Барлос улусининг пашкарбошиси бўлиб келар эдик. Пашкарбошилик навбати менги келганда, мен дунёни ҳеч нарсага арзимас билиб,



унга күнгил қўймадим. Ва дунё зардан ясалған бир думалоқ нарса бўлиб, ичи тула шон ва чаёндир.

Шу сабабдан лашкарбошиликни тарк этиб, тинчлик гўшасини ихтиёр этиб, сен тугулган мана шу ўлкани ўзимга жой қилиб, мана бу хонақоҳни барпо қилдим. Энди сенга бир қанча нарсани васият қулурман: Агар Тангри таоло сени давлат тепасига етказса эсдан чиқармайсан.

Энг аввал шуки, ўз насабинигни кам туттмагин ва кам ингламагин. Бу тартиб билан насабинг ислом давлати замонида подшоҳ бўлиб, салтанат таҳтига ўтирган Туманахонга бориб етади: Темур ибни Тарагай ибни Амир Буркул ибни Амир Илангиз ибни Амир Ийжил ибни Амир Қорачор Нўён ибни Сугул Чечон ибни Амир Эрдамчи Нўён Барлос ибни Қочули Баҳодир ибни Туманахондирки, қўп оқиши киши экан. Ўз-ўзидан мусулмон бўлиб, ўз хонадон аҳли ва хизматкорларига айтибдики: мен олам боқиб бир олам кўрармен, бир олам эканлигини билганим учун олам худойини ҳам бир деб ва ўзга оламларни бу олам ичиди яратгани, деб бишаман. Шундан сўнг айтибдики: бу оламда бир худо етарлидир.

Яна айтибдики: бу олам мисоли худонинг ўйидир. Бас, бир оламда бир худодир. Яна айтибдики: оша бошлигига вазир даркор бўлгани каби, худога ҳам вазир зарур бўлур. Яна айтибдики: бас, Муҳаммад унинг вазири бўлур ва Муҳаммадга ҳам вазир керакдир. Йўл бошловчи Халифалир унинг вазирлариidlар. Бу муқаддималарни ўз ақли билан англаб етгач. имон келтириб мусулмон бўлди. Ва сен ўғлоннинг насабинг Туманахонга тегишилидир».

Ва турк тарихида битилган эканки, Амир Тарагайнинг Амир Темурга васияти шундай бўлған экан: дину исломни кам қилмагил ва исломга ривож бергил ва сенга васият қиласман эй Темурким, мусулмон ўтган ота-боболаринг йўлини тутиб, Пайғамбар саллал-лоҳу алайҳи васаллам суннатларига зргаш, унинг хонадони ва сахобаларининг шариатларини маҳкам тутасан ва хонадони ва сахобаларини дўст тутиб, дўстлик шартларини бажо келтирасан. Ва саййидлар ва уламо ва машойихларни дўст тутиб, иззат-икромини ва эҳтиромларини бажо келтиргин ва улар билан сұхбат тутгии. Ва тарки дунё қилғанлар, солиҳ ва машойихлардан ҳиммат тиляб, фотиҳа илтимос этгин. Ва худо амри таъзимини бажо

келтириб, худойи таоло махлукларига раҳм этгии. Ундан сўнг билгилки, бизлар ҳаммамиз худойи таолонинг бандалари дирмиз, ушбу кўқ гумбаз остида худо тақдирига гирифтадирмиз ва ҳар нима манглайимизга ёзилган бўлса, уни қилурмиз ва бу гумбаз ичидан чиқа олмас эканмиз, худо тақдирига рози ва худо берганига қаноат қилиб, хурсанд бўлурмиз ва барча кишига кийим ва тъюм етказиб, худо бирлиги га имон келтирумиз ва намоз, рўза, ҳаж ва закот каби шарият арконига амал қилурмиз.

Ва яна васият шуки, қариндош-уругларга борди-келди қиласан ва ҳеч кимсанни ўзингдан кўнглини ранжитмайсан ва ҳеч кимни тутқунда сакламайсан, сакласаиг эҳсон тутқунида сақлайсан, ҳеч кимсаннинг ҳаққини олмайсан ва жавр-зулм этмоққа мойил бўлмайсан ва ўзингни адолатни шиор этиб, ёмон ва баднафслардан ўзингни четга оласан ва ҳеч гунохкорни уч кундан кўп тутқунда сакламайсан ва факиру мискинларга таом беришда торинмайсан ва яхшилик билан ҳалк кўнглидан жой оласан, мабодо бирорни кўнглини қолдирмайсан.

Отамни васиятларини эшитгач, унинг барча насиҳат ва васиятларига жон ичида жой бердим ва унинг васиятларига амал қилишга азм қилдим.

*Ўн етти ёшга етганимда* (753/1352-1353) отам тарки дунё қилгани учун унинг мол-мулкини эгаллашга киришдим ва унга тузук ва конун боғладим. Шундай қилдимки, ҳар сурув кўйни бўлиб, чўпонларга топширдим ва эркак-ургочисини аралаштирамай ҳар қайсисини бошқа сурув қилдим ва шу тариқа ҳар йигирма отга бир алоҳида отхона қилиб, эркагини алоҳида, биясини алоҳида йилқи қилдим ва ҳар ўн тугмага бир одамни тайин қилдим.

Шу йили менга бўлган башоратлардан бири бу эдикки, Амир Кулолнинг хизматларига бордим ва уларнинг мажлисига киргач, ковушандозда ўтиридим. Ва улар менга бокиб дедиларки: «*Гарчи бу ўғлон жусса ва кўриниши ҳақиқар ва кичикдур, иммо маънида узугдир*». Ва шундан сўнг мени уйнинг тўрига ўтказиб, менга диккат-эътибор кўрсатдилар. Шундан сўнг чукур ўйлаб, ички олам сайридан бош кўтаргач, оидиларига кўп ҳалво ва нои келтирган эдилар, қўлларили узатиб, ундан еттига ион санаб олиб, ҳалво билан менга

иноят килдилар ва менга буюрдиларки, ҳар нондан бир лукма егил, то сенга етти икlim мамлакатлари таслим бўлсин. Бу сўздан таажжубландим ва мажлис ахли ҳам бир-бирларига қарадилар. Аммо Шайх Кулол хайбатидан ҳеч ким дамини чиқармади ва мен бу нонларни олиб ўпиб, бир теридан бўлган дастурхонга солиб отам қошига элтдим.

Отам дедиларки: «*Амир Кулол улуг кишидир. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи вассаллаҳ авлодларидандир ва қашфу қароматли тирдурилар. Сенга айтган бу қашфлари албатта амалга ошади ва бу нонларни албатта сақлаб ҳеч кишига бермагин, ул бузрукнинг баракатларидан бир баракатдир.*

Яна бир кун отам Амир Тарағай мени ул бузруквор муло-заматига элтди. Шунда уларнинг олдиларида бир оз ёнгок бор эди. Отамга буюрдиларки, ўша ёнгокларни санагил. Санаса уч юз етмиш дона чиқди. Буюрдиларки, ҳар ёнгок бир йилдир ва ҳаммаси уч юз етмиш йил бўлади. Шундан сўнг ўша ёнгокларни менга иноят килдилар. Уларни ҳам нон билан бирга неча йиллар сақладим.

То ўша нон билан ёнгоклар уйимизда эди, кундан-кун баракот ортиб, тараккий топар эдик. Бу воқеани онамга айтсан, онам ҳам менинг бошимни икки қўллари билан тутиб дуо килдилар. Ва бошқа куни онам Амир Кулолнинг хонақоҳига бордилар. Амир Кулол меҳрибонлик кўрсатиб дедилер: «*Эй хотун, шу ўғлингнинг авлодлари давлат ва салтанати уч юз йили давом этади ва унинг авлодидан етмиши киши салтанат мартабасига етишадилар, шарти шуки динга тасарруф қилмагайшар ва ислом динига қаттиқ амал қилгайлар. Ва бундан ҳам ортиқ фойда шуки, агар Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи вассаллаҳ рӯҳи аъзамини ўзидан роғижитмай Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи вассаллаҳ хотири хушнудлигини тиласалар, кундан-кунга давлат устига давлат ва неъмат устига неъмат ортиб боради. Ва Онҳазратнинг хушнудлиги шундаки, Онҳазратнинг яқинларига муҳаббат ва меҳр-оқибат кўрсатиб, унинг авлод-зурриётига ўзларини яқин тутсалар.*

Онам Амир Кулол сўзини менга айтгач, ўн етти ёшимда худога саховатли ва раҳмдилга аҳд этдимки, Онҳазрат хотирининг хушнудлигига заррача хилоф иш қилмайман ва ул Ҳазратнинг буюк авлодлари икром ва эҳтиромида бор ку-

чимни сарфлайман.

*Үн саккиз ёшга қадам қўйганимда* (754/1353), ўзимда шундай бир шавкат сездимки, ҳеч нарсани назарга олмас эдим. Шу орада сайр килиб, ов овлагани сахрога чиқдим. Сахрова бир кийикка от солдим. Шу аснода қаршимда бир жарлик учрадики, эни беш газдан ошмас ва чуқурлиги турт газдан кам эмасди. Унинг лабига етганда отни жиловидан тортишга ҳаракат килдим. Лекин от тезлик килиб шундай сакрадики, олдинги икки оёғи жарнинг лабига етиб, кейинги икки оёғини ола олмади. Мен эпчиллик билан оёқларимни узангидан чиқариб, ўзимни ғунча қилиб сакраб, честга ташладим ва от чуқурга кулаб чўлок бўлди. Ўша холатда ҳамроҳларим етиб келиб, менинг давлатмандлигимга гувоҳлик берриб айтдиларки, сени бу балодан давлат саклади. Мен уларга: «*Тангри таоло сақлади, нечукким давлатни ҳам у ато қиулур*», - дедим.

Уларнинг отларида бу жарликдан ўтар ахволи йўқлигидан, мен сакраб ундан ўтдим ва етакдаги отга миниб йўлга равона бўлдим. Шу аснода кор ва ёмғир ёғиб, йўлдан адашиб ҳалокатимизга тан бердик. Кун кеч бўлгач, каттиқ совуқ тушди. Шу пайт бир неча чайла ва қора уй кўринди. Ҳамроҳларим бу кўринганлар кора уй эмас, баланд-паст бир неча тепаликдир, дейишиди. Шундан сўнг ўлимга рози бўлиб, от жиловини ўз ихтиёрига қўйиб, ёлидан маҳкам тутдим. Шунда от ўша кўринган коралиқ томонга йўл олди ва бир фарсах йўл юргач, уйлардан ўт ёргуи кўринди. Отни чоптириб, кора уйнинг эшилгига етиб келиб, ўзимдан кетар холатда оттан ташлаб, кора уйга кирдик.

Уй эгалари мени ўгри деб гумон қилиб, калтаклашга бошлидилар. Мен ахволни тушунтиридим. Улар уялиб, бир ердан қазиб курган сўртула уйини менга бўшатиб бердилар, ўт ёқдилар ва мен ҳамроҳларим билан ўша уйга кириб ором топдик. Шундан сўнг курут оши (куртоба) келтирдилар. Ўша ошдан ичиб хузур килдим. Кийгизлар олиб келиб ўша кок ерга тўшадилар ва бир неча ёстиқлар олиб келдилар. Бу уйда бит кўплигидан тонггача ухлай олмадим.

Салтанат тахтига ўтирган пайтимда яна овга чиқдим. Кор ва совуқ шилдатидан 4 ой бемор бўлдим. Табиблар бу касал-

лик муолажасига ожиз бўлдилар ва мен тақдирга тан бериб, ўлимимга рози бўлдим, етти кеча-кундуз таом емадим. Еттинчи куни менга анор едирдилар. Уни егач юрак ва баданинга ларза тушиб, ўзимдан кетиб, мени бир ғилдиракка боғлаб осмонга чикариб, ерга тушираётгандай ҳис этдим. Ўзимга келган пайтимда, номсиз бармок билан синчалоқ бармогим ўртасида доф босишганини кўрдим. Ўша донгинг харорати мени ҳушимга келтириб, кўзимни очиб қарасам, ота-онам атрофимни ўраб, зор-зор йиглашяпти. Мен ҳам кўзимга ёш келиб йиғладим. Шундан сўнг корним очди. Ҳакимлар, кўнглинг нима тиласа айт, олиб келтирамиз дейишиди. Мен яхна гўшт билан шўрва истадим. Дарҳол келтирдилар. Мен бир тавоқни тановул қилиб, терлаб дарҳол тузалдим.

Ва салтанатга эришувимга бўлган башоратлардан бири шуки, бир кун отамнинг хонакоҳида ўтириб «Таборак» сурасини ўқир эдим. Шу пайт сочига оқ оралаган бир саййид хонакоҳдан чиқиб, менга кўп қаради, отимни сўради ва менинг отимни «Таборак» сурасининг ояти билан боғлади. Дедики: «*Тангира таоло ер юзининг улуғ султонлигин бу ўғлонга ва унинг авлодига ато қилур ва ўз мулкига уни эга қилур*». Шундай мени кўп эркалаб, толеим юлдузлари жадвалини Туркистоннинг мунахжимларидан бирига кўрсатди. Ва шундай хукм қилдики: «*Бу ўғлон ўз мулкида подшоҳ бўлиб, қадр ва мартабада бошқа султонлардан устун бўлур ва исломга зийнат берур*». – Ва яна менга дедики: «*Сенинг авлодларинг баланд шавкат эгаси бўлурлар ва камол даражаларининг энг юкори даражасига эришурлар*».

Бу мунахжимнинг сўзини эшитгач, ўзимни шон-шавкатли ва буюк ҳис қилдим. Танҳо овқат емадим, бир кийимни қайта киймадим ва ҳамроҳларимга ато қиласар эдим. Ва ҳамроҳларим тўплангач, ўзимни уларга амир этдим ва улар ҳам менга итоат қиласар эдилар. Ва мен шатранж ўйинига кўп мойил эдим ва Куръон тиловат қилиб, ҳалойикқа ёрдам кўрсатдим. Узлаттга чекингланлар ва дарвишлардан фотиха сўраб, химмат тилар эдим.

**Иигирма ёшга кирганимда (756/1355),** от миниш ва уруш илмиши ўрганишга мойил бўлдим. Бир муаллим бор эди, уруш илмини менга ўргатдилар. Уз тенгдошларим билан отла-

ниб, икки гурухга бўлинib, уруш майдонига кирмок ва чиқмоқ усулларини ўрганаr эдим.

Ўша пайтларда ота-боболарим тарихи ва тириклар қабилалари ва Ҳазрат Ёфас тарихини Амир Тарагайдан сўрадим. Шунда у менга шундай ҳикоя қилдики: «Турк тарихида ёзидурларким, бизларнинг нисбатимиз Абу Туркка етиб борадики, уни Ёфас ўғлон дерлар. Отасидан кейин Ҳазрати Ёфас унинг ўрнини эгаллаган эди ва у турк султонларининг биринчиси эди. Унинг бешинчи фарзанди Ўлжакон Туркистон тахтига ўтиргач, Тангри таоло унинг бир кизидан икки ўғил ато қилди. Бирига Тотор, бирига Мўғул деб от қўйди ва ўзи тириклигида Туркистон мамлакатини уларга тақсим этди. Уларга Тангри таоло подшоҳлик ато қилгандан кейин салтанат гуруридан Абул Барака (Абу Турк)нинг ота-боболари ва миллатини унутиб, куфр водийсига қадам қўйдилар. Ва Тотордан саккиз ўғил қолиб, саккиз улуш бўлди. Ва Мўғулдан тўkkиз ўғил қолди. Улар ҳам тўkkиз қабила бўлиб, бир-бирлари билан уруш килар эдилар. Шу тарзда ислом давлати замонида Туманахон салтанат тахтига ўтири. Туркистон элати ва туркларнинг хонлиги унга тегди. Тангри таоло унга бир қориндан икки ўғил етказди. Бирига Кубулхон ва бирига Кочули от қўйдилар. Ақлини танийдиган ёшга етганда туш кўрса, акаси Кубулхоннинг ёқасидан икки юлдуз чиқиб, яна ботди ва яна бир куёш янглиғ ёруғ юлдуз чиқиб оламни чароғон қилди. Ҳакимлар бундай таъбир этдиларки, акасининг учинчи фарзанди оламни эгаллагусидир. Шунда амирлар ва улусни тўплаб байрам тузаб, тўй берди. Бу тўйда Кочули билан Кубулхон бир-бири билан қучоқ очиб кўришидилар. Шунда аҳднома ёздиларки, авлодлари бир-бирига мухолифлик қилмагайлар. Хонлик мартабаси Кубулхоннинг авлодига тегишли бўлсин. Лашкарбошилик Кочулиниг авлодига муқаррар бўлсин. Шундан сўнг у аҳдномани пўлат варакга ўйиб ёзиб, хазинага қўйдилар.

Шу орада *сана беш юз қирқ тўққизда* (549/1155), Кубулхоннинг замонида, никоҳидаги аёллардан бири ўғил туғди. Унга Темучин от қўйдилар. *Сана беш юз тўқсон тўққизда* (599/1203-1204) умри кирқ тўқиз ёшга етганда, кўп меҳнату машаккатдан сўнг Туркистон хонлиги тахтига ўтири. Хонлик тахтига ўтирган куни тўсатдан келиб дедики: «Улуг

*Тангри менга дедики, ер юзини Темучига бердим ва сенга Чингизхон деб хитоб этдим, яъни шоҳларининг шоҳи, деган маънодадир».*

Чингизхон жаҳонгирлик отига мингач, Тангри таоло бандаларини горат килиб хонавайрон қилди. Ахли исломдан неча минг кишини қатл қилди. Бу оламдан ўтар пайти келганда катта ўғли Чигатайхонни Мовароуннаҳрга ҳоким қилди. Ва Корачор Нўён бинни Суғун бинни Эрдамчи Барлос бинни Коҷули Баҳодирни лашкарбоши ва вакил этди. Бир-бирига муҳолифлик қилмасин дейилган Коҷули билан Кубулхоннинг аҳдномасини чиқариб, уларга топширди. Ва Чигатайхоннинг кизини Корачор Нўёнга никоҳлаб берди. Худойи таоло ундан бир ўғил берди. Унга Баҳл Нўён от кўйдилар. Ва Худони танишда Корачорнинг эътиқоди яхшилар гурухининг эътиқодига мувоғик эдики, улар ҳар нарсанинг бир Худоси бор ва ҳар кишининг бир Тангриси бор, дейишарди. Кунлардан бирида нисбати Пайғамбар хонадонига туташган уламодан бири, Корачорнинг олдига келди. Шунда у олимдан сўрадики: «Мусулмонлар худони танимоқда не сўз дерлар?» Ул олим дедики: «Мусулмонларнинг эътиқодлари будирки, ер юзида қодир ва мухтор бирдир ва у менинг илоҳим ҳамманинг илоҳидир ва ҳар бир нарсанинг ва ҳар кишининг бир худоси йўқдир. Ҳамманинг худоси бирдир.

*Кўпхудоликни инкор қилиб бир худони исбот қиласи, олам ва унинг аҳлини худосидир».*

Шунда Корачор фикр этиб дедики: «Сизнинг сўзингиз ҳақдир. Бир ўйда бир худо етарлидир». Шундан сўнг у ислом саййидига қўл бериб «ла шаҳа шалаллаҳу Мұхаммаду расулллаҳ» калимасини айта бошлади ва сўрдики: «ла шаҳа шалаллаҳу Мұхаммаду расулллаҳ» калимасининг маъноси недур?» Сайийд дедики: «Худодан ўзга яна бир худо йўқдир. Ҳаёт, қодир, ихтиёри ўзида, соҳиби ироди, эши тувчи, кўрувчи ва гаптуровчи бир худодир. Мұхаммад саллаллоҳу алайхи васаллат унинг расулидирки, ойни иккига бўлиши мўъжизаси ва яна ўзга мўъжизалар билан уз пайғамбарлигин исбот этдилар. Ул Ҳазрат унинг вазиридир (унинг шанини баланд қилисин) ва Йўл бошловчи Ҳалифалар Унинг расулининг вазирлари дурларлар».

Шундан сўнг Корачор тасдик этиб дедики: «Худога вазир

*лозимдир, негаки бир уйнинг эгаси таңҳо ўзи ҳамма ишларга бошчилик қоломайди. – Ва дедики, – Бу олам худонинг уйидир, ҳар шаҳар ва ҳар уйга бир ҳоким юборур, токи у шаҳар ва уйларни тузатгайлар».*

Шундан сўнг шариатда тўғри йўлга кириб, одамларни исломга даъват қилди ва улус ва қўшинларини ҳам исломга тарғиб қилди, мусулмонликка ривож берди ва Эрон заминни Зойилга берди ва Аймоқот сахросини Барлос улусига турар жой қилди. Жузон ўлкаси ва Обхўрни ҳам улус-аймоги билан уларга сазовор қилди.

Қорачор Нўёндан сўнг Бахл Нўён Бадахшон, Кошгар ва Ҳисори Шодмон ва Хурросон яшаш жойларидан баъзи обод жойларни ўзи эгаллади.

У оламдан ўтгач, Амир Илангиз отасининг ўрнига ўтириб, лашкарбоши бўлди. У лашкарбошилик замонида баъзи юртлар фатҳ бўлди. Сўнг унинг улус ва қўшинлари орасида қўп ихтилофлар пайдо бўлди. Шу орада лашкарбошилик навбати унга тегди. Салтанатни саранжомлаш ишлари равнак топгач, лашкарбошиликни тарк этиб Кеш ўлкасида ватан қилди ва Барлос улусининг амирлиги билан каноатланди. Унинг ходим ва хизматкорлари ва тугмалари шунчалик қўп эдики, уларнинг ҳисобидан ожиз эди. У бу олам билан видолашгач, мен тарки дунё килиб, ҳамиша обрўси баланд уламо ва буюк машойихлар олдига бориб, улар билан ҳамсухбат бўлар эдим ва уларнинг табаррук нафасларидан химмат тилаб, дуойи-фотиҳа сўрар эдимки, Тангри таоло менга бир фарзанд берсин ва у Чигатой улусининг силсиласини баланд овоза килсин. Шу вактда Қарс ва Мовароунаҳр мунажжимларидан бири келди. У замон уламоларининг улуғи, яъни Мавлавий (Румий) мажлисида айтдики, Турон заминда шу аснода онадан бир фарзанд туғилиб, оламни олади ва динга ривож беради. Ўша йили шоирлардан бири ўша мунажжимнинг сўзини назарда тутиб деди: «Санаи етти юз ўттиз олтида (736/1335-1336), шаъбон ойи тугилиб, у саодат нишонли юлдуз ўз буржисда ёғду сочади ва намоён бўлади». Ва ўша вактда Тангри таоло менга фарзанд каромат қилди.

Бу ҳикоятни эшитганимдан кейин билдимки, салтанат таҳтининг ворисидирман. Шундан сўнг ўзимни шавкатлик ва буюклигимга иқрор бўлдим ва мен ибодатга машғул бўлдим,

Тангри таолодан давлат тилар эдим ва саййидлар, уламо ва машойихларга назрлар юборар эдим.

Шундай бўлдики, Амир Кулолга йигирма кўй юбордим, йўлда ёмғир кўп ёғиб, кўйларни ушлаб қолди. Мен ҳам кўйларни йўлда қолдириб уйга қайтиб, кейинги куни Амир Кулолниңг сухбатига бордим. Кўйларни Амир Кулолнинг эшигига етиб келганини кўриб, Тангри таолога шукрлар айтдим. Ва Амир Кулолнинг назари менга тушиб, менга салтанат иноят килдилар. Ва намоз ўқишга турганларида, мен иқтидо килдим. Намоздан фориғ бўлиб дедиларки: «Салтанат давлати сенга насиб бўлгусидир, шу шарт биланки динни қўллаб-кувватлаб, исломга ривож берсанг». Мен ўша пайтда тавба килиб, шатранж ўйинини тарк этдим, шариатга итоат ва мутелик килдим, Тангри таолонинг бандаларига озор етказмадим ва агар озор етказсам ҳам кейин пушаймон бўлардим. Шундай бўлдики, бир кун билмай бир чумолини босиб олдим. Менга шундок туюлдики, ўз оёғимни ўзим кишангагирифтор килдим. Шундан сўнг ҳамиша Ҳудойи таолонинг бандаларига мадад етказардим.

Ва ўн тўққиз ёшга қадам кўйганимда (755/1354), ақлимни тўхтатиб олган ва балоғатга етган эдим. Бу йил, яъни *сана етти юз эллик бешда* (755/1354) отам Тарагай ўзидан бўлак қилиб, олачиқ, кўй ва тuya, тугма ва ходим ва хизматкорлар берди. Шу иили менга кўп баракот ғойибдан келди. Аввал ўз ишимни гузаттим. Шундай қилдимки, ўн саккиз туғманни бир кишига топширдим ва унга ўнбоши от қўйдим ва йигирма отни бир отхонага кўйиб, уни бир ўнбошига топширдим ва ҳар йигирма түяни бир қатор этиб, бир кишига топшириб унга фойдалар мукаррар килдим.

Шу иили қаттиқ касалга чалиндим. Шунда самарқандлик ҳаким менга анор донаси бериб даволади. Ва анор ейишдан хафақон ва ҳушдан кетиш ҳолатига тушдим. Шунда отам ва мажлис аҳли менинг ахволимга йигладилар. Туркистон ҳакими мени доғлади. Шундан сўнг аввалги ҳолимга келдим. Менга атала ва айрон буюрди. Мен уларни тановул килиб тузалиб, кўп от ва кўй садақа бердим ва Ҳазрати Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам юз тuya назр этдим, узлатга чекинганлар ва машойихлар эшигига кидириб борар эдим ва ниҳоят бутунлай касалим тузалди.

Ва ўша йили Амир Қазагон Султон бинни Салур ўғлон Чигатой улуси орасида салтанат байробгин күтаргач, [Кирон султон] ўн беш йил муддат зулм қўлини чўзиб, адл ва инсоф йўлидан ташкари қадам қўйди. Раиятлар унинг зулм ва бедодлигидан фигонга келиб, уйларида ўлимга мунтазир бўлиб ўлтирад эдилар.

Унинг зулму жафоси ҳаддидан ошганидан мен ғайратим қўзғаб, унга ҳамла қилиб, мазлум додини золимдан олсам дердим. Бу ишда саъий-харакат камарин белимга боғлаб, ҳалойикка молу дунё тортиқ қилдим ва мазлумларни кўриб бағрим кабоб бўлар эди, лекин ҳеч ким мен билан бирлашмас эди. Охири Чигатой хонларининг улуғларидан бўлган Амир Қазагон, Рангин саҳросида Кирон султон билан урушшиб, мағлуб бўлди. Ўша золим ғолиб келиб, Амири одил мағлуб бўлганига ҳалойик таажжубда қолиб ҳайратга тушдилар. Бу аснода Термиз саййидларидан бири дедики, модомики Амир Қирон хотирида зулм бўлса, иши ривож тоғади, то ўша золимликлар унинг зотидан жудо бўлмаса мағлуб бўлмасдир. Шунда ҳалойик унинг дуосига машғул бўлдилар ва у зулм кўрсатишда давом этди. Ўша золимнинг зулми жонибидан кўп шиддатли совуқ бўлиб, қора моллар ҳалок бўлдилар ва ёмғир ёғмай экинлар куриб, дараҳтларнинг мевалари нобуд бўлиб, ҳалойик орасида қаҳат пайдо бўлди. Ва Амир Қазагон баҳодирлар билан ўз лашкарининг асбоб ва ярогини тузатиб, сана етти юз эллик беш (755/1354)да Қаршига юз тутди. Уларнинг орасида кўп жанглар бўлиб, охирида Амир Қазагон ғолиб келиб Қирон султонни қўлга туширди ва мазлумлар додин берди.

Мовароуннахр мамлакатини у золимнинг қўлидан қутқариб олиб, адолат билан обод қилди. Қирон султон мазлумлардан зулм билан олган мол-мulkни ҳамма қайтиб олдилар. Уни ҳамма олди-бердидан кейин у дунёга жўнатиб, Мовароуннахр мамлакатига эгалик қилди. Ва яна тақозо қилдиким, Мовароуннахр амирлигини қўлга олгай. Амирлар унинг итотига бош эгмаганликларидан, мен улусни ўзимга бирлаштироқчи бўлдим. У эпчиллик қилиб, мендан бурун Үктой хоннинг наслидан бўлган Донишмандча ўғлонни хон кўтарди. Улус ва қўшинларни забт этиб, Мовароуннахр мамлакатини қўлга киритди. Шариатга ривож бериб, дини исломни

кувватлади, адолат ва инсоф, сабр қаноат билан Мовароуннахр мамлакатини яна ўз ҳолига келтирди. Донишмандча ўғлон Амир Қазағон қуввати билан ўн йил султонлик қилди.

Ва ўн саккиз ёшга етганимда (754/1353), Барлос қабиласи билан бирлашиб хужумга ўтишга карор қилдим. Шу вақтда кирк нафарга яқын бўлган ҳаммактабларим ҳаммалари келиб мен билан бирлашдилар ва ман «*ва шовараҳум фи лұмур*» («Улар ишиларда маслаҳатлашардилар») мазмунига амал қилиб кенгаш қилдимки, бориб Кўхи Фирқонда жойлашиб, лашкар тўплайман. Бу вақтда онам ҳак раҳматига стишиб, опам Туркон уй ишларини қўлга олди ва мен уй ишини унга топшириб, ўз ишим билан бўлдим.



Менинг савол жавобларим унга хуш ёқиб, мени ўзига фарзанд этиб, ўз набирасини менга унаштирди. Мени иззат

Уша йили онамнинг қарамогидан чиқдим, отам Амир Жокуйи Барлос қизини менга унаштирди. У ҳам оламдан ўтиб кетгач, мен гариб ва бечораликдан уни олишга қудратим етмади.

Шундай қилиб, лашкар тузиш орқали Амир Қазағон мажлисига кирдим.

Отам Амир Қазағоннинг улус ва кўшинлар бобида қилган саволлари жавобидан ожиз эди, мен тиз букиб Амир билан савол-жавоб кильдим.

килиб, оила бошлиғи қилди ва менга күп молу дунё берди. Мажлисда үзи билан баробар ўтирад эдим. Аммо унинг сultonлик ишларига укуви йўқ эди, оталигининг ҳаққини сақлардим, йўқса унинг қўлидан сultonликни осонлик билан олар эдим. Негаки ўзимга кенгаш қилгандимки, унинг амирларини ўзимга эл этгайман ва улар менга эл бўлишган эдилар. Шундай бўлса ҳам унинг туз ҳаққини унугтмай, ўзимга сабр қилиш керак, дердим, чунки «ас-сабру мифтоҳ ул-фараси» («сабр баҳт қалитидир») дерлар.

*Ўн тўққиз ёшига чиққанимда* (755/1354), кору ёмғир кўп ёғиб, икки ой муддатда уй теграсидаги йўлни бекитиб, мен йўлни тополмай саргардон борардим. Тўсатдан кўзимга бир кора кўринди. Бу корайган нарсага етиб борганимда, у бир тоғ экан ва унинг тагида бир гор бор экан. Арлот улуси ўша горга тушиб, у гор кавакларида уй ва ўтирадиган жой қилиб, олочуклар барпо қилишганди.

Мен совуқдан бошқа иложим қолмай отдан тушиб, уларнинг бирини уйига кирдим. Бу унинг ўчоги тўла ўт ва ўчокнинг устига бир қозон кўйиб, ош пиширап эди. Мен эса роса оч эдим. Уй эгаси менинг истиқболимга чиқди ва кийимларимни эгнимдан ечиб, садофимни белимдан бўшатди ва иссиқ ошдан кетма-кет олиб келиб берди. Мен бу ошдан сб исидим ва ҳузур қилдим. Шу кечга унинг олочугида ухладим. Менга ошу ноп берган ўша арлот уруғининг одамини Амир Қазагоннинг олдига олиб кслиб, Обжур ва Алафчарон ерларини амидан сўраб олиб унга бердим. Уй эгасини арлот улусига оксоқол қилдим. Ўша ерларда қор ва совуқ зўридан кўп кийик тўпланган эди. Шу ердан кўп кийик овлаб, Амир Қазагонга тортиқ қилдим.

Ва бу йилки, *йигирма ёшига қадам қўйдим*, сана *етти юз эллик олти* (756/1355) эди. Сайр ва овга отландим. Ва ов пайтида бир катта хатарни бошдан кечирдим. Бу хатар шундай бўлдики, ўша кийиги кўп сахрома бир кийик кетидан от қўйдим. Олдимда бир чуқурлик чиқди. четига От жиловини бермай, чуқурлик устидан сакради. Лекин ўтишга отнинг қуввати етмай икки олдинги оёғи лабига етар-етмас, икки орқа оёғи чуқурга кетди. Мен ҳам элчиллик қилиб чиқа олмай от билан чуқур ичига йиқилдим. Ва ҳамроҳларим менинг ўлди деб гумон қилган экан, мени тирик кўргач, хурсанд

бўлиб садака бердилар. Бошимдан шундай хатар кеттач, ҳамроҳларим менга таъна қилдилар, чунки қачон от минсам отнинг жиловини ўз ихтиёрига қўяр эдим.

Ўша йигирма ёшимда сана *етти юз эллик олтида* (756/1355) Мовароуннахр қозокларидан бир гурух келиб чопкин килди. Мен ўша кезда Амир Қазагоннинг ёнида ўтирган эдим. Менга бир гурух лашкар бериб, буюрдиким, ўша қозокларнинг кетидан бориб, олиб кетган молларини қайтариб кел, деди. Мен уларнинг изидан йигирма уч фарсах ерга илгор этиб, ярим кечада уларга етиб бордим. Шу кезда лашкарим икки гурухга бўлинди ва яна бир бўлак ажратиб саф туздилар. Бу бўлак коровул эди. Мен билан ҳамроҳ бўлган сардорлари айтдиларки: «Мол устига от қўйиш керак!» Мен айтдим: «Уларнинг сафини устига от қўйиш керак. Агар улар тор-мор бўлса, ўзлари ёқ молни ташлаб қочишиади». Ва мен «Оллоҳ ёр» деб отимни биқининга ниқтаб, уларнинг сафига от солганимдан кейин, қозок лашкари қаршилик кўрсатиб, чап кўлга чиқиб қилич айлангач, кочдилар. Молни уларнинг чангалидан олиб, Амир Қазагон ёнига келдим ва молни эгаларига қайтардим. Ва Амир менга таҳсин ва оғарин, деб менга лашкар ажратиб, садоқ тортиқ килди. Ва мен ўша кезда салтанат мартабасини тортиб олишни ва Турон таҳтига ўтиришни истадим. Шу ўй билан Амир Қазагон олдига келдим, у қандайдир иш билан машгул эди. Кутимаганда ўзидан гап чиқиб айтдики: «Сабр қил, охири сенга тегади».

Бу сўздан сўнг ўз жазмимдан қайтдим ва сана *етти юз эллик олтида* (756/1355) Кутб ул-орифин Шайх Зайнуддин Абу Бакр Тойибодий хизматига етишдим. Улар Куръон тиловатига машғул эдилар ва бу оятни тиловат килур эдилар: «Алиф, лом, мим гулибат ар-Руму фи адна ал-арзи» («Алиф, лом, мим. Жуда яқин жойда Рум мағлуб бўлди»). Шу онда мен хизматларига бордим. Мени кўргач, иззат-эхтиром кўрсатиб, менга ўз ёнидан жой Бердилар. Ва Куръон тиловатидан фориғ бўлгач: «Рум мағлуб бўлади. Мен сенда салтанат шавкатини мушоҳада қўлурман, шоядки сенинг қўлингда мағлуб бўлса ва «арз» калимасининг охири «зод» дир ва «800» дан иборатдирки, шу санада мағлуб бўлади», - дедилар.

Бу сўз мен учун бутунлай кутимаган башорат бўлди.

Шундан сўнг бош кийимларини менга кийдириб, ақиқдан бўлган бир узук бердилар. Унинг кўзидағи накш «*рости-ю русти*» эди, яъни рост бўлсанг ҳар балодан халос бўлгунгидир. Мен уни ўзимга фол этиб, ўз отимни ўша узук кўзига ўйдириб, бармогимга солдим. Ва ул Ҳазратга иродат кўлини бердим. Ва ул Ҳазрат дедиларки: «*Сени кўрган куним, Куръонни минг марта хатм қилиб бўлгандим*».

Ва яна ул Ҳазратнинг айтган сўзларидан менинг кулогимга чалингган сўз шу әдики, ул Ҳазрат фикҳ, тафсир, хадис ва илми зохирий ва илми динийда Мавлоно Низомулдин Марвийга шогирд эдилар. Ва лекин илми ботинийда ундан авло эдилар ва дер эдилархи, мен неча муддат шайхулислом Аҳмад Албокийнинг тарбияларида мулозимат қиласр эдим, зиёрат ва саъиу гайрат билан шуғулланардим. Ниҳоят бир кечак шайхнинг рухонияти мени қучоклаб, дедики: «*Худоий таборак ва маоло сенинг дардингни шифосини Али ибни Мусо ибни Жаъфар разияшлару таъоло анхумнинг шифохонасида қўйшидир*».

Мен бу сўздан башорат топиб, ул Ҳазратнинг Машҳади муқаддаслаги зиёратининг эхромини жон белимга боғлаб, бу йўлда оёқ яланг саъи этар эдим. Ва ҳар манзилни босиб ўтганимда, Куръон хатм этиб, ул Ҳазратнинг фатҳларига тўла руҳига баҳш этиб, жавоб тилар эдим. Жавоб топгач, яна бир манзилни босиб ўтар эдим. Мана шу равишда манзиллардан ўтиб, етти йил мулдатда ул Ҳазратнинг қабрига этиб бордим. Шунда нигоҳимдан пағда кўтарилиб, идрок кўзим равшан бўлиб, у Ҳазратнинг сухбатидан менга туганмас хурсандлик хосил бўлди.

Бу йил, яъни сана *етти юз эллик еттидаки* (757/1356) *йигирма бир ёшимда* эдим, Жом вилоятининг улуғ машоийхларидан бир гурухи Хирот пойтахтининг ҳокими Малик Ҳусайннинг жавру зулмидан шикоят қилиб аризалар ёзиб Амир Казагонга юбориб, Амирнинг муборак қадамлари ўша тарафларга ранжида бўлишини тиладилар. Амир Қазагон Малик Ҳусайн ўқиб хулоса чиқариши учун панд-насиҳат битилгаи бир мактубни юборди: «*Ҳурросон аҳлига зўравонлик қўлини узатмагин ва жавру зулмдан қайтгин, агар бу сўзга хилоф иши қиласа чумоли ва шионларни яратган қодир худонинг ҳаққига қасамёд этманки, унга юриши қилиб, салтана-*

*ти сувратин кескір қылғы зарби билан синдураман. Вассалом».*

Малик Ҳусайн келишмаган феълини қўймай, Амир Қазағоннинг мактубини жавобини эътиборсизлик ва бепарвонлик билан юборгани учун Амир Қазағон ғазаб ўти аланга олиб, амирлари тўпланиб, Хуросонга қайтадан ясоқ ясашга ҳукм қилди.

Хуросон машойихининг юборган хатларини кўрсатиб, амирларидан Хуросонга юриш бўйича кенгаш сўраганида, улар айтдиларки, ўзга қабила бошликлари ҳам бу ишга гувоҳ бўлса, яхшироқ бўлар эди. Сўнг Амир Қазағон ўзининг яхши одобли кишилигини кўрсатиб, мендан кенгаш тилади.

Мен: «Лашкарни тайёрлаши керак, лашкар тўплагач, у ҳабардор бўлмасдан, тўхтамай юриши килиши керак. Агар уни устидан ғалаба қозонсан, муроднинг ўзи шу, йўқса чоповул қилиб, оч лашкарни тўйдирдимиз, чунки баракат ҳаракатдайдир. Ва Тангри таоло дебдурки, «Сендан ҳаракат, мендан баракат»».

Амир Қазағон менинг кенгашимни ёқтириб, минг отлиқни менга ҳамроҳ этти. Ва мен бу минг отлиқка таом берар эдим ва овқат устида улардан бўлак ўтирмас эдим. Уларнинг ҳаммаси менга фидокор бўлдилар. Ва биргалашиб менинг амрлигимга гувоҳлик бериб, салтанат ва мулкгирлик эшиклари ни менга кўрсатдилар. Ва мен уларнинг отларини бир туморга ёзид, киссамга солдимда, агар Малик Ҳусайн кўлидан Хуросонни олсан, улардан ўзга кишига бермайман, деб ваъда бердим.

Мен шу ваъда билан отланиб, иттифок билан кўчдим.

Бадахшон ва Тумоннинг Боготга чопқин ясаш учун тўпланиб турган улус ва қўшинларига стиб бориб, уларни ўзимга бирлаштирдим. Шундан сўнг лашкарим анча мукаммал бўлди.

Амир Қазағон мени хировул (йўл бошловчи) килиб тайинлагани учун мен бутунлай осойишталиқ билан Мурғоб сувиндан ўтиб, Бостон йўлидан кириб, Хирот вилоятининг кентларига кириб бордим. Кейинги куни отланиб Гозургоҳ ерида жойлашган бир баландлик устига чиқдим, уруш жойини кўздан кечириб, Амир Қазағоннинг олдига бордим ва уруп

жойининг паст-баландини Амирга кўрсатдим. Шу аснода Амир Қазагон лашкарини сафга тузиб, ўша баландлик устига чикиб, уруш жойини диккат билан кузатди ва менга таҳсин ва оғарин айтди.

Куёш бизнинг орқа томонимизда ва душманнинг рўпарасидан бўлгани учун Амир қўёшнинг шуъласи душманнинг кўзига тушиб, хиралаштиради, дели. Шу онда Амир Ҳусайннинг қўшинлари паст деворнинг устида эдилар, довюраклик билан келиб уруш майдонига кирдилар ва лекин назаримда олдинги сафлари шароктада кўринди. Шу аснода Амир Қазагон мени чақириб: «Ўлон, ҳозир от солмоқ маъқулроқдир, чунки душман лашкари қўрқувдан довдираб турибди, ҳозироқ маглуб бўламиз деб хаёл қилишимокда», - дедилар. Мен «Озгина сабр қилиш керак», - дедим. Шу пайт Малик Ҳусайннинг лашкари шўхлик қилиб, девордан узоклашиб олдинга чиқдилар. Ҳирот лашкари ҳам майдонга кириб, саф бўлиб турдилар. Мен бир бўлинмани уларнинг олдинги кисмига буюрдимки, аввал улар устига бостириб борсин. Икки фирмка орасида уруш ва ўлдириш ўти аланга олгандан кейин, чап ва ўнг қанотдаги бўлинмаларга ҳам буюрдим, от солдилар. Сўнг ўзим ҳам урушга кирдим. Биринчи ҳамладан кейин иккитинчида Ҳурросон лашкари тоб келтиролмай майдондан чикиб, ўша паст девор панасига ўтдилар ва девор ичига қамалдилар. Шу пайт Амир Қазагон етиб келиб буйруқ берди: Турон баҳодирлари пиёда бўлиб, ўша деворнинг ичига кириб, Малик Ҳусайн баҳодирларини девор ичидан сикиб чиқариб, калъя ичига киргаздилар.

Амир Қазагон менинг химматим билан зафар қозониб, девор ичига кириб, ҳар бир дарвозага бир қўшин тайин қилди. Биринчи дарвозани менга топшириди ва ўзи жангга кайтди. Кейинги куни амр этдимки, ҳировулдаги мавжуд қанча отлиқ ва пиёда лашкар шаҳарга ҳужумга ўтсиплар ва Ҳирот калъясини камалга олдим. Шунда калъя ахлининг иши мушкуллашиб. Ҳиротнинг катталари тинчлик ўрнатиш учун катта совга-салом билан чиқиб келиб, Амир Қазагонга тортиқ килдилар.

Малик Ҳусайн бир ойдан сўнг Самарканд таҳтгоҳида Амир Қазагон мулозаматига етиб боради, шу шарт биланки, Турон лашкари ҳозир орқага қайтса, деб битимга келдилар. Амир

Қазағон фурсат шуни талаб қылғани учун уларнинг тинчлик битимини қабул қилиб, уларнинг тортиқларини олди, амирларига тақсимвади ва Мовароуннахр тарафға қайтди. Мени минг отлиқ билан Малик Ҳусайннинг ҳировуллиги ва сиро-вуллиги (олдинги ва орқа бўлинма) тайин этди ва Малик Ҳусайн ваъда қилган пайтда Самарқандга борсин, деб ваъда олди. Мени Ҳиротда қолдириб ўзи кўчди. Мен келиб Ҳирот водийсида жойлашган Ишқалча қалъаси тагида жойлашдим. Малик Ҳусайн ваъда берган куни стиб келгач, одамлари билан Ҳиротдан чиқиб, кун кечирарди. Мен ўта кўнглим сикилиб, Ҳиротдан отланиб Боҳарз тарафига ошиқдим ва Ҳурсон мамлакатини ўз тасарруфимга киритмоқчи бўлдим.

Ва шайх Зайнуддин Абу Бакр Тойибодий хизматига бориб мажлисига киргач, шу ондаёқ гаму аламларимни унугтиб, шодлик ва хузур ҳосил қилдим. Ва ул Ҳазрат шу мажлисда ўз кўйлакларини менинг эгнимга кийгаздилар. Ва мен арзи ҳолимни изҳор этгач, менга амр этдиларки: «*Мұхаммад саллалоҳу алаїҳи вәсаіллам вә үннінг хонадони вә саҳобалари-нинг саловотига машғул бўлғин, шунда сенинг ҳамма мушиқи-линг осон бўлади*». Ва иккинчи мажлисда менга башорат қилиб дедиларки: «*Сени худо кўп қўллайди. Ва Мұхаммад сал-лаҳоҳу алаїҳи вәсаіллам хонадони вә саодатни кишиларидан бири сенга ҳамроҳ бўлиб, мадад етказади. Сен уни танимайсан, фақат иш битгандада уни танийсан*». Шунда пиirimнинг қилган башоратларидан ўзимни ўта шавкатли ҳис қилдим.

Ва яна дедиларки: «*Салтанат ишиларида сабрни ўзингга шиор қилгин*». Шундан сўнг пиirimниң хизматидан рухсат олиб, Ҳурсон вилоятини таслим қилиб, Ҳиротга қайтдим ва Ҳирот водийсига жойлашдим.

Шу кезда Малик Ҳусайннинг юборган кишини келди ва: «Менинг ўз лашкарим менга қасд этиб, бирлашиб менинг ўрнимга Малик Бокирни қўймоқчи ва мени салтанатдан четлаштиrmокчилар. Агар Амири Кабир ўз қўшинлари билан шахар тарафға йўл олсалар, мен ҳам уларга қўшилиб, Амир Қазағон хизматига юз тутаман», - дебдилар.

Шу аснода мен баҳодирларимни йигиб отландим: «*Агар Малик Ҳусайннинг бу сўзи рост бўлса, Ҳирот ва Ҳурсон ви-лоятини осонлик билан таслим қилиб, шериксиз ва шубҳасиз ҳоким бўламан*», - дедим.

Шундан сўнг баҳодирларим билан биргалашиб саф тузиб, Ҳирот шаҳрига йўл олдим. Ва Малик Ҳусайн зимдан мен билан жангга тайёрланиб, ташдан менга совға ва тортиклар билан шахардан чиқди. У саф тузиб, тартибга солгач, англайдимки менга хийла-найранг кўрсатмоқчи.

Мен ҳам аслаҳаларимни тақдим, ёнимдаги баҳодирлар ҳам урушга тайёргарлик кўришди. Улар шундай дердилар:

**Байт:**

*Мабодо душманга фурсат бергандан,  
Кел эй, ўлимга ҳам рози бўлашлик.*

Шу ўй билан турганимда, Малик Ҳусайн кўп молу дунё билан ёнимга келиб, сув лабида учрашди. Ҳурросон лашкарининг сардорлари унинг келганини душманат билиб, урушдан кўл тортишди. Ва мен Малик Ҳусайнни ўзим билан олиб келиб, юрга тушиб кўчинглар деб ҳукм этдим. Менинг Малик Ҳусайнни олиб келаётганим Амир Қазагонга хабари етгач, амирзода Абдуллоҳни менинг истиқболимга юборди. Мен Малик Ҳусайнга таърифга сифмайдиган иззатикром кўрсатиб, ўзининг олиб келган тортиклари билан Амир Қазагоннинг мажлисига киргаздим. Шу пайтда Амир Қазагон мени қучоклаб, пешонамдан ўпди ва дуойи хайр этиб: «*Юзинг оқ бўлсин*», - деди.

Шундан кейин Амир Қазагон Малик Ҳусайнни ўзининг хос чодирига олиб бориб базм берди. Бир неча кундан кейин Малик Ҳусайннинг амирлари ва аскарларининг тамагирлиги хаддан ошиб, Малик Ҳусайндан кўп нарса талаб қилдилар ва у қондиришдан ожиз келди. Шунда амирлари Малик Ҳусайнни ўлдирамиз, деб келишдилар.

Ва Амир Қазагон бу воқеани эшлиб, ўзича мулоҳаза қилиб, мени яширинча чакириб айдики, бу амонатни ўз манзилига етказгил. Шундан сўнг Малик Ҳусайнни олиб, кечалари йўл босиб, ўз улусига етказдим ва ўзининг хос чодирида жойлаштирудим. Ва у каттик кўрқиб гумон қилдик, мен уни ўлдиргани олиб қелдим. Унинг ўта вахимага тушиб қолганини кўргач, ўтган воқеаларни унга изхор қилдим. Шундан сўнг Малик Ҳусайн мени ва Амир Қазагонни дуойи хайр қилди. Мен ўша кунни шу ерда ўтказдим, кейинги куни аввал ов қиласман, кейин Амир Қазагон хизматига кетаман, деб

рухсат сўрадим. У ҳам ов қилишни ўта яхши кўргани учун, ўз ишончли кишиларидан ўнтасини олиб, менга ҳамроҳ бўлиб, Мургоб суви тарафга равона бўлдик. Амир Қазагон ҳам ўша тарафга йўл олган эди. Ва Малик Ҳусайннинг билагида бир лаъли бор эди. Бу лаълни Амир Қазагонга тортиқ киласан, деб овда менга топширди. Малик Ҳусайн билан Мургоб суви лабига келиб тушганимизда, Ғур ва Ҳурросон сипоҳи Малик Бокирни хон кўтариб, бутун аҳолиси билан Ҳирот шаҳрида ўтирганимеш, деган хабар етиб келди. Бу ҳарбардан Малик Ҳусайн безовта бўлиб, ҳайронлик гирдобига тушди ва бу бобда мендан маслаҳат сўради. Мен унга маслаҳат бердимки, сен қиласидиган фақат бир иш қолди: шижоат дубулғасини бошингга кийиб, мардоналик совутини эгнинга иласан ва жангвор қилични бўйнингга осиб, наҳанг каби бу қонли дарёга кирасан ва агар мағлуб бўлсанг шармандаликтан ҳалос бўласан ва агар голиб келсанг, поминг чиқади.

Шу аҳвёлда Малик Ҳусайн жонидан кечиб, бу ишга жазм қилди ва менга Ҳиротнинг бир йиллик хирожини тортиқ қилиб, унга ҳамроҳлик қилишимни сўради. Мен унга кўнмадим ва «Агар Ҳурросон сultonлиги сен билан менинг ўртамизда инерикчилик бўлса, мен Ҳиротни олурман», - дедим. Ва у бу сўзимга рози бўлди. Уша пайтда ўртамизда яхна гўшт бор эди. Уни тановул килаётганимизда гўшт билан сук орасидан бир ғоб, яъни бир кабза (ошиқ) чиқди. Мен у ошиқни гўштдан тозалаб ният қилдим. Шунда у ошиқнинг нақшлари ниятимга мувофиқ намоён бўлди. Шундан сўнг Малик Ҳусайнга мадад етказиб, уни Ҳурросон тахтига ўтқазиш учун йўл олдим. Шу аснода лашкар сонини хисоблаб кўрдим. Ёнимдаги лашкаримнинг ҳаммаси бўлиб уч юз киши эди. Дарҳол Ҳурросон тарафга отланиб, тўрт кеча-кундуз илгор этиб, тонг вактида бозор ўртасига етиб бордим. Ва чап тарафимга қарасам, бир ошиқ дўқонининг эшигига пишган таом кўтариб турган экан. Унинг кўзи менга тушгач «Марҳабо» деб, кўлидаги харира (шарбат) тўла жомни кўтариб менинг олдимга келди. Бу таомни яхши фол деб олиб, Малик Ҳусайнга бериб: «Бу таомдан ичгил», - дедим. Ва Малик Ҳусайн билан у таомдан татиб кўриб, равона бўлдик ва дарвозага етиб боргач қарасак, дарвозабон дарвозани очиб турган экан. Шунда мен Малик Ҳусайннинг отига бир камчи урдим.

Унинг оти тахта кўприкдан ўтиб, дарвозага кирди. Ва мен дарвозада турдим. Малик Ҳусайн хавф-хатарсиз саломат Ҳирот шаҳрига кириб, Малик Боқирни ёткоҳонасига етиб борди. Унинг тепасидаги кўшкчи ва дарбонлари таҳорат қилиб намозга турган эдилар. Малик Ҳусайн фурсатни душманат топиб, Малик Боқирни тутиб, хибсга олди ва салтанат тахтига ўтирди. Ва менинг олдимга одам юбориб: «Мен ёлгиз ўзимман, мабодо Малик Боқирнинг лашкарлари менга ҳужум этмасинлар», - деди. Шундан сўнг лашкаримни тартибга солиб шаҳарга кирдим. Малик Боқирнинг сипоҳийлари, мени лашкаримни кўргач, келиб Малик Ҳусайнга итоат килдилар.

Шу пайт Ҳирот тахтига ўзим ўтирсаммикин, деб кўнглимга келди, лекин мабодо кўшинларим мени қувватламасачи деган мулоҳаза бор эди. Шунинг учун бу ишга журъат қилмадим. Бу сирни уларга изхор қилганимда, воқеа мен куттгандай бўлиб чиқди.

Кўшиним Ҳирот салтанати бобида менга қўшилмаганларидан кейин, мен тажриба орттиридимки, минг икки юзламачидан кўра бир гафлатдан уйғонган одам яхшироқдир. Ва Малик Ҳусайнни ҳукumat тепасига ўтқазишга мажбур бўлдим. Ва у аҳдини бузиб, зиммасига олган тортикларини олиб келмади. Ҳиротнинг султонлигини ундан олай десам, мени кучим етмас эди. Кўшиним менга қарши бўлгач, улардан кўнглим совуган эди.

Шу кезда Малик Ҳусайн ўз вакилларини кўп совға ва тортик билан Амир Қазагонга юборди. Мен Амир Қазағон хизматига қайтиб келгач, Амир мени оғушига олиб, бошим ва юзимдан ўпди.

Шу орада Амир Қазагоннинг амирлари ва аскарлари, низо камарини белларига боғлаб, Амирга карши чиқиб, унга итоатдан юз ўғирдилар, деган хабар келди. Бу бобда мендан кенгаш сўради. Мен унга бундай кенгаш бердим: «Донишмандча ўғлонни хон кўтариб, унинг тарафидан ёрлиг юбориб, мухолифларни талаб қилгил. Агар итоат кўрсатиб, келиб мулозамат қиласалар, уларни эҳсон билан бўйсундиргин, ҳар ким қаршилик кўрсатса, кескир қилич билан бошини кесгин».

*Сана етти юз эллик саккизда (758/1356-1357) йигирма*

икки ёшга қадам кўйдим. Ўз-ўзимдан салтанат машкини қилар эдим. Шу йили Туманот амирларидан баъзилари Амир Қазагоннинг итоатидан бўйин товлаб, ҳийла-найранг билан биргалашиб, менга бир мактуб ёздилар. Унинг мазмуни шундай эдики, агар сен бизларга маслаҳат берсанг, келиб сени давлатга кўтарамиз. Амир Қазагон давлатхонасига кириб, мажлис қизиган чоғда Амир Қазагонни қатл этиб, До-нинимандча ўғлонни ҳам тутиб, вилоят ва мамлакатга ўзимиз эгалик килиб, мамлакат салтанатини ўртада тақсимлаймиз.

Ва мен ошнонлик ҳақини назарга олиб, мактуб мазмунини Амир Қазагонга етказдим. Шундан сўнг ўз-ўзимга дедим. Ўн киши билан щерик бўлгандан кўра, мамлакатни бирордан олмаганим яхшироқдир. Улар кейин ўз ихлос ва эътиодларини изхор қилиб, Амир Қазагонга ҳам бир мактуб юбордилар. Бу мактуб келгач, Амир Қазагон ўта содда киши эди, мурувват ва эҳсон юзасидан уларга ёнига келишга хукм килди ва мен айтган сўзга эътибор бермади.

Улар келгач, мени олдига чақирди. Мен уйнинг эшигига етиб келганди, амирлар билан кўришдим. Мен уларнинг авзойлари бузуклигини кўриб, билдимки тўнларининг тагидан совут кийиб олишган. Мен уларга «йўл бўлсин» деб Амир Қазагон ҳарамига кирдим ва амирларнинг аҳвол-кайфияти ва уларнинг нияти бузуклигини Амирга маълум килдим.

Амир Қазагон уларнинг нияти бузуклигини англағач, ичи оғриб, бемор бўлди ва уларга ичимлик-егулик юбориб, узр сўради ва ўз яқинлари олдига қайтишга рухсат берди. Уларни қандай даф қилиш бўйича мендан маслаҳат сўраганида, мен «уларни мол-дунё билан алдамок керак». - дедим. Шундан сўнг Амир Қазагон ўзларинг улашининглар, деб уларга кўп moi юборди. Шунда улар молни бўлишув чоғида бирбири билан талашиб, бир-биридан ажralиб, келиб Амир Қазагонга кўшилдилар. Уларнинг мухолифлиги, мувофиқликка ўзгариб, бундай хатар Амир Қазагондан даф бўлди. Шундан сўнг мени ўзига фарзанд атаб кучоклади ва Шибирғонот вилюятини менга берди.

*Мен йигирма уч ёшга қадам кўйганимда сана етти юз эллик тўққизда* (759/1357-1358). Амир Қазагон Мовароуннахр вилоятида мустакил бўлди. Хоразм мамлакатини ўзига карам қилишда мендан кенгашиб тилаб, бу ишда мени ўзига

шерик этди. Ва мен ҳам замона зайдига караб, Хоразмни эгаллашга рози бўлдим. Лекин ўйлаб кўриб, бу ишда шундай қарорга келдимки, Хоразмни эгаллашни бошқа кишига буюрилсин, токи Хоразм лашкари бир мартаба уришиб, андак ҳолдан тойсинлар, ундан сўнг мен бориб бу мамлакатни ўзимга қаратаман. Бу бобда Амир Ҳазарга айтдимки, Амирнинг маслаҳатчиси ва ишончли кишиларидан Баёнқулига «Хоразм вилоятини эгаллаш ўта осондир, у мамлакатни босиб олишга амирзода Абдуллоҳни буюрилса яхшироқ куринур, токи Хоразм фатҳи амирзода Абдуллоҳни отига бўлади, ўйкса Амир Темурнинг отига бўлади», деб айтсин.

Баёнқули ҳам бу сўзни эшишиб, Амир Қазагонга маъқул этди. Амир Қазагон ҳам қабул қилиб, улуг ўғли амирзода Абдуллоҳни Самараканддан Хоразм вилоятини эгаллашга юборди. Хоразм лашкарининг сардорлари ҳам қалъаларни мустаҳкамлаб, амирзодани ушлаб қолишиди. Иш расво бўлди ва амирзода кўп күшин билан Хоразм устига лашкар тортиди. Ва Амир Қазагон бу иш кечиккач, мени чакириб: «Мен боша Хоразм вилоятининг таслимини сенга мўлжаллаган эдим, энди ҳам сенинг номингга бўлсин», - деди. Ва мен ўзимга «Маслаҳатни мендан сураса ва қилични мендан тиласа, мен нечун танҳо иш битириб ҳукмонлик қилмайман?» - дедим. Бу хаёллар билан дилим ўжарлик қилиб, итоат кўрсатишга рози бўлмас эди. Ўзимча қарор қилдимки, бориб Хоразмни ишғол этаман.

Ва Амир Қазагон менга бир микдор лашкар қўшиб, амирзода Абдуллоҳни талаб қилди. Ва мен Хоразм тарафга жўнаб кетгач, амирзоданинг лашкари қайтиб келди. Ва мен унинг ўршига Хоразмга бордим. Мен боришим билан Хоразм ахли урушга киришмай, менга таслим бўлди.

Ва Хоразм қалъаларини шу тарика таслим қилдимки, Хоразм вилоятининг амирлари ва улусини ўзимга эл этиб, уларга илтифот кўрсатдим, яъни мулоийм сўзлар айтдим, токи қалъаларнинг сардорларини менга эл этгайлар. Ва улар ҳам рози бўлиб, мен айтган ваъда ва ахдларимни ёзиб, сардорларига юбордилар. Шундан сўнг мен уларнинг ҳаммасини ўзимга мутеъ ва фармонимга шай топиб, ўзимга навкар қилиб, Хоразм ганжга тұла вилоятини уларга таксим этиб бердим. Ва Хоразм қалъаларини эгаллаб, ўзимга ишончли

кишилардан қалъа бошликларини тайинлаб, Хоразм вилоятини тартибга келтирдим. Шундан сүнг Хоразмда салтанат байрогони баланд күтаришни истадим. Ва яна мабодо Хоразм ахли икки юзламачилик қилиб, каршилик күрсатмасин, деб ўйладим. Шу сабабдан зафар қозониб, Амир Қазагон хизматига келдим ва Амир Қазагон бу хизмат эвазига Урганж вилоятини менга берди.

Ва сана етти юз эллик түккизда (759/1357-1358) Амир Қазагон ов қилиш ниятида Самарканддан чиқди. Мен ҳам ҳамроҳ эдим. Ов билан машғул бўлиб, бир кеча Амир Қазагон ва менинг ёнимизда овчи бошилардан ўзга киши йўқ эди. Шу кезда Амир Қазагоннинг куёви Тўғлук Темурхон кўп душманлар билан биргалашиб, Амирни ўлдиргани фуррат кутар эди.

Шу аснода вактни душманат англаб, етти нафар киличбоз билан Амир Қазагонга ҳамла қилди. Кеча коронги бўлгани учун меғ отдан тушиб наъра уриб, Амир Қазагоннинг бўйнидан тортиб тушурдим. Амир Қазагон отдан йиқилиб, қиличини қўлига олиб бир тошни ўзига паноҳ этди. Ва мен ўртага кирдим, овчи бошилар ҳам етиб келиб урушга киришдилар. Сўнг Тўғлук Темурхон омади келмай, кочиб кетдилар. Шундай қилиб Амир Қазагонни бу гирдобдан чикардим. Бу хизматим эвазига у Ҳисори Шодмоннинг мол-мулки билан менга берди. Хоразм ва Ҳисор вилоятини салтанат қўл остига киритгач, бу мамлакатнинг ҳамма қўлга кирган бойлигини қўшинимга тақсим этиб берар эдим. Ва навкарларимга ҳамиша мулоим сўз айтиб, эҳсон берардим. Негаки қўнглимда туккан муддаони амалга оширишда мени қўллаб-куватлашини истардим.

Амир Қазагоннинг Тўғлук Темурхондан кўнгли хира бўлгач, овни тарқ этиб, доим Тўғлук Темурхондан қасос олиш ниятида, уни қўлга олишни ўйлар эди. У Мовароуннаҳрнинг тоғларида кочиб юрар эди.

Ахири Тўғлук Темурхоннинг никоҳида бўлган Амир Қазагоннинг кизи эр догида ўзини ақлдан озгандай кўрсатди. Амир Қазагон раҳмдил, содда киши бўлганлиги учун хотинларнинг макрини рост деб ўйлаб, уларнинг гапига қулоқ соларди. Шу зайлда хотинлар уни йўлдан чиқардилар. Амир Қазагон уларнинг сўзига амал қилиб, Тўғлук Темурхоннинг



генохидан ўтиб, унга ерлік юборди. Ва мен хотинларнинг сузига амал қилмаслик керак дедим. Тангри таоло хукм

этибдирки, хотинлар нима деса уни тескарисини қилмок керакдир. Агар хотинлар Түғлиқ Темурхонни ўлдир, десалар ўлдирмаслик керак. Худойи таолонинг ҳукми билан ҳар ишда уларпинг тескарисини қилиш керак, нединким улар ақли калтадир. Амир Қазагон менинг бу сўзларимдан ўйга толди. Шунда мен: «*Дўстнамо душманни бир лаъл янглиг сақламоқ керак ва тошлоқ жойга етиб боргач, уни тошга шундай ургилки, ундан асар қолмагай*», дедим.

Барибир менинг сўзимни назар-писанд қилмади, яъни *сано олти юз эллик тўққизда* (659/1357-1358), ўзининг хотинларидан шикоят килиб, уларни талоқ қилишга бел боғлади. Хотинлари бераҳмлик килиб, унга чойли май бериб, уни ўзларига оғдириб олдилар ва куёви Тўғлук Темурхонни хам келтириб, гуноҳини кечиришни тиладилар.

Шуниси борки, Амир Қазагон унга ишончи йўқ эди. Аммо Тўғлук Темурхон ўзининг қилган ишларидан уялар эди. Шу аснода Амир Қазагон Андижон вилоятини амирзода Абдуллохнинг қайнатаси Баёнқулидан олиб, Мухаммад Ҳожа Изадийга берди. Шундан сўнг Баёнқули Амир Қазагон низосининг камарини белига боғлади ва Тўғлук Темурхон хам зимдан унинг тарафдори бўлиб, Амир Қазагон қасдида эдилар. Ва мен неча марталаб Амир Қазагонга хабар бериб, ғофил бўлмагил, дердим. Ва мени фарзанд атагани учун фарзандлик расмини кўлдан бермай, унга посбошлиқ килар эдим. Ва менга Амир Қазагондан кейин Моварооннахр салтанати тааллуқли бўлади, деб аҳднома ёзиб берган эди. Ва мен хам берган ваъдаларимни қатъий бажаардим. Шуниси борки, Амир Қазагон овга ўта қизиқар эди. Бир кун овчилардан бир неча кишини олиб, курол-яроқсиз Жайхун сувидан ўтиб, танҳо овга машғул бўлди. Ва Тўғлук Темурхон билан Баёнқули биргалашиб, Амирзода Абдуллоҳни салтанат тахтига ўтказиб, ҳукуматни ўз қўлларига олишга фурсат кутар эдилар. Шу аснода у хиёнаткор нобакорлар фурсатни душманат топиб, ул адолат шиёр таникли инсонни ов килиб юрган жойда шаҳид этдилар.

Амир Қазагоннинг қатл этилганини хабари менга етгач, қаттиқ қайғуриб, у мазлум жасадининг тенасига бордим, жасадини тупроқ ва кон орасидан чиқариб, ювдириб, кағанлаб, Жайхун кирғоғида дағн этдим.

Амир Қазагон олам билан видолашынч, Түглук Темурхон билан Баёнкулихон биргалашыб, Амирзода Абдуллахонни Амир Қазагон ўрнига Мовароуннахр салтанатининг таҳтига чиқардилар. Мовароуннахр улуси хийла юзасидан аҳд этиб, аввалгилик хонлик Баёнкулига тегишли бўлади ва амирзода Абдуллоҳ Амир Қазагоннинг ўрнида ўтириб, салтанат ва мам-лакат муҳим ишларини бажаради, деб касамёд этдилар. Шундан сўнг Баёнкули билан келишган ҳолда амирзодани отаси ўрнига хон кўтардилар. Мадоро юзасидан у билан келишиб иш тутардилар. Амирзода ўта хасис ва тамагир одам бўлгани учун бирорвга бир нарса бермас эди, балки одамлардан олар эди. Ҳаттоки Баёнкулихон ва Түглук Темурхон молидан тами килди. Шу аснода Мовароуннахр ахлиниң қаҳри келиб, Темуршоҳ ўғлон бинни Темурхонни ҳен кўтариб, амирзоданинг устига лашкар тортиб, уни ўлдиришга қасд килдилар. У ҳам уруш килгани чиқиб, уч мартаба ҳамла қилиб, иш битира олмай бошини эгар устига кўйиб қочиб, Жайхун сувидан ўтиб, Бағлон вилоятига борди ва ўша ерда вафот этди.

Ва йигирма тўрт ёшга (760/1358-1359) қадам қўйгач, Баёнкулихон ва Түглук Темурхондан келган қабиҳ ишдан дилим ранжиб, ихтиёрни кўлдан бердим. Отланиб Амир Баён Сулдуз улусига этиб боргач, уни ўзимга бирлаштириб, белимга килич боғлаб, Амир Қазагоннинг хунини талаб килдим. Мен билан биргалашыб, Баёнкулихондан мазлумнинг қонини талаб қилишга бел боғласин, деб Ҳисори Шодмонни унга бердим. Самарқанд подшохининг қатли зарурдир.

Амир Ҳожи Барлос бинни Буралқи бинни Темурлак бинни Қорачор Нўён Амир Қазагоннинг қотилларининг қатлига жидду-жаҳд кўрсатиши учун иттифоқ туздим. Амир Баён Сулдуз билан биргалашыб, Баёнкулихондан Амир Қазагоннинг қонини талаб қилиш учун Самарқандга лашкар тортидим. Кеш худудига этиб боргач, киши юбориб Амир Ҳожи Барлосни талаб қилдим. У билан биргалашыб. Самарқандга бориб, у ерда хонликка кўтарилилган Темуршоҳни ўргадан кўтаришга аҳду паймон қилдик.

Мана шу иттифоқ билан ҳаммамиз йигилишиб Самарқандга бориб, Темуршоҳни орадан кўтариб, Мовароуннахрни ўз тасарруфимизга киритдик. Шундан учовимиз бу вилоятни

ака-укачилик расми билан бўлишиб, ўз тасарруфимизга олдик. Ва Кеш миңтақасини, унга қарашли жойлари билан ўзимизга бўйсндириб, ўша ерда жойлашдик.

Ва биз уч ака-ука Мовароуннахрнинг қўшин ва ахолисини ўз тасарруфимизга киритиб, қўшин ва амирлардан ким кайсарлик қиласа, унга биргалашиб танбех ва дакки бериб, бир-биримиздан рози бўлардик.

Мовароуннахрнинг ҳамма хосилларию қўшимчаларини баробар таксим қиласа эдик. Амир Баён Сулдуз кўп шароб ичишдан шу орада оламдан ўтиб қолди. Шу орада мен Амир Ҳожи Барлосга, унинг вилоятини ака-укалик расми билан бўлишиб, бир хиссасини унинг ўғлига қўяйлик, токи унинг қўшинлари ҳам бизга содик бўлиб, илгаригидай иш олиб борайлик, дедим. У менинг сўзимга кўнмади. Амир Ҳожи Барлос билан Амир Баён Сулдузниң ўғиллари бир-бирига тегажоқлик қилиб, орасида мухолифат ва низо пайдо бўлди. Чекка вилоятлардаги амирларга бу хабарлар етиб бориб, салтанат байроғини баланд кўтардилар.

Мен мулкни идора килиш муомаласининг режасини тузиб қўйдим. Мовароуннахр қўшинлари ва ахолисининг орасига бошбошдоқлик тушиб, Турон вилоятининг хосу ом кишилари келиб, ҳол тили билан, бу мамлакатда бир подшоҳ давлат таҳтига минмагани учун биз бир подшоҳни давлат ва салтанат таҳтига кўтаришга қарор килдик, дедилар. Шу онда Мовароуннахр вилоятини ўзим олиб, унда ҳоким бўлсанам, деган гайрат ва журъат пайдо бўлди.

Ва лекин Мовароуннахрнинг катталари ва ахолиси бу бобда келиша олмадилар. Ва мен ўзимга кенгаш солдимки, Мовароуннахр амирларининг ҳар бири ўз вилоятида истиқтол байроғини баланд кўтаришга, улар билан муроса ва мадорага келишиб, уларни бир-бирдан ўзимга муте ва фармонимга кирадиган қилмоғим керак. Ва лекин бу ишда кўп улугворлик ва вазминлик билан Мовароуннахр қабила ва уруг бошлиқларининг жиловлаш учун кўп саъй-ҳаракат кўрсатдим.

Шу мақсадда уларнинг ҳар бирига мактуб ёздимки, агар мен билан бирлашсалар Мовароуннахр мамлакатини ака-укачилик расми билан таксим этаман. Ва уларнинг ҳаммаси ҳам менга хат ёзиб ҳамма сўзимга рози бўлдилар. Аммо мен билан иттифок тузганидан бири-биридан хабарлор эмас эди-

эдилар. Мен уларни мол-мүлк тамасида бирлаштирудимки, бирордан не мүлк олсам уни ака-укалардай баравар тақсим киламан. Шундай килиб уларнинг ҳаммаси шу тама билан



итоат камарини белига боғладилар. Ва бу куп улуг иш эди,

чунки Ўлжай Буғо Сулдуз Балх вилоятида ва Амир Боязид Жалойир Хўжанд вилоятида салтанат байроғини тиккан эдилар. Ва Мұхаммад Ҳожа Аброй Шибирғонни эгаллаганди. Ва Бадахшон шоҳлари Бадахшонот тоғларида бир-бирига қарши байрок кўтаришган эдилар. Ва Кайхусрав Ўлжайту Ҳатлонни эгаллаб олганди. Ва Амир Ҳазар Бомкент кўпригидан Самарқанд атрофигача эгаллаб, истиқлол туғини осмон баравар кўтарғанди. Ва Мовароуннаҳр мамлакатини уларнинг қўлларидан ўзимга мойил қилиб олай десам, уларнинг ҳар бири ўзини бошқасидан устун кўйгани учун, уларни уруш ва қон тўкиши йўли билан ўзимга қарам қилишга кенгаш қилдим.

Шу йили Элчи Нўғой Сулдузга мактуб ёздимки, Бадахшон аҳолиси Бадахшон шоҳларидан зорланиб менга хат ёзиб, менинг у томонларга қадам ранжида қилишимни сўрайдилар ва мен ҳам шу тарафга йўл олмокчиман. Агар адл ва инсоғни ўзларига шиор қилиб, аҳоли билан муомала қилса, бу мамлакат ул зафарёрнинг мамлакатига қўшилади, бўлмаса аҳоли менга паноҳ келтирадилар. Энди мазлум додини золимдан олиш менга вожибdir.

У мана шу мактубни олгач, Бадахшон шоҳларининг устига лашқар тортди. Ва Бадахшон шоҳлари менга паноҳ тугиб, агар Элчи Нўғой Сулдузнинг уруш ва қон тўкишларидан куткарсам, улар ҳам Ҳатлон вилоятини Кайхусрав Ўлжайтудан олиб, менга таслим қилишга аҳду паймон қилдилар ва мен билан иттифоқ туздилар.

Ва мен Шибирғон ҳокими Мұхаммад Ҳожа Яздийни ўз кўшинларим билан бирга Балхга жўнатдим, бориб чопқин ясадилар. Бу хабар Элчи Нўғой Сулдузнинг қулогига етгач, Бадахшондан Балх ва Ҳисори Шодмон тарафига қайтди. Ва Бадахшон шоҳлари ҳар ерда талаб қилсан, кўшин ва аҳолиси билан хизматимга ҳозир бўлишга итоат камарини белларига bogладилар.

Элчи Нўғой Сулдуз Балх вилоятига бориб, касдини олиш учун Мұхаммад Ҳожа Яздийнинг устига лашқар тортди, у мендан паноҳ излади. Ва мен Шибирғонни Элчи Нўғой Юлдуздан халос қилиб Мұхаммад Ҳожага бердим ва уни ўзимга тобе қилдим.

Шу орада Ҳусайн, Амир Қазағоннинг набираси, отасининг

тахтини талаб килиб, барча ўзига тобе кишилар билан Ко-  
булдан чиқиб, Мовароуннахр тарафига йўл олди ва менга  
бир мактуб ёзиб ёрдам суради. Унинг синглиси менинг  
уйимда бўлгани учун кариндошлик томири жон олиб, уни  
Мовароуннахрга келишга унадим.

Ва бу разил, абраҳами ўзимга дўст тутинганим салтанатда  
йўл кўйган хатолардан бири эди. Унинг тўрт ёмон сифати  
Сор эди: биринчи ҳасад, иккинчи ҳирс, учинчи орқага суриш.  
тўртинчи баҳиллик. Ва мен бундан гоғил бўлиб, унга нома  
ёздим. Келиб Бадахшонни эгаллади.

Ва шу йили менга Тангри таоло Муҳаммад Жаҳонгирни  
ато қилди. У менинг биринчи фарзандим бўлгани учун унга  
Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам исми шариғлари билан  
от кўйдим ва тўй бердим. Ва менинг жаҳонгирлигимни  
бошланиши бўлгани учун унга Жаҳонгир деб от кўйдим. Ва  
унинг муборак пойи қадами билан ўша йили улкан ғалаба-  
ларга эришдим. Мовароуннахрнинг катта амирларидан  
Амир Боязид Жалойир ва Амир Ҳожи Барлосдан бўлак та-  
моми аҳоли ва катталари менга қарам бўлдилар. Мен улар  
билан муроса қилас әдим ва мурувват ва эҳсон билан улар-  
нинг кўл остидагиларни ўзимга мойил қилдим. Ва Ҳожи  
Барлоснинг феъли торлиги ва орасига тушган келишмовчи-  
лик орқали ундан юз ўгириб, менга бокиндилар ва Ҳожи  
Барлоснинг хотини, киз набирасига Амир Ҳожи Барлос  
амирлигини олиб бериб, ўзи ҳоким бўлмоқчи бўлиб, тадбир-  
хийла билан Амир Ҳожи Барлосни ўлдиришга қасд этти. Бу  
орада Ҳожи Барлос фаросат билан викиф бўлиб, ўша ярамас  
хиёнатчии у дунёга жўнатди.

Сўнг келиб менга кенгаш солдики, унинг авлодини ҳам  
катл этгай. Мен тасалли бериб, Амир Ҳусайн Бадахшонга  
ҳоким бўлган йили, зулм килиб Бадахшон шоҳларининг во-  
рисларидан уч кишини тутди ва унинг вакили Ҳожи Муҳам-  
мад Пешоварий, у уч кишини ноҳақ қатл эттирди. дедим. У  
уч мазлумнинг ноҳақ тўкиліган кони Амир Ҳусайннинг эта-  
гидан тутиб, охири унинг гирифтори бўлди.

Балх вилояти менга таслим бўлган пайтда, ўша вилоятдаги  
катл этилганларнинг ворислари Амир Ҳусайнга даъво килиб,  
уни катл этдилар.

*Йигирма беши ёшга (761/1359-1360) қадам қўйганимда*

Чингизхоннинг набираси Тўглук Темурхонки мустақил подшоҳ эди, Мовароуннаҳрни эгаллашга азм қилди ва Хўжанд сувига яқин Хилоф Булоғ мавзеига тушиди. У ердан менга бир ёрлик, Амир Ҳожи Барлоснинг отига бир ёрлик ва Амир Боязид Жалойирнинг отига бир ёрлик ёзиб жўнатди.

Шунда бу ёрлик мазмунидан Амир Ҳожи Барлосни ваҳму кўркув босиб, Тўглук Темурхондан мудофаа ва жавоб-муомаласида не иш қиммоқ керак, деб кенгаш тилаб менинг олдимга келди. Мен «Тўглук Темурхон билан куришганим маъқул», дедим. У бўлса, «Тўглук Темурхон Мовароуннаҳрга келгунча биргалашиб, ҳамма кўч-кўлонимизни кўтариб Хуросон тарафга юз тутуб, Жэшундан нариги томонига ўтганимиз яхшироқдур», деди. Мен эса, «агар Мовароуннаҳр унинг қулига ўтса, уни бориб кўраман, йўқса ўз воҳамда ўтираман», дедим. Кўп гап-сўздан кейин кенгаш шунга қарор топдики, мен бориб Тўглук Темурхонни кўраман. Элу улусни химоя қилиб, тадбир билан бу мамлакат вазирларининг ишини кузатиб тураман. Нединким, қиличдан олдин тўғри тадбир керакдир: бир тадбир билан килган ишни, юз шамшир билан қилиб бўлмас.

Шундай қилиб Амир Ҳожи элу улус, мол-мулкини ўзи билан олиб, давлат-у саодат билан Хуросонга йўл олади, мен агар қила олсан мамлакатни назорат қилиб тураман, бўлмаса мен ҳам унинг кетидан Хуросонга қараб йўл оламан.

Шу сўзлар билан Амир Ҳожи Барлосга элу улуси билан рухсат бериб, унинг кўл остидагилар билан уч манзил бирга юриб, сўнг қайтдим ва Кеш ўлкасида ёлғиз ўзим яшаб қолдим.

Амир Боязид Жалойир ўз кавми билан Тўглук Темурхоннинг ёрлигини бошига қистириб, унинг тобелигини бўйнига олиб, элу улуси билан бориб, унинг хизматига кирдилар.

Шу аснода отам Амир Тарагай касал бўлди. Уни даволаш учун Тўглук Темурхонни олдига бормай ушландим. Отамнинг қазоси етиб, ҳаётдан кўз юмиб, фоний дунё билан видолашгач, уни ювиб тараб, кафанлаб, Кеш ўлкасидаги авлиё мозори ёнида дафн этдик.

Шу аснода Мовароуннаҳрнинг аҳоли ва катталаари келиб менга қўшилдилар ва биргалашиб: бизлар ўн икки минг отлиқмиз, бизлар сени сultonликка қабул этдик, салтанат хут-

басин сенинг отинга ўқиймиз, дедилар.

Салтанат конунларида келибтурки, бир кишига ўн икки минг отлик муте бўлиб итоат кўргазса, бу киши салтанат байрогини баланд кўттармаса, бу одам салтанатдан бебаҳра бўлғай. Уларнинг иттифоклари хавф ва қўркув юзасидан бўлгани учун мен ўзимга кенгаш этдимки, киши ўзи билан ўз татимаган, ўз кўлида тарбияланмаган ва тажрибада синалмаган одамларга ишониш ақлдан эмас. Шундай бўлса ҳам мен уларни хавф-қўркувдан чиқариб, кўнглига далда бердим.

Шу аснода Тўглук Темурхондан мени талаб килиб иккичи ёрлик келди. Шунда Мовароуннахр ахолиси ва қавм оқсоқолларига Тўғлук Темурхоннинг бу ерга келмоғи бир кутилмаган балодир, дедим. Ўзбеклар тангназардирлар, уларнинг оч кўзларини молу дунё билан тўйдириб, алдаганим авлодир, токи қатлу горатдан кўл тортгайлар. Шу аснода Ҳожи Муҳаммадшоҳ бошчилигидаги Темурхон лашкари, катта отлик кўшин билан Мовароунинахр вилоятига даҳшат солиб. горат қилгани келиб, Ҳарор мавзесига тушди, деган хабар етиб келди. Мен ўз одамларимни тўплаб, Мовароуннахр ахолисини ҳам ўзимга ҳамроҳ килиб, кўп сонға ва тортиклар билан Тўғлук Темурхон тарафига йўл олдим. Ҳарор мавзенига етиб борганимда Ҳожи Махмуд билан учрашдим. У менинг меҳмон килиб таом тортиди. Ва мен нонушта килиб, унинг шаштидан тушурдим. Тез жиловлик килмагай, деб ёнимдаги тортикларимни унга бердим ва хировул (олдинги катор) лашкарининг сардорларини кўрайин, дедим. У менинг гапимга кўниб, токи мен бориб хировул амирлари сардорларини кўргунимча, Ҳарор мавзесида тўхтаб турди. Қарасам уларнинг бирч Улуғ Тўқ Темур ва яна бири Ҳожибек эди. Уларнинг амир ул-умароси Чингиз эди. Кеш саҳросида улар билан учрашдим. Улар иззат-эҳтиром юзасидан менинг истикболимга чиқиб, мени олқишиладилар. Мен Тўғлук Темурхонни бориб кўриш учун уларни молу дунё билан чалғитдим. Бу уч амир саҳрова тўхтадилар ва улар мени кўрганини ўзларига яхши фол тутиб, хушхол бўлдилар ва менинг номимдан Тўғлук Темурхонга аризалар ёздилар.

Мен Ҳўжанд суви кирғогига келиб Тўғлук Темурхон билан учрашдим ва Мовароуннахр ахолиси билан кўп армуғон ва

совғалар этиб, уларга күруниш бердим.

Шу аснода хировул амирлари Мовароуннахр аҳолисидан кўп армуғон олибди, деб унинг қулогига этиб келди. Хировул амирлари кўп армуғон ва тортиқ олиб, уларни бу йўлдан ўтқазиб, бу тарафга ҳавола қилғанларидан дили ранжиб, уларга мухолифлик йўлига ўтди.

Шу кезда даштдан хабар этиб келдики, Жета (мўғул) амирлари мухолифлик байрогини кўттардилар. Бу бобда Тўғлук Темурхон мендан маслаҳат тиладики, мен бир неча қўшин лашкар билан бориб, мухолифлар лашкарини бостирай. Шунда мен: «Сенинг ўзингни даштга бормаслигингда бир хатар бордир», - дедим. Унга бу маслаҳат хуш ёкиб. Жета амирларини бир ёқли қилиш учун дашт тарафга қайтиб кетди.

Ва Тумон ёрлигини ва Мовароуннахр вилоятининг хукумотини менга тайин қилиб, Мовароуннахр амирлиги ва хукуматини эгаллаш учун менга, Мовароуннахр тарафига руҳсат берди. Шундан сўнг Мовароуннахрнинг элу улуси, қўшин ва раияти, каттаю кичик мендан мамнун ва миннатдор бўлиб, бундай балойи азимдан Оллоҳ мадади билан куткарғаним учун менинг дуойи давлатини бажо келтирдилар.

Ўз кўёл остидагилари билан Тўғлук Темурхонни кўришга борган Амир Боязид Жалойир келиб менга қўшилди. Мен истиклол юзасидан Мовароуннахрга кириб, улус ва қўшинларни ёгалладим. Хўжанд суви қирғоғидан то Жайхун кирғогича менинг фармонимга ўтди. Келиб шаҳарга тушган чоғимда салтанат хутбасини менинг отимга ўқиш учун Моваросуннахрнинг уламо ва шайхлар, саййидлар ва катталари, аҳолиси олдимга келдилар. Ва мен: «Ҳозирча тўхтаб турдилек, аввал Мовароуннахр соҳасини хас-хашакдан тозалаб, аҳолини ўзимга қаритай», - дедим. - Хутба ўқимоқ ва танга зарб қилиш осон ишдир».

Шу аснода Амир Ҳазар Пешоварийнинг «элу улусим билан хизматга етишимоқчиман», деган хати келди. Шунда уни келиб итоат кўрсатувидан шундай улкан шодлик ва сурур хис килдимки, менинг давлат ва салтанатим равнак тарафига юзланди, деб ўладим.

Ва йигирма олти ёшга (762/1360-1361) қадам қўйганимда, Бадахшон вилоятига кирган Амир Қазағоннинг набираси

ва менинг хотинимнинг акаси Амир Ҳусайн Ҳисори Шодмоннинг ҳокими Амир Баён Сулдуз устига лашкар тортди ва мендан мадад сўради. Мен ёрдам кўрсатиш борасида Амир Генноварийдан маслаҳат сўрадим. У, кариндошлиқ ҳурмати учун унга ёрдам кўрсатиш керак ва лекин унинг бошида ўзга даъвоси ҳам бордир, деди.

Шу аснода бир миқдор лашкар билан Амир Ҳазарни Амир Ҳусайн ёрдамига юбордим ва уларнинг кетидан ўз кўшинларим билан йўлга чиқдим. Менинг отлиқларим Амир Баён Сулдузга етиб боргач, қаршилик кўрсатишга чоғи келмай Ҳисори Шодмонни бўшатиб, Бадахшон тарафга равона бўлди. Амир Ҳусайн билан Амир Ҳазар унинг орқасидан таъкиб қилдилар.

Менинг аскарларимни Ҳисори Шодмонга келгани ва Амир Баён Сулдузниң Ҳисори Шодмондан қочгани хабари Бадахшон волийси Баҳоуддин шоҳга етиб боргач, Бадахшонни бўшатди. Шундай қилиб, Бадахшон мамлакати тўла-тўкис Амир Ҳусайн тасарруфига кирди. Амир Ҳусайн мени Ҳисори Шодмон тарафига келаётганимдан ваҳимага тушди. Мен Ҳисори Шодмонга киргач, Амир Ҳусайндан миннатдорчилик мактуби етиб келди: «*Бадахшон вилояти Амирнинг мАдад ва ёрдами бишан менинг тасарруфимга кирди. Агар салтанат қутби Амир Кабир қайтиши жиловини салтанат қароргоҳи тарафига буриб, кўп заҳмат чекмасалар яхшироқ бўлади ва ишлоса ҳам шароити бердилар ва яна ўз мулларидир. Ул соҳиб иқболни мадади билан Бадахшон вилоятини эгалладим, ёнимга келган Кеш подиоҳи Кайхусрав Ҳатлонийнинг укасига ишончим бўлмай, уни жазога етказдим.*».

Амир Ҳусайннинг мактуби менга етиб келгач, Ҳисори Шодмонни Амир Ҳазарга иноят қилдимки, ўнг кўлимдай билар эдим. Ўзим салтанат қароргоҳи бўлган Шаҳрисабзга кайтдим. Ва Ҳисори Шодмон ёрлигини Амир Ҳазарга юбордим. Ўн тўрт кундан кейин Амир Ҳусайн совга-тортиқ билан хизматимга келди. Унга меҳмоншавозлик маросимини бажариб, уни ҳам ўзимдан қилиб, Ҳисори Шодмон вилоятига юбориб, Шаҳрисабзда қарор топдим.

*Йигирма етти ёшга* (763/1361-1362) кирган ўтиш, йил бошида Амир Ҳусайннинг элчиси Бадахшондан мактуб кел-

тирди. Мазмуни бу эдикі: күл узатадиган замони ва ишсөт вактидир, иединким Амир Түглук Сулдуз менга лашкар тортди ва менинг одамларимнинг аксари унга іоз тутдилар. Энди ёрдамга күл чўзсалар, ўз нажотимни салтанат қутби Амири Кабирнинг эътиборларида, деб биламан.

Шу аснода химматим томири қўзгаб, Шаҳрисабдан чикиб. Амир Боязидга мактуб ёздимки, Амир Ҳусайн мададига чиққин деб, аммо у келишини пайсалга солди. Ҳисори Шодмон ҳокими Амир Ҳазар мактуб етиб боргач, тўхтовсиз етиб келди. Амир Ҳазар ҳозир бўлгандан сўнг Амир Ҳусайннинг кўмагига йўл олдим. Ва менинг Бадахшон чегарасига етиб келганим ва Амир Ҳусайн менинг истиқболимга келаётгани хабари Тўғлук Сулдузга етиб боргач, келиб Амир Ҳусайн билан учрашиб, тўй ва меҳмондўстлик шартларини бажо келтирди.

Амир Ҳусайнни Тўғлук Сулдуздан халос этгач, Бадахшон вилоятили Амир Ҳусайн тасарруфига киритиб, жиловни Шаҳрисабз тарафга бурдим.

Темир Дарбандга етиб келгач, Тўғлук Темурхондан кўркиб, Хурносонга кетган Амир Ҳожи Барлос кайтиб келиб, менинг ёрлиғимга кулоқ солмай, Амир Ҳусайннинг кўмагини пайсалга солған Амир Боязид Жалойир билан учрашиб, бирлашгани қулоғимга етиб келди. Амир Ҳусайн кўмагидан қайтиб келганим хабари амир Ҳожи Барлосга етиб боргач. Кеш вилоятини кўйиб қўшинини тартибга солиб, урушга тайёрланиб менинг истиқболимга чиқди. Ва мен Амир Ҳожини ўз суюкларимдан бири, деб билганим учун унга илтифотли нома ёздим. Ва бу нома етиб боргач, мени нотавон, деб ҳукм чиқариб, Афто мавзеида олдимдан чиқиб менга лашкар тортди. Кўрсам нияти урушиб, кон тўқип. Ўзимча у билан урушни оркага чўзиб, шу билан мағлуб киламан, деб кенгаш солдим. Амир Ҳожи билан уруш пайтида кўнглимга шундай ўй келдики, лашкарни етти гурухга бўламан, ҳар бир бўлим билан бир зарба берсам ва етти кунда етти зарба етказсам, иншоолоҳ етти зарбадан кейин шикаст етгай.

Амир Ҳожи ўрушсида бундай тузук қилдим: Амир Ҳожи Афто мавзеига тушгач, Амир Ҳазарни кўрчи килиб, ўнг кўлга тайинладим, Амир Жокуйи Барлосни чап қўлга тайинладим. Шаҳрисабз лашкарини тўрт бўлим килиб, биринчи кун

урушни орқага чўзиб, иккинчи кун ҳам бўлимларни бир-икки марта урушга солдим. Учинчи кун отланиб, дин пешвола-ридан мадад ва ҳиммат тилаб, ўша кеча ўзим чопқин солдим. Тонг ёриша бошлагач, иқболим кун чиқар жойидан тонг билан бирга зафар ёриша бошлади. Шу аснода Амир Ҳожи «ал фирор» (кочиш) деб Самарқандга кочиб, Амир Боязид Жалойирга етиб, у билан бирлашди.

Мен ушбу ғалабадан сўнг, Шахрисабз лашкарига тартиб бериб, Амир Хазарни пешоварийлар жамоати билан ўзимга ҳамроҳ этиб, унинг орқасидан таъкиб кўрсатиб, Самарқанд тарафига юриш килдим. Самарқанд тарафга етиб борганимда, Кеши лашкарларидан бир гурухи мендан юз ўгириб, бориб Амир Ҳожи Барлосга қўшилдилар. Ва мен билан бирлашган одам Жокуйи бинни Муборак бинни Туқон бинни Қабодон бинни Шеранҳ бинни Қорачон Нўён эди. Ва уни ўз кўлим деб биладиган Амир Хазар, савоб йўлидан адашиб, кариндошлиқ ҳаққини унугтиб, мендан юз ўгурди ва шайтон уни йўлдан уриб, васвасага солди. У ҳам бориб иттифоқ билан Ҳожи Барлосга қўшилдилар. Шундан сўнг бирга учрашиб кенгаш қилдиларки, менинг устимга лашкар тортиб Шахрисабз вилоятини мендан олмоқчи бўлдилар. Ниҳоят кенгашлари шунга қарор топдики, биргалашиб Самарқандга Амир Боязид Жалойир олдига бориб, унинг куввати билан келиб мен билан кирғинбарот уруп қилишса. Улар Амир Боязид Жалойир мажлисига етиб боргач, у иззат-икром кўрсатиб, меҳмон кутиш маросимини бажо келтириб, уларни ўзига каратиб олмоқчи бўлди. Ва улар Амир Боязиддан кўрқиб Самарқанддан қочиб чиқдилар.

Амир Хазар мендан хавфсирагани учун менга сизу бизнинг ўртамиизда қиличдан бўлак нарса бўлиши мумкин эмас, деди. Шундан сўнг Амир Хазар урушининг тузугини бундай туздимки, уни бир какшаткич зарба билан кўлга оламан. Ва Амир Хазар мендан айрилиб, ога-инилик йўлини унугтиб, ўз сардорлари иттифоқи билан менга лашкар тортди. Саф тузиб, Суруш мавзеида менинг қаршимда жангга ҳозир бўлди. Ва мен у билан урушда шундай кенгаш туздимки, аввал унинг сардорлари ва иш кўрган кишиларини ярадор ва ишга яроқсиз киламан. Шундан сўнг ўзимни иш кўрган бошликларим Билан унга ҳамла киламан. Кейинги куни Шахрисабз

лашкарини тартибга солиб, ўз тугимни уларга бердим. Улар бориб Амир Хазар қўшинининг қаршиисида саф тузиб, жансага кирдилар. Амир Хазар менинг тугимни кўргач, билдики менинг ўзим урушга кирдим. Улар кетмакет ҳамлага ўтардилар ва мен бир канча довюрак одамлар билан жанг қилаётган сафлар оркасида ғунча бўлиб турган эдим. Ва икки тарафнинг жангчилари толикиб, ярадор бўлганини кўрдим. Тўсатдан ўзим майдонга кириб, Амир Хазар қўшинига рўпара бўлиб ҳамла қылгач, тоб келтиромай қочишга юз тутдилар. Амир Хазарнинг мағлуб бўлиб, кочганининг хабари Самарқанд ҳокими Амир Боязидга етиб борди, у ўзи мустакил бўлиб, Самарқанд тахтида ўтиради. Ва Амир Хазардан хотиржам бўлиб, менга одам юбориб, мен билан дўстлик ва идтифок битимини тузди. Ва лекин Амир Боязид билан иккаласи мендан хавфсиради. Улар бир-бирларига ёзишиб, то Темур ҳаётдир, бизларга ором ва осойиш ҳаромдир, ҳар қандай йўл билан уни даф қилишга уринамиз, деб карор килдилар. Шу билан макру хийла ишлатиб кенгаш этдиларки, мен билан иттифок тузиб, Мовароунинаҳр вилоятини ака-укалик расми билан уч хиссага бўлиб, ҳар ким итоат қиласа кўнглини олиб, ҳар кимса қаршилик кўрсатса уни жазолайдилар. Бу бобда иккови биргаллашиб, менга мактуб ёзиб, дўстлик ва садоқат йўлига қадам кўйдилар.

Аммо мақсадлари шундай эдики, мени ўзларига қарам қилсалар. Шу тариқа Амир Боязид Самарқандан чиқди ва Амир Ҳожи бориб унга қўшилди. Шундан сўнг биргаллашиб келиб Кеш воҳасига тушдилар, мажлис тузиб, тўй бердилар. Ва мени катл этиш учун макру хийла мажлисини бундай туздиларки, Амир Боязид Хўжандни эгаллаш баҳонасида азм этиб, Самарқанддан чиқиб келиб Кеш воҳасига тушди.

Амир Ҳожи ҳам бориб унга қўшилиб, бундай кенгаш килдиларки, мени ўлдириб. Шаҳрисабз вилоятини эгаллаидилар. Шунинг учун менга мактуб жўнатиб, «Биз Хўжанд вилоятини босиб олишга қарор қилдик. Агар Амири Кабир ҳам бу ишда биз билан иттифок тузиб, бел боғласалар хайрли ва тўғри иш бўлар эди», деб ёздилар.

Мен уларни мусулмон ва диндор деб билганим учун уларга ишониб, уларнинг оллига йўл олдим. Кеш воҳасига етиб келгач, кўрдимки, кўши ўтов ва чолирлар қуриб, қароргоҳ тик-

кап эканлар ва қароргохнинг ўртасида бир катта чодир тикибдилар. Мен етиб келгач, менга йўл кўрсатиб, бош чодирга элтдилар ва бош чодирга кадам кўйгач, унда солинган тўшаклар назаримга паст-баланд кўринди. Мен оёгим билан оҳиста-оҳиста босиб билдимки, бош чодир ўртасида бир күдук қазиб, устига тўшак солиб кўйишибди. Шундан сўнг хаёлимда шак ва гумон пайдо бўлиб, бош чодирда ўтирасдан олдин яхши мулоҳаза килиб билдимки, иш чаток. Шу аснода Амир Боязид келиб ўнг тарафимда ва Амир Ҳожи чап кўлимда ўтирди. Шунда бирдан бурнимдан кон келиб, кўлимга рўмол олиб, бош чодирдан чикиб қароргоҳга келиб, у серда ҳам турмай ташқарига чиқдим.

Шу орада менинг амирларим тўпланишди. Мен садофимни белимга боғлаб, улардан нафрatlаниб, лаънат айтдим. Шунда Амир Боязид қилган хиёнат ва макридан пушаймон бўлиб, Амир Ҳожига тўнкади. Ва фозил дин уламоси Амир Сайид Али Термизий мен билан ҳамроҳликни ихтиёр этиб, уларни дуойи бад қилди: «Оллоҳумма ашъал аз-золимиња биз-золимињи» («Оллоҳ золимларни ўз зулми ўтида қўйдир»). Ва унинг дуоси ижобатга келиб, бу икки золимни Тангри таоло бир-бирига машғул этди, мен эса уларнинг хиёнат ва хийласидан кутулдим.

Шундан сўнг Амир Боязид Хўжанд тарафга жўнади ва мен Термиз тарафга ошиқдим. Ва мен Термиз атрофига етиб борганимда, отаси билан менинг кўлимда тарбия топган Шайх Али Жаржарий мени уларнинг эл-улусини эгаллашга келди, деб ўйлаб лашкар тортдилар. Шайх Али ўз яқинлари ва мулизимлари билан йигилиб, Кўхна Термизга келиб, менинг қаршимда саф боғлади ва мен унга хат юбордимки: «Менинг неъматич ҳаққи сенинг бўйнингдадир, менинг неъматим сени юз тубан этгусидир ва сен мен билан неча муддат ҳамкоса ва ҳамхона бўлиб, сени тарбия қилиб, сени вилоят ҳокими мартабасига етказдим. Сен эса неъматим ҳаққини унубтиб, итоатдан юз ўгириб Амир Боязид тарафига ўтдинг».

Менинг бу сўзларим унга таъсир кўрсатмай кўрнамаклик килгач, ундан нафрatlаниб, у билан уруш қилишга шайландим. У бўлса ўз кўл остидагиларининг кўплигига ишониб, менинг кўшинимни кам билиб, жасорат кадамини ҳаддан ташқари кўйди. Шу орада мен кўшинимни уч гурухга бўлиб,

унинг устига ҳамла килдим. Шунда менинг биринчи гурухим қушларга отилган тош янглиғ уларга етиб боргач, гёё бир туда қушдай осмонга учдилар. Шайх Али кошишга юз тутиб, уй ичи ва ходимлари менинг қўлимга тушгач, узи саргардон бўлиб, Амир Боязидга паноҳ келтириди. Тангри таоло то ўз килемишига тавба килиб, кечирим сўраб менинг олдимга юз тутмагунча кўп саргардон қилди. Сўнг мен унинг гунохидан ўтиб, менинг қўлимда қашча моли бўлса унга қайтардим. Шунда амирларим менга таҳсин айтиб, дуойи хайр қилдилар: «Душманинг сенга юз ўғириб, муҳтож бўлган экан, Тангри таолога шукр килиш керакки, уни сенга муҳтож қилди ва сени унга муҳтож этмади ва у сенга бош уриб келди, сен унгамас. Унинг сенга паноҳ излаб келиши сенинг давлатингдан нишонадир», - дедилар.

Ўша йили Мовароуннахрнинг аҳоли ва катталари ва оксоқоллари ёлвориб, фарёд этдиларки: «Бизлар бу замонда фарёдимизга ким етишини билмаймиз. Ҳар вилоят ва шаҳар ҳокими ва амири зулму ситам курсатиб, мусулмонлар мол-мулкини талон-тарож этдилар. Энди бизларнинг тоқатимиз тоқ бўлиб, то бир адолатпарвар подшоҳ давлат таҳтида ўтиргунча, бу мамлакатни тарк этиб, бош олиб кетар ҳолга яқинлашдик». Ва мен бу бобда Бадахшондаги Амир Ҳусайнга мактуб ёздимки: агар у ҳиммат камарини боғлаб, иттифок билан Мовароуннахр вилоятини муҳолиф подшоҳлар хас-хашагидан тозалашга ёрдам берса, Тангри таоло бандаларига золимлар кўлидан нажот бериб, вилоятни оға-инилик ҳиссаси билан бўламиз, токи сен-у менинг шон-шуҳратим замона саҳифасида абадий колсин. Ва у бу сўзни кабул этди, лекин хиёнат ва макр йўлига кириб, аввал мени таг-тугим билаш суғуриб, кейин ўзгаларни йўқотишга киришмокчи бўлди.

Ва унинг истикболига чиккач, хиёнат ва макр белгиларин кузатиб, Даشت Қипчоқдаги мустақил подшоҳ Тўғлук Темурхонга мактуб ёздим. У менинг номам етиб боргач, Жета лашкари тузукини ясад, сон-саноқсиз лашкар билан Мовароуннахр тарафига йўл олиб, Хўжанд суви қирғонига етиб келгач, мактуб юбордики: «Хўжанд суви қирғонига дашт баҳодирларининг осмон ҳашаматли чодирларининг козиги қўқилиди ва сон-саноқсиз лашкар нусрат узин-гиси мақомида тай-

*ёрдурлар. Агар Темур ҳузурга юз тутиб. ҳар не кенгаш Берса, унга амал этишүр».*

Шу аснода Амир Боязид Жалойир Түглук Темурхон итоати камарини қарамлик белига боғлаб, Самарқандын мустахкамлаб хизматига жүнади. Ва мажлисга киргач, Түглук Темурхон ундан Самарқанд қалитини талаб қилди. У пайсалга солгач, ўша мажлисда унинг қатлига ҳукм этиб, бошини кесиб Самарқандга юборди. Ва Түглук Темурхонга мухолифликда бўлган Амир Ҳожи Барлос, Амир Боязидни ўлдиргач, қўрқиб қочиб, эл-улуси билан Хурасонга равона бўлди. У Чубин вилоятидаги Хоришага кириши билан у вилоятнинг кишлоқ аҳолиси билан муросаси келишмай, зулму тажовузига киришиб, улардан мол ва тия талаб қилди. Улар ҳам бунинг сўзига кўнмай, ораларида уруш-жанжал ўти аланга олиб, аввал Индаку Баходир Амир Ҳожанинг укаси Барлосни бехабар тутиб ўлдирди. Амир Ҳожи ҳам укаси қонини талаб килиб чиқиб катл бўлди. Эл-улуси ва тобелари ўша вилоядга ватан қилдилар. Ва мен Хурасонни эгаллаган этгани ногда Хориша мавзеини суюргол тариқасида Амир Ҳожининг авлод ва тобеларига муқаррар қилдим.

Шу орада эшиздимки Түглук Темурнинг соҳиб кенгаши Ҳамид Кулкут унга дедики, Мовароуннаҳр вилоятларидан ҳамма вилоят, қишлоқ ва шаҳарнинг ҳоким ва амири жам бўлсалар, ўттиз минг отлик бўладилар. Энди уларнинг айирмачилиги бирлашишга ўзгармай туриб Амир Темурни талаб қизимоқ керак. Амир Темурни талаб кильсак, тез бизларни олдимизга етиб келади, чунки, у бағоят оқил, довюрак ва кенгашдор қишидир. У не кенгаш берса, ўшанга амал қиласиз. Шунинг учун Түглук Темурхон унинг сўзларини эътиборга олиб, менга биродарлик мактубини ёзди.

Ва мен унинг олдига боришда бундай тузук туздимки. шаҳар ва вилоятларнинг аҳоли ва катталари, уламо ва амирлари, машойих ва оқсаноқлари ва ҳокимларига ёрликлар юбордим, ҳар кимса тиласаки молу жони Жета лашкарининг катлу горатидан омон бўлса, менга юз ўгириб, совға ва тортиклар билан келса. Шундай килиб тамоми элатнинг аҳоли ва катталари совға ва тортиклар билан хизматимга етиб келгач, сон-саноқсиз ланикар билан бориб, Ҳўжанд суви кирғоғида Түглук Темурхонни кўрдим. Совға-тортикларни ол-

дига элтгач, мени күчогига олиб кўришиб, базм тузиб, тиладики, хар мулк ва вилоятга солиқчилар тайин этиб, молу дунё олса. Ҳар шаҳар ва вилоятнинг ҳокими ўжарлик қилса, уни жазоламоқчи бўлди. Мен унга салтанат чодирини адолат устуни ва инсоф таноби ва эҳсон михи билан мустаҳкамлагин, дедим. Шунда менинг бу кенгашларим ёқиб тушди. Ва яна Мовароуннаҳр кўшинларини эҳсон кишани билан боғлагин, хар хизматига яраша ҳақ тўлагин, агар ўлсалар йўлингда шахид бўладилар. Ва Мовароуннаҳр аҳлининг яхшилари кўп яхшидир ва ёмонлари ҳам кўп ёмондир, дедим. Яхшиларга яхши мукофот бергин ва ёмонларини ўз ихтиёрига кўйгин. Охир ўз килмишларига лойик жазога гирифтор бўладилар.

Шу орада Амир Ҳусайн Бадахшонда кўп лашкар тўплади, деган хабар етиб келди. Тўғлук Темурхон эса мендан хижлат эди. Мендан узр сўраб, Мовароуннаҳр мамлакатининг гамом ул-сини, Кеши ва Шаҳрисабз ва Каръон вилоятининг ҳокимлигини то Балх вилоятигача менга топширди. Ва Туман улусининг менга ота мерос сардорлигини, ўзи олган эди, уни ҳам менга иноят қилди.

Ва бу орада Амир Ҳусайннинг Ваҳш суви кирғогига келиб, урушга тайёрланганлиги хабари етиб келди. Шу аснода Тўғлук Темурхон жангга киришда фикр юритиб, менга кенгани солди. Мен Бадахшон лашкарининг иложи шуки, Амир Ҳусайн Хатлон ва Бағлон лашкарининг кувват ва шавкати билан журъат қилиб, урушга киришди, дедим. Ҳисори Шодмон ва Хатлон ҳукуматининг ёрлигини Амир Ҳусайн лашкарининг ҳировули Кайхусрав Хатлонийга юборсак, давлат маанфаатига муносабидир.

Тўғлук Темурхон эса бу кенгашни ёқтириб, Кайхусравнинг отига ёрлик ёзиб юборди. Шундан сўнг кўчиб, Темир Дарбанддан ўтиб кўнди. Шу орада Амир Ҳусайн лашкарининг ҳировули кўзга ташланди. Ва Тўғлук Темурхон ҳировул сардори Бекжекни унинг истиқболига равона бўлишга тайин этди. Ҳировуллар бир-бирига яқинлашиб, саф туздилар. Шу пайт Кайхусрав Хатлоний ҳировул лашкари ва ўз тобелари билан Амир Ҳусайндан юз ўгириб, келиб Тўғлук Темурхон лашкарига кўшилди. Шу билан Амир Ҳусайннинг ҳировули шикаст топиб, тузган сағиари бузилиб, буронгар (ўнг қанот)

ва жувонғар (чап канот)и ҳам вайронликка юз қўйиб, ноchor «калфарор» («қочиши»), деб чекиндилар. Ва Тўғлук Темурхон зафар козониб, Жета лашкари бу мингакадаги эл улусни талон-тарож қилдилар. Амир Ҳусайн қочиб, Кундуз тарафга равона бўлди.

Ва Тўғлук Темурхон ундан хотиржам бўлиб, қайтиб Самарқанд пойтахтига кирди ва Амир Баён Сулдузни қатл этди. Ва Мовароуннаҳр мамлакати унинг тасарруфига ўтгач, атроф ва теваракдаги вилоятларнинг эл-улуси хоҳласа-хоҳламаса унинг итоат хатига бош эгдилар. Ва Мовароуннаҳр мамлакатининг амирлари ва улуғлари ҳар бири ўзини ҳоким, сардор ва сulton санаган баднафс ва бузук бебошларини ўзига лойик жазо берди ва зулму ситам кўрсатмаган баъзи ишончли кишиларини тарбиялаб, менга топшириди.

У Мовароуннаҳрни мухолиф подшоҳларнинг хас-ҳашагидан поклагач, мен Гангри таолога шукр этдимки, менга лозим бўлган ишларни у бажариб, ўзи бош бўлиб, менинг мухолиф душманларимни жазолади.

Шу аснода ўзимга дедимки, бир иш қилиш керак-ки, Тўғлук Темурхон Мовароуннаҳрдан чиқиб, унда мени қўйсин. Шунда унга Хурросон аҳли ҳукмронлигингишни тан олишга мойилдирлар, агар хон Амуя (Аму дарё) сувидан кечиб ўтса, Хурросон эгалланиши осонликча муюссар бўлади, дедим.

Ва у менинг бу кенгашимни мақбул ва маъқул кўриб, Хурросонни ўзига тобе қилишга жазм қилди.

Шу орада Дашиб амирлари мухолифликка бош кўтариб, Чингизхоннинг набираларидан бўлган Ики ўғлонни хон кўтардилар, деган хабар етиб келди. Бу бобда мендан кенгаш тилагач: «Агар тўхтовсиз илгор этиб дашибга этиб бориб, амирлар кувватланмасдан уларни бир ёқли қилсанг, Дашиб ва Мовароуннаҳрда сенинг ҳонлигинг ривож топарсан, ва агар пайсаига солсанг оғат ва балоларга мубтalo бўларсан», - дедим.

Бу кенгашим унга маъқул келиб, таҳсин айтди. Шундан сўнг ўз ўғли Илёсхожани доким этди ва илгари баён қилингани Қочули билан Кубулхон хикоясини ўртага солиб, мени лашкарбоши тайинлаб, барча Жета амирларини менинг қўл остиимга тайинлади. Ва Илёсхожа ўғлонни ҳам менга топшириб, ўзи мухолиф амирларни тиҷчитиш учун дашиб тарафга

жўнаб кетди.

Илёсхожани салтанатга укуви бўлмагани учун Жета лашкари зулму ситамга бошлаб, катл, талон-тарож қила бошлидилар. Шунда мен Илёсхожжанинг нодонлигини ва ўзбекларнинг зулму ситамини Тўғлук Темурхонга ёздим. У эса менга: «Амири Кабир Темурни амирлар бошлиги қиёдим ва Илёсхожжани унга топширдим, ўз билганига лойиқ тарбия қылсан. Жета амирларидан ҳар кимса унинг итоатидан бўйин товласа, уни жазо ва сазога еткурсун, ҳар ким зулм этса, зулмига кўра жазо берсан», - деб ёрлик юборди.

Ва Мовароунаҳр вилоятида амирларга бош бўлганимдан сўнг, тамоми эл-улус менга юз ўгирдилар.

Шундан сўнг Илёсхожжа ва Жета лашкари дили оғриб, паришонҳол бўлиб, уларнинг хасад томирлари ҳаракатга келиб, қаҳру ғазаб билан зулму ситамга бошладилар. Уларнинг зулми шу даражага етдики, Самарқанд ва Мовароунаҳрни талаб, тўрт юз бокира қизни олдилар ва Термиз саййидларидан етмиш кишини асир олиб, уларни қамаб, кўл сифатида хизмат қилдирдилар. Шу аснода Мовароунаҳрнинг аҳоли ва улуғлари олдимга келиб фарёд солдиларки, тўрт юз мусулмон қизни Самарқанддан зўравонлик билан олиб, уларни қамаб, уларга хизмат қилдиргани мусулмонликка тўғри келадими, мусулмонлар ўзбекларга нима гуноҳ килишган? Улар яна «*Ла шаҳа ил-лаалоҳу Мұхаммаду расулулалоҳ*» калимасини тилдан туширмай қайтарадилар ва Мухаммад саллаллоҳу алайҳи васалламнинг динига иқтидо кўрсатадилар.

Мұхаммад саллаллоҳу алайҳи васалламнинг хонадони ва зурриётига нусрат бериб, уларни ўзбеклар зулмидан нажот бермогимиз вожиб ва лозимдир.

Шунда менинг ҳам кўнглимда ислом ғайрати жўші уриб, ўзини Жета лашкарининг амирлар бошлиғи санайдиган Бекжекка мактуб юбордимки, Мұхаммад расулулалоҳнинг хонадони ва фарзандларини халос этиб, мусулмонларнинг аёл ва фарзандларини озод этгин, деб. Менинг сўзим унга таъсир этмади. Илёсхожага айтдим, унинг сўзини ҳам қулоққа олмадилар. Шундан сўнг ўзим отланиб, ўша етмиш сайдозданни Жета лашкарининг тутқунидан озод этдим. Бу нусрат таъсиридан эдики, кечаси тушимда Ҳазрати Рисолатнароҳ

саллаллоху алайхи вассалламни кўрдим.

Менга марҳамат ва меҳрибонлик кўрсатиб, башоратлар бердилар. Улар тўғрисида олдинроқ зикр этилганди. Бу башоратлардан илхомланиб, Муҳаммад саллаллоху алайхи вассаллам хонадони ва сахобаларининг иззат-икром килишда қаттиқ жидду-жаҳд кўрсатдим ва мажлис ва маҳфилимни саййидлар ҳузури билан мунаввар қилдим. Шунда пиrim менга дедики: «Ҳар турар жойки, унда саййид бўлмаса ва ҳар давлатхонагаки, саййид ва уламо кириб-чиқмаса, у юрт ва давлатхонада хайру баракот ва поклик бўлмайди».

Шундан сўнг Жета лашкарларининг зулмини жиловлашга, уларнинг амирларининг одоб ва икромига бор кучим билан ҳаракат қилдим. Шундан сўнг улар менга нисбатан адоват камарини белларига боғлаб, Тўғлук Темурхонга: «Темур муҳолифлик байрогини баланд кўтарди ва яқинда Мовароуннаҳри эгаллаб олади ва Илёсхожсани ҳам ўлдиради», деб ёздилар. Жета амирларининг мактуби унга етиб боргач, хусусан, ўзини Жета лашкарининг лашкарбошиси леб биладиган Бекжекнинг ростмонианд ёлгои сўзларига ишониб, менинг қатлимга ёрлик чиқарди. Ва бу ёрлик менинг қўлимга тушиб, ўзимни ҳушёр тутдим. Шу орада Жета лашкарига менинг қатлим учун учинчи ёрлик етиб келди.

Улар биргалашиб менинг олдимга келиб, мени йўқ килишга кенгаш килдилар. Ва мен уларнинг кирдикорларини ўйлаб, чидаш берардим, охири уларнинг хавфидан танг ахволга тушиб қолдим. Шу аснода Мовароуннаҳрнинг ахоли ва улууглари мени билан сўзни бир жойга қўйдиларки, агар Жета лашкари мени ўлдиргудай бўлса, биргалашиб уларга хужумга ўтадилар.

Ва лекин ушбу кенгашдан кўнглим ором топмай, шириянига нома ёздим ва пиrim ҳам жавоб ёздилар. Шундан сўнг Самирқанддан чиқиб, Куръони Каримдан фол очдим. Шунда бу оят чиқди: «Қуёш белгиланган жойга қараб юради. Қудратли ва доно яратганинг амри шудир». Шундан сўнг Кўхи Солонга бориб, ети кечакундуз у ерда икомат қилдим. Шу аснода менга Амир Кулоллан Хоразм тарафга қараб ҳаракат килишим хакида ишора бўлди.

Тоғлар ва биёбонларда саргардон юрган Амир Ҳусайндан ҳам киши келдики. Амир чиқиб кетган экан, бир-биримиз

билан иттифок бўлсак яхшироқ бўлади. Ва мен унга нома ёздимки, ваъда жойи Соғча қудуғидир. Шу билан мен ўша кудук бошига бориб, Амир Ҳусайнга мунтазир бўлдим. У ҳам етиб келиб, бир-биримиз билан учрашиб кенгаш қилдикки, бориб Ҳивак ҳокими Тўнкал Баҳодирни ўзимизга иттифокдош киласиз ва Ҳивакга бордик. У нобакор хоин, илгариги танишликни унугиб, Илёсҳожага бизни тутиб Бермоқчи бўлди. Унинг макр-ҳийласидан хабар топгач, буни Амир Ҳусайнга изҳор этдим. У аввалига ишонмади, сўнгроқ исботлангач ишонди. Шундан сўнг Хоразм вилоятининг тузукига киришдим, токи бу вилоятни эгаллаб, салтанат байрогини кўтараман. Кейин Мовароуннаҳрга лашкар тортаман.

Ва Хоразм вилоятининг тузугини бундай туздим. Тўнкал Баҳодир кадим танишлик ҳаққини унугиб, муҳолифлик ва хоинлик саҳросига қадам кўйгач, Амир Ҳусайн билан Ҳивак чеккасидан отланиб, кечама-кеча юриб. Хоразм вилояти тарафига равона бўлдим. Кўп илғор этиб Поёбга этиб боргач, у ерда кўниб, одамларга дам бердим. Ва у ерда бундай кенгаш қилдикки, тўсатдан бориб, Урганч қалъасини олиб, Хоразмни эгаллагаймиз.

Шу гап асносида олдинги қатор аскарлари, яъни чиғдовул отлиги саҳрова кўринди. Шу билан ўзим отланиб, Амир Тоғай Барлосни тил тутишга юбориб, бир баланд устига чиқиб турдим. Бир соатдан кейин Амир Тоғай келиб, бизларни таъкиб қилиб келаётган Тўнкал Баҳодир ва ҳаммаси минг отлик, деди.

Шундан сўнг шижоатли баҳодирлардан олтмиш кишини беш гурухга бўлиб, бирига Амир Сайфуддин ва бирига Элчи Баҳодирни сардор этиб тайинладим.

Амир Ҳусайн ҳам ўз кўл остидагилар билан сафланиб турди. Ва мен ўша баланд устида туриб, сафларни тузиб, ҳар гурухга байроқ бердим. Шу пайт Тўнкал Баҳодир минг отлик билан саф бойлаб майдонга кирди. Амир Тоғай ва Амир Сайфуддинлар ҳам унга рўпара бўлиб, у билан шундай қилич чопишдиларки, Тўнкал Баҳодирни олдини тўслилар. Шундай қилиб минг отлиғидан уч юздан ортиқ киши қолмади ва етти юз киши ҳалок ёки ярадор бўлиб, қочишга юз тутдилар.

Шунда Тўнкал Баҳодир уч юз кини Билан событ қадам

бўлиб турди. Шу аснода Амир Тогай ва Амир Сайфуддин яна жангга киришиб, икки орада шундай кирғин-барот бўлдики, отларни юришга ҳоли келмай, пиёда уруша бошладилар. Шунда мен етак отларимни уларга юбордим. Амир Ҳусайн хам қаҳрамонлик курсатиб, от солиб Тўнкал Баҳодирнинг олдига етиб борди. Унинг сипоҳи хужум этиб, охири Амир Ҳусайнни куршовга олиши. Шу аснода ишни бежо кўриб, мен ҳам «Оллоҳ ёр» деб от солиб. Амир Ҳусайнни ўша холатдан чиқардим. Шу орада намози аср вакти етишиб, урушдан жилов тортиди. Ва улардан юз эллик кишидан ортиқ қолмаган эди ва мен ўзим билан ўн икки киши қолган эдик. Шу пайт Тўнкал Баҳодир бизларни кўлга олмоқчи бўлиб, яна хужумга ўтди. Мен Амир Ҳусайн билан биргалашиб, ўлимни бўйнимизга олиб, унга кетма-кет ҳамла қилдик ва баҳодирлардан бир неча кишини ер тишлатдик. Шу аснода Амир Ҳусайннинг оти наиза санчилиб йиқилди ва пиёда колди ва хотини Дишод отини эрига берди. Амир Ҳусайн яна отга мингач, менинг ҳамхонамки Ҳусайннинг синглиси эди, Дишодни ўз отига мингаштириди. Биз Амир Ҳусайн билан шунча камондан ўқ уздики, бир ўқимиз хато кетмади ва лекин садақда бир ўқ қолди. Шунда душмандан эллик, биздан етти кишидан ортиқ қолмади.

Тўнкал Баҳодир ўзини расвою радди маърака ҳолда кўрди. урушдан кўл тортиб, ўша саҳрога тушди. Мен Амир Ҳусайн билан Хоразм томонга равона бўлдик. Бизларни таъқиб қичган шўрпешона ўша чўлда йўқ бўлди. Бизлар йўл юриб, ўша чўлнинг ўртасидаги бир қудуқнинг бошига оч ва ташна ҳолда етиб келдик ва унинг суви ёқими эди. Ўша саҳрова бир чўпон қўй бокар эди ва қўйларига сув бергани қудук бошига келди, ёнида озуқаси йўқ эди. Ундан бир неча кўйни сотиб олиб, кабоб пишириб танонул қилиб, ўша ерда икки кечак тунадик. Шу аснода уч нафар хурасонлик бемурувватлик курсатиб, ҳар бири битгадан от миниб, кечаси кочдилар. Бу ишдан ҳаммамизнинг дилимиз янгидан яра бўлиб, кулфатда қолдик. Шунда мен ҳамроҳларимга тасалли бериб тинчтитдим. Менинг ҳарами муҳтарамим ва Амир Ҳусайннинг синглиси Анжой Туркан кўнгли тинчиб, бизнинг бошимизга тушган ҳалокатнинг интиҳоси шуки, буёғига пиёда равона бўламиз, деди.

Ва бу юртни ҳеч қачон кўрмаган эдик. Йўлларини билмас-дик. Шу орада саҳрода бир чўпон пайдо бўлиб, бизларни йўл бошига элтиб: «*Бу йўл турклар юргига олиб боради*», - деди.

Бу сўздан бизлар ўта хушҳол бўлиб, турклар кўчиб кетган юргига стиб бордик. Шу пайт бизларни ўғри хаёл килиб, бир неча отлиқ киши устимизга от кўйди. Мен Амир Ҳусайнинг синглисини юртда бекитиб, ёнимдаги уч-тўрт киши билан туркларга камондан ўқ отиб, ҳамла килдик. Бир пайт уларнинг орасидаги Сайид Мухаммад Ҳожи мени ташиб, югуруб келиб, мени кучоклаб, менинг ҳолимга ачинди. У менинг эски ошналаримдан эди. Менинг бошдан кечиргандаримдан огох бўлгач, туркманларни ёмонлик килиндан тийиб: «*Бу киши Монароғинаҳрнинг ҳокими Амир Темурдир*», - деди. Улар ҳам қилган ишидан пушаймон бўлиб, келиб салом бердилар. Шундан сўнг Сайид Мухаммад Ҳожи мени ўз манзилига олиб келиб, менга таърифга сигмас ларажада иззат-эхтиром кўрсатиб, хизматимда турди. Менинг билагимдаги ҳалқада икки дона лаълим бор эди, биттасини унга ҳадя қилдим. У ҳам мени уч кун зиёфат килиб, яна уч кунлик йўл асбоб-аҷжомини менга муҳайё қилиб, Сорук Қулончи сардорлигида ўн отлиқни бизга мулозим қилиб юборди. Мен уларнинг отларидан икки от олиб Амир Ҳусайнга бериб, ўз ишларимни саранжомлашга киришдим. Ўзимча кепгашиб қилдимки, бориб Маҳмудий сахросида иқомат кила-ман, токи бекиниб колган отликларим менинг хабаримни эшишиб, менга келиб қўшилсинлар. Шу билан Сорук Қулончини раҳбар қилиб, икки кеча-кундуз нон-сувсиз саргардон бўлиб, Маҳмудий мавзесига етиб бордик. У ер ҳароба бўлса ҳам иложсиз у ерга тушиб, бир кудуқ қазиб, эллик бир кун ўша манзилда икомат қилдим. Шу аснода Али Жонибек Қурбонийга хабар етдиким, Амир Темур одам тўплаб туркманлар улусини талон-тарож қилмоқчи, деб. У ҳавфсираб, бир тўда аскарини менинг устимга юбордики, мени ғофиликда қўлга олгай.

Мен ҳам бехабар уйкуда ётган эдим, ярим кечада менга чопкин ясад, ҳаммамизни тутиб, туркманлар юргига элтилар. Ва туркман улусининг амири Алибек Жоникурбоний бизларни кўрмай, танимай, мен билан Амир Ҳусайнинг ҳамширасини, пашша ва бургадан бўлак ҳамсухбат бўлгудек

киши йўқ бир сигирхонада, эллик уч кун қамаб кўйди. Шу ҳолатда Тангри таолога аҳд этдимки, бундан бўён ҳеч кимни ҳақ ва ноҳақдан зиндан кишанига мубтало қилмайман. Ўзимга дедимки, бу зиндандан чиқишга ҳаракат қилганим яхшироқдир. Агар зафар топиб бу гирдобдан најжот топсам, мардоналигим маълум бўлади, агар ўлсам ҳам мардлик билан ҳалок бўламан. Посбонлар билан тил бириттириб, уларни катта ваъдалар билағ умидвор қилиб, тўсатдан зиндан-боннииг белидан киличини тортиб олиб, посбонларга ҳамла қилгач, улар тумтарақай қочишиди. Ва мен уларнинг кетидан қувиб, Алибекнинг олдига етиб бордим.

Алибек менинг матонат ва жасоратимни кўриб, менга килган ярамас ишларидан пушаймон бўлиб, отларим ва асбоб-ярогларимни менга юборди. Шу орада Тус ва Хурсоңда қишилайдиган акаси Мухаммадбек Жониқурбонийдан хат келди. «*Эшийтдимки. Амир Темурни қамоқда сақлаётган экансизлар, унинг иззат-эҳтиромини бажо келтириб, мен юборган тухфа ва ҳадяларни унга бериб, узр сурагайсизлар*», дебди.

Шундан сўнг олдимга келиб узр сўраб, юборилган тортикларнинг бир кисмини менга бериб, қолган от, туя ва нафис буюмларни ўзи олиб қолди.

Алибекнинг жафосидан кутулгач, ўн икки отлик атрофимда тўпланди. Шундан сўнг салтанат байробини кўтариш мақсадида. Хоразм саҳросига равона бўлдим. Икки кундан кейин бир манзилга етиб бордим. Шу манзилда бир уйга тушдим. У сарда туркманлардан бир тўдаси тўпланган эканлар, мени ўғри, деб ёпишдилар.

Мен Амир Ҳусайннинг синглисини шу ерда бекитиб, ўзим уларга ҳамла килдим. Шу орада уларнинг орасидан Аҳмад отли киши мени таниб, одамларни мен билан жанг қилишдан тўхтатди ва ўз жамоаси билан мен томонга ўтиб, менга мулоzим бўлдилар. Мен ўз рўмолимни унинг бошига солдим. Шундан сўнг унинг боши осмонга етиб, эллик отлик келтириб менга наявар қилди.

Уша эллик отлик ёнимда жам бўлгач, Муборакшоҳ Санжарий юз отлик билан келиб менга кўшилди ва бир неча отлар совға қилди. Хурсоңлик саййидлар ахлидан бир тўши тортиклар олиб келдилар ва ўша саҳрода икки юз отлик-пиёда

ёнимда тўпландилар.

Амир Ҳусайн ногара уриб, мендан айрилиб, Қандаҳор та-  
рафга равона бўлди. Ва Муборакшоҳ Санжарий ва Сайид  
Ҳусайн Хуросоний ва Амир Зиёвуддин Сабзаворий менинг  
ёнимда эдилар: «*Бу саҳрова тўхтаб туриши паришионлик бои-  
сидир. Жета лашкари ёки Илесхожа лашкаридан бир тұда-  
си келиб қолиши мумкин. Бу саҳродан чиқиб, Хоразм вилоя-  
тини ёки Марв Шоҳи Жаҳон вилояти ва Бодғисни ўзимизга  
қаратсак яхшироқдир*», - дедилар.

Шунда мен уларнинг районини эътиборга олиб, ўзим билан  
кенгашдим. Менинг толеъимда оталарим мозори ётган Мо-  
варсуннахр мамлакатида подшохликка етишув ёзилган. Мен  
толеъим ахвол-кайфиятини Муборакшоҳ Санжарий ва Сай-  
ид Ҳусайн Хуросонийга баён килдим. Улар хам буни эъти-  
борга олдилар. Ва бундай қарор килдимки, бу икки юз отлик  
бориб шаҳарларда ва Кеш атрофига таркалиб, яшаб турсин-  
лар ва мен ўзим эл-улус орасига бориб, бир неча одамни ўз  
иттифокимга киритаман.

Шундай қилиб пиримдан фотиха олиб, ёнимдаги отликлар  
билан равона бўлдим. Бухоро музофотидаги Бухори Риндон  
маҳалласида туштим. Шу ерда туркларни яшириб, ташх  
ўзим эл орасига кирдим. Шу онда менинг муҳлисим бўлган  
Тамука менинг келганимни эшитиб, кирқ отлик билан келиб  
менга кўшилди ва хизмат маросимини бажо келтирди. Мен  
унга сиримни ошкор килиб, уни Муборакшоҳ билан қолган-  
ларнинг олдига юбордим. Мен Самарқандда салтанат байро-  
гини кўтарган хабаримни эшитгач, ўзларини менга етказиш-  
ни унга тайинладим.

Улус, кўшин ва аймоқлардан катта бир йигинни тўплаб,  
бундай кенгаш қилдимки, мардона ва баҳодир одамлардан  
минг киши бориб яширинча Самарқандда жойлашсинлар ва  
яна минг отлик Самарқанд теварак-атрофига кирсинлар.  
Лашкаримга тартиб бергач, кеча коронгилигига йўлни Са-  
марқанд тарафга солдим. Намозшом билан хуфтон орасида  
Самарқанд шаҳрига кирдим. Менинг катта опам. Тўглук  
Темур Туркои оғанинг уйида яшириндим. Кирк саккиз кун  
Самарқанд шаҳрида умр ўтказдим. Шунда вазият шунга  
яқин эдики, хуруж этиб Жета лашкарини мағлуб қилсан. Са-  
марқанд ахлидан баъзилар менинг ҳолимдан хабардор бў-

либ, менинг сиримни фош қилдилар. Сирим фош бўлгач, иложсиз кечама-кеча юриб Кеш воҳасига етиб келдим. Унда ҳам турмоғим мушкул бўлди. Ёнимдаги эллик отлик билан Хоразм тарафга жўнадим. Ёнимдаги одамлардан баъзилари пиёда юришидан ожиз бўлдилар. Шу ҳолда ўша минтақадаги бир элга назарим тушиб, киши юбордимки, бирини менинг олдимга келтирдилар, суриштирсам туркман улусининг Элчилиси экан. Шундан сўнг уларга ёрлик ёзиб бериб, элчининг отларини пиёдаларга тақсимладим. Шундан сўнг йўл юриб, Жайхун суви кирғоғига келдим. Етти кун ўша сув лабида яшаб, сўнг Жайхун сувидан ўтиб, бир ери пасту баланд паскам жойга тушдим. Ҳаво иссик бўлгани учун Амуя суви кирғоғидаги дарахтлар соясида кийик гўшти еб, бир ой муддат умр кечирдим. Бу манзилда менга Анжой Туркон ва Муборакшоҳ Санжарий ва Сайийд Ҳусайн Ҳурносоний ва Амир Зиёвуддин Сабзаворий нома ёздилар. Улар кетма-кет ва Темур Ҳожа ўғлон ва Баҳром Жалойир ўз қўшинлари билан менга қўшилдилар.

Менинг одамларим минг кишига етган бўлса ҳам, мен ва лашкарим паришон эдик. Шу орада Муборакшоҳ Санжарий: «*Кенгаш шуки. Бодгис вилоятини згаилаб, Марв вилоятига чопкин ясаймиз, токи лашкарлар паришонликдан чиксанчлар*», - деди. Ва мен уларга: «*Бу иш кўп яхшидир ва лекин Қандаҳэр ва Боҳтар тарафга равона бўлсак ундан ҳам яхшироқдир. Ва агар Қандаҳорни олсак, Синд ва Кобулистон ва Мултон вилоятига ҳоким бўламиз*», - дедим. Уларга менинг бу сўзим маъкул келиб, рози бўлдилар ва фотиха ўкиб, Қандаҳор тарафга боришга жазм қилдик. Лашкаримиз одамларини қарасак, пиёда ва отлик бўлиб минг киши экан.

Қандаҳор ва Боҳтарга бориш тузукини бундай туздикки, менинг лашкарим паришонхол бўлгани учун баъзи бисот тагида колган нарсаларнинг ҳаммасини юбордим. Балхлик таникли савдоғарлардан бўлган Ҳожа Мухаммад Балхий ўша асбобларини ёнида саклаб, олдимга келиб менинг жиловимдаги минг отликнинг ўн иккӣ кунлик харажатини берди. Ўзи ҳам менга ҳамроҳ бўлиб, ошхонам ош-овқатини чорасини кўрди. Шу зайлда Гармсер суви кирғоғига етдим. Улуғ ва кичик йигилишиб, бир сув омбори ясадилар ва у ерда ўзимга бир манзил бино қилдим. Аскарлар ҳам хар бири ўзига жой

тузатдилар. Бу орада шундай кенгаш этдимки, Қандахорнинг Гармсерига чопқин ясайман ва салтанат байрогини кўтараман. Бу бобда аввал Мир Маҳдий билан ёрлик келди ва мен ҳам етиб келиб карнай овозини баланд чалдирдим. Шу билан Мир Маҳдий ўз тобелари билан келиб, менга итоат этди ва мен рўмолимни унинг бошига солдим. У менга куллук учун Гармсер вилоятига равона бўлди ва ундан келиб ҳар ис бору йўғин менга тортиқ қилди ва мен ҳам уни улуғладим.

Гармсерни эгаллагач, мендан жудолик ихтиёр этган Амир Ҳусайн келиб менга қўшилди. Мен Гармсер хосилининг яримини унга бердим. Бир неча кун ўша манзилда умр кечирдим.

Шу орада Сейистон волийси менга элчи юбориб, дўстлик алоқаси ўрнатди ва ўз ҳолига лойик армуғон юборди. Мен Гармсер вилоятини ўзумга ватангоҳ тутдим ва Қандахорни гурий жамоаси қўлидан халос этишга фурсат кутардим.

*Ва сана ғетти юз олтмиш тўртида (764/1362-1363) ийғирма саккиз ёнга қадам қўйдим.* Шу пайт Сейистон волийси ўз душманлари билан уришиб шикаст топди ва унинг хукмидаги бир неча қалъя бутун захираси билан қўлдан кетди. Шу пайт мендан паноҳ излаб ёздики. «Мазлум додини бергилки, душманларим менга зулм этдилар». Негаки ожизлигидан уларнинг дафига кудрати йўқ эди. Ожизлигидан срдамга илҳоҳ бўлиб, яна нома ёзди ва жиловимдаги минг отликнинг тураг жойи ва озукасини қабул этдилар. Бу бобда мен Амир Ҳусайн билан кенгашдим. У танҳо бориб, Сейистон волийси қалъаларини ўзи эгалламоқчи бўлди. Мен ҳам бу сўзига рози бўлиб, Баҳром Жалойирни хировул этиб тайинладим. Амир Ҳусайн у тарафга бир манзил йўл юргач, ўзи фолини тескари келганини англақ, менга хат юбордики, Баҳром Жалойир қочиб кетди, энди Амирнинг ўзи йўлга тушиб, иттифоқ билан Сейистон қалъасини эгалласак яхшироқ бўларди.

Сейистон тарафга йўл олгач, Сейистон волийси Малик Жалолуддин Маҳмуд истиқболимга чиқиб, армуғон келтирди. Шу сабабдан Амир Ҳусайннинг ғайрлик томирлари харакатга келди ва мен тамоми совғаларни Амир Ҳусайнга юбордим. Менинг жиловимдаги минг отликка Малик Маҳмуд озми-кўпми озуқа етказди ва Амир Ҳусайн кошидаги жамоатга

хам улуфа ётказди ва то ўлгунча хизмат шартларини бажо келтириб, садокат кўрсатишга аҳд қилди. Сейистон волийсинг ихлос ва дустлиги маълум бўлгач, заиф ва ожизлар бошидаи золимлар қўлини калта қилишни вожиб ва лозим кўрдим. Шунинг учун лашкар тузукини тузиб, кўприк ясад, ундан ўтиб равона бўлдим.

Сейистон вилоятининг қалъаларини эгаллашда бундай тузук ётдимки, Сейистон волийсингин қалъаларини зўрлик билан олишган эди. Ҳаммаси етти қалъа эди. Аввалги қалъага юриш қилдим. Аввал бу қалъанинг минора ва саҳнига урушқоқ баҳодирлар кирди. Қалъанинг тўрт тарафидан турклар хужум эгдилар. Бир кечакундуздан сўнг у қалъа таслим бўлди. Бу қалъада кўп галла бор эди. Амир Ҳусайн уни эгаллаб, навкарларига улашди. Ва мен бу ишни ор билиб, бунга эътибор бермадим. У бу қалъага доруға (қалъабоши)сини тайин ётди. Иккинчи қалъага чопқин ясаганимда, қалъа аҳли урушга тайёргарлик кўришган эди. Мен лашкарларимга амр ётдимки, ўша жойдаги дараҳт шоҳ-шаббаларидан ҳар ким бир култа (қалкон) боғлаб, унинг паноҳида қалъага якин етиб боргайлар. Ва баҳодирлар култаларини қўлларига олиб, хужум килиб, қалъанинг девори тагига етиб ҳам эдиларки, қалъа аҳли омон тиладилар ва чиқиб қалъани таслим ётдилар. Амир Ҳусайн яна чаққонлик килиб, ўз қалъабошисини тайин ётди. Учинчи қалъага юриш бошлаб, ярим кечада қалъа атрофига етиб бордим. Бу қалъа бир кумнинг ичиди эди. Амр бердим, баҳодирлар нарвон боғлаб қалъа деворига чиқиб олдилар. Шу кезда қалъанинг посбонларидан уйғоқ киши йўқ эди, факат бир одам «ҳозир бўл» ва «ҳушёр бўл» дер эди. Барча баҳодирлар каманд солиб, қалъа девори устига чикдилар. Шунда тонг ёришди. Мен карнай чалдириб, тутинглар, деб бомдод намозига машғул бўлдим. Баҳодирлар қалъага кириб, қалъа аҳлини боғлаб менинг олдимга келтирдилар. Қалъа менга таслим бўлди. Шу онда Амир Ҳусайн ўз кўшини билан етиб келди. Сейистон қалъаларидан уч қалъа таслим бўлгач, колган тўрт қалъа аҳли Сейистон волийсига одам юбориб, ўз ожизлигига тан бериб, қалъани аввалгидек сенга тонширамиз, дедилар. Уч қалъани олган Амир Темур ўз одамларини унда хоким қилди. Ва агар колган тўрт қалъани ҳам олса, Сейистон вилоятини сендан



ва биздан олгусидир.

Бу сўз билан Сейистон волийси менга хабар бермай ногора урдириб ўз ватанига йўл олди. Бу қалъани одамлари отлик ва пиёда тўпланиб, Амир Ҳусайн ва менинг қаршимда саф тузиб урушга тайёр бўлдилар. Мен ҳам лашкарим тузукини тузиб, уч кўшинга бўлдим. Биринчи қўшинни ўнг қўл сафига рўпара килдим. Иккинчи қўшин билан ўз амирларимни чап қўлига рўпара килдим. Учинчи фавж билан ўзим хировул бўлдим. Аввал камончиларга хукм этдим, ўқ отиб урушга кирдилар. Уларнинг кетидан баҳодирларга буюрдим, қилич билан майдонга кирдилар. Шу орада чап кўлини олиб эдилар, душман қаттиқ қаршилик кўрсатди. Мен ҳам ўн икки нафар баҳодир билан қилич тутиб от солдим. Шу пайт икки ўқ ке-либ бири эгнимдан жой олди ва яна бири оёғимга тегиб сирқироғи келди. Икки ўқ теккан бўлса ҳам асло хабарим бўлмади ва жангу жадалдан кўл узмадим. Шундай қилиб, у шурпешоналарга шикаст бердим. Улар чекиндилар ва мен зафар қозониб, Гармсер тарафга жиловни бурдим.

Ва Амир Ҳусайнга, бошнимга не келган бўлса, сенинг та-мангдан бўлди, дедим. Бу сўздан у шарманда бўлди, шундан сўнг ўзим Гармсер вилоятида тўхтаб, яраларимни даволашга ҳаракат қилишни маъқул топдим ва Амир Ҳусайн, Бағлонот вилоятини олиш учун, Бағлон тарафга йўл олди. Шунинг учун унга юз отлик мухайё этиб равона қилдим. Унга Бағлонни эл-улусини ўзига тарафдор қилиб, агар Жета лашкари келса, у билан жанг қилишни тайинладим.

Амир Ҳусайн Бағлон вилоятига киргач, Бағлон қўшини бир йўл билан унинг олдига келдилар. У йўлдан кўнгли тасалли топмай, баъзиларни олдига кўймади ва амир хизматида ҳаёт кечириши таңг ахволда бўлганидан ажралиб кетганларни хизматидан қувди ва душманлардан хотиржам бўлиб, тўла фароғат билан мол-дунё жамлашга машғул бўлди.

Бу орада Бекжекнинг укаси Ахвалбек Амирни гоғил топиб, Жета лашкари билан устига лашкар тортди, шу билан икки тараф ўргасида уруш бўлиб. Амир шикаст топиб 8 отлик ва тўрт ниёда билан Шери Нав мавзеига кайтди. Бу вое-адан менга кўп малоллик келиб, Жета лашкарини Мовароун-нахрдан чикаришга фурсат ахтарар эдим.

Ва яраларимдан йиринги чиқиб бита бошлагач, Мовараун-

нахрни эгаллаш тузукини қилдим. Ўша пайтда лашкарим паришенликдан таркалиб лашкаримнинг ҳаммаси кирқ отликдан ортиқ эмас эди. Мовароуннахрни эгаллаш тузукида ўзимга мундай кенгаш этдимки, Балх вилоятининг теварагида жойлашган Карк мавзесида яшайман ва лашкар тўплаб, салтанат байроғини кўтариб, Жета лашкарига чопқин ясайман.

Темурхожа ўғлон менинг лашкарбошим эди, у билан бирга Гармсердан отландим. Гармсернинг каттаси бўлган Мир Маҳдий хизмат шартларини бажо келтириб, юртдан кўп озука етказди ва мен хотиримни жам қилиб, илгор тарикасида равона бўлдим. Қаҳтамарга етиб боргач, ўша манзилда тушдим. У ерда ёнимда кирқ отлик тўпландиларки, ҳаммаси асил-асилзодалар ва амирзодалар эди. Уларнинг орасида зоти пастилардан йўқ эди. Ва Тангри таолога шукр этдимки, бундай паришенликда бу тариқа асилзодалар, хар бири нўёнлардан эди, уларни менга мутеъ ва ҳамроҳ этди. Тангри таолонинг менга лутфи кўпдирки, ўзим билан тенг одамларни менга мутеъ этди. Шу уйда турганимда Сулдуз бинни Қорачор нўённинг наслидан Сиддик Барлос мени сўраб келаётган эди. Узоқдан намоён бўлди. Ўша онда кўшиним уни илгор этиб келаётган душман гумон килди.

Мен қоровул бегим Сўнжак Баҳодирни юбордим, токи бориб хабарини олиб келсин деб. Бироздан кейин келиб арзга етказдики, Сиддик Барлос беш юз отлик билан амирни муловзимлигига етиб келмоқдалар. Мен дархол у тарафга равона бўлдим. У менинг тенгдошлиаримдан бўлгани учун менга назари тушгач, кўнгли бўшашиб ҳолдан кетди ва Тангри таолодаи менга зафар тилади, токи Мовароуннахрни Жета лашкари зулмидан халос этгайман. Ва Қаҳтамардан отланиб Арсаф дарасига юз тутдим. Йўл асносида Амир Ҳусайн юборган кишиси келди. Агар менга кўмак учун юз отлик юборсалар, мен ўзимни хизматга етказсан яхши бўларди, дебди.

Мен Сиддик Барлосни қирқ нафар баҳодир отлик билан юбордимки, илгор этиб ўзини Арсаф дарасига етказсан деб ва ўзим равона бўлдим. Йўлда бир баланд жойга чиқиб бир лашкар кўрлимки, соатма-соат кўпаярди. Шундан сўнг мен отимни жиловини тортиб лашкаримни тартибга солдимки, агар душман бўлса ҳужумга ўгаман.

Қоровулбегига амр этдим, ўзга қоровуллар ҳам у билан чо-  
пишиб келдилар. Ва коровулбеги кўп баҳодир эди, ўша қў-  
шин турган баландга чиқиб бақирди-ки, «не тоифа одамсиз-  
лар?» Улар: «Бизлар Амир Темурни излаб юрган навкарлари-  
дирмиз», - дедилар.

Улар билан учрашиб, келиб хабар етказдики, Амирнинг қа-  
димги навкари Киронжи Баҳодирдир ва юз нафар отлик би-  
лан Жета лашкаридан чиқиб, Амир мулозимлигига йўл ол-  
ганига ўн етти кун бўлибди.

Шундан сўнг мен Тангри таолога шукр этиб, ҳукм этдим-  
ки, олдимга келсин ва у хизматимга этиб келгандан сўнг, бу  
холни ўзимга яхши фол кўриб, унга меҳрибонлик кўрсатдим  
ва рўмолимни унинг бошига солдим. Сўнг Арсаф дарасига  
йўл олдим. Бу дарага кирганимда икки эркак-урғочи шер  
пайдо бўлиб рўпара келдилар. Мен ният қилиб икки шерни  
икки ўқ билан урдим ва фолим ўнгидан кслгач, ўт-суви кўп  
ўша тўкайга тушдим. Иккинчи кун кўчиб, бир баланддан-ба-  
ланд жойга чикиб, ўзим унда кузатувчи бўлдим. Бу баланд-  
нинг остида бир анҳор оқиб ўтарди. Баҳодирлардан баъзила-  
рига ўша анҳор лабига тушинглар деб айтдим, ўзим эса ўша  
баланд устида манзил тутдим. У ерда уч кечакундуз Амир  
Хусайнни кутдим. Ва бу уч кечакундузда баҳодирлар ов-  
гўшти билан кун кечирдилар. Сўнг овчиларни Балх тарафга  
юбордимки, пода йўликса эгаси билан олиб келсинлар. Икки  
кундан сўнг Балх одамларидан бир неча кишини кўп кўй би-  
лан ҳайдаб олиб келдилар. Кўй эгалари қаттиқ кўрқиб менга  
рўпара бўлдилар. Мен уларнинг кўйларини баҳолаб, кисам-  
да бор бир микдор зарни уларга бердим ва кўйларни лашка-  
римга таксим этдим. Шундан сўнг ўша кўйларнинг соғин  
совлиқларини саклаб, уларнинг пишлок ва катигини бир не-  
ча кун ўзимга овқат килдим. Менинг одиллигим хабари  
Балхнинг раияти ва чўлликларига этиб боргач, лашкаримга  
кўп буюм, галла ва озука келтирдилар, қўшиним ҳаммаси  
тўйдилар. Амир Хусайнни кутиб, сув-үти кўп ва хушҳаво  
ўша ерла жойлашдим. Аскарлар ҳам анҳор кирғогини манн-  
зил тутиб, дам олишга машғул бўлдилар. Мен ҳам бир неча  
уй ичи одамларим билан олочикда истироҳат қилар эдим.

Ўн тўртингчи кечаси оличик устига тўлин ой ёруғи тушгач,  
ўйкум келиб ўзимни ойни тамошосига машғул қилдим. Ку-

ёш чиқишига яқин қолғанда туриб намоз ўқидим ва намоздан фориг бўлгач, жойнамоз устида ўтирар эдим. Ўша пайтда кўнглим бўшашиб Тангри таолодан тиладимки, менга толе ёр бўлиб, ғалаба билан қайтгайман. Шундан сўнг Ҳазрати Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам саломларига машғул бўлдим ва кўнглим уйқуга мойил эди. Шу ҳолатда эшитдимки, бир одам «саир қилгилки, зафар яқиндир» деди. Мен хушҳояликдан уйқудан уйғондим. Тўсатдан кўрдимки, бир тўда камончи лашкар, минг нафарга яқин эдилар, Ҷалх тарафдан келиб, Қаҳтамар тарафга равона бўлдилар.

Мен уларни душман хаёл қилиб, ўзимча уларнинг йўли бошига бориб ахвол сўраб келай дедим. Бир ўзим отланиб, улар тарафга бордим ва кайдан келурсиз ва кайда борурсиз, деб ҳол сўрадим. Бизлар Амир Темурнинг навкарларимиз, уни излаб чиккан эдик, унинг йўлини излаб кетаяпмиз, дедилар. Қаҳтамардан чикиб Арсаф дарасига келганмиш, деб эшитдик.-Шунда мен уларга, мен ҳам Амир Темур навкарлариданман, дедим. Агар истасанглар унинг олдига йўл кўрсатаман. Бу сўзни эшиггач, от чопиб сардорларини олдига бориб, «Амир Темурни олдига олиб борадиган йўл бошловчи топдик», дейишди. Шунида сардорлар жиловиарини тортиб мени чақирдилар. Улар уч кўшин әдилар. Биринчи кўшиннинг сардори Тўғлук Ҳожа Барлос, иккинчи кўшиннинг Сардори Амир Сайфуддин, учинчи кўшиннинг сардори Тумак Баҳодир эди. Бу уч сардорнинг назарлари менга тушгач, хушидан кетиб, отларидан тушиб келиб менинг узангимдан тутдилар. Мен ҳам отдан тушиб, уларни кучоқлаб рўмолимни Тўғлук Ҳожанинг бошига солдим ва қимматбаҳо заррин камаримни Амир Сайфуддиннинг белига боғладим, жубба ва дубулғамни Тумак Баҳодирга кийдирдим. Жанговарлиқда ҳар бири минг отликка қарши чиқар әдилар.

Жета лашкарининг ҳаммаси сувдан ўтгач, мен ўзим турган ўша манзилда бесабрлик қилмай офтоб бот-гунча тўхтаб турдим. Кун кеч бўлгач, менинг амирларим Жета лашкарига чопкин ясаш вакти етди деган хulosага келди.

Лашкарим озрок бўлгани учун чопкин ясашни маъкул кўрмай. Тангри таоло кўялашига мунтазир эдим, Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам саловатига машғул эдим. Тонг пайти эдикни Жайхун суви устидан уч кўшини пайдо бўлди.

Менинг хаёлимга, мени қуршаб олишга келаётган Жета лашкари бўлса керак, деган фикр келди. Мен ҳам кўшинни икки гурухга бўлиб, урушга тайёр бўлиб турдим. Шу онда бир отлик чопиб келиб: «Жета амирларига муҳолиф бўлган Амир Сулаймон Барлос ва Амир Мусо ва Амир Жокуи Бар-лосдирлар», - деди. Мен Тангри таолога сажда қилиб, уларнинг истиқболига чиқдим ва учрашиб узр маросимин бажо келгурдим ва уларни баланд мартабаларга кўттардим.

Сўнгти кун Манкали Нўғой ва Ҳайдар Андхудий ва Амир Абу Сайд бинни Толқу кўрдиларки, менинг лашкарим кундан-куинга ортиб бораётир, жўшу хурушга келиб, ўз лашкарларини уч кўшинга бўлиб, мен тарафга равона бўлдилар. Ва Манкали Нўғой, Амир Абу Сайд ва Ҳайдар Андхудий Жайхун суви лабида минг отлик билан менга лашкар тортилар. Лашкаримнинг ҳаммаси уч минг отлик эди, урушни бундай бошлидим. Коидасини тузгандаи сўнг буюрдим то менинг ҳазинамда нимаики нақд пул ва буюм бўлса ҳаммасини олиб келдилар. Уларни мансабига қараб амирларга, баҳодирларга ва аскарларга тақсим килдим. Ҳазинада канча кийим ва нақд пул ва буюм ва бош кийим ва ўзга асбоб-яроғдан ҳар неки бор эди, мажлис аҳлига совга қилдим. Шундай қилиб, кийимдан эгнимдаги кийганим ва отхонада икки отдан ортик қолмаган эди. Ва бир отни Амир Жоку тилади, унга бердим. Ва менда бир қилич, бир от, бир совут, бир қалкон, бир найза ва эгнимдаги кийимдан ўзга ҳеч нарса қолмаган эди.

Менинг бундай инъомимни барча амирлар кўргач, ҳамма тиз букиб иттифоқ билан дедиларки, салтанат ва хонлик сенга сўзсиз лойикдир. Шунда маҳрамларимдан бири қайтулда ҳеч нарса қолмади, деди. Мен унга «Агар мен подиоҳ бўлсан, оламнинг барча зару моллари менинг мозимидир, ҳар қачон олмоқ тиласам оламан ва агар подиоҳ бўла олмасам, ҳар нимаики ҳозир менда бордир, у ҳам менда қолмайди», дедим.

Ва бу вактда мен шундай хабарнома туздимки, барча катта-кичик, турк ва ажам, қўйи табака ва юкори табака, акобир ва ахоли мендан амонда бўлгуси ва барча шахарлар ва чегараларга ёрликлар юбориб эълон этдимки, барча гуноҳкорларнинг гуноҳларини багишладим ва менга тиф кўтариб, душманлик қилгани барча кишиларни ўзимга дўст билдим ва

уларнинг кин ва қасдини кўнгилдан чиқардим. Ва ҳар бобдан кўнгиллари тўк бўлсинлар. Ва уруш-туполон пайтида ҳар ким менинг мол-дунёмни талон-тарож билан олган бўлса, унга багишладим. Амир Ҳусайннинг навкарларидан ҳар ким ҳар ерда бўлса, Арсаф мавзеига тушурдим ва неча кун ўша манзилда ҳаёт кечирдим. Ва фурсатни душманат билиб, чопқин ясаш учун Амлус бинни Туман Баҳодирни Балх вилоятига икки юз отлик билан юбордим.

Унга рухсат бергач, Тамука Баҳодирни уч отлик билан Қаҳлака тарафига юбордим, қоровуллик қилиб Жета лашкаридан хабар келтурсинг деб. Ва у мардона одам ўзини Термиз сувига уриб, бир оти у ерда гарк бўлди. Ва у отга бокмай ўз якинларига етиб олди ва ундан ўтиб Жета лашкарларидан пиёда ва ярамас одамларидан бир нечасини тутиб, ўз фарзандларини ҳам кўрмай илғор этиб, Арсаф дарасида менга етиб келди. Ва бундай хабар келтирдик, Жета лашкарларидан олти минг отлиқка яқин ҳалок бўлипти ва Термиз вилоятини аксар жойларини горат килибдирлар.

Бу хабар етиб келгач, лашкар сонини кўрсам ҳаммаси минг отлик эдилар. Жайхун суви лабидаги Дара Казда яшаб туришни маъқул кўрдим. Шундай қилиб Арсаф дарасидан кўчиб. Дара Казга келдим ва у ердан ҳам кўчиб, Жайхун суви лабидаги Майдонийда тушдим. Шу пайтда Балх вилояти чопқинига кетган Амлус Баҳодир келиб менга кўшилди. Ва ўна манзилда Амир Барлос, Амир Мусо, Амир Жоку, Амир Жалолуддин ва Амир Ҳиндуй Барлоснинг хатлари етиб келдики, «Сизнинг Арсаф дарасига келганингиз хабарини эшишиб, Жета лашкарига қарши чиқдик ва минг отлик билан уларнинг орасидан чиқиб Термизга келурмиз. Шундан сўнг Тўлон Нўгойни юбордикки, Жайхундан ўтиб, сизнинг хабарингизни бизларга етказар», - деб ёзибдилар.

Бу беш сардор келишидан лашкаримга кувват кирди. Шу аснода хабар етиб келдики. Амир Абу Саид бинни Толкуд. Манкали Нўгой Сулдуз ва Ҳайдар Андхудий Илёсхожа томонидан Улоху қалъасида эди. Илёсхожа олти минг отлиқнинг ҳар бирини бир вилоят амирлигига тайинлаб, улар билан юборди. Ва улар Балх вилоятининг ҳукуматини таъмаси билан менга ва Амир Ҳусайнга муҳолифлик камарини боғлаб, Термиз атрофига келиб, қатл ва горатга бошладилар ва у ср-

дан Балх вилоятига келиб мусулмонларнинг мол-дунёсини таляшга бошладилар. Шу сабабдан Балхнинг эл-улуси қочиб, Жайхун сувидан ўтиб, менга паноҳ келтирдилар.

Уч кундан кейин тонг вақти олти минг отлик билан уч амир пайдо бўлиб, Амир Ҳусайн билан менинг қаршимда саф боғлаб, Жайхун суви қирғогида тушдилар. Бизларнинг орамизда Жайхун суви тусиб турарди. Сувдан ўтишга на уларнинг мажоли бор эди, на бизнинг сувдан ўтишга фурсатимиз бор эди. Вақт такозоси билан ўта хушсурат киши бўлган Темур Ҳожани уларга юбориб хабар бердимки, биринчидан бир-биримиздан ажрашсак тузук, иккинчиси шуки сизларнинг мақсадингиз Амир Ҳусайнни тутиб Балх ва Шодмои хисори ҳукуматини олмокчисиз, мен бу ерда тайёрман. Агар тута олсангиз мени тутинглар ва лекин мени тутиб камайдиган бўлсангиз, неча минг кишининг қони тўкилади. Учинчи шуки, Жета лашкари бу вилоятда ҳамиша иқомат кила олмас, яқин кунларда уларни уриб чиқариб, бу вилоятда сизу биз яшамогимиз керак. Темур хожа уларга хабарни олиб боргач, уларнинг газабини ўти пасайди. Мен эртаю кеч сув бўйига бориб, Абу Сайд ва Ҳайдар Андхудий ва Манкали Нўғойни талаб қиласар эдим ва уларга таскин бериб, сув бўйидан юртга мурожаат қилдим. Уша куни сув бўйида жойлашдим.

Сўнги кун у уч амир бир-бирларига таъна қилдиларки, бизлар Амир Темур ва Амир Ҳусайнни тутиб боғлаб олиб келамиз, деб белимизга садоқ боғладик, энди уруш қилмай кайтиб бориб, Жета лашкари орасида нечук бош кўтариб юра олурмиз. Шу сабабдан, сувдан ўтиб бизга ҳамла этмоқчи бўлиб, куйиб-пишиб кечув ахтарар эдилар. Уларнинг газаби қайнаб-тошгани менинг қулогимга стиб келгач, Амир Ҳусайн билан кўчиб, уларнинг қаршисида турдим. Улар кечув излар эдилар. Шундай килиб бора-бора Балх агрофига етиб бордим. Балх қаршисида жойлашгач, сўнгги кун Манкали Нўғой, Ҳайдар Андхудий ва Амир Абу Сайд ўз лашкарларини тартибиға солиб, уч гуруҳ бўлдилар, бориб сувни куйироғидан кечиб ўтиб, Абдуллоҳ Орифни олдиларига солиб йўлга тушдилар. Мен лашкаримни санадим. Ҳаммаси минг беш юз отлик эдилар. Ва лекин лашкарим ичидан иш кўрган ва уруш кўрган марлони сардорлар бор эди. Қўшиннинг ичига

гулғула тушиб, менинг ҳам күнглим бўшашиб, шу орада на-  
моз вақти келди. Хотиржамлик билан намозни ўкиб, идти-  
фок билан отланиб, ўша ўлкада жойлашдик. У ерда мажлис  
тузиб, тўйлар бердим. Кўп ов қилиб, мажлис аҳлига яхна  
гўшт тортидик, худонинг неъмати шукрини бажо келтирдик.

Арсаф дараси манзилгоҳ бўлди. Мажлис тузиб ўтирган  
чогда, ён-атрофга юборилган коровуллар хабар келтирди-  
ларки, Каҳтамардан бир гурӯҳ лашкар келмоқда. Ўша заҳоти  
амр этдимки, лашкарларим ҳаммаси тайёр бўлсинлар ва мен  
танҳо отланиб, бир баланд жойга чиқиб назар солдим. Кўр-  
димки бир кўп сонли лашкар етиб келмоқда. «Оллоҳ ёр» деб  
лашкаримни уч қўшиңга бўлиб, биттасига ўзим бош бўлиб,  
илгари равона бўлдим. Шу пайт қарасам, бир отлиқ отда чо-  
пиб келмоқда. Назари менга тушгач, отдан тушиб тиз букди  
ва «Амирнинг мулоғимлардан кейинда қолиб Ҳиндистонга  
бормоқчи бўлган Шер Баҳромдир. Энди пушашмон бўлиб,  
келиб Амирни мулоғимлигини қилишига бош эгиг узр сўрай-  
дилар», деди.

Мен унинг узрини қабул қилиб, истиқболига кадам кўй-  
дим. Мени кўргач, олдимда хижолат ёшини тўқди. Мен уни  
кучоқклаб меҳрибонликлар кўрсатдим ва ўз бош кийимимни  
бошига кийдириб, садогимни белига боғлаб хижолатдан чи-  
қардим. Манзилга етиб келгач, айш-ишрат бисотин ёзди-  
дим.

Тўрт кундан кейин хабар келди. Сиддик Барлосни Амир  
Хусайн олти қўшин қилиб, ўша қўшинларни Абдуллоҳ кўп-  
ригидан ўтказди. Абдуллоҳ ариғи лабида тўхтадим. Уруш  
йўлини бундай топдимки, агар Ҳудойи таоло хоҳласа олти  
зарб билан уларга шикаст бергайман. Лашкарни кўприкдан  
ўтқазиб тартибга солгач, бу орада Жета лашкари ҳам хара-  
катга келди. Мен биринчи, иккинчи ва учинчи қўшиңга амр  
этдимки, қилич билан уларга қарши майдонга киринглар.  
Икки тараф ўртасида жанг олови аланга олгач, эрта тонгдан  
то кечгача уришиб, гоҳ босиб, гоҳ босилиб хеч бирига зафар  
муяссар бўлмади.

Иккала тарафни ҳам суст кўрган ўша холатда. Амир Хуса-  
йини икки қўшини билан карнай чалдириб, байроқларни  
баланд кўтариб, дўмбиralарни гумбурлатиб, қиличини кўлга  
олиб, Абдуллоҳ кўпруғи четидан «Оллоҳ ёр» деб хужумга

ўтдик ва бир ҳамла қилиб, иккитчи ҳамлада Жета лашкари тұмтарақай бўлдилар. Ва лекин уларнинг сардорлари, уларнинг чап қўлига келиб, бироз жангдан кейин, «алфарор» деб қаҳрга учраб қочдилар. Оила ахли ва хизматкорларини ташлаб, майдондан чикдилар ва мен майдон уртасига келиб



тушдим. Амирлар ва сардорлар ҳаммаси бирғалашиб муборакбодликка келдилар. Ва бир неча кун уша манзилда ҳаёт кечирдим.

Бу уч амирнинг шикаст топганин хабари Илёсхожага стиб боргач, Олжук Ҷаҳодирни оғир кўшин билан менинг устимга

юборди. Мен ғофил бўлиб у ерда хабар олмадимки, бу ғала-  
бадан кейин Жета лашкари мен ҳакимда не хаёл килдилар ва  
не маслаҳатдадирлар.

Шу аснода Амир Ҳусайнни Балх атрофида қолдириб, ўзим  
Қаҳлақа тарафга ҳаракат қилишни маъқул тондим. Ўз кў-  
шинларим билан Жайхун қирғогига етиб келгач, кемага ту-  
шиб Термиз гузаридан ўтиб, сув бўйида жойлашдим. Қаҳла-  
қа калъаси тарафга коровуллар юбордим. Сув қирғогидаги  
уч томонини сув қоплаган бир оролчага тушиб, ўша манзил-  
да коровуллар келишини кутардим. Коровул ҳам менга ўх-  
шаб ғафлат уйқусига кетибди. Шу аснода Олжук Баҳодир  
уйқудаги коровуллар орасидан ўтиб, тўсатдан менга ҳамла  
килди. Мен икболим баландлигидан оролга кирган эдим.  
Оролдан ташкаридаги қанча чодирларни Жета лашкари ғо-  
рат қилди. Оролнинг ташкарисидаги одамлар ҳам қочиб са-  
ломат орол ичига кириб олдилар. Орол қирғогида кемалар  
тайёр бўлгани учун баҳодирларга амр этдимки, боҳабар бў-  
линглар ва ортиқча одамлар ва қўшишни кема билан ўт-  
казинглар. Мен ўзим оролда қолиб, Жета лашкарини ўқ зарби  
билан тутиб турдим. Гоки тамоми лашкарларим, ўлжа ва  
аебоб-анжомларни хаммасини сувдан ўтказдилар. Шундан  
сўнг ўзим ўтиб буюрдимки кемаларни яшириб, чодир ти-  
кинглар, деб. Шундан сўнг бир ой давомида Жета лашкари  
каршисида ўтиредим. Менинг қайтганимни хабари Амир Ҳу-  
сайнга етиб боргач, менга келиб қўшилишни истади. Мен  
унга Ҳулм мавзеида жойлашсан, деб нома ёздим. Бир ойдан  
сўнг хабар келди, душманлар кўчиб қайтиб кетдилар ва  
мен ҳам кўчиб Балхга йўл олдим ва Ҳулмга етиб борганимда  
Амир Ҳусайн қўшинлари билан истиқболимга чиқди. Мен  
Ҳулм воҳасига тушиб, у ерда ўн кун базм ва байрам килядим.

Шундан сўнг бориб Бадахшонни олиб, Жета лашкарига чо-  
новул этиш вакти келди, деб хисобладим ва қўшин ва Сар-  
дорлар биргалашиб шундай маслаҳат этдиларки. Бадахшон  
вилоятига азм ва янгидан тузук ясок этгайлар. Шундан сўнг  
**Бадахшон вилояти тузукини шундай қилдимки**, ниҳойи  
муддаом Турон заминни Жета лашкаридан холи килиш бўл-  
гани учун, ночор лашкар тўплаш воситаси ва Амир Ҳусайн  
иттифоки билан Бадахшон тарафга йўл олдим. Қундуз атро-  
фида осмонўпар чодирлар михи қоқилган пайтда. Элбўлди-

нинг сардорлари минг отлик билан келиб менга қўшилдилар ва мен уларга тасалли бериб, ҳар бирига бир кийим бердим ва уларнинг келганини ўзимга яхши фол этдим. Бадахшон шоҳларига менинг хабарим етиб боргач, саф тузишга киришдилар. Мен бундай кенгаш топдимки, тўхтовсиз Бадахшон шоҳларининг тарафига илғор этиб, то улар лашкар тўнлагунча уларнинг ишини битираман. Шу сабабдан кечамакеча йўл юриб Толуқон мавзеига этиб бордим. Бадахшон шоҳларининг элчиси совға-саломлар билан келиб, тинчлик ва осойишталик дарвозаларини кенг очдилар. Уларнинг яратшуви нифок юзидан эмас, мувофиқликдан эди, мен уларга шу шарт билан ишондимки, Жета лашкарини Мовароуннахрдан чиқаришда минг отлик ёрдам бергайлар. Бадахшон шоҳлари икки минг отлик билан менга қўшилгач, Силобирой сувидан ўтиб, Хатлон вилоятига бориш ва Хатлон лашкарини йигиб, Жета лашкари билан урушга йўл олиш вақти келди, деб ҳисобладим.

Ва йигирма тўққиз ёшга (765/1363-1364) қадам қўйганимда Хатлон вилоятига бордим. Хатлон амири у вилоятнинг лашкари билан келиб менга қўшилди ва ҳар лашкар келса, улар олдига чиқиб, менинг олдимга олиб келар эдилар. Бу жихатдан Амир Ҳусайн ҳасадининг томири ҳаракатга кирап эди, аммо ноилож эди. Кулак даштига тушганимда олти минг отлик олдимга тўпландилар.

Шу кезда Пўлод Буғо ва Шер Баҳром келиб Амир Ҳусайннинг бадкирдорлигидан шикоят қилдилар ва ҳануз сўзи тугамаган эдики, Амир Ҳусайн келиб у икки таникли сардордан норозилик билдириб, шикоят қила бошлади. Ва мен Амир Ҳусайнга ҳар қанча таскин бермай мутлако тинчимади. Ва Шер Баҳром ва Пўлод Буғога ҳам қанча тасалли бермай, ҳеч бир важимни қабул этмадилар.

Кулак дашти воҳасига тушгач, жосусларга тайин этдимки, бориб Жета лашкаридан ва Илёсҳожадан хабар олиб келинглар. Ўн икки кундан кейин жосуслар бундай хабар келтирдиларки. Куч Темур бошлиқ Жета амирлари ва иккинчиси Темур бинни Бубакон ва Сорик Баҳодир ва Шукум Баҳодир ва Тўғлок хожа эдилар. Ҳазора амирлари ва йигирма минг отлик билан Жолой бошидан то Гошқўприккача келиб тушубдилар. Ва Тўғлок Сулдуз ва Кайхусрав менинг навкар-

ларимдан эди, Жета лашкарининг олти минг отлик ва баҳодир ва күшинларига саркарда бўлиб равона бўлибдиларки, келиб менга ҳамла қилмоқчилар.

Шунда мен лашкарларимни хозир қилдим, ҳаммаси олти минг отлик эдилар. Амир Ҳусайннинг лашкари ҳам мингдан ортиқ эмасди. Ва унинг бадкирдорлиги ва ҳасислигидан, лашкарларининг аксари ундан ажраб, менга келиб қўшилдилар. Шу пайтда хабар келдики, улар Тошкўпридан кўчиб, Амир Ҳусайн ва менинг тарафимга бир манзил йўл юрганимишлар.

Бу ҳолда шундай кенгац қилдимки, Амир Ҳусайнни алдаб, урушбоз баҳодирларим билан илгор этиб, уларга этиб бориб, то улар хабар топгунча, уларни бир ёкли қиласман.

**Жета лашкари** тузукини бундай қилдимки, олти минг баҳодир кўз олдимда тайёр бўлгани учун ва менга хабар келган эдик. Жета лашкари ўттиз минг отлиқдирлар. Бу бобда Куръондан фол очдим. Фолимга бу ояти карима чиқдики «*Кам мин фиатин қалилатин галабат фиатин касиратан; ба изни аллоҳи таоло»* («*қанчадан-канча кичкиша гуруҳлар, аллоҳнинг изни билан катта гуруҳлар устидан галаба қозонган*»). Бу фолдан башорати тамом топдим. Жета лашкари мен тарафга бир манзил йўл юргач, мени йўлни Тошкўпридан Хатлонга бурдим. Ва улар мени Хатлон тарафга кайтганини эшлитиб, хотиржам бўлдилар. Мен Хатлон тарафга икки-уч фарсаҳ йўл юргач, орқага қайтиб, Жета лашкари тарафга равона бўлдим. Ва тонг найти уларни уйқуда топиб, чоповул этдим. Уларнинг чиғдовулларининг кўзи менинг лашкаримга тушгач, тоб келтира олмай Жета лашкарига хабар бердилар. Кайхусрав ва Тўглок Сулдузким, чиғдовулла эдилар, менинг тузим уларнинг ёқасидан тутиб, менга келтирди. Мен уларнинг гуноҳларидан ўтдим.

Ва менинг аввалги кўшиним байроқни олдиларига олиб бориб Жета лашкарига урдилар. Иккиси чи кўшин ҳам уларнинг кўмагига этиб келди. Шу аснода Жета лашкари тиладики, ўзларини тузатмокчи бўлдилар. Ва мен ўзим билан бирга келган кўшин билан от солдим. Шунда Жета лашкари хабардор бўлиб, чап кўлга чиқдилар ва икки килич алмашгандан кейин «алфарор» деб, Тошкўприк томонига равона бўлдилар. Мен уларнинг изларидан кувар эдим. Ва ярамас отлар-

дан кўп от тушириб, уларга омон бердим ва қувиб Тошкўп-рикдан ўтказдим. Ва улар қочиб бориб, Илёсхожанинг лашкарига паноҳ келтирилар.

Кун кеч бўлгач, шу кеча сув киргогида бўлиб, Амир Ҳусайнга киши юбордим. Тонг отгач, намозни ўқиб, сув ёқалаб равона бўлдим. Қоровул ва кузатувчилар тайин этиб, ўзим паст-баландликдан иборат бўлган Хатлонот саҳросида тушдим.

Ўша куни бу саҳрода аскарлар дам олиб, отлари ҳам ҳордик чиқардилар. Сўнгги кун то Амир Ҳусайн келиб қўшилгунча, ўша ерда турдим. Йўлларни шундай бекитдимки, ҳатто парранда-даррандалар йўл топмадилар. Шундан сўнг амирлар ва қўшинлар Жета лашкари билан жонимиз борича урушамиз, деб қарор қилдилар. Менинг тамоми лашкарим тўққиз минг эди. Амир Ҳусайн алданиб, мени ҳировул қилди. Ва мен ўзимнинг олти минг отлик лашкарим билан Жета лашкарининг урушига бундай кенгаш қилдимки, мен Хатлон саҳроси тарафига бурилганимдан сўнг Жета лашкарининг хотирлари жам бўлиб, кенгаш қилдиларки, менинг кетимдан неча қўшин тайин этиш лозим. Аммо Ҳоразм саҳросида олтмиш отлик билан Тўнкал Баҳодирни мағлуб қилганим воқеасидан ибрат олган эдилар. Жета умаросидан хеч кимнинг журъати йўқ эдики, менинг кетимдан келса.

Бу хабар менга этиб келгач, Илёсхожа ва Жета лашкарининг урушига бундай тузук қилдимки: «Менинг саф боғлаб урушмокка токатим йўқдурки, сафини бузиб, уларни мағлуб қиласман. Яхширок улдурки, гоҳо қочиб, гоҳо қувиб, ҳийла ва тадбир билан уларга шикаст бераман ва Мовароуннаҳр соҳасини уларнинг зулми хас-чўпидан пок этаман», - дедим. Жета лашкари билан уруশ йўлини бундай топдимки, Амир Муаййид Арлот, Каро Баҳодир ва Амир Мусони Тошкўпrik бошидаги Илёсхожанинг лашкарининг рўпарасига тайин этдим. Ва мен беш минг отлик билан сувдан ўтиб, Жета лашкарига яқин бир тоқقا чиқдим ва бош чодирни ўша тоғ этагига курдилар. Ва мен чодирга кирганимдан кейин, буйругимга биноан, ўша тоғ чўккиларида ўт ёқдилар. Жета лашкари назари кўп ўтга тушгач, безовта бўлди. Ва ўша кеча тонггача ўша чодирда ожизлик ва ўтинч юзини ерга кўйиб дуо қилур эдимки, Тангри таоло золимларни жазоласин. Бир

пайт саҳар вактида кўзим андак уйқуга кетиб, на ухлаб ухламай ва на уйғокмас бир ҳолатда бир киши аниқ-тиниқ қилиб: «Эй Темур, фатҳ ва зафар сенгадир», - деди. Мен бу овоздан уйгониб кетдим. Мажлисда ҳозир бўлган ҳеч бир одамни кўрмадим ва чодирнинг ташкарисида ҳам ҳеч ким йўқ эди. Текшириб кўриш учун: «Ташқарида ким бор?» - деб сўрадим. Ҳеч ким жавоб бермади. Чодир атрофи коровуллардан ҳам холи эди. Билдимки ғайб тили менга башиборат берди. Тангри таолога шукр айтиб, кўнглим тўқ ва хушихол бўлдим. Тонг отгач намозни жамоа билан адо қилдим.

Шу пайт Илёсҳожанинг ногора садоси қулогимга чалинди. Офтоб чиққач, кўрдимки Жета лашкари тўда-тўда равона бўлдилар. Шу пайт менга амирларим айтдики, уларнинг кетидан борсак биз зафар қозонамиз. Ва мен айтдимки, улар бизларни майдонга чикариб уруш килмоқчи. Сабр килиш керак, охири уларнинг мақсади маълум бўлади. Жета лашкари тўрт фарсаҳ масофани ўтгач, кўрдики, менинг лашкарим тоғни ташлаб кетмаётитпи. Иложисиз тушдилар, уларнинг хировул амирлари мендан мағлуб бўлишган эди, сўқиндилар ва кўрдиларки, мен бу тоғни ўзимга истехком қилдим.

Иккинчи кун тўда-тўда бўлиб, бу тоғнинг этагига ҳужумга ўтдилар. Ва мен тоғнинг устига чиқиб ўз қўшинларимни тайёрладим. Жета лашкари тоғ этагига етишгач, баҳодирлар юкоридан ўқ ота бошлидилар. Жета лашкари бу тоғнинг камарига яшириндилар. Жета лашкаридан кўп киши ярадор бўлиб, кун кеч бўлгач иложисиз тарқалиб, тоғ атрофини куршовга олдилар.

Мен ўз амирларимга дедимки, Амир Ҳусайн бизлардан йирок тушиб, сув ва озуқасиз у тоғда яшаса, холи хароб бўлгусидир. Яхшиси тўрт гурух бўлиб тонгга яқин Жета лашкарига чопқин ясаймиз. Агар уларни чекинтирасак зафар бизники, агар чекинтирмасак ҳам олдимиз очилур. Ҳар тариқа билан тиларманки, бу ердан равона бўламиз. Ва бу кенгаш амирлар кўнглига маъқул бўлгач, курол-яроғларни осиб, тонгга яқин отлашиб тўрт тарафдан Илёсҳожага ҳужум қилиб, то Жета лашкари хабар тонгунча, унинг лашкарини тумтарақай қилдилар. Кейин Жета лашкари яна Илёсҳожа атрофига йигилдилар ва менинг баҳодирларим тагин ҳужумга ўтиб, уларни пароканда қилдилар. Сал бўлмаса Илёсҳожа-

ни күлгө олар здим. Унинг ёнига етиб боргач «Йўл бўлсин?» деб қасдлан тутмадим. Икки тараф лашкарларидан кўп киши ярадор ва мажрух бўлдилар. Ҳар иккала тараф жангдан кўл тортилар. Шу аснода менинг овозим Илёсхожанинг қулоғига етиб борди. Шунда у ўзининг лашкарини койй бошлади. Шундан сўнг Жета лашкарининг баҳодирлари яна урушга киришиб, то қуёш чикқунча икки тараф ўртасида жанг давом этиб, иш шу даражага етдики, садоклар ўқдан бўшаб, икки тараф жангчилари қилични ишга сола бошлашди. Ниҳоят Жета лашкарининг кўпи ўлиб, колгани ярадор ва маъйиб бўлиб, ночор «алфарор» деб кочиб, тўрт фарсах наридаги юрга бориб тушдилар.

Шундан сўнг мен ularнинг таъқибидан жилов тортиб, ўша ерга тушдим. Амир Ҳусайн ҳам бу зафар хабарини эшигтгач, муборакбодликка келиб менга қўшилди.

Жета лашкари ўзини маглуб ва таҳқирланган кўриб, ғайратига чидай олмай телпакларини ерга уриб, шунча катта лашкар билан озгина лашкардан маглуб бўлиб, қочган бизларга лаънат бўлсин, дедилар. Илёсхожа ҳам шижоат ва жасорат кўрсатиб, онт ичдиларки, ё ҳаммамиз ҳалок бўламиз ёки Амир Темурни кўлга туширамиз.

Шу куни сафларини тартибга солиб, Кеш шахрига тўрт фарсахлик ерга келиб тушдилар. Мен ҳам қурол-ярогларни тақиб, ярадорларга даво пули бериб, ўлганларнинг фарзанд ва укаларига ҳар куни ёмиш муқаррар килиб, жангга тайёрланиб Илёсхожа кўшинининг рўпарасида кўшинимни кўрсатдим.

Шу аснода Илёсхожанинг назари менинг кўшинларимга тушиб, уруи бошлаш учун оёгини узангига кўйиб, бир-икки қадам юрган эди ҳамки, Улув Темур ва Амир Ҳайдар дашт тарафдан илғор билан келиб: «Тўглуқ Темурхон омонатини топшириб. Илёсхожсани ўрнига тайинлади. Муборак бўлсин!» - дедилар. Илёсхожа отдан тушиб, ўз лашкарини тартибга солиб, Даشت Кипчокка равона бўлдилар. Ва мен Амир Ҳусайн билан кенгашибдимки, Жета лашкарини таъқиб килиб, уларни Мовароуннахр вилоятидан чиқаргаймиз. Амир Ҳусайн дедики, шикаст тоғган лашкарнинг кетидан бормаслик керак. Мен, «агар таъкиб қиласақ боргунча қатл ва талон-тарож килиб, вилоятларни ҳароб қилади», дедим.

Бу сўзим амирларга маъқул тушди. Шу пайт хабар келдики, Жета лашкари маслаҳат билан қайтиб, ҳоким ва доруга куйиб, ундан сўнг даштга равона бўлдилар. Ва яна уларга ёрлик ёздиларки, ҳокимиятни мустаҳкамлаб сақланглар. Сўнг мен ўз лашкаримни тартибга солдим. Илёсхожа тарафга йўл олиб, Қаҳлақа мавзеида тушдим ва лашкаримни сана-дим. Саккиз мингдан ошмас эди. Кўпчилиги ярадор бўлганди. Мен уларга рухсат бердимки, ўз яраларини даволашга машгул бўлгайлар. Шунда эшиздимки, Илёсхожа Мовароуннахрга кириш учун Жета лашкаридан кўшинлар тайёрлади. Мен хам лашкар туздим, токи уларнинг атрофида айланиб кўраман.

Қаҳлақадан отланиб, кечаси юриб Ҳарор мавзсига етганимда, у ернинг одамлари менинг истиқболимга чиқдилар. Илёсхожанинг лашкаридагилар ҳам тўда-тўда қочиб келиб, менга хабар етказдиларки, ўтган куни Илёсхожа бир бўлак кўшин бўлан Мовароуннахрга ҳоким ва доруга тайин килди.

Мен хам Амир Сулаймон Барлос, Амир Жоқуи Барлос, Баҳром Жалойир, Амир Жалолуддин, Амир Сайфуддин ва Тўқ Темурни уларни даф этишга тайнинлаб, ҳар бирига бир кўшин бердимки, отларини майдонга суриб, чанг-тўзонни кўпроқ кўтарсинглар. Улар рухсат олиб, равона бўлдилар ва дарахтларнинг шохини кесиб отларига бойлаб, роса чанг-тўзон кўтардилар.

Менинг буюк амирларим ва кўшинларим Кеш воҳасига киргач, Кешнинг ҳоким ва доруғаси кўркиб қочишга юз тутдилар. Кеш вилоятига кириб, катл ва талон-тарожга кўл уриб, урушга киришган Илёсхожа лашкари менинг қўшинларимни кўриши биланок «алфарор» деб йўлга тушдилар. Шунда баҳодирлар таъқиб қилиб, уларнинг молларини тортиб олишга машғул бўлдилар.

Етти кун ўтгандан сўнг Жета лашкарига қарши тайин этган Амир Сулаймон ва ўзга амирларим келиб менга кўшилдилар. Ва Кешнинг борлиқ лашкари келиб менга кўшилди. Шер Баҳром Кулак даштида мендан ажралиб ўз элига кетган эди. Ўз ваъдасига хилоф килмай Хатлон лашкари билан келиб кўшилдилэр. Кўнглим Амир Ҳусайндан хотиржам эмасди, уни Шамс Ҳожанинг мозорига олиб бориб онт ичирдимки, агар менга муҳолифлик килса, [балога] гирифтгор

бўлгай.

Ўша йилнинг охирида Илёсҳожа ортидан равона бўлдим. Шунда у ҳам эшишиб, сафларини тузатиб Амир Ҳайдарни жувонғар ва Амир Тўқ Темурни буронғар ва Амир Бекжекни хировул қилиб, Искандар ўғлонни ўнг кўлга ва Амир Юсуфни чап кўлга муқаррар қилди.

Жета лашкарининг тузукини хабари менга етгач, Куръондан фол очдим. Ушбу ояти карима чиқдики: «*Инна фатаҳна лака фатҳан мубинан*» («Биз сизни сўзсиз фатҳга етказамиз»). Шундан сўнг фатҳ фотихасини ўкиб, ёнимдаги лашкар билан жўнадим. Торс ариги мавзеига тушдим ва лашкар сонини кўрдим. Амир Ҳусайнни ёнидаги лашкар билан ўша мавзеда колдирдим, токи менинг лашкаримга ёмон кўз тегса у коровул бўлади.

Матин ерига стиб борганимда. Жета лашкарининг хировули Бекжек ниҳоят қалин лашкари билан назаримда худди тиг ёнирилгандай кўринди. Шу аснода Куръондан фол очдим. Шунда «*ва жиъаллаҳа ружу-ман лиши-шайатин*» («биз шайточарни лаънатладик») ояти каримаси чиқди.

Шу пайт ўз хировулимни Бекжек лашкари тарафига буюрдим. У тарафдан ҳам бир катта қўшин менинг қўшинимга караб равона бўлди. Улар угруқдан ўтгач, ўнг қўлимдаги чоповул қўшинини юбордим, ундан сўнг чап кўлдаги шақовул қўшинини равона қилдим. Бекжек қўшинига бу икки зарба етгач, карнай чалдириб равона бўлди. Шу аснода буронғар ва жувонғар гурухларини ҳам югуртиридим. Шунда урушкиргин ўти баланд бўлиб, жанг денгизи тўлқинга келди. Мен ўз қўшинларимни саросимада кўриб, ўз байробимни кўтартириб, карнай чалдириб, шижоат тулпорини жасорат майдонига довюраклик билан сурдим. Ёнимдаги таникли шункорлар чап кўлдан кириб, кетма-кет ҳамла келтирдилар. Шу зайлда ўнг кўл ва чап кўлдаги найзадор баходирлар жонбозлик кўрсатиб кетма-кет ҳамла келтиргач, Бекжек саросимага тушиб, паришонҳол бўлди.

Шу орада Искандар Ўғлон, Амир Ҳайдар, Амир Юсуф ҳам ўз қўшинлари билан унга кўмак етказдилар. Ва мен ҳам жиловимдаги баҳодирлар билан от солгач, Бекжекнинг оти йиқилиб ўзи кўлга тушди. Шу пайт Амир Ҳайдар билан Амир Юсуф унинг кўлга тушганини кўриб, уни кутқаришга от

солдилар. Шунда отнинг жиловидаги Одил Амир Ҳайдар-нинг жиловидан тутиб, кўлга олди. Ва Амир Юсуф ҳам отига никтov бердики бу таҳлиқадан нажот топгай. Шу аснода отининг узангиси, баҳодирларнинг бирини узангисига илиниб қолди, оёгини узангидан чиқаргач отлар бир-бири билан тишилашишга бошладилар. Шу билан у ҳам отдан йикилиб тутилди. Искандар ўғлон ўз кўшини билан рўпара бўлди. Ва мен ёнимдаги жонажон оға-иниларим билан тишимизни тишимизга кўйиб, оёкларимизни узангига тираб, унинг чап кўлидан киргач, чидаш беролмай босилиб, кочиб ўзини Илёсхожага етказди.

Хиропул кўшинини мағлуб қилганимдан кейин карнай чалдириб, майдонда событ қадам бўлиб ўз байроғимни баланд кўтаргач, тарқаб кетган ҳамма баҳодирлар тўпландилар. Шу пайт Илёсхожани саросимада кўриб, жиловимдаги уч юз ўн уч киши билан Илёсхожа байроғини кўзлаб от солгач, баҳодирлар ўнга етиб бориб байроғини ерга кулатдилар. Жета лашкари байроғи кулаганини кўриб, кочишга юз тутдилар. Ва мен Илёсхожанинг олдига етиб борганимда Искандар ўғлон мен билан Илёсхожанинг орамизга тушиди. Шу билан Илёсхожа фурсат топиб қочиб, Искандар ўғлон тутилди. Шу орада баҳодирлар орка-олдиндан ғулув қилиб, кочкинлар кетидан таъкиб кииб, кўп от, яроғ ва ўлжа олдилар. кўп кишини ҳалок қилиб, кўп ярадор ва маъйиб кишиларни тутиб келтиридилар.

Шу аснода бир кўшинни тайинладимки, бориб йўл бошини эгалланглар ва яна икки кўшинни чап-у ўнгдан тайин қилдимки, уларнинг кетидан тушиб, жойлашгани йўл қўйманглар. Ва яна амр этдимки, ҳар канча киши тутсалар ўлдирмай, тирик хизматимга келтиринглар, токи ўз ҳолимга яраша уларнинг ҳолидан хабардор бўлайин. Шундан сўнг Фато воҳасига тушиб, фатҳ ва зафар мажлисин туздим.

Ва олти минг отлиқ билан Илёсхожанинг ўттиз минг отлиғига шикаст бериб, Мовароуннаҳр соҳасин ўзбеклар (мўгуллар) асоратидан пок этгач, фатҳ ва зафар жой бўлган Фато воҳасида кўп чодир курдирдик ва хилма-хил таомлар ниширтириб, тамоми улус, кўшин, сардор ва аскарларга ҳукм этдимки бош чодирда тўпланинглар, деб. Шу орада Амир Ҳусайн ҳам етиб келиб, базм мажлиси тузалгач, тутилган

Жета амирларини олиб келишга буюрдим. Ҳамма ҳозир бўлдилар.

Сўнг Жета лашкарининг лашкарбошиси ва қанча марталаб мен билан қилич солишган Бекжекка таҳсин айтдим. Илёс-хожанинг йўлида жон фидо қилиб, ўлимни бўйнига олиб, уни ҳалокат гирдобидан чикарган Искандар Уғлонга офарин, дедим. Ва улардан сўрадим: «*Сизлар шунча катта лашкар билан ва мен шу озгина аскар билан нечук бўлдиким устингиздан зафар қозондим?*» «*Сенинг иқболиг Жета лашкарини маглуб қилиб, бизларни қўлга тушурди!*» - дедилар.

- Сенинг аскарларинг билан шитибоқлигинг бизларни маглуб қилиди ва бизларни иифоқ пароханда қилди». «*Сизлар нима деб ўйлаётисизлар. сизларга қандай йўл тутишим керак?*» - дедим мен. «*Бизларни ўлдирганинг билан Жета лашкаридан ҳеч нарса камаймайди ва неча минг эл-улус сен билан қондор бўлиб, сенга душман бўладилар. Агар ўлдирмай тирик қўйсанг, бу эҳсон этганингдирки, неча минг эл ва қўшин бу эҳсонингга таҳсин ва офарин айтиб сенга дўст бўлади. Дўст яхими, душманами Амир яхшироқ билади. Биз ўзимиз ўлимдан кўрқмаймиз. Белларимизга садоқ боғлаб, қилич таққан ўша кундаёқ, қонларимизни тўқишиган бошимизни кесилган, деб ҳисоблаб қўйганмиз*», - дедилар.

Мен уларни хизматимга ўтишга тарғиб ва ваъдалар килдим. Улар соғдил ва девонасифат одам бўлганлари учун уларнинг туз ҳакини унумтмаганлиги ва вафодорлиги менга хуশ келиб, бу бобда бир кадар муболағага йўл қўйдим. Лекин рози бўлмадилар. Шундан сўнг уларга ва ўзга асирларга кийим-бош бериб жўнатдим. Жонбозлик кўрсатиб, қилич урган ўз амирларим ва баҳодирларимни ҳам риоятини қилдим. Амир Жокуй билан Амир Сайфуддинни Самарқанд забтига тайин этдим.

Шу асномда коровул хабар келтирдиларки, Илёсжоха Жета лашкари билан Хўжанд суви лабида тушиб, сувдан ўтишга тўхтаб турибдилар. Дархол Шер Баҳромни ҳировул килиб, ўзим ҳам отланиб равона бўлдим. Ва улар менинг хабаримни эшиштгач сувдан ўтган эдилар. Мен у ерга бориб, улардан нишона топмай, ўша сув бўйида чодир тикириб, тўхтадим. У ернинг хавоси ёқмай, шамоллаб, уч кундан кейин шифо топдим.

Шу билан Жета лашкаридан хотиржам бўлиб, ов килишга жазм қилиб, ов овлаганча Самарканд яқинига стиб борганимда Самарканд аҳолиси истиқболимга чикиб «*Ва ражъал ҳава ила маканиҳи*» калимасини тилга олдилар, яъни «*Ҳаво ўз маконига қайтди*», дедилар. Ва мен Самарканд ўлкасида жойлашиб, Анжой Туркон билан Гармсер ва Сейистонда ярамай қолган одамларнинг талабига киши юбордим.

Ва ўттиз ёшга (766/1364-1365) қадам қўйганимда хотиримга келдики худо бирдир. Унинг мулкида ҳамма унга итоат киладиган бир ҳоким бўлиши керак, токи фитнаю фасод мулкдан кўтарилисин.

Шу кезда Мовароуннахр ва Туркистон мамлакатининг амирлари Жета лашкари тугатилганидан хабардор бўлиб, ҳар ким ўз тегишлари ва қабиласи билан бир бўлиб, ўзича бош кўтариб чиқдилар. Шундан сўнг ўзимга вожиб ва лозим кўрдимки, аввал уларга эълон қиласман, агар итоат қилсалар, уларга мәхрибончилик кўрсатаман ва акс ҳолда уларни жазолайман.

Улус ва қўшиининг кўпчилиги, итоат бошини менинг тарафдорлигим хатига қўйиб, мени ўзларининг катталигига қабул қилишди. Шу пайт Амир Ҳусайннинг ҳасад томири характеристга келиб, амирлар ва нўёнларни тўплаб маслаҳат килдики Амир Тэмур ҳамманинг бошлиги бўлмокчи, деди. У тўра эмас - корачадир. У нега бош бўлур?

Мен бу сўзни эшигиб:

«*Арус-и мулк касе дар кинор гирад чуст,  
Ки буси бар дам-и шамшир-и обдор занад*».«  
(«*Мулк келинини ул киши қўйнига солгайки,  
Тобланган қилич зарби билан мулк олгай*.»)

- дедим.

Мен ҳеч бир щериксиз мулк олдим. Жета лашкари билан Илёсхожани маглуб қилдим.

Улар менга қасдма-қасд дедиларки: «*Боичилик Чингизхонинг наслига тегади*». Шу билан Чингизхоннинг набираси Кобшоҳ Ўғлон бинни Элчикдой бинни Довудхонки, дарвишилик ихтиёр этган эди, уни дарвишилик либосидан чиқариб, шоҳона кийим-бош кийдириб, салтанат тахтига ўтказдилар. Шу орада мен ўзим билан иттифоқдош амирлар ва нўёнлар билан қурултой ўтказиб, келиб Кеш қароргоҳида шон-шав-

шавкат билан жойлашдим. Амир Ҳусайн қадимги юртига бориб тушди.

Мен кишида Кеш мавзеида бўлдим ва баҳор фасли етиб келгач, эшитдимки, Жета лашкари яна даштдан чиқиб, Мовароунинахрни босиб олишга жазм этганиш. Шунда Кобшоҳ хабар топиб, Амир Ҳусайн билан амирлар ва нўёнлар кўп мастаҳатлар килиб, охири шу карорга келишибдики: Агар Жета лашкарига Мовароунинахрга йўл беришни истамасак, Амир Тэмурни бошчилигини қабул килишимиз керак, токи Жета лашкари урушидан қутуламиз.

Шу билан ҳамма биргалашиб менга мэктуб ёздилар. Бу орада Малик Баҳодир Кобшоҳ амирларидан менинг хушомадим учун Кобшоҳни ноҳақдан ўлдириб, менга муборакбод айтишга келди. Мен унга танбеҳ бериб: «*Подшоҳни ўлдирган киши тирикликка лойиқ эмасдир*», - дедим. Шу билан уни Кобшоҳнинг ворисларига топширдим, улар қонини олдилар. Шундан сўнг лашкарни ҳозирлашга ҳукм этиб, Амир Ҳусайн ва амирлар ва нўёнларга киши юбордимки, улар мени бошлигимни қабул қилган экан, энди мен кўшин билан илғор этиб бориб, Хўжанд суви кирғогини мустахкамлайман, токи Жета лашкари сувдан ўта олмасинлар.

Учинчи марта Жета лашкари ясогини бундай килдимки, етти минг отликни етти кўшин килиб, Жета лашкарининг истиқболига йўл олиб, Акорум мавзеига тушдим. Шу аснода эшитдимки, Жета кўшини катта куч билан ҳужум этиб келмоқдалар. Мен уша куни Акорум яловида тўхтаб, Амир Ҳусайнга одам юбордим ва у яқин келгач, у жойдан кўчиб, Хўжанд сувилан ўтиб, шу сув бўйида истехком ясад, жойлашдим. Жосуслар юборгач бундай хабар келтирдиларки, Жета лашкари келиб, сув бўйига аскарларини жойлаштириб, ўз лашкари тузукини бундай килдилар. Ҳарбу зарбга Хушку Баҳодирни сардор этдилар. Ва Ҳожибекни даштга тайин этдилар. Илёсхожа баҳодирлар билан оёқларини узангига кўйиб, Қипчоқ Баҳодирни хировулликка тайин килди.

Бу хабарни эшитгач, мен ҳам ўз кўшинимга тартиб бериб, чап қўлда Йилончи Арлотни сардор этиб, Анжой, Шер Баҳром, Фулод Буғо, Фарход Аброй ва Малик Баҳодирни хировулликка тайин этдим. Амир Сариг Буғони қипчоқ кавми билан қалб (марказ)да муқаррар этдим. Амир Жоку. Амир

Сайфуддин, Амир Мурод Барлос ва Аббос Баҳодирни ва яна ўзга баҳодирларни жиловимда сақлаб, лашкар тарбиясидан фориғ бўлгач Амир Ҳусайн ҳам сувдан ўтиб, ўз қўшинлари ни тартибга солди.

Лашкар ишлари бир ёқли бўлгач, мен Амир Ҳусайнга: «Бизлар саф тузиб уруши қилишимиздан фойда йўқ, мен ўз қўшинларим билан туркоз (хужум) қилганим маъқул. Сизлар менинг орқа томонимни сақлаб, жилов тортмайсизлар, бўймаса сизлар хужумга ўтинглар, мен орқада борай», - дедим.

Жета лашкари ҳалдан ташкари кўп эди. Амир Ҳусайн билан менинг қўшинларим унинг олдидаги ҳеч нима кўринмай, Куръондан фол очдим. Қу ояти карима чиқди: «Ва явма Ҳунайни иза ажабтукум касратукум» («Ва Ҳунайн кунида, сизлар ўз купчилик бўлганингизга мағрур эдингиз».) Мен бу фолдан кўнглим далда топиб, Амир Ҳусайнга қатъий кўрсатма бердимки: «Бизлар икки қўшин бўлиб, бирини олдинда ва бирини орқада қарор берамиз». Мутлақо рози бўлмай «Бир биримиздан ёкудо бўлмай Жета лашкари қаршисида саф бойлаб, улар билан жангга киришамиз», деди ва менинг сўзимга қўшилмади.

Илюжсиз унинг айтганига кўндим. Шундан сўнг Амир Ҳусайн ўз қўшинини тартибга солди. Мен ҳам қўшинларни тузатиб турган эдимки, душман лашкарининг олд сафи яқинлашиб, икки тараф коровули бир-бири билан аралашиб, жанг ўти аланга олди. Душман ҳировули саросимага тушгач, чап кўл қоронули сардори Ҳожибек, Амир Ҳусайн ҳировулининг ўнг кўлига от солгач, Силончи Баҳодир ва Зиндачашм Амир Ҳусайн билан тўзиб, қочишга юз кўйдилар. Ва лекин Шер Баҳром ва Фулод Бую майдонда собит кадам туриб, мардлик додин бердилар. Ҳожибек Амир Ҳусайнинг ўнг кўлини чекинишга мажбур қилгач. Амир Ҳусайнинг сардорлари Фарҳод Баҳодир билан Ўзбек Темур ўз қўшинлари билан майдонда туриб, бу ҳолни кўришдан ҳайратга тушдилар. Шу аснода Амир Шамсуддин бир йирик гурух билан Илёсҳожа томонидан рухсат олиб, жон-жаҳди билан Амир Ҳусайнга гашланди. Шу билан кўрдимки иш кўлдан кетди. Тўсатдан етти отлик билан ўзим бир мартаба хужумга ўтдим. Шу билан Амир Шамсуддин менинг савлатимдан кўр-

киб, саман от жиловини буриб, кочишга юз қўйди. Мен изидан кувиб, Илёсхожага етказиб, уни ҳам тўхтатдим. Шу аснода Гобон Баҳодирни Амир Ҳусайнга юбордимки, душман лашкарини орадан кўтардим. Амир Ҳусайн ҳам ўз қўшинлари билан келса, у келиши билан душман лашкари шикаст топиб, яксон бўлади.

Шу тобда Амир Ҳусайн разиллик қилиб, Гобон Баҳодирга лашном бериб, дедики: «Мен қочибмалини, у мени талаб қиласди?» Мен яна Малик Ваҳмадунийки унинг яқинларидан эди унга юбордимки, тезроқ ўзини менга етказгай. У яна сътиroz билдириб, сабр кильсин. тарқалган лашкарни тўплаб олай, дебди. Шу орада Малик Ваҳмадуний келиб, Амир Ҳусайнинг айтган сўзларини айтмай, шунчаки Амир Ҳусайн ўз ёнидаги етти киши билан ўз жонини ҳалокат гирдобидан халос этишини тилайди, деди.

Мен бу ишорадан, ўйлаб кўриб унинг кўнглидаги нифокни англадимки, унинг мақсади мени душманнинг оғзига лукма килишдир. Шу билан Амир Ҳусайндан умидни узиб, урушдан кўл тортиб, ўз қўшинимни тартибга солиб, ўша саҳрова ўзимни бир чеккада мустаҳкамладим. Ганим гунча бўлиб турганимни кўргач, ёмғир доналаридан ҳам ортиқ лашкари билан ўша саҳрога ёпирилдилар. Ва мен ўша кеча эгар устиди ухладим. Баҳодирлар ёйсимон атрофимни ўраб турдилар. Шу орада Амир Ҳусайн киши юбориб, келмаганига узр сўраб, ўз қилимишидан пушаймон бўлиб, мени яна жангга таргигиб этди. Ва мен унга айтиб юбордимки фурсат бой берилди. Ганим пароканда бўлгандা, у билан урушмоқ осон эди. Энди улар қайтадан ўзларини тиклаб олишди. Энди уруп қилиш бекорчи одамларининг ишидир.

Ўши жанггоҳда баҳодирлар билан нафас ростлаб тонг оттиргач, намозни жамоат билан адо қилдим. Офтоб чиқкандан сўнг, Жета лашкарининг назари менинг қўшинларимга тушиб жоду тоши билан ҳийла ва макр кўрсатдилар. Шу пайт ёмғир кўп ёғиб ер лой бўлиб, отлар юролмай қолдилар, лекин амирлар ва қўшиним ниҳоят ғайрат ва баҳодирлигидан лой ва ёмғирга қарамай, килични кўлга олиб от солдилар. Ганимлар бошлиарига кигиз ёниб, куролларини ёмғирдан сақлар эдилар. Шу аснода шошилинч равишда мен ўзим стиб бориб, жодугар қўлимга тушиб, уни ўлдиргандан кейин

ёмғир тинди. Шу билан амр этдимки, баходир ва довюраклар хужум этиб. Жета лашкарини түзитиб юбордилар ва борлық лашкарим уларни орқасидан кувдилар. Мен майдонда туриб шодиёна бонгини чалдираётганимда, тұсатдан Амир Шамсуддиннинг туғи бир неча бўлим қўшин билан пайдо бўлди. Ўша онда менинг ёнимда икки минг отлиқдан ортиқ киши йўқ эди. Минг отлиқни улар томонга буюрдим. Гарчи улар мардоналиқ билан биринчи ҳамладаёқ тукка етиб борган бўлсалар ҳам лекин ундан сўнг яна бир гурух қўшин уларнинг ёрдамига келиб, у икки минг отлиқ билан Жета лашкари орасида эртадан кечгача жангу жадал давом этиб, менинг лашкаримдан мингга яқин киши талафот берилди. «Ва кона аллоҳу қадаран мақдуран» («Оллоҳнинг амри иродаси тақдирни азалийдир»). Кун кеч бўлганидан тарқалиб кетган одамларим тўплана олмай, менинг лашкаримга бундай ёмон кўз тегди. Шу пайт амирлар ва баҳодирлар, Кеш тарафга икки-уч манзил юриб жойлашиб, тарқалиб кетган лашкарни тўплаб олишини маъқул кўрдилар. Шундан сўнг Жета лашкарини олдини тўсиб, йўқ қилишга йўл оламиз. Шу билан бу кенгаш менга маъқул ва доно кўриниб Кеш минтақаси тарафга жўнадим.

Шунда мен тажриба орттиридимки, ҳар лаишарда икки сардор бўлса, албатта нифоқ пайдо бўлур. Унинг натижаси мағлубият ва чекиниш бўлади. Шундан сўнг Амир Ҳусайн билан ўртокчиликни йигиштириб, бир лашкарга бир сардор тайин килдим. Шундай қилиб, Кеш водийсига киргач, тарқалган аскарларим ҳамма атрофимда тўпланиб, уларнинг ярзларини тузатишга машғул бўлдим.

Шу орада Амир Ҳусайн мендан икки фарсах нарига келиб тушти, менга хижолатлик юзини ўгириб: «Маслаҳат шуки, элу улусим билан Жайхун сувидан нариги тарафга ўтаман», - деди. Ва мен Амир Ҳусайнни кўрмай айтиб юбордимки, агар у менга ёрдам берадиган бўлса, вилоятни бутунлай Жета лашкарига оёқ ости қилиб ташлаб чиқиб кетаман. Мен ўзимга ихлосманд ва ишончли одамлар билан жангга кириб, Мовароуннаҳрни Жета лашкари топташидан озод этаман.

Шу билан Амир Ҳусайн менинг шерикчилигимдан умидини узиб, Сори Сарой тарафига йўл олди. Борлик элат ва кўл остидагиларни кўчириб, Жайхундан ўтиб, сув лабида жой-

лашди. Шу пайт Жета лашкарини сув бўйига йўл олганини энитиб, кўча-кўч билан Ҳиндустон тарафга жўнади.

Мен ҳиммат қадамини шижаот майдонида собит қўйиб, Кеиш ўлкасини мустаҳкамлаб, лашкар чақиришга амр бериб, яхши тадбир билан ўн икки гуруҳ кўшин тўпладим. Темурхожа Ўғлон, Чодури Баҳодир ва Аббос Баҳодирни уч гурухга сардор қилдим. Шу орада хабар етдики, Жета лашкари Самарқанд музофотидаги Кўйик мавзеида жойлашди. Ва мен уч гуруҳ кўшинни мунқалай (олдинги кўшин) тариқасида Самарқанд тарафга жўнатдим ва Довудхожа билан Ҳиндушоҳни яна бир гурухга сардор килиб, уларнинг орқасидан жўнатдим.

Улар бирбири билан учрашгач, базм мажлисини тузадилар ва шаробнинг кайфи миясиға уриб, Ҳиндушоҳ билан Довуд гаразгўйлик билан Амир Темурнинг иродаси шуки, ушбу лашкар фатҳидан сўнг сизларни хароб этади, дедилар. Шу билан бу аклдан озган уч маст, бу сўзга ишониб, мунқалайдан юз ўғириб, хавф-хатардан кўркиб қочдилар ва Жета лашкарига юз тутдилар. Ҳиндушоҳ менга бу воқеани хабарини етказди. Ва мен бу хабарни эшитгач, уларни лаънатладим. Шу билан улар неча кун саросима ва саргардон бўлиб, тақдири илоҳий кулрати билан мунқалай расми билан Жета лашкаридан чиқкан Кийик Темур ва Улуғ Темургага дуч келиб, ораларида жангу жадал юз бериб, уларга чидаш беролмай, уларнинг ўзаро боғлаб турган иплар узилди.

Мен билдимки, шаробдан фитнаю фасод қўзғаладир. Амр этдимки, кимки шароб ишлаб чиқарса уни горат қилиб, ичган кишининг оғзиғига кўроғошин қўйиншлар. Ва менинг кўшинимга ушбу ёмон кўз теккач, билдимки салтанат қўёшимнинг чиқиши ҳали эртарок. Шу орада тарқалиб кетган аскарларим тўпланиб, ёнимдаги кўшин билан кўчиб. Йўлни Балх тарафига солдим. Омуя суви бўйига етиб боргач, Тумон амирларидан Кийикхон ва Элчи Нўғой Сулдуз борлик жамоаси билан келиб менга кўшилдилар.

Шу орада эшитдимки, Жета лашкари Самарқанд пойтахт шаҳрига кирдилар. Мен сувдан ўтиб кечуввларда кўшинлар тайин қилдим. Шундан сўнг қочиб кетган Темурхожа Ўғлон кайтиб хизматимга келди. Ва мен унинг қатлига хукм этгач, амирлар ва нўёллар унинг гуноҳини тилаб дедиларки, бу бу-

зүқчилик бир тажрибали ғаразгўйни дастидан бўлди, дейишди. Ўшани жазолашимиз керак. Мен вақт тақозосига кўра унинг гуноҳини кечирдим. Шу пайтда Самарканд мавлоно-зодаларининг мактуби келди: «Жета лашкари келди ва Самарқандни қалъаси йўқ эди. Бизлар девор билан ўраб, ҳар куни улар билан жсангу жсадал олиб бориб, уларни ушлаб турибмиз. Агар Амири Кабир шу ҳолатда эътиборларини ишоят қиссалар, ишиооллоҳи таоло Жета лашкари яксон бўлади».

Шундан сўнг етти минг отлик билан Омуя сувидан ўтиб кенгаш килдим. Биринчиси шуки, Самарқандга кириб мусулмонларнинг ор-номуси ва мсл-дунёсига посбонлик қиламан, иккинчиси шуки Жета лашкарига чопқин ясайман. Шу ўй-хаёлда эдимки, Самарқанд ахлидан мактуб келдики: «Оллоҳ таоло Жета лашкаридан мусулмонларга етказилган зулму ситам орқасида уларнинг отларини ҳаром қотириб, уларнинг орасида улкан вабо касали тарқалиб, кўпчилиги ҳаво оқибатидан бандаликни бажо келтирдилар».

Шундан сўнг қўшинларимни тартибга солиб, Аббос Баҳодирни ҳировулликка тайинлагач, Жета лашкарига хабар етиб, кочишни ихтиёр этиб, чориқларини оёқларига боғлаб, куролларини танғиб, баъзи отлик, баъзи пиёда туёғини шикиллатишни душманат билдилар. Мен яширинча уларга карши лашкар тайин этдимки, то тезлик билан вабо текканларни Мовароуннаҳрдан хайдаб чиқаргайлар.

Мен ўзим ҳам ўша тарафга йўл солиб, лашкарга етиб боргач кўрдимки ўлган ва нимжон одамларни йўлда ташлаб, таърифлаб бўлмайдиган аянч ахволда кестиб бормоқдалар. Уларга раҳмим келиб, ўз ҳолига қўйиб, жиловни Боғлон водийси томон бурдим. Ва Амир Жокуй, Амир Сайфуддин, Амир Оқ Буғо, Илки Баҳодир ва Давлатшоҳ Бахшини Самарқанд забтига тайин этдим. Ва Бағлон водийсига етиб боргач, Амир Ҳусайн унинг кишилоқ жойидаги Шери Нав мавзеида одамларни қолдириб, ўзи келиб мен билан учрашди. Шу вақтда қишиинг боши эди, кенгашлар шунга қарор топдики, мен бориб Қаршида ва Амир Ҳусайн Сори Саройда қинслаймиз. Ва лекин амирларимни Самарқанд забтига мукаррар қилганимдан Амир Ҳусайн ҳасадининг томири ҳаракатга келиб, илож топмай кин сакларди.



Шундай килиб, мен бориб Қаршида дам олиб, лашкар ах-лини ҳам дам олишга рухсат бердим.

Ва ўттиз бир ёшга (767/1365-1366) қадам қўйганимдан кейин, баҳор аввалида йилни янгилақ Самарқанд азмини жазм этдим. Гурк тилида Қарши деб аталадиган Кийикхон қасрини таъмирига ҳукм этдим, ўзга бинолар ҳамда Қарши атрофини ўраган девор бино килди. Шундан сўнг Амир Ҳусайн билан ваъдага биноан йўлни Самарқанд тарафга солдим.

Самарқанд атрофига осмонупар чодирлар тикилғач, Амир Ҳусайн ҳам келиб Самарқандга кирди. Шу кезда унинг аввал қилға: иши шу бўлдики, отлари илгари зикр этилган Самарқанд забтига тайинланган амирларим мол-мулкига тама кўзини тикиб, лашкар тортди, токи уларнинг мол-дунёсини тортиб олса.

Шу онда унинг бешармлигидан қилични қинидан сугур-саммикин хаёли келди, лекин қариндошлиқ алоқаларини сийлаб, унинг ҳамма сўзларини ичимга ютдим. Амирлар топганини қўшинга йўқ қилиб қўйишганди. Шу вазиятда Амир Ҳусайнга Самарқанд молининг ярмини ва синглиси Анжой Турконга ҳам зару зевардан бир нарсалар юбордим. Шунда у ҳамма молларни олиб, азбаройи тамагирлиги ортиклигидан, синглисини баҳона қилиб, яна қайсарлик килди. Мен яна бироз маблаг юбордим. Шундан сўнг амирларим унинг ўжарлигидан дили оғриб, унга нисбатан кин ниҳолини қўнгиллари боғига экиб, тарқалдилар. Амир Ҳусайннинг тама олови аланга олиб, Самарқанд ахлидан мол-дунёсини зулм-зўравонлик билан олмокчи бўлди. Шунда Самарқанд ахли унга ариза ёздиларки, Муллоҳода, Мулло Ҳўрдак ва Мавлоно Абу Бакр Каланий бизлардан маблаглар олдилар. Амир Ҳусайн уларни келтиришга ҳукм килди. Шунда улар келиб, менинг ёрлигимни чикариб, дедиларки: «Бизлар Амир Темурни фармони билан Жета лашкаридан мудофаа шилярига бир қадар маблаг олиб, қуршов пайтида Самарқанд атрофини девор билан ўрашга сарфладик. Агар бизлар бирон нотўғри иши қылган бўлсанк биз билан ҳисоб-китоб қилиб, ҳар нима олсанг ҳисоб юзасидан олинглар».

Шу аснода бир қатор тухматчи галамис одамлар уларга даъво қилиб, шикоят ёза бошладилар. Шу билан Амир Ҳуса-

йн хисоб-китобга боқмай, пора олган, деб ноҳақдан Мулла-зода ва неча кишиларга ўз кўли билан сиёсат қилди. Бу Амир Ҳусайн келтирган кулфатлардан биринчиси эди. Шундан сўнг жавру зулмга бошлаб, ҳеч кимга мурувват ва шафқат кўрсатмай мазлумларни ўз ҳузурида сиёсатга етказди. Иккинчи кулфат шу эдики, бор ҳамиятини мол-дунё тўплашга сарфлади. Учинчи кулфат шу эдики, менинг амирларим ва аркони давлатим мол-ҳолига тاما кўзини тиқди. Шу сабабдан унинг меҳри ҳалойик замиридан кўтарилиб, барча улус унга қосид ва душман бўлдилар.

Аввал унинг болига тушган кулфат шу эдики, унга кин сақлаган одамлар, уни мен билан душман қилдилар. Мен гарчи муболага ва ўтинч юзидан онт ичиб: «Менинг ойинайи хотиридма сенинг дўстлигингдан ўзга нарса жилвагар эмасдир», деган бўлсан ҳам, бу сўзимга ишонмай, менинг душманлигимда қатъий ва событкадам бўлди. Ахири Амир Ҳусайн кинини хотирида жой берган бир гурух кишилар унга душманлигидан амирларини ундан юз ўгиритириб, менга рўпара қилдилар. Мен уларга тавсия қилдимки тезлик билан унинг олдига қайтгайлар, улар кўнмадилар. Шу кезда мен бу воқеани Амир Ҳусайнга мукаррар ёздимки ўз амирларига тасалли бергай, Амир Ҳусайн ниҳоят ғазаб ва шиддат макомида эди, гапимга ишонмади.

Амир Мусо, Али Дарвиш бинни Боязид Жалойир ва Фарҳод Баҳодир Амир Ҳусайннинг қайин инилари қасд қилдиларки, Амир Ҳусайннинг мен билан душманлигини кучайтириб, менинг душманлигим орқали уни йўқ қилгайлар. Шу мақсадда Амир Ҳусайннинг яхши кўрган хотини билан тил бирикгирив, ёлғон тухмат ва бўхтонга тўла хат ёздиларки: «*Амир Темур сенга қарши чикиб, адоват камарини белига боғлаб, жанг исбобини ҳозирлаб қўиди. Яқин кунларда ўз амирларинг иттифоқи билан сени қўлга олади*».

Амирларининг мактуби унга етиб боргач, у менга нома ёзи-ди. Мен Амир Мусо, Али Дарвиш ва Фарҳод Баҳодирни ча-кириб олиб келишга хукм этдим. Улар ёлғон тухмат қилувчи ва хоин эдилар, қилимишидан хижолатманд бўлиб, кочиб Ҳўжанд тарафга йўл олдилар ва уларнинг кочгани ёлғон тухматига гувоҳ бўлди. Ва лекин бу маънидан Амир Ҳусайн жигарида жароҳат пайдо бўлиб, унинг кин-адовати янгиланиб,

мени йўқ қилишга иш бошлади.

Мен Амир Ҳусайн адоватини баргараф этиш бобида Шер Баҳром Жалойир билан маслаҳат қилдим. Унинг ҳам Амир Ҳусайн билан нифоқ ва адовати бор эди, мендан кезламай (яширмай) очикдан-очик айтдики: «*Амир Ҳусайн соғдил кишии эмасдир. Амир Кабир билан ҳам адоват ва нифоқ мақомидадир, шунингдек бизлар билан ҳам хиёнат ва макр ўйлида собит қадамдир. Агар қўли етса, аввал бизларни қатъ этгусидир ва бизларнинг ҳам ҳар жиҳатдан унга ишончимиз йўқдир*».

Шунда Шер Баҳромнинг сўзларидан кўнглимга гулгула тушди ва лекин Шер Баҳромга изҳор этмай дедимки: «*Неча муддатдирки, Амир Ҳусайн билан орамизда ога-инилик ва қариндошлик мавжуддир. Нечук бўлганини, унинг муҳолифлигини кўнглимда жой бераб, унинг адовати байробогини кўтарман. Сенинг сўзларингга ўшинда ишонаманки, агар у сўзларингни гувоҳ билан исботлассанг*». Шунда Шер Баҳром дедики: «*Амир унинг душманлиги ва хиёнаткорлигига ишонмаса имтиҳон этмак керакдир. Мен унга бир мактуб ёзай. Агар хотирида адоват ва нифоқ бўлмаси, менинг гуноҳларимни афв этади ва акс ҳолда зътиroz билдиради*». Шер Баҳромнинг мактуби унга етиб боргач, унинг аризасини пора-пора қилиб, дедики: «*Иншооллоҳ сизларни боисингизга қаро кунларни соламан*».

Бу хабар менинг қулогимга етиб келгач билдимки, Амир Ҳусайн кек саклаб юрибди. Ўз лашкаримни тўплаб, Одил Баҳодирни Шер Баҳромга кўшиб, Хатлон тарафга рухсат бердимки, лашкарини жам этгай ва Шер Баҳром ҳам ўз ўғлининг хизматкорини менинг мулозимлигимга кўйинб, Хатлонга етиб боргач кўшинини жамлаб Сарак яйловида жойлашиб, Амир Ҳусайн муҳолифлиги байробгин баланд кўтарди. Ва Амир Ҳусайн урушдан фойда кўрмай, унга фириб бериб, уни ўз тарафига оғдирди. Шу билан Шер Баҳром мен билан тузган иттифокини унугтиб, унинг тарафига ўтди. Шу жиҳатдан Шер Баҳромга ёздим-ки: «*Аҳди дуруст – имони дурустдан яхшироқдир. Беимоннинг аҳдига вафо бўймагусидир. Шу жиҳатдан беимонга юз ўғириб, у билан бирлашгусидир. Менинг билан Амир Ҳусайн ўртасида муҳолифлик оловини сен ёқдинг. Ёвуқдирки уз ўтга ўзинг ўртаниб. Танг*

*ри таоло сенга жазо беради. Сүнгроқ пушаймон бўлиб фойда топмайсан».*

Менинг кўнглимга соганидай бўлди. Амир Ҳусайнни менга қарши адоватини жиддий эканлигини билгач, ўз химоянни лозим билиб, Бахром Жалойир, Амир Жокуй, Аббос Баҳодирни Хўжанд йўлига тайинладимки, жалойир златини ўзларига бўйсундиргай. Ва Амир Мусо, Али Дарвиш ва Боязид Жалойирнинг ўғлиники, мен билан Амир Ҳусайн ўртасида фитна ва мухолифлик бошлиган эдилар, уларнинг кўмаги учун тўхтовсиз жўнатдим, токи Амир Ҳусайн мухолифлиги уддасидан осонлик билан чика олсинлар.

*Ўттиз икки ёшга (768/1366-1367) қадам қўйгач, кўшин тўплашга киришиб, ўзимга иттифоқдош бўлган жамоа билан Қаршидан отланиб, кенгашдан сўнг Самарқанд тарафга бориб, ўша ерда кўшин тўплашни маъкул кўрдим. Бир манзил йўл босгач, мен билан Амир Ҳусайн ўртамиздаги қарамакаршилик занжирининг сабабчиси бўлган Амир Сулаймон хизматимдан кочиб, Амир Ҳусайнга бориб кўшилди. Шу кезда Амир Ҳазар вафот этиб, унинг укалари Али Дарвиш, Ҳожа Илёс ва Ҳожи Маҳмуд бир жамоа пешоварийлар билан менинг итоат камаримни жонлари белига боғлаб, уч катта кўшин билан келиб менга кўшилдилар. Ва мен лашкар йиғилгандан сўнг Самарқандга йўл олиб, Самарқандга кириб боргач, унинг ахоли ва улуғлари истиқболимга чиқиб, ҳоким тайинлашни сўрадилар. Шу билан мен Каро Ҳиндуйи Барлосни Самарқандга ҳоким килиб, юрт тарафга кайтиб кетдим. Икки манзил йўл босганимда, у ҳиндусифат Самарқанд ҳукуматини ташлаб, Амир Ҳусайн қошига борди.*

Шу аснода хабар келдики, улуг аёл Анжой Туркон оғоким, касалманд бўлиб колган эди, Ҳақ ёнига йўл олди. Ва мен «Инна лиллоҳи ва инна шайҳи рожиъун» («Биз Оллоҳникумиз ва унинг наздига қайтамиз») дедим. Амир Ҳусайн хам синглиси вафотини эшитиб кўп гам-алам чекди. Ундан сўнг мен билан қариндошлиқ алоқаси бутунлай узилиб, мухолифликни кучайтиришни ўзига лозим билди. Ва мен хам жанту жадалга бел боғлаб, кўшин тарбиясига киришдим.

*Амир Ҳусайн билан уруши тузукини бундай туздим. Аввал Чагониён мавзеида турган Амир Ҳусайн лашкари тарафга Амир Сайфуддинни жазоловчи гурух сифатида жўнатдим.*

Ва у менга хабар юбордики: Амир Ҳусайн жангы жадалға қатый бөл bogлаган, лекин макру ҳийла ишлатиш нияти бор. Унинг кирдикоридан Амир бехабардирлар. Амир Ҳусайн менинг Қаршидан чигганимни ва Амир Сайфуддин мунқалай йўсуни билан етиб келганини хабарини эшитиб, Абдуллохни аҳднома билан Қаҳлака мавзенига юборибдики, зафарёр лашкар у ерда жойлашган эди. У бир неча ёлғон-яшиқ сўзларни хабар етказиб ёзибдики: «Тилдан эмас, кўнгилдан аҳд этдимки, Амир Темурга жон билан иттифоқдош бўламан. Бу аҳдномага ишонч қўлсинг».

Бу хабар амирлар қулоғига етиб боргач, пешоварийларнинг амирлари, Амир Ҳусайндан юз ўгириб, менга мулоғизм бўлган эдилар, изтиробга туша бошладиларки, мабодо у билан тинчлик битими тузиб қолса нима бўлади, деб. Ва дедиларки: Амир Ҳусайннинг мақсади шуки, бизнинг сунбуладай чамбарчас жамоамизни, ёввойи ўтдек тарқатиб юборишидир. Мен \_бу маънини фаҳмлаб, ўша аҳдномани ўқиб, унинг мактубига қулоқ солмай пешоварийлар амирларини чақиришга ҳукм қилиб, уларга айтдимки: «Амир Ҳусайн тинчлик битими эшигини қокар, мақсади будирки, сизларни ўзига мойил қилиш. Мен билан унинг орасида қиличдан бошқа нарса қолмаган». Ярашувдан хавфсираган кишилар, менга мухолиф чиқиши ўйлагандилар. Мени урушга аҳдим қатъиyllигини кўриб, кўнгиллари тўк бўлди. Ва тамоми пешоварийларга меҳрибонлик кўрсатиб, сийладим. Амир Ҳусайн ҳам ярашувдан умидини узиб, урушдан кўл тортди. Мен ҳам жиловни оркага буриб, келиб Қаршида жойлашдим.

Амир Ҳусайн унинг ваъда ва аҳдига ишонмаганимни кўргач, яна лашкар тўплаб, шер Баҳромни хировул қилиб, мен томонга йўл олди ва мени макру ҳийла билан қўлга туширмоқчи бўлди. Мен Чагониён мавзесини ғалаба ёр подшолигимга қароргоҳ қилган чоғда, ўз хазиначиси Хизрни ўша ўзи қасамёд қилян Куръон (Куръон) билан юборди. «Шу Куръон билан онт иҷдимки, менинг хотиримда сенинг мухолифатинг асари иўқдир. Агар булса Куръон мени сенга гирифттор қўлсинг. Энди яхиси шуки, аҳду иттифоқни мустаҳкамлаш учун сизу биз Чак-чак дарасида бир-бириниз билан учрашиб, шундай аҳдимизни янгинашимиз керакки, бундан кейин бизларнинг орамизга бузуқи кишилар йўл топмасинлар».

*Маълум бўлишича хошилик ва макр ишитиб, ўша даранинг икки тарафига икки гуруҳ кўшин юбориб яширади. Мен бу дарага киргач олд ва орқа тарафимдан келиб, мени қўлга туширмоқчилар. Ва мен бу хабарни эшишиб, аввалги дарага етиб боргач, ўша ерга тушидим ва кечаси бир гуруҳ баҳодирларни буюрдимики, бориб уларнинг орқа томонида бекинишгичар. Бу аснода Амир Ҳусайндан киши келиб дедики: «Сиз лашкирингизни Ҳарр мавзеида қўйиб келинг, мен сипоҳимни Чагониёнда ташлаб, юз отлиқ билан келаман. Сиз ҳам юз отчиқ билан келинг. Ўша даранинг ўртасида хуш обу ҳаво бир манзил бордир, ўша манзилда ҳамсузбат бўлиб, аҳдни янгилаб, Мовароунаҳр вилоятини ака-укалик йўли билан бўлишиамиз».*

Мен унинг макру хийласидан хабар тоғигач, уч юз отлиқ билан ўша дарага қадам қўйдим ва Амир Ҳусайн минг отлиқ билан мен тарафга йўл олди. Ва мен маизилгоҳга етиб боргач, Амир Ҳусайннинг яширин қўйган кўшинларини кўриб от жиловини тортдим. Улар мени кўргач, мен томонга селдик равона бўлдилар. Шу аснода менинг кўшинларим ҳам махфий жойлардан чиқиб, уларнинг йўлини тутдилар. Шу билан биринчи ҳамлада уларга ғолиб келиб, менга киши юбордилар. Мен ҳам ўзимни уларнинг мададига стказгач, кочиб қолишини душманат билиб, кўпчилиги ҳалок бўлиб, баъзиси кўлга тушиб, асирилик тутқинига гирифтор бўлдилар. Амир Ҳусайн ўша дара чеккасида мени кўлга олининшимни кутарди. Кутилмаганда кўрдики, кўшинлари мағлуб бўлиб, кочиб келиб унга кўшилдилар. Шу билан бошига тушган бу ходисадан кўнгли хира бўлиб, хижил бўлди. Шундан сўнг билдики, унинг макр пардаси йиртилди. Мендан қочиб унга борган Шер Баҳромни менга қарши ҳировул қилиб юборган эди, ундан бадгумон бўлиб ўлдирди. Шу билан Шер Баҳром ҳакида менинг тилимга келган сўз, ою йилга етмай Шер Баҳром ўз қилмишига гирифтор бўлди. Мен эса аста-секин юриб, зафар кучиб Қарши водийсини ҳашаматли чодирларга жой килдим.

Шундан сўнг Амир Ҳусайн адватига ишончим комил бўлиб, лашкар интизоми ва аскар саранжомига киришиб, амирларни танҳо-танҳо чақириб, уларни содикликка қасамёд килдирдим: «Сизлардан ҳар киши мен билан ҳамроҳлик их-

*тиёр этса, модомики ҳаётдир мен у билан ога-иниларча ийүсинди иши тутаман ва ҳар нимаики ҳозир олдимда мавжуд бўлса, ака-укаларча тақсим этаман ва ҳар нимаики энди қўлимга кирса, уни ҳам улашаман. Ҳар ким мен билан ҳамроҳликдан бош тортадиган бўлса, шу бугун жудо бўлсинки, сизларни Ҳудои Жабборга тотширдим», - дедим.*

Шундан сўнг уларнинг ҳаммаси тарафдорлигимга бош эгиб, ўз отларини бир тумор этиб аҳднома ёздилар. Унинг мазмуни шундай эдик: «*Бизлар садоқат ва ихлос тили билан ваъда ва аҳд килдикки, модомики руҳларимиз амирлари бадин мулкida чордона қуриб ўтирас ва ҳукмфармо экан Амир Темур итоати катта йўлидан ташқари қадам қўймаймиз. Агар ушибу аҳдимизга қарши иши қилсанк подиоҳи ҳакиқий газабига гирифтор бўлайлик*».

Шундан сўнг йўлни ёгийлар устига солишни маъқул топдим ва санжарий эли, у мавзеда эдилар, уларни ўзимга мулоғим килиб, саф тузиб Амир Ҳусайнга рўпара буламан, токи тақдир пардасига яширган нарса рўёбга чиксин.

Шу орада эшитдимки, Амир Ҳусайн оғир лашкар тўплаб, Амир Мусо Баҳодирни ўн икки минг отлик билан Қаршига тайин килдики, келиб менинг йўлимини тўсмокчилар. Шунда менинг аскарларим саросимага тушдилар ва мен яна амирларни чақиришга амр этдим ва уларнинг аҳдини янгиладим. Улар узрини айтиб: агар бизларнинг кўч ва озукамиз учун ҳамма нарса муҳайё бўлса, хотирингиз жам бўлсинки, бизлар сенинг қадамингда жонбозлик қилгумиздир. Шундан сўнг менинг неъматим илгаридан собит бўлган санжарийлар амирларига ёрлик юбордим. Улар менинг неъматим хаққини унутмай, минг отлик юбордилар. Барлос уруги ва менинг амирларимга куч ва озука беришга рози бўлиб, уларни ўз чегара жойларига йўл бердилар. Амирларим хотири куч ва озукадан жам бўлгач, менга вафодорликка кўнгил қўйдилар ва лекин мен улардан хотиржам эмас эдим.

Менинг хотиржам эмаслигим халойик қулогига стиб, амирлардан йигирма киши бўйинларига Куръон ва шамшир осиб, кошимга келиб дедиларки, мана бу Куръон, мана бу шамшир. Уларнинг биринчиси Амир Жоку, иккинчиси Темур, Амир Сори: Буго Жалойир, Амир Довуд, Амир Муайдид, Амир Сайфуддин, Суюргатмеш Үғлон Баҳодир, Амир

Аббос, Ҳасан Баҳодир, Оқ Темур Баҳодир, Илқи Буғо Баҳодир, Аббос Баҳодир, Қипчоқ Баҳодир, Нўйман ва Маҳмудшоҳ Нажжорий эдилар.

Бу ҳоли кўргач, менинг кўнглим бўшашиб, улар ҳам кўнгли бўшаб, жонини фидо қилишга хат бердилар ва мен уларга таҳсинг айтиб, хотиржамлик билан Амир Ҳусайнни ер билан яксон қилишга отландим. Қарши водийсидан кўчиб санжарийлар тарафига йўл олдим, токи партални (кўч) кўйиб, яланг отлиқ бўлиб, Амир Ҳусайн устига ҳамла этгайман.

Уч манзил йўл босгач, Амир Ҳусайн томонидан тайинланниб келаётган Амир Мусо ва Малик Баҳодир, менинг кетганимни душманат билиб Қарши хисорига кириб жойлашдилар ва Амир Ҳусайнга ёздиларким: Амир Темур Қаршидан қайтиб кетди. Ва мен Хуросон йўлига жазм қилиб, оркада қолганларни тўплаш учун санжарийлар томонга йўл олдим. Ўша мавzedan йўлни чап солиб, лашкар тўпллангандан кейин Моҳон тарафга йўл олдим. Ва сув бўйида тушиб, ўша кечак Ому сувидан ўтдим. Шу орада менинг Ому сувидан кечиб ўтганимнинг хабарини Қаршининг ҳокими Амир Мусо ва Амир Ҳиндушоҳ эшитиб, хотиржамлик билан дам олишга машғул бўлдилар. Мен то лашкар ахли сувдан ўтганча ўн икки кун сув бўйила турдим.

Шу орада Ҳирот мулкига ва Мұхаммадбек Жоникурбонийга хат ёзиб, бир неча ақлли-кушли киши билан жўнатдимки, Хуросонга бориб уларнинг мен билан қандай муносабатда эканлигини аниқлаб келсинлар, деб. Уларга ишончим йўклигидан сув лабидан кўчиб, чўлга кириб бир шўр кудуқ бошига тушибим. Бу чўлда икки ярим ой яшаб, кўп ваҳшний ҳайвонларни ов килдим. Шу орада Ҳиротга юборган элчилар ҳам мухаббат изҳор қилинган мактуб келтирдилар. Ва Ҳирот ахли баҳоли курдат жуда кўп аслаҳа, қилич-камон ва садоқ жўнатдилар. Мен ўша куни ўзимга бир қабза килич ва бир қабза камон сақлаб, колган бор-йўқ нарсанни амирлар ва аскарларга тақсим этдим. Шу онда эшиздимки, Хуросондан Қаршига мол ва буюм-тайим олиб кетаётган карвон етиб келаётир. Дарҳол отланиб йўл бошига чиқдим. Карвон ахли мени кўриб совға-тортиклар олиб келдилар. Мен от устида улардан сўрок килдимки. Ҳиротдан не хабарингиз бор ва менинг Хуросонга йўл олганимдан не хабар бор эди. Улар

айтдиларки, бизлар эңгитдикки, Амир Темур Ҳирот мулкини даъво килиб, Омужа сувидан кечиб ўтиб, Ҳурносон тарафга йўл олибди. Ҳалойик ишонгиси келмас эди. Энди ўз кўзимиз билан кўрдикки Амир давлати билан Ҳурносонга йўл олибди. Мен: «*Амир Ҳусайннинг зулму ситами ҳаддан ошиб менинг устимга лашкар юборди. Зарурат юзасидан ватанини ташлаб Ҳурносонга жунадим*», - дедим. Шу билан улар менга дуюйи хайр қилиб, мендан йўл бошловчи сўрадилар, то лашкаримдан уларга зарар ва нуқсон етмагай, мен уларни хавфли жойлардан саломат ўтказиб, Ҳурносон тарафга йўл олдим ва карвондагиларга жосуслаг кўшиб юбордим.

Шу билан карвон ахли Қаршига яқин етиб боргач, Қаршининг ҳокими Амир Мусо карвон ахлини талаб қилиб, улардан менинг аҳволимни сўради. Улар дедиларки: «*Бизлар Амир Темурни чўлда кўрдик. Мулики Ҳирот билан учрашуви талаб қылган эди, шу жиҳатдан Ҳирот тарафга жадаллик билан борур*». Амир Мусо билан Амир Хиндушоҳ бу хабарни эшигтгач Қарши қалъасидан чикиб, етиб минг отлик билан бориб Ҳамроҳ воҳасида тушиб, етиб боришлари билан осуда ҳол ва бепарволик билан айшу ишратга киришиб кетдилар. Ва Амир Мусо қалъани мустаҳкамлаб, ўз ўғли Мухаммадбекни у ерда ҳоким қилиб, вазият хабарини Амир Ҳусайнга ёзди. Амир Ҳусайн улардан бурунрок менинг Ҳурносонга кетганимни эшитиб, беш минг оғлиқни Қаршига жўнатган эди. Улар хотиржамлик билан келиб Кўрғошин мавзеини ас-кар билан ёпдилар.

Қарши лашкарининг хабари менинг қулогимга этиши билан мардоналигим гайрат томири түғёнга келиб, қасос тигини киндан чиқариб, бориб Қарши қалъасини эгалламоқчи бўлдим. Шу орада жосуслар муборак манзилга хабар етказдиларки, Амир Ҳусайннинг ўн икки минг отлиги Қарши водийсида тарқалиб кетган. минг пиёда Қарши қалъасига кириб мустаҳкамламоқда. Шу билан амирларни чақириб келишга хукм этиб, кенгаш тиладимки: Ҳурносонга йўл олайми ёки бориб Қаршини босиб олайми? Баъзилар дедиларки, агар Ҳурносонга борсак ушланиб коламиз ва одамларимиз тарқалиб кетадилар. Дархол оркага қайтиш керак. Иншоюлоҳ ғалаба дарвозалари очилгусидир. Шу билан ушбу кенгашни маъқул топиб, Қаршига йўл олишга жазм қилдим.

Бу борада ўзимга дедимки: Шижаат ва мардоналиги неча марталаб диккәт-эътиборимга лойик бўлган уч юз қирқ баҳодирни ўзим билан бирга олиб, Қарши қалъасига илғор эта-ман, токи ҳар нима тақдир пардасида яширин бўлса рўёбга чиқади.

Бу бобда Қуръони Каримдан фол очдим. Шунда фолимга бу оят чиқдики: «*Йансуру ман йашау ва ҳувал азиз ул-ҳаким*». («У ўзига хоҳлаган кимсага ёрдам беради ва у қудрат ва ҳикмат эгасидир».)

Ушбу фолдин нусрат башорати топиб, Қарши қалъасини эгаллаш тузугини бундай қилдимки, уч юз қирқ отлик довюрак киши билан худога таваккал қилиб, шоҳ чодирдан чиқдим. Шу соатда менинг синглим унинг никоҳида бўлган Амир Муаййид Арлот, Таваккал Баҳодир, Амир Жоку Бар-лос, Самурғиш Ўғлон, иккинчи синглим никоҳида бўлган Амир Довуд, Амир Сориғ Буғо Жалойир, Ҳусайн Баҳодир, Қипчоқ Баҳодир, Оқ Буғо Баҳодир ва Маҳмудшоҳ менга кўришини килдилар. Биринчи бўлиб Амир Муаййид Арлот салом қилгандан сўнг мен унинг отини ўзимга яхини фол этидимки, Худонинг ўзи кўллади. Ундан кейин Таваккал Баҳодир салом килди. Унинг отини ҳам фол этиб Қуръон очдим. Бу ояти карима чиқдики: «*Ва ман ятаваккалу алаалаҳи фахува ҳасбуху*» [«Ким Оллоҳга таваккул қашса, бас; (Оллоҳнинг) ўзи унга етарлидир»]. Бу фолдан кўнглим тўқ бўлиб, ўша кечада Ому сувидан ўтиб, Ражаб кишлогида тушиб, шу кечада Қарши йўлига коровуллар тайинладимки, Қарши йўлини тўсиб, борган кишини юбормасинлар ва келганни тутсинлар.

Мен ўзим яшаш жойидан йирок бир мавзеда тушдим, бир авлок мавзега этиб бориб, Амир Мусонинг навкарлари турган жойда дам олиб, офтоб чиққач отланиб, Фард мавзеига кириб, йўлларни тўсишга коровуллар юбордим. Шундан сўнг отланиб, Шерканд мавзеига кириб, тиладимки, ундан ҳам ўтгайман. Шу аснода Амир Жоку келиб арз қилдики, баҳодирларнинг кўпчилиги орқада қолишидилар. Агар Амир зафарёр қадамларини андак фурсат узангига кўйиб, тўхтаб гурсалар, токи қўшин этиб олсин. Шу билан жиловни тортдим.

Бирдан хаёлимга баҳодирлар келгунча боғнинг дарахтла-

ридан бир неча зина ва нарвонлар ясаттириш келди. Баҳодирлар нарвон ясашига машғул бўлган пайтда миямга якка ўзим бориб Қарши қалъасини кўриб келиш фикри келди. Ёнимдаги мавжул кирқ нафар баҳодир билан кечалаб юриб, бир коронғи кечада Қарши атрофига етиб бориб, қалъанинг қораси кўрингач, баҳодирларга амр этдимки қатор бўлиб туринглар ва мен ўз хонадонимиздан бўлган йўл бошловчи Абдуллоҳни ҳамроҳ олиб ҳандак лабига борсам, ҳандак сув билан тўла экан. Ҳандак атрофини айланиб бир кўприк топиб, отни Абдуллоҳга топшириб, ўзим пиёда қилични бўйнимга осиб кўприкдан ўтдим, қалъанинг хокрезидан ўтиб дарвозани тақиллатдим, ҳеч ким жавоб бермади. Билдимки, дарвозабонлар ҳаммаси уйкудадирлар. Шундан сўнг хотиржамлик билан қалъа атрофини эҳтиёт назари билан кўрдимки, нарвон кўйгудек пастдир. Шундан сўнг қалбим қувонч ва шодлик билан тўлиб, келган йўлимдан қайтиб, Абдуллоҳнинг олдига келдим, сўнг отланиб баҳодирлар олдига етиб бордим.

Бу орада орқадаги баҳодирлар ҳам қуролланиб, қўлларига нарвон олиб, етиб келдилар ва мен уларга Қарши қалъасининг деворларини кўрганимдек баён этдим. Шунда улар ёлгиз бориб қалъани кўрганимни билдилар. Уларнинг бир кисми ҳайратдан бармогини тишлаб, мардоналиги юз хисса бўлди, баъзиси мени довюраклигимдан ажабланиб, баъзилар мени маломат килиб, баъзилари ўзларини жонини садақа қилдилар. Шу аснода фотиха ўқиб, равона бўлдик ва қирқ кишини отларни кўриклишга тайинладим.

У ерда икки юз уч нафар баҳодир бўйинларига камарларини осиб, жиловимда пиёда йўлга тушдилар. Мен отлик борган йўлимдан равона бўлиб, ҳандақ лабига етиб боргач, ўша кўприкдан ўтиб бориб, баҳодирлар билан хокрездан ўтдик ва қалъага чиқиб, баҳодирлар нарвонларни ҳикмат билан қалъа деворига қўйишиди. Қирқ нафар таникли шерюраклар ва Рустам каби жасурлар нарвондан чиқиб қалъага кирдилар. Мен ҳам нарвон билан девор устига чиқиб, жой олдим ва колган баҳодирлар ҳам деворга ёпирилиб чиқдилар.

Тангри таоло қалъа исобонларини шундай гафлат уйқусига солдики. бир киши уйғонмади. Қалъа дарвазасини маҳкамлаш учун бир неча киши юбордим. Баҳодирлар қалъа дарво-

засига етиб боргач, дарвозабонларни уйкуда катл эта бошладилар. Шу онда посбонларнинг дод-фареди қалъя ахли кулогига етиб, титраб-калтирадилар, кейин ёргу ва карнай чалипга амр этдим. Қалъя ахли ёргу ва карнай овозини эшигач, кўл-оёғи бўшаниб, саросима денгизига гарк булдила.



Қалъя ҳокими Мухаммадбек бинни Амир Мусо бир неча одам билан бир ўчок устига чикиб, жанг жадалга киришилар. Гонг отгач, менинг кўшинимга назари тушиб, қочиб бир болохонада яшириндилар. Баҳодирлар бориб, ўша уйга ўт

күйгач, Амир Мусонинг фарзандлари омон тилаб, менга паноҳ сўраб келдилар.

Мухаммадбек эса ёш йигит эди, унинг шижаат ва жасоратига таҳсин ва оғарин айтиб, уни ўзимга фарзаңд атаб. кўшин ва раияти омон тилагач, уларга ҳам омон бердим. Буюрдимки, қалъани ўзига бўйсундирдилар ва хар қадар озик-овқат, асбобу аслаҳа, камону ўқ, садоқу килич бўлса тўплатиб, кўшинга тақсим этдим ва қалъа истеҳкомига киришдим.

Ҳарор тарафидаги дарвозани Амир Сориг Буго ва Амир Сайфуддин ва Амир Муаййид Арлогга топширдим. Бошқа дарвозаларни Самурғиш Ўғлон, Амир Аббос, Ҳасан Баҳолир ва Оқ Бугора ҳавола килдим. Ўзга баҳодирларни буржларда муқаррар қилдим. Яна донгдор шижаатпеша баҳодирлардан кирқ кишини дарвозадан ташқарига тайин қилдим.

Қалъа истеҳкоми охирига етгач, Амир Мусонинг фарзанд ва ўй ичини муруват кўрсатиб, унинг олдига юбордим. Бу хабар Амир Мусонинг қулогига етгач, Малик Баҳодир билан бирга ўн икки минг отлиқ билан Қарши қалъасини қуршовга олишга келишдилар, лекин келишга журъат эта олмадилар. Мен уч юз ўн уч киши билан қалъада жойлашиб бундай тузук қилдимки, дарвозаларни очиб баҳодирлар гурух-гурух бўлиб дарвозада турдилар. Амир Муаййид Арлотни кирк киши билан бир гурух қилдим ва Элчи Бугони яна кирк киши билан бир гурух қилиб, сешанба куни ярим кечада Амир Мусо юртига югуртирдим. У марди майдон Амир Мусо доирасига кириб, баъзини ўлдириб, бир тұдани кўлга олдилар. Менинг кўшинларимдан ҳам бир неча киши ярадор бўлдилар. Кўлга тушған ва хизматимга келтирилган амирларга кўп эҳсон қилдим ва иззат-икром билан ўз ихтиёрига кўйдим. Амирларим мени уларни қатл этишга ташвик қилдилар. Мен айтдимки, уларни эҳсон бандида сакларман, токи ўзгалар ҳам менга рағбат кўрсатсинглар. Дўст-душманинг макри билан белгиланади.

Шунда у менинг эҳсонимдан уялиб, менга мулозимликни танлади ва кейинги куни ўз кўшинларини чакирди. Кейинги кечаси жонбозлик кўрсатган Оқ Темур Баҳодирни икки юз отлиқ билан Амир Мусонинг устига буюрдим. Шу аснода Бараки Баҳодир Малик Баҳодир тарафидан келиб, қалъа дарвозасини қуршовга олиб, девор паноҳида турдилар. Шу би-

лан икки кун уруш-киргин қилдик. Учинчи куни Элчи Буго Баҳодирни олтмиш отлиқ билан амр этдимки, тахта кўприкни солиб, ўша ғофил ётган икки юз отлиқнинг устига бориб, уларнинг аксарини қиличдан ўтказдилар. Шу пайт Тогай Буго Баҳодир душман тарафидан бир гурух билан келиб, кўмак бердилар. Шу билан уруш-киргин олови аланга олди.

Шу лаҳзада Алишоҳ билан Дарвишак Ёргучини йигирма нафар баҳодир билан ёрдамга тайинладим. Дарвишак Ёргучининг овози Тағой Буго қулогига чалиниб, қилич тортиб ҳамла қилди. Оқ Темур Баҳодир унинг йўлини тўсиб, биринчи ҳамладаёк оёқдан қулатди. Шу пайтда Амир Мусо кўшинидан бир ўзбек йигити, ўзи ҳам бағоят баҳодир ва оти ҳам Гуурур номи билан машхур эди, кўлига бир гурзи олиб ҳамла қилди. Шунда Ғаррон Бугоки, менинг номи чиккан баҳодирларимдан эди, унга осилиб жасорат ва мардоналик билан унинг икки кўлини қайириб, судраб қалъа дарвозасига келтирди. Шу ҳолда менинг баҳодирларимдан Беки отлиқ йигит, бадмаст Гуурурни бир қилич зарби билан у дунёга равона қилди.

Душман қўшини бу ҳолни кўргач, дедиларки, Рустам ва Исфандиёрни эшитар эдик, энди кўрдик. Шундан сўнг бошлирига қалқон тутиб қочишга юз тутдилар. Бориб хандак паноҳига кирдилар. Шундан сўнг улар билан жангу жадал қилаётган баҳодирларимга ёрдам юбордим. Улар биргалашиб душманга ҳамла қилиб, хандакдан чиқардилар. Душманлар кочиб шаҳарнинг кўчаларига бекиндилар. Шу пайт Амир Мусо ва Малик Баҳодир бу ҳолатни кўриб, шаҳарнинг кўчаларидан ҳам кўчдилар. Таваккал Баҳодирни икки юз отлиқ билан уларнинг кўмагига тайин этди. Таваккал Баҳодир душманни орасидан чикиб ҳамла қилиб, ўққа тутдилар ва меснинг баҳодирларим ҳам душманни уриб хандакдан чиқарган эдилар. Яна ўқ отишиб-қочиб уруш қилдилар.

Бир пайт ярадор ва маъйиб бўлганлар кўзи менга тушкиб, кўнгли далда тоғиб, душманига ҳамла қилдилар. Бу аснода Элчи Буго ва Баҳром Баҳодирни койигандан сўнг Таваккал Баҳодир сари юз тутдилар. Бу баҳодирлар мардоналик кўрсатгач, Таваккал Баҳодир девор панасига бекинди. Элчи Буго ҳам девор устига чикиб, тоб беролмай яна у ёққа тушди, лекин юз ўғирмади. Шу кезда Баҳром Баҳодир девор устига

чиқди ва Элчи Буго дөвөрдан тушиб килич солгач, кочмоққа юз қўйди. Баҳром Баҳодир уни кетидан қувди. Шу пайт менинг сардорларимдан Мансур Хурросоний, унинг кетидан равона бўлди. Баҳром Баҳодир етиб келгач, уни душман хаёл килиб, бир қилич тортиш билан ҳаёт либосидан яланғоч қилди.

Амир Мусо менинг баҳодирларимнинг довюраклиги ва мардоналигини кўргач, ўз қўшини билан қальядан ажралиб, баҳодирларини Ҳарор дарвозасини олишга юборди. Мен Сариг Буғо ва Амир Сайфуддинга хабар бердим. Улар ҳам дарвозани маҳкамлаб, ўзлари қальядан чиқиб мардона жанг килдилар. Амир Мусо Малик Баҳодирни ўз қўшини билан Ҳарор дарвозасига юборди. У тўрт минг отлик билан менга юзланди. Мен илгарироқ кадам қўйиб, юз отлик қўшинни бир гурух килиб унга югуртирдим. Бу баҳодирлар кўчадан чиққач, Амир Мусо назарга илмай уларга қараб, шамиширга ем қилмоқчи бўлди. Шу аснода мен ҳам дарвозадан от солиб кўчани тўсиб чиқдим. Шу билан икки қўшин саваш-қўйкириклари авж олиб, менинг қўшиним уларни ўққа тута бошлиладилар. Кутимаганда Амир Мусонинг пешонасига бир ўқ тегиб, юз ўгириб етти минг отлик билан чекинди ва юрти тарафига қайтиб кетди. Менинг баҳодирларим уларнинг кетидан тъякиб этишини тиладилар, мен эса рухсат бермадим.

Бу аснода Амир Сори Буғо ва Амир Сайфуддиндан киши келдики, бизлар беш минг отлик билан Малик Баҳодирга илашиб бормоқдамиз. Амир Темур пайдо бўлиши биланок фатҳ насибимиз бўладир. Мен жиловимдаги мавжуд пиёда ва отликлар билан Ҳарор дарвозасига етиб бордим. Кўрдимки, Малик Баҳодир етти минг отлик билан қалъа атрофида ва Амир Сори Буғо ва Амир Сайфуддин қалъа кўчаларининг девори орқасига паналаб жанг қилмоқдалар.

Мен ҳам ўз қўшинларим билан етиб келиб, баланд овоз билан «тут» дегач, Малик Баҳодирнинг кўзи менинг салтанатим юлдузларига тушиб, билдики унинг сафларига юзландим. У ҳам менга рўшара бўлиб, илгари қадам қўйди. Шу пайт менинг гайрат ва шижоатим томири жўш уриб, кирк отлик билан от солдим. Улар ҳам уч юз отлик билан менинг ўнг кўлим тарафдан от солдилар. Малик Баҳодир мени кўргач таниб, юз ўгириб Амир Мусо ёнига борди. Амир Мусо

ҳам жойида қололмай равона бўлди. Мен Амир Жоку ва Амир Сайфуддинни унинг ортидан буюриб, ўзим ҳам кетидан равона бўлдим. Малик Баҳодир менинг қўшиним қораси кўрингач, безовта бўлиб қочишга юз тутди. Мен Амир Довудни бир гурух билан унинг таъқибига тайин этдимки, уларнинг молидан бақадриҳол кўлга киритинглар, деб. Шу билал Амир Довуд етиб боргач, душман лашкари орқага қараб от солди. Шу аснода мен ҳам етиб бориб, уруш-қирғин шиддатли тўлқини авж олиб, бир-бирининг ёқасига кўл егач, тоб келтира олмай янчилдилар.

Уларнинг етак отлари баҳодирлар қўлига тушиб, ўз саодатли иқболи билан менга қарши турганларнинг шавкатли туғини юз тубан қилдим. Ганим сардорлари ғоят заруратдан қочишга юзландилар. Озод Малик оғо билан Амир Боязиднинг қизини ва Амир Мусонинг хотинини, азбаройи кўрққанидан, ўша саҳрова ташладилар. Мен уларни кўргач жиловдорларимни юбордимки, бошига бир нарса ташлаб хижобга киритинглар, деб. Амир Мусонинг аёлини Давлатшоҳ Бахшига тоғширдим. Бу аёл ҳомила эди ва ўша саҳрова киз туғди.

Қарши саҳроси душманлар ёмонлигидан тозалангач, Амир Жоку ва Амир Сайфуддин уларни таъқиб қилишарди. Сўнг кайтиб келиб, муборакбод килдилар. Шу аснода бундай кенгаш қилдимки, қиши киргач Қаршида қишлигайман. Амирлардан баъзилари айтдиларки Бухорода қишилагин. Мен дедимки: Амир Ҳусайн қўшинлари мағлуб бўлиб кетдилар. Агар Амир Ҳусайн мени шу мавзеда қишилаганимни эшитса, албатта ғайрат ва журъат билан менга лашкар юборади. Бухоро ҳам ахволи хароб, озуқа кам топилади. Яхшиси Қаршида қишилагайман. Муҳаммадшоҳни Бухорога юборгайки, унинг ҳар не ҳосилотини газнага юборсин. Хуросонда саргардон юрган Бесклишоҳга нома ёзаманки, ўз кўёви Муҳаммадшоҳга келиб қўшилсин.

Кенгашдан сўнг Қаршига йўл олиб, Фатҳобод мавзеига тушибдим ва дам олишга машгул бўлдим. Шундан сўнг Амир Ҳусайннинг баҳодирларидан Амир Мусо ва ўзга сардорлар эгари қийшиайиб, Амир Ҳусайн олдига бордилар ва телпакларини ерга отиб, лод-фарёд солдилар.

Амир Ҳусайн порозилик билан эътиroz билдирадики, сизлар шунчалик ҳам ғафлатда қолганмисизларки, Амир Темур

икки юз кирк киши билан қалъага кириб эгалласа, сизлар үн икки минг отлик бўлсанглар, унинг икки юз кирк кишисидан маглуб бўлиб келсанглар.

Шу билан Амир Ҳусайннинг ғайрат томири жўш уриб, менинг устимга лашкар юбормокчи бўлди. Ва охири ўзи Сари Саройдан чикиб, Амир Анжой, Жаҳоншоҳ, Амир Мусо Бойгуз ва Амир Фулод Бугони ўн минг отлик кўшин билан Амир Мусога кўшиб юборди. Амир Мусо тагин жасорат тигини қасос қинидан чиқариб, мен тарафига йўл олди.

Амир Ҳусайн Қаҳлака қалъасидан ўтиб, Бекжек мавзеини аскарларга жой килган эди. Мен ҳам Қаршидан чиқиб, жиловимдаги икки юз отлик билан кенгаш қилдимки, илгор этиб уларнинг устига чопқин ясайман. Даشت ва тоққа чиқкач, тўхтаб, Турунтой қоровулни юбордимки, душман кўшини тушган жойни бориб кўриб, унга кириш ва чиқиш йўлини кўриб келсин. Шу аснода душман лашкаридан бир неча одамни тирик тутиб келди. Улар арз этдиларки Амир Ҳусайн амирлари Бекжекдан ўтиб, Жигдалик мавзеига тушдилар. Шундан сўнг мен у куни ўша тоққа жойлашиб, офтоб ботгач отланиб, икки юз отлик билан душманнинг чап қўлидан кириб, ўнг тарафидан чиқдим. Шу билан улар ваҳимадан қалтирашга тушгач, чоиқин ясад уларнинг кўпчилигини йўқ қилдим. Бу орада тонг отиб, Амир Ҳусайн ва Амир Мусо саф бойлаб, менга кўз тикар эдилар. Мен Жигдалик сахросига тушиб, бомдод намозини ўқиб, «ал-ма’уду Аҳмаду» («Муҳаммад саллалоҳу алаїҳи вассаллам ваъдаси») жавоҳирларга тўла мазмуни такозосича отланиб, орқага қайтдим. Карши қалъасига бориб, уни мустаҳкамлайман, ундан сўнг Бухорога ўтиб, Бухоро лашкарини ўзим билан бирга олиб, Амир Ҳусайн устига лашкар тортаман. У саҳро тарафига йўл олгач, ўзим Бухорога ҳоким тайин килган Маҳмудшоҳ Али Пешоварий билан истиқболимга чикиб, куллук бажо келтирдилар. Бухорога жойлашганимдан сўнг Амир Жокунинг Маҳмудшоҳга ишончи йўқ эди. Мендан Хурросонга кетиш учун яширинча рухсат сўради. Мен, кенгаш ўртада бўлади, ҳамма не маслаҳат килсалар, унга амал киламан, дедим. Шу аснода Маҳмуд, Али Пешоварий, Амир Жоку, Амир Сайфуддин ва Аббос Баҳодирни чакириб кенгаш сўрадимки, Амир Ҳусайн олдинги бўлинмаси етиб келмоқда, гарчи мен

уларга зарба берган бўлсам ҳам, аммо сизлар ҳам Бухоро кўшини билан бирлашсанглар, ҳамма иттифоқ бўлиб унинг истиқболига чиқсан, бир қилич айланмай, мулк келинини огушга киритамиз.

Шунда баҳодирларга ва довюракларга ушбу кенгаш маъкул келди. Лекин Маҳмудшоҳ ва Али Пешоварий юраксизлик билан Бухорони мустаҳкамлаганимиз яхшироқ, дедилар. Иншооллоҳ Амирнинг ўзи душман кўшинини пароканда килади. Уларни иккиланганини кўриб. Амир Жокуни Хурносонга Амир Сайфуддин билан Аббос Баҳодирни Мохонга боришига тайинладим ва Муҳаммадшоҳ билан Али Пешоварийга Бухорони топшириб, агар бошингларга мушкул тушса ташлаб чиқинглар, деб тайинладим. Мен у мавzedan отланниб, равона бўлдим ва душман яқинига етиб боргач, аввал саҳрода ўтлаб юрган элатнинг отларини пиёда баҳодирларга тақсим килиб, Хурсон тарафга йўл олдим. Кечама-кеча йўл босиб. Омуядан кема билан ўтиб, Марв чўлидан ўтиб, зафарнишонли кўшинга қўшилдим. Моҳон саҳросида сайру ов билан шугулланиб, Маҳмудшоҳ билан Али Пешоварийнинг хабарини кутардим. Уларнинг арзлари етиб келдики, «Бизлар Амирни иқболи билан Бухорони мустаҳкамлаган эдик. Аммо бир ишни хато қилдикки, Бухоро аҳлига ишондик. Амир Ҳусайн макру ҳийла юзасидан Ҳазрати Шайх Сайфуддин Боҳарзийнинг файз осор мозорига бориб онт ичдики, Бухоро аҳли мендан омонда бўладилар, деб. Улар бу фирибга учиб, унга юз ўғирдилар. Бир вакт эшитдимки Бухоро аҳли қалъанинг бир неча минораларини мустаҳкамлаб, бизларга душман бўлибдилар. Ҳар қанча уларга мойиллик килиб, панднасиҳат қилдик, фойдаси бўлмади. Шундан сўнг ноилож белларимизга садоқ осиб, кечаси қалъадан чиқиб, гиламларини ўшишга йўл олдик.

Мен бу воқеадан ранжиб жосус юбордим. Шу орада Муҳаммадшоҳ ва Али Пешоварий Марв саҳроси томонидан келиб, узангимни ўшишга мушарраф бўлдилар. Уларнинг барча талон-тарож бўлган мол-дунёсини қайтардим. Шу орада жосуслар хабар келтирдиларки, Амир Ҳусайн амирзода Ҳалил ва бошқа амирларни сон-саноқсиз лашкар билан Буҳорода колдириб, ўзи Сори Саройга қайтиб кетибди.

Шунда бундай кенгаш килдимки, менинг эҳсон қарзим

унинг бўйнида сабит бўлган, уни Амир Қазағон урушидан кутқариб Ҳиротга олиб келиб салтанат тахтига ўтказган Малик Ҳусайн билан биргалашиб, амирзода Жаҳонгирни Моҳонда қолдириб. Бухорога хужум қиласан. Лекин, мободо Амир Ҳусайн билан ўзаро келишиб менга қасд қилмасин, деб Малик Ҳусайнга ҳам ишонмасдим. Шу пайт эшитдимки, Малик Ҳусайн Сараҳс тарафига тушиб келмокда экан.

Дарҳол Амир Жокуни элчи қилиб юбордимки, бориб Малик Ҳусайн ахволини суриншириб, мен билан муносабатини аниқласин. Агар кўнглида гарази йўқ бўлса, ўзаро битим ва ихлос занжирини мустаҳкамлаб, тезлик билан орқага қайтсин. Шу билан Амир Жоку Малик Ҳусайндан муҳаббат ва иттифоқлик мазмунига йўғрилган бир мактуб келтириди. Шундан сўнг унинг соғдиллиги менга таъсир қилиб унга ёздинки: «*Бухоро амирлари ва Мовароуннаҳр лашкари мени талаб қилибдилар. Мен жондан азиз фарзандим Мухаммад Жаҳонгирни Моҳон саҳросида қўйиб, равона бўлдим. Энди уларнинг аҳволи ҳимоясига яхши аҳлоқ тақозоси юзасидан амал қўлгайтар. Вассалом.*»

Хуросон ва Моҳондан Мовароуннаҳрга жўнаш тузукини бундай қилдимки, жосуслар учинчи марта Мовароуннаҳр амирлари гоғил ўтирибдилар ва лекин ҳар мавзеда йирик гурух билан жойлашганлар, деб хабар келтиргач, лашкарни сонини кўрдим. Минг отлиқ эканлар.

Саодатли соатда Қуръондан фол очдим. Бу ояти карима чиқдик: «*Ва ман ятаваккалу алаллаҳ фаҳұва ҳасбуҳу*» [«*Ким Оллоҳга таваккал қилса бас. (Оллоҳнинг) ўзи унга етарлидир.*»] Шундан сўнг таваккал қилиб, Мухаммад Жаҳонгирни худога топшириб, кўч ҳимоясини унга топширидим ва Муборакшоҳ Санжарийни унга оталикка тайнилаб, ўзим илғор билан Жайхун суви бўйида жой олдим, токи кейинда колғанлар етиб келсин деб. Кечаси сувдан ўтиб, йўлни чалкаштириб, бир қаминзорни манзилгоҳ қилдим. Уша куни қамишзорда тўхтаб, кенгаш қилдимки. Бухорога илғор этайми ёки Самарқанд кальясига кирайми. Кенгаш шунга карор топдики, бу шаҳарнинг бирита кираман. Шу пайт эшитдимки Амир Мусонинг кўшини Қарши теварагида жой олган.

Мен иккиланиб Қуръондан фол очдимки, иввал Амир Мусо кўшинини яксон килайми ёки Ҳиндушоҳга зарба берай-

ми?

Зикр этилган фолдан хушхол бўлиб, кечаси Жўйбор богига келиб бекиниб турдим. Ярим кечада илгор этиб, уларнинг сардорларидан бири Қайсар ва бири Ирдушоҳни кўлга туширдим ва қўшинини яксон килдим. Шу кезда бир туда савдогарлар йўл устида эдилар, уларни тутиб олдимга олиб келдилар. Мен Шайх Али Баходирга амр этдимки, уларни хатарли жойдан ўтказиб қўйди. Амир Мусо зарба егани хабари ўзга сардорларга етиб боргач, Ҳиндушоҳ ва Амир Сулаймон Пешоварий Амир Ҳусайн амирларидан эди, менинг олдимдан кочиб борган ўша гурух билан қўшилиб Қари Мундок мавзеида бекиндилар. Бу хабарни эшигач, шундай кенгаш қилдимки, улар устига илғор килиб, то улар хабар топгунча уларни яксон киламан.

Шу билан ўз лашкаримни етти гурухга бўлдим. Биринчи гурухга Шайх Али Баходирни сардор этиб тайинладим. Яна бир гурухга Оқ Буғо ва Сори Буғони тайинладим. Амир Жокуни чац кўл қўшинига ҳировул килдим ва икки бошқа гурухга Амир Довуд Барлос ва Амир Ҳусайнни сардор тайинладим. Мен ўзим Амир Сайфуддин, Амир Аббос, Сариг Буғо Баходир. Ҳиндушоҳ, Элчи Баходир, Али Пешоварий ва Махмудшоҳни ўзим билан бирга олиб еттинчи гурух бўлдим.

Шу пайт эшигдимки, душман ҳам лашкар тузиб келмоқда. Мен ҳам отланиб, гурухларнинг сардорлариiga, душман лашкари бизларнинг ҳар гуруҳдан бир зарба еса, етти зарбада мағлуб бўлгусидир, дедим.

Мен коровул ўйсинида бориб, уруш жойини дикқат билан кузатгаётганимда душман қўшини кўринди. Қарасам душман қўшинлари таркалиб келурлар. Шу пайт Али Пешоварий уларга ҳамла килгач, жуфтакни ростладилар. Ундан сўнг Амир Жокуга ҳамла қилишни буюрдим. Чап кўл ҳировулни ҳам хужумга ташладим. Шу орада душманни чекинтирган Амир Жоку қаҳри-газаби шиддатидан отдан йикилди ва яна чапдастлик билан ўзини от устига олди. Мен унга мўмиё едириб турган пайтимда душманнинг ўнг кўли босиб келди ва мен чап кўлдаги гурухларни ишга солиб ўзим ҳамла килдим. Шу зайлда чоштгоҳдан пешингача жангу жадал ўти аланга олиб, оламни ёритган офтоб бошларимиз устига келган эдики, душман қўшини тўзиб, қочишга юз тутдилар.

Шу онда мен пиёда булиб, уруш жойида намоз ўкиб, Тангр-ри таоло шукрини бажо келтирдим. Баходирлар уларни таъ-киб килиб, Амир Ҳусайн амирларидан Ўлжайту Султонни тутиб мажлисга келтирдилар. У мени кўргач «*Ё Амир! Амир Ҳусайнинг тузини ҳалоллаб, унинг душмани билан жсангу жадал қилдим! Хоҳла ўлдир, хоҳла озод этгил!*» - деди. Мен амирларга дедимки, бу киши ўта ҳақиқатгўй ва вафодор кишидир. Уни қайта-қайта ўз мулоғимлигимга ташвик ва тарғиб қилдим. У дедики: «*Ҳар вақт сени тузингни есан, ундан сунг эвазига жонимни нисор этаман*». Амирлардан баъзила-ри, бу киши эътиборга лойиқ эмас, дедилар. Мен уларга: «*Унинг мардоналигига шак ўйқ, чунки, боши кетса ҳам сўзи-дан қайтмайди. Уни тирик қолдирилса анча фойда бордир, уни ўлдирмоқлик дунё ва оқибатда заардир*», - дедим. Унга амирлик мартабасини бериб, тарбиялар қилдим. У ҳам жило-вимда тиг уриб, жонбозлик кўрсатди. Шоҳ Мансур менга келиб, ўғил тутингандан амирларга айтдим: «*Хоҳ дўст, хоҳ душман дир, унинг қадрини билмоқ керак. Агар дўст бўлса мартабасини орттириши керак! Агар душман бўлса мадоро билан уни дўст этмоқ керак. Мард ва аслзодадан ёмонлиқ чиқмайдир. Аввал душман бўлса ҳам кейин дўстлик кўрсатади*». Шунда мажлисда хозир бўлганлар ҳамма тиз чўкиб, давлатим дуосига сўз очдилар. Амир Ҳусайн лашкари кочиб кетгач, бундай кенгаш қилдимки, Самарқандга йўл олиб, Кеш ўлкасига бориб, Тағойшоҳни у ерда ҳоким қилдим.

Сўнг кўшин билан Самарқанд атрофида жойлашиб, у ерда Амир Ҳусайн томонидан тайинланган Чакар Баходирга ёр-лик ёздимки: «*Агар менга мутеъ бўлсанг қалъадан чиқсан, ўйқса ҳалок бўласан!*» Ёрлик жавобида ёздики: «*Агар Амир Темурга чиқсанам, Амир Ҳусайнинг тузи ва эҳсони мени ёқ-қамдан тутади! Аҳли олам ҳамма мени ҳаромхўр, бемуруват ва бедиёнат дерлар. Бир мусулмон менга амонат топширибдир. Мен бу амонатга хиёнат қилиб, қалъани Амирга топширсам, мусулмонлик ўйлида бу қачон раво бўлган? Амир ва унинг амирлари менга нечук эътиимод этарлар? Амир олдидиа менги не қидру эътибор бўлади? Амонатга хиёнат қилгандан кўра, мардоналик билан ўлганим ундан яхшироқдир!*»

Унга таҳсин ва оғарин, дедим. Бир пайт кўшинини сафга тизиб, қалъадан чиқди. Жиловимдаги баҳодирлар хали ҳам-

ла қилиб от күишига улгурмаган ҳам эдиларки, Чакар Баходир кочишига тушди. Ва Оқ Темур Баходир изидан тушиб, садогини олди.

Чакар Баходир бир амаллаб дарвозага етиб олди ва омон топди. Оқ Темур Баходир унинг садогини келтиргач, унинг мардоналиги эвазига уни амирлик ва волийлик даражасига кутардим ва жиловни Рай томонига бурдим. Бағоят хуш обу хаволик Соғарж мавзеида нафас ростладим.

Шу орада эшитдимки, Амир Ҳусайн Ўлжойту ва Фулод Буғони ўз кўшини билан Самарканд кўмагига юборди. Кеш хокими Тағойшоҳдан ҳам ариза келдики, Амир Ҳусайн кўшини Кеш атрофига кириб келдилар. Ўзи ҳам кетидан етиб келмоқда.

Шундан сўнг уч ишга кенгашни карор бердим: биринчи кундуз бир жойда кечаси бир жойда бўлиб, душманга хужум этаман, иккинчиси Амир Ҳусайн кўшини сари илгор этиб, чопқин ясайман, учинчи Ҳўжанд тарафга йўл оламан. Шу билан отланиб Бом сувидан ўтиб тушдим. Шунда менинг мулоғимлигидан юз ўғириб, Амир Ҳусайн сўзи билан унга кў-шилган Кайхусрав ва Баҳром Жалойир билдиларки Амир Ҳусайн улардан ўч олиш қасдида ва уларни катл этишга харакат килмоқда. Кечама-кеча кочиб Жета хонига паноҳ келтириб, менга аризалар жўнатдилар, бу мазмунда: «*Амир Ҳусайн бизларнинг укаларимизни ўлдириб мол-дунёмизни талади. Бизлар укаларимизнинг қонини талаб қилиб, Жета хонидан етти минг отлик кўмак олиб Тош мавзеига бориб тушдик. Амир ҳар ерга буюрсалар ўша тирафга йўл оламиз*».

Мен кенгаш билан Тошканд сари йўл олдим. Улар ҳам эшитиб, Кайхусрав шодлик ва сурур билан истикболимга чикиб, мени ўз манзилига элтиб тўй берди. Тўғлук Темурхон ўз кизини Кайхусравга турмушга берган эди, у кизини менинг севимли фарзандим Мухаммад Жаҳонгирга унаштириди. Мен ҳам кабул килиб бир ой муддатда Тошкентда айш-у ишрат бисотини ёздим. Тузимни ичган Баҳром Жалойирни волийлик ва ҳукумат мартабасига кўтарған эдим. Ўзига мағрур бўлиб мендан юз ўғирган эди. Яна Тангри таоло уни менга мухтоҷ этиб, тавба ва гуноҳларидан ўтишни тилади. Мен унинг аввалиги хизматларини назарга олиб, олдинги

мартабасини ўзига қайтардим.

Шу кезда эшиздимки, Амир Ҳусайн катта лашкар билан Кеш ўлкасидан ўтиб, етиб келмоқда. Шу пайтда Амир Кайхусрав билан бирга улар тарафга илгор этгани бел боғлаб фотиха ўқидим ва Баҳром Жалойирни лашкарнинг орка тарафига тайинладим. Шу пайт эшиздимки, Амир Мусо, Шайх Муҳаммад Сулдуз, Үлжойту ва ўзга амирлар ўн икки минг отлик эдилар, уруш оҳангини тузиб, Самарқанддан ўтиб Булғур суби бўйига етишдилар. Уларнинг хировули Малик Баҳодир уч минг отлик жангчи билан келиб Сўзангарон мавзеида жой олдилар ва Жаҳоншохни тўрт минг отлик билан Малик работига юбордилар.

Шу аснода икки кенгаш хотиримга келди: бири буки йўлни чалкаштириб Амир Ҳусайн устига илгор этаман, иккинчи шуки хировул кўшинини илгари юбораман. Нихоят Амир Кайхусрав билан биргалашиб уч минг отлик билан Малик Работида Жаҳоншоҳ кўшинига чопқин ясад, унинг кўшинини тўзитдим ва лашкар аҳли уларнинг молини таладилар. Шу пайт Амир Кайхусрав етиб келди. Ўша куни шу мавзеда тунадик ва отларга дам бердик. Кун кеч бўлгач, Амир Кайхусрав билан бирга Малик Баҳодир тушган Сўзангарон тарафга худога тавакkal килиб равона бўлдим.

Лашкарни уч гуруҳ килиб тузиб, уларнинг байроқарини мўғуллар байроғига ўхшаш баланд кўтардим ва буюрдимки «мўғул лашкари келди» деб фарёд солинглар. Менинг уч гуруҳ кўшиним Сўзангарон ён-атрофига етиб боргач, бу мавзенинг раияти Малик Баҳодирга хабар етказишидик, мўғул лашкари етиб келди.

Шу аснода Малик Баҳодирнинг назари мўғул аломати ва нишонасига тушиб, тоб келтира олмай кочиб, зўр машақкат билан ўзини Амир Ҳусайнга етказди. Менинг ўша уч гуруҳим уларни тъқиб килиб, зафар қозониб қайтдилар. Сўнг Малик Работдаги Амир Кайхусравга хабар юбордимки, душман лашкарини янчиб, Амир Ҳусайнга олиб бориб қўшдим. Агар Жета лашкари билан келсалар Амир Ҳусайнни қўлга оламиз. Амир Кайхусрав ёздики: «Амир хаёл этмасинларки, Жета лашкари жанг киладилар. уларнинг қўлларига бир нарса тушса олиб ўз мамлакатларига равона бўладилар». Мен бу сўзни маъқул кўриб, Малик Работи томонга йўлни бурдим.

Амир Кайхусрав муборакбодлик учун истиқболимга чиқди.

Шу чоғда эшитдимки, Жета лашкаридан баъзи мол-мулкни талон-тарож килиб борурлар. Мен киши юбориб уларни йўлдан қайтардим. Ўз ҳировули мағлуб бўлгандан кейин не иш килди, деб Амир Ҳусайн хабарига мунтазир эдим. Шу пайт жосуслар бундай етказдиларки, Амир Ҳусайн амирларини койиб, танбих бераб, унинг ғазаб ўти аланга олиб, кин тигини белига боғладики, ўз баҳодирлари билан келиб менга хужум килмокчи. Мен ҳам Амир Кайхусрав билан қўшинимга тартиб бераб, унинг истиқболига йўл олдим.

Борсин мавзеига етиб борганимда, эшитдимки Амир Ҳусайн яланг отлик бўлиб келмокда ва мен ҳам карнай чалдириб отлангач, кор ёға бошлади. Шу билан уларнинг қордан бўлак кийими ва ейиш-ичиши йўқ эди. Безовта бўлиб кўрқдиларки, корнинг остида қолиб ҳалок бўлгайлар. Ҳаиф-кўрқувдан оркага қайтдилар ва мен Амир Кайхисрав билан Борсин мавзедаги уйларни паноҳ тутдим. Кейинги куни отланиб Тошкандга жўнадим. Шу пайт эшитдимки. Баҳром Жалойир Жета лашкари билан Тошкандан кайтди ва менинг Тошканда кўйган одамларим истиқболимга чиқдилар.

Шундан сўнг Амир Кайхусрав Ўтрор тарафга йўл олди. Мен Тошканда кишилдим. Ўша йили шундай қаҳратон қиши бўлдики, сахродаги күшлар шаҳарга юзландилар, қор ва совук шиддатидан кийиклар уйларга кирдилар. Ўша йили Тошканда кишилаб ҳузур қилдим. Тошканд маҳалласининг оқсоколи Яқурбек ҳар кун менга кирқ товук тухуми билан бир коса катиқ келтирас эди. Мен унинг бу хизматини бўйнимда карз билар эдим. Ўша орада севимли фарзандим Мұхаммад Жаҳонирга фатхнома юбориб, унга меҳрибонлик кўрсатдим. Шу орада Амир Ҳусайн зулм-ситамини ҳаддан ошиб кетганидан бундай кенгаш топдимки, киши юбориб Жета хонидан кўмак талаб киласман. Аркони давлат ва аъёни ҳазрат ушбу кенгашни маъқул кўрдилар.

Жета хонига кўп совға-салом юбориб кўмак талаб қилгач, эшитдимки, Амир Ҳусайн Самарқандни мустаҳкамлаб, Фулад Бугони унинг ҳукуматига тайинлади. Мен Тошканда Жета лашкари хабарига мунтазир бўлиб турган эдим, Оқ Буғо Баҳодир етиб келди. Жета хони ўн минг отликини Амир Шамсуддин, Сориг Буғо ва Ҳожибекка қўшиб муқаррар кил-

ди, якинда етиб келади, деди.

Бу хабарни эшишиб Амир Ҳусайн безовта бўлиб, ўз лашкарбошиси Амир Мусонинг қўлига бир Қуръон бериб, Тошканд ва Андижон уламо ва машойихига юбориб илтимос этдики: «*Амир Темур олдига бориб «ас-сулҳу ҳайрун» («тиччилик ҳайри иши») қалимаси мазмунини орага соласизлар. Мен Амир Мусо ва Мав-лоно Олимни юбордимки, Амир Темур ҳар иши кўнглига тўғри келса, мен рози. Мен улар ҳузурида оит ичган Қуръон гувоҳлигида улар ҳам оит ичсанлар*».

Шу учун Амир Ҳусайн билан ярашув мажлисини бундай туздимки, аввал баҳорда Ҳўжанд, Андижон ва Тошканднинг уламо ва машойихи тинчлик йўлини танлаб, ўртага сўз солиб Қуръонни чиқариб қўйдилар. Мен «*Бу Қуръон менга иккинчи бор келишидир*», дедим. «*У ҳам ушбу Қуръондан оит ичган эди, аҳдини бузди, энди унинг аҳди паймонига ишончим иўқдир*», - дедим.

Шу билан кўп музокарадан сўнг Мулло Олим дедики, Қуръондан фол очилсин, не турлик мазмун чикса ўша ҳукм чиқарилсин. Қуръон очилгач, бу ояти карима назарга тушибдики: «*Ва шта тоифатани мина муминин. Ақтalu фааслиху байнуҳума*» («*Агар мўминлардан бўлган икки тоифа урушиб қолсалар, дарҳол уларнинг ўртасини ўнглаб қўйинглар*»). Ундан сўнг уламо ва машойих дедиларки: «*Тангри таолонинг ҳукми билан ярашмоқ керакдир*». Шу билан ярашувга рози бўлдим ва «*аввал бир-икки ишончли кишиларни Амир Ҳусайннинг олдига юбориб, аҳду паймонни мустаҳкамлаб, ундан сўнг ҳар жойда учраисам учраишарман*», - дедим. Амир Мусо, уламо ва машойих дедиларки, бизлар ҳам Амирнинг зафарёр жиловида Самарқандгача бирга бориб, ярашув биносини баркарор ва давомли этамиз.

Мен уларнинг сўзларини манзур тутиб, отланиб Самарқанд теварагига кириб борганимда, Амир Ҳусайн мени сина-мокка халойик орасида шундай хабар таркатдики, Амир Ҳусайн мараз касалидан олам билан видолашди. Бу сўз унинг макрларидан бири эдики, агар мен Самарқандга тап тортмай асаса ва дабдаба билан кирсам мени айблайди. Мен бу сўзларга мутлако парво килмай, от устида кенгаш қилиб, Ҳисори Шодмонига жўнашга карор килдим. Шундан сўнг уламо билан Шодмон саҳросига юзланиб, Панжшанба Баходирга

мактуб бериб Сори Саройга Амир Ҳусайннинг олдига юбордим, то унинг ўлиқтириклигидан хабар келтиргунча. Амир Мусо бориб, Самарқандга кирди. Мен йўлга тушиб, Ҳисори Шодмонга кириб, кутиб турган эдим, тўсатдан Амир Ҳусайн кўшинидан бир гурухи келиб, дабдурустдан жангу жадалга тушиб кетдилар. Мен ҳам ўз кўшиним билан бир баланд устига чикиб, Амир Сайфуддин ва Хитой Баҳодирни икки гурухга бўлиб, уларнинг истиқболига жўнатдим. Улар ўнг кўл ва чап кўлдан кириб ҳамла қилдилар. Мен ҳам ёргу чалдириб, майдонга киргач, Амир Ҳусайн кўшини қочишга юз тутиб, кўпчилиги кўлга тушдилар. Мен кўлга тушганларни озод қилиб, уламолар билан биргаликда кенгаш килдимки. Кўшк сувидан ўтиб кутиб тураман, токи Амир Ҳусайннинг ўлик-тириги хабари етиб келгунча. Шу аснода Панжшанба Баҳодир Амир Ҳусайннинг тириклиги хабарини келтириб дедики, Амир Ҳусайн мухолифликни тарқ этиб, янгидан аҳду паймон этишга интизордир. Мен Амир Ҳусайн мажлисига борган чоғда, Амир Мусо хабар олиб келдики, Амир Темур билан бирга Самарқандга етиб боргач, даҳшатли хабар эшишиб Самарқандга кирдимки, аҳвол-кайфиятдан воқиғ бўламан.

Амирнинг Ҳисори Шодмон томон йўл олганини Амир Ҳусайн эшигтгач, таҳликага тушиб Туроншоҳни мулозимлигимга тайин этди, ўзи ҳам орқадан етиб келмоқда эди.

Туроншоҳ келиб менинг мажлисимга киргач, ўтган воқеаларни гапириб берди, унинг сўзларига бошдан-оёқ қулоқ соглач, менинг аҳдим маҳкамлигидан хотиржам бўлди.

Сўнг унга рухсат бериб, кимматбаҳо тўн кийдирдим. Шу аснода у илтимос этдики: «Амир томонидан бир ишончли киши менга кўшилиб бориб. Амир Ҳусайн билан янгидан аҳду паймон этаман». Менинг ишончли кишиларимдан Аббос Баҳодирни унга кўшиб дедимки: *«Агар Амир Ҳусайн ўз аҳдида қатъий бўлса, Шаҳ Али (ул аизининг сиррини муқаддас килсан) файзли мозори бошида ҳозир бўлсин. Мен ҳам ўша ерга бориб. аҳдимизни янгилаймиз»*.

Аббос Баҳодир менинг хатимни Амир Ҳусайнга етказгач, у ҳам ишончли кишиларидан Амир Мусо ва Ўлжайтуни менинг истиқболимига юборди. Улар менинг мажлисимга киргач, менинг амиirlарим арз этдики, бу икки киши Амир Ҳу-

сайн салтанатининг устунларидир. Бу икки кишини қўл-оёғини боғлаб, Амир Ҳусайн устига ҳужум этганим авлодир. Мен уларга «Аҳдни бузмоқ менинг шаъниига лойиқ ва мунносиб эмасдир, Ҳудога душман бўлиб қоламан», - дедим. Шундан сўнг улар хомуш бўлдилар.

Амир Мусо ва Ўлжайту Амир Ҳусайн тарафидан узр сўрашга тил очдилар. Кейин бориб Амир Ҳусайнни юз отлик билан Шайх Алининг нурга тўла мозори олдида ҳозир килдилар. Мен ҳам эллик отлик билан отланиб бораётганимда Гулшан мавзеида Амир Ҳусайн билан учрашиб қолиб, биргаликда мозори шарифга бордик. Ўша жойда Амир Ҳусайн менга бокиб, ўтган воқеалардан гап очди. Сунг: «Энди идтифоқ тузайликки, бегонанинг бизга қули етмасин», деди. Бу менга нисбатан киноя эди. Мен унга: «Агар бегона дўст бўлса ўзники бўлур, ўзники душман бўлса бегона бўлур», - дедим. Шу билан қўлимни Қуръонга кўйдим, токи Амир Ҳусайн аҳдини бузмагунча, агар бузса уни ўлдирмоғим лозим бўлади. У ҳам молу жон химояси учун кўлидан келган ишни кайтармайди ва менга зарар етказмайди. Шу билан биргалашиб отланиб, от устида видолашиб, Амир Ҳусайн Сори Сарой томонга жўнади ва мен Кеш тарафга отнинг жиловини бурдим. Кеш Ўлкасига етганда амирзода Жаҳонгирга жаҳонни очиш ёрлигини юбордимки, лашкарни Марвдан олиб Шахрисабзга йўл олсин, деб. Шу орада Амир Ҳусайн номаси келдики, «Бадахшон шоҳлари мухолифлик байробини кўтардилар. Мен уларни бартараф килишга шошилишим лозим». Шу аснода Ҳирот волийси Малик Ҳусайн Амир Ҳусайн устига сон-саноқсиз лашкар сурди, токи Балх элатини талаш учун.

Бу хабардан сўнг мен тўхтовсиз оёғимни узангига қўйиб, Термиз кечувидан ўтиб илгор билан ўзимни етказдим. Хуросон лашкари талаб кетаётган мол-дунёни қўлларидан олиб, Амир Ҳусайнга аҳвол кайфиятни ёзиб, Бадахшон тарафга йўл солдим. Бу хабарни эшитиб, Бадахшон шоҳлари Амир Ҳусайн билан ярашиб, узр эта бошладилар. Амир Ҳусайн кайтиб Кундузга келиб тушиди. Мен унинг истикболига чиқиб, от устида учрашиб, биргалашиб келиб тушиб шоҳ чодирга киргач, у билан жудоликда кўнглимизда йигилган гина-кудурат бутунлай кўтарилиди.

Шу пайт Кобулистон тарафидан Амир Ҳусайнга мактуб

келдики, Оқ Буғо ва Фулод Буғо Кобул қалъасини бекитиб мухолифлик байроғини осмон баравар күттардилар. Амир Ҳусайн ожизлик ва нотавонликдан илтижо қилдики, биргалишиб бориб Кобулистанни згаллаб, ака-укаларча бўлишамиз. Шундан сўнг у билан Кобулистанни эгаллаш тузукини бундай қилдимки, ўзим лашкарга ҳировул бўлиб, отланиб Кобулистан вилоятига кириб боргач, Оқ Буғо гурур ва тақаббурлик билан лашкар тузиб кутиб олди. Шу пайт Ҳитой Баҳодирни унга рўпара қилиб, Шайх Баҳодирни унинг таъкибиғига тайинладим. Ўзим ҳам улар кетидан майдонга киргач. Чакирбек Баҳодир бир қилич зарби билан Оқ Бугонинг миясини катигини чиқариб, асирик қайдига киритди. Фулод Буғо кўп машакқат билан ўзини қалъа ичига олди. Мен баҳодирлар билан аста-секин дарвоза тарафга юриб, амр этдимики. ўқ зарби билан дарвозани парча-парча қилдилар. Мен қалъага кириб кўшинга омон бердим.

Икки кундан сўнг Амир Ҳусайн этиб келиб, мени кучоклаб муборакбод қилди. «Бу икки тубаннинг қилган қилмишидан кўзим тўла ёш, жигарим кабоб эди. Агар ушбу фатҳ муюссар бўлмаса эди. Кобул шаҳри яқинида қандай тушар эдик», - деди.

Шунда Оқ Буғо, Фулод Бугони олиб келишга хукм этдим. Уларни бўйнига ип боғлаб олиб келишар эди. Менинг назарим уларга тушгач, тажриба орттиридимки, навкарни у кадар баланд мартабага кўтариш керак эмаски, миясида гусур пайдо бўлади, балки кўркув ва умид ўртасида тарбия қилиб, goҳо лутғ, goҳо каҳр кўрсатмок керак. Аммо кўнгулага, «асиззодадан ҳеч қачон хато содир бўлмас», хәёли келарди. Агар Оқ Буғо аслзода бўлса эди, хато қилмас эди. Шундан сўнг Оқ Буғога боқиб хитоб қилдимки: «Юзинг қаро бўлсин. Агар сен ҳалолзода бўлсанг эди, ўзингнинг валинеъматинг Амир Ҳусайнга қарши чиқмас эдинг. Сени шунчалик улуғ мартаба ва юксак даражаларга кўтарган эди. Бу орада Амир Ҳусайн ўз гумашталарини Кобулистан забтига тайин этиб, менинг жангимни ва талошим ҳақини унугиб, менга «Марҳабо» деди. Шундан сўнг мен унинг Кобулни улашмокка берган хотини чиқариб кўрсатишга ор-номус кучлилик қилди. Шу билан уни Жаббор Худога солдим.

Амир Ҳусайн мендан кенгаш тиладики. Балхда ҳокимлик

кароргохи қылгай. Мен Балхга боришини ман этдим. У менинг айтганимга карамай, Балхга йўл олди. Ҳиндулар кўргонини талон-тарож қилиб, Балх аҳолисини тўплаб қалъага киргазди. Мен ўз салтанатим кароргоҳига йўл олиб, Кеш воҳасида жойлашдим. Амир Ҳусайн Кобул вилоятини тартибга солишга кириши.

*Ўттиз уч ёшига (769/1367-1368) қадам қўйганимда* кўнглимда вилоятлардан бирига чоповул қилиш ўйи түғёнга келди. Шу пайт жосусларим Жета лашкари бостириб келмоқда, деб хабар етказдилар. Шундан сўнг лашкар тушиб турган эдим, Амир Ҳусайннинг «мадад вақти ва қўмак бериш замонидир, чунки Жета лашкари бу тарафга йўл олдилар» деган мактуби келди. Шунда Амир Ҳусайннинг Кобулни таксим этмак бобидаги берган хатини мактуб келтирувчига кўрсатиб: «*Кобулни фатҳ этдим ва Амир Ҳусайн ваъдасига вафо қилмади*», дедим. Менинг хабаримни Амир Ҳусайнга етказишишгач, Амир Мусони юбордикси, Кобулистон Амир Темурга тааллукли бўлсин, деб. Мен унинг ваъдасига ишонмай: «*Иншиоolloҳи таоло Амир Ҳусайн миннатини чекмай, у мамлакатни Жета лашкаридан оламан*», - дедим. Шундан сўнг ўзим билан кенгаш кильдимки, Жета лашкарининг у вилоятга киришига монелик кўрсатмайман. Шунда Амир Ҳусайн Амир Мусога ёрлик ёздики, Жайхундан ўтиб Жета лашкарига ҳужум кильсин, деб. У сувдан ўтиши билан Жета лашкари Амир Мусога ҳужум кильди, Амир Мусо катта талафот бериб орқага кайтди.

Бу кулфатли хабар Амир Ҳусайнга етгач, ўзи Балхдан чи-киб, кўча-кўч билан Кеш воҳасига келиб тушди. Жета лашкари мағрур бўлиб, унга зўравонлик кўрсатдилар. Амир Ҳусайн саросимага тушиб, менинг кароргоҳимга келиб: «*Энди Жета лашкири мени мағлуб қилиб, ер билан яксон этади. Сен не иш қилурсин?*», - деди. Мен унга: «*Ҳар нимани худо хоҳласа, ўшандай қиласман*», - дедим. Шунда Амир Ҳусайн тинимсиз: «*Сен кўнгалингни тўқ қилиб, унинг истиқболига чиқсанг, мен сенинг орқангда турсам. Танги таоло сенга фатҳ насиб қиласди, зафар ва нусрат ишинасини сенинг манглайинг томирида ошкоро кўриб турибман*», - деди. Шу онда амирларим қайнаб-тошиб: «*Бизлар тиг уриб яридор бўлурмиз, хирқа ва тұқма ўзгалар кийиб ерлар*», - де-

ди. Шундан сүнг Амир Ҳусайн ўша мажлисда хат бердики: «*Аввалидек Самарқанд Амир Темурга мутаалиқ бўлсин!*» Мен унга: «*Самарқандни сендан олмасман! Иниоолоҳ уни қилич зарби билан олурман*», - дедим.

Шу билан фотиҳа ўкиб, Кеш водийсидан отланиб, Жайхун бўйига йўл солдим. Амир Ҳусайн ташқаридан яхши муомала қилса ҳам лекин кўнглида мен ҳам Амир Мусо каби шикаст топишими тилар эди.

Мен инояти илоҳий ва рисолатпаноҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам рухонияти ёрдамига таяниб, Жета лашкари урушига жазм қилдим. Жайхундан ўтган чоғда хаёлимга келдики, Жета лашкари ичидаги Қамаруддин Үглон билан Ҳожибек орасида аввалдан низо бор эди. Агар муҳолифат пайдо бўлса, Жета лашкарининг иши тезда бир ёкли бўларди. Бу аснода Ҳожибек Қамаруддин устига отланди. Ораларида уруш-киргин бўлиб, шу билан лашкардагиларни баъзилари Қамаруддин тараф, баъзилари Ҳожибек тараф бўлиб, ўзлари билан овора бўлиб қолдилар. Шундан сүнг фурсатни душманат билиб мен уларга чоповул ясагач, ўз юртлари томонга кайтилар. Мен Борий таоло инояти билан музaffer бўлиб кайтдим.

Бу хабар Амир Ҳусайннинг қулогига стиб, менинг истиқболимга чикиб, бир-биримизни кучоклаб айш-ишрат бисотини тўшаган ҳам эдикки, Бадахшон шоҳлари исён водийсига кадам қўйиб, Қундузни талон-тарож қилдилар, деб эшиитдик. Бу хабардан Амир Ҳусайн дили сиёҳ бўлиб, ожизлик ва ёлвориш юзини менга келтириб, ўзининг ярашмаган қиликларидан тавба қилди ва гуноҳини кечиришимни сўради. Унинг ёмон одатларидан бири бу эдикки, бошига иш тушган чоғда муҳтожлик юзини оёғимга қўйиб, иши битгач мардлик лоғин урар эди. Иккинчидан ҳасадгўй ва навкарларини тарбия килмай, уларни эзиш пайидан эди. Учинчидан бадфеъл, та-магир ва бадгумон эди. Тўртингидан ўз феъли торлиги ва хомтамалигидан ўз навкарларини ўзига итоатсизлик қиласар эди. Ҳар мулк ва чегарада ҳоким қўйса тилар эдикки, унинг тоғганини қўлидан олса. Бешинчидан ҳеч кимни бир йил тўлиқ вилоятда қўймас эди. Бўлмаса Бадахшон шоҳлари унинг итоати йўлидан ташқари кадам қўймай, унга тортиклар берар эдилар. Ўша иили бир нодон вазирга буюрдики, улардан

хисоб олгин деб. Бу вазир эса улар чидай олмайдиган маблаг талаб қилди. Уларнинг харажатлари учун тайинланган Кундуз тушумларини яна қайтиб олди. Шундан сўнг улар ҳам қарши туриб. Амир Ҳусайн вилоятларини талай бошладилар.

Амир Ҳусайн уларни қайтариш учун қўшинлар юборди. Улар зарба бердилар. Мен билан Амир Ҳусайннинг ундан норози сардорлари, унинг сўзига ҳам ишончлари йўқ эди, Бадахшон шоҳлари билан Амир Ҳусайнни салтанатдан четлаштиришга тил бириктирдилар. Бу аснода менга хат ёзиб, Амир Ҳусайндан шикоят қилдилар.

Бу хабар Амир Ҳусайнга етиб боргач, кечама-кеча юриб, менинг олдимга келиб, мени ва салтанатимни ҳимоя қилгил, деб ялиниб-ёлворди. Мен ўша хатларни унга кўрсатдим. Шундан сўнг унга тасалли бердимки, хоҳ тинчлик, хоҳ уруш билан Бадахшон шоҳларини сенинг олдинга келтирурман. Сенинг лашкаринг уларга қўшилиб кетгани учун, энди кенгаш шуки, мен олдинроқ зафарёр аскаримни сафлаб, Бадахшон шоҳларининг устига юриш киласман. Сен ўз қўшининг билан бир манзил бирга бориб, менинг юришимни ўз кўзинг билан кўриб қоласан, дедим.

Шу билан фотиха ўқиб, илғор этиб, Жайхун сувидан ўтиб. Бадахшонга карашли бир сахрони ўз шавкатли подшохлигимга қароргоҳ қилдим. Шу пайт Амир Ҳусайн мактуби келди. Толеи баланд фарзанди Жаҳон Маликни у тарафга юбордим. Шу орада Бадахшон шоҳларининг қўшинлари Каркас кишлогини тўсдилар. Шундан сўнг оркамдан келаётган Жаҳон Маликка илгарирок бориб Каркас кишлогини Бадахшон шоҳларидан тозала дедим. Шу билан Жаҳон Малик қуюн тезлигига ўша мавзега кириб бориб, ўлжа ва ғоратга машғул бўлди.

Каркасадан Бадахшон шоҳларининг қўшинлари пиёда бўлиб, Жаҳон Маликни йўлинни тўсиб жангу жадалга киришгач, Жаҳон Малик уларга бас келомай кочишга юз тутиб, бор асбоб-анжомини бой берди. Жаҳон Малик ёнидаги Амир Ҳусайннинг тўрт юз отлиғини кўлга тушириб, асирилик тутқунига солдилар.

Жаҳон Малик мағлуб бўлиб, менга суюнди. Мен отланиб ўша мавзега етиб боргач, Каркас Дарбандини бадахшоний-

лар палакатидан тозалаб, улардан Алишохни қўлга туширдим. Шу аснода бадахшонийлар ўзларини ер билан яксон бўлганини кўриб, «алфарор» деб кочиб, Дарбандни ўзлари га истеъжом қилиб, урушга қўл урдилар. Мен отланиб Алишох Бадахшонийни бир отга тонгиб, бир гурух билан орқага қайтардим. Ўзим ёргу ва карнай чалдириб равона бўлдим. Шу аснода Амир Темур таъқиб қилиб етиб келмокда, деб эшитдилар. Шу билан менинг қурол-ярогимга кўзлари тушиб, урушдан қўл тортиб, элчи юбориб омон тиладилар.

Кейинги куни яна Бадахшоннинг улуғ оқсоколлари келиб, тавба-тазарру қилиб, бориб Бадахшонга тушишимни сўрадилар. Мен уларнинг илтимосини маъқул кўриб, орқага қайтиб Бадахшон пойтактида жойлашдим. Бадахшон шоҳлари совға-саломлар ва Жаҳон Маликдан ўлжа йўсинида олган нарсаларини олиб келдилар.

Мен шундан сўнг Бадахшон шоҳларини Амир Ҳусайн билан яраштириб кўйишни истадим. Ва Амир Ҳусайн менинг бу ерда тўхтаганимдан, мабодо Бадахшон шоҳлари билан келишиб олмадими, деб хадиксиради. Менга элчи юбордики, Шайх Мухаммад Баён Сулдуз ва Кайхусрав элу улуси билан мухолифлик байрогини кўтардилар.

Бу хабарни эшитиб Амир Ҳусайннинг салтанати Сори Саройга қайтдим. Ундан ўз манзилимга етиб келгач, улардан мактуб келди: «Биз Амир Ҳусайннинг макр-хийласидан қаттиқ дилхира бўлдик. Амир Темур ўта содда одамdir. Якинда Амирни ҳам хийла-найранг билан ўзига мафтун қилади. Амирни унинг қилмишларидан огоҳ килурмиз. Ҳар не кўнглимиизда эди, тилга келтирдик», - деб ёзибдилар. Шу пайт эшитдимки, Амир Ҳусайнга ҳам улар мактуб юборибдилар. Мен ўз мактубим мазмунини унга билдиридим ва садоқат юзасидан у ҳам ўзидағи мактуб мазмунини менга билдиришни тиладим. Амир Ҳусайн бу сўзни мендан яширди. Мен фаросат билан англадимки, мен билан Амир Ҳусайн ўртамизга раҳна солиш мақсадида, менга ёзилган сўзни унга ҳам ёзган эканлар. Амир Ҳусайн менга нисбатан гина-кудуратини кўнглида яшириб, узрлар айтди.

Шу аснода эшитдимки, ўз маҳрамлари билан кенгаш килиб, «*токи Амир Темур тириқлик масканида ором оларкан, салтанат ва мамлакат иши бизларга мушиқулдир*», дедилар.

Шундан сўнг мени қўлга тушуришга касд килдилар. Мен бу сўзни ёлғон деб қўладим, чунки, менга касд килмайман, деб Куръондан онт ичган эди. Агар мусулмонликдан қайтса, уни Куръон уради.

Шу орада Амир Ҳусайн Чингиз тўраларидан билиб, хон кўтариб, халқни унинг амр-фармонига киритган Одил Сultonдан қоғоз келди: Амир Ҳусайн хиёнатга қўл урди. Бу қоғоз мазмунидан хабардор бўлгач, ишонч хосил килдимки Амир Ҳусайн худони унитибида.

Шундан сўнг ўзимни эҳтиётимни қилиб, биргалашиб Жайхун суви бўйига бориб тушдик. Амир Мусога Жайхундан ўтиб, ҳийла билан муҳолифлар устига лашкар тортишни таклиф этгач, у «мен бу ишни қўлмайман» деди. Иложсиз Амир Ҳусайн менинг манзилимга келди. Мен билдимки, Амир Ҳусайн усиз бирон ишни битира олмайди ва ёнида Шайх Мухаммад Сулдуз ва Амир Кайхусрав ҳам йўқ эдики, бир иш битирсалар. Шундан сўнг уларни бир тараф қилишга бор жон-жаҳдим билан киришишга карор килдим. Уша заҳоти отланиб сувдан ўтдим. Ва мен улар кутганидан бошқа ишга машгул эмасдим.

Уларнинг якинига етиб боргач, Шайх Мухаммад Баён Сулдуз ва Кайхусрав бир-бирига «гагаба Амир Темурга насиб қиласди. бизларни у билан қилич чопишга чоғимиз йўқдир», - дейишиди. Яххиси сен Хўжанд тарафга, мен эса юқорига кетамиз, деб равона бўлдилар. Ва мен бу хабарни эшигач, уларнинг орқасидан илғор билан жўнаб, улардан асар топмай, жиловни Тошканд тарафга буриб, ов овлаганча келиб Кеш соҳасида тушдим.

Шу орада Амир Ҳусайндан мактуб келдики, шундай кенгашга тўхтадимки, Балх тарафга йўл олиб. Кеш ва Балх юртини салтанат қароргоҳи қиласман. Иттифок билан мамлакат сайрига бел боғлаб, Хурросон мамлакатини эгаллаб, тенг бўлишсак. Шундан сўнг Амир Ҳусайн мажлисидаги бир дўстим менга нома ёздики, Амир Ҳусайн мактубининг жавобида: «Мен уз жонимни хуши курарман» деб ёзгил. Шундан сўнг Балхга юришдан бош тортдим. Шу билан бу маъни Амир Ҳусайн муҳолифлигига ишора бўлиб, у мени йўқ қилиш мақсадини олдига қўйиб, ҳийла-найрангга қўл урадиши, ҳар кандай йўл билан мени қўлга туширса. Ҳийла билан

иш битказа олмагач, ўзининг кариндошларидан Фулод Буго ва Амир Халилни мени эл-улусимни кўчириб, Балх вилоятига элтишга юборди.

Амир Ҳусайннинг хиёнат ва душманлиги ошкор бўлгач, уни Қуръонга ҳавола қилдим. Шу аснода менинг ўн икки мўтабар амирим бўлган Амир Довуд, Амир Сориг Буго, Амир Жоку, Амир Сайфуддин, Аббос Баҳодир, Амир Оқ Буго, Элчи Буго, Али Баҳодир, Давлатшоҳ Баҳши, Олғур Баҳодир, Амир Жоку ва Амир Мусо олдимга келиб: «Бизларга жавоб берганини, қўйдан келганча ҳаракатимизни қилашлик, йўкса амирлик ва ҳокимиёт сенинг қўлингдан кетади. Чунки, Фулод Буго билан Амир Халил келиб, бизларни рашията ўйшатиб бўйинларимиздан боғлаб судраб Балхга элтиб, каттл этадилар. Уларнинг сўзларини чиндан ҳавфли санаб, онт ичдимки, улар маъқул кўрган ишдан ташқари чиқмайман. Ушибу сўздан уларнинг қунгли таскин топгач «Амир Ҳусайн менга аҳду паймон қўлган эди, қандай қилиб аҳдни бузуб душман бўлурсизлар, хотиржам бўлингларки, аҳдни бузган эвазига менга гирифтор бўлади», - дедим. Мен айтганимдай бўлди.

Амир Ҳусайннинг зулми ҳаддан ошиб, феъл-атвори айниб, такаббур ва ғурурни ўзига шиор этиб, мени йўқ килиш пайига тушгач, мен унинг зиёнидан кутулиб, ўзимни тинчосуда қилишга интилдим. Бу жихатдан лашкар тузукини қилдим ва ҳиммат қадамини азимат узангисига қўйиб, Фулод Буго ва Амир Халилни ҳузуримга келишга ҳукм қилдим. Улар мажлисимига келдилар. Уларга хитоб килиб: «Амир Ҳусайн мусулмонликдан қайтиб, насроний бўлибди, Ҳудойи таолонинг Қуръонини ва ўз онтини унумтиб, менинг элатулусим қасдига касос тигини белига боғлибди! Иншооллоҳи таоло ҳеч иши битказа олмасоир!» – дедим. Шу ҳолда уламо ҳузуримга келишига ҳукм қилдим. «Аҳдни аввал у бузгани учун иккала томонига зарари бўлса ҳам иншооллоҳ Амирнинг қулига гирифтор бўлгусидир», - дедилар.

Амир Халил билан Фулод Буго бу сўзларни эшитгач, аъзойи баданига титроқ туриб, мен уларга рухсат бердимки, Амир Ҳусайнга хабар етказсинлар.

Амир Ҳусайн бу воқеани эшитгач, таблу нағора коқтириб, жаңигу жадалга фурсат тилар эди. Лекин мен яна ростлик ва

мардоналик йўлини танлаб, кўнгилдаги сиримни ошкор килдим. Шу аснода инояти илохий ва ўз истиқболимга таваккал килиб баланд овоз билан: «Мувофиқлик бобида аҳдимиз қатъий пайтида у билан бир хил ниятда эдим, ҳозир орага нифоқ тушган, шунинг учун мен аҳдимдан қайтдим. Амир Ҳусайнинг ўзи сўзидан қайтиб менга қасд қилди, энди мен ўз жоним ва ор-номусимни ҳисоя қилишга имкон борича ҳаракат қиласман», - дедим.

Бу сўздан амирлар хурсанд бўлиб, жонбозлик қиличини бирдамлик белига боғладилар. Ва мен қўшинни тушиб саодатли соатда Куръондан фол очдим. Бу оят чиқдики: «Кул ла ас`алакум алайҳи ажран илло ал муваддат» (Айтинг: «Мен сизлардан бу учун ажр-мукофот сўрамайман, факат меҳроқибат сўрайман».) Шунда уламо айтдики: бу оятнинг маъниси шундайки, Худойи таолонинг амридуруки пайғамбар саллаллоҳу алаҳи васаллам фарзандларини дўст тутадилар. Амирлар ҳам Ҳак таоло амрига итоат қиладилар, токи ўша тузук ва ясоқда пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг фарзандларидан етарли фойда топади.

Худди улар тафсир қилгандай бўлди. Амир Ҳусайнни бартараФ қилишга бел боғлагач, Термизга бориб тушдим. Шу орада улуғ шон-шавкатли саййидлардан яхши сифатли ва буюк даражали Амир Абул Баракот, кўп муддатдан сўнг истиқболимга чиқиб Амир Ҳусайнинг табл ва байробини менга келтириб берган эди, «Расули рабб` ул-оламин амри билан менинг уйқумда кўрсатдилар. Шундан сўнг Амир Ҳусайнинг табл ва байробини сенга келтирдим», - дедилар.

Мен унинг келганини хайру баракот англаб, Мухаммад саллаллоҳу алайҳи васалламнинг олий даражали саййидлари ва сахобаларининг таъзим ва иззат-икромга бор саъии-харатимни ишга солардим. уни ўзимга яқин олиб, ёнимдан жой бердим. Ҳеч бир сабаб билан унинг амрига карши чиқмас эдим ва унинг келганини Тангри таоло қўллаганининг аломати, деб билдим. Унга иродা қўлини бердим, сафар ва хузурда менинг шафқатли йўлдошим эди.

Амир Ҳусайнинг салтанати нишонаси бўлган табл ва байробини менга келтирганларининг хабари оламнинг атрофетеварагига, хусусан Туронзаминга таркалди. Амир Ҳусайнга қарши чиққан биринчи одам Шайх Мухаммад Баён Сулдуз



эди. Амир Ҳусайндан қочиб саҳроларда саргардон бўлиб юради. Мени Амир Ҳусайн касдида йўлга тушганимни эшишиб, элат ва қўшини билан келиб менга қўшилди ва димогига салтанат хиди уриб, ўзини буюк шон-шавкатли амирлардан бири хаёл киларди, ўта тўпори ва тили аччик киши эди. Бир кун менинг олдимга келиб Хатлонни тилади, мен ҳам унга бердим. Шу захоти Амир Кайхусрав Хатлоний келиб, бор эл-улуси билан Хатлон лашкарини тўплаб, менга ариза ёздики: «Агар Амир ваъдасида барқарор бўлса, Хатлон лашкари билан хизматларига етиб бораман». Мен унга ёздимки: «Амир Ҳусайн уч марта барқарор бўлса, Ҳатлон қўшилди. Сен биласанки унга етти марта ёрдам кўрситдим. Ҳар гал менга ҳасад қилиб, мени ўлдиришини истароди. Ҳозир Фумод Буго билан Амир Ҳалилини юбордики, менинг элатимни кўчириб, улусимни тўзитгай. Аниқ билдишми менинг қатлим қасдидадир. Мен ўз бошим биландирман. Уни ичган онтига ҳавола қилдим. Инишооллоҳ таоло Ҳудонинг Куръони уни бир иш ўйниқтиради».

Бу ёрлик Амир Кайхусравга етиб келгач, шодон ва хушҳол бўлиб, бор эл ва қўшини билан мен томонга йўл олди. Мажлисга кириб келгач, кучоқлашиб кўришиб, унга тасалли бердим. Кўчишга отланиб, зафар узангисига кадам кўйиб, Чагон суви бўйини ёқалаб Чагонободда жой олдим. Ундан ҳам отланиб, Жайхун сувидан ўтиб, Ҳулм мавзесига тушдим. Ўша жойда Амир Ҳусайн томонидан Кундузда ҳоким бўлган Ўлжайту унинг ёмон муомаласидан қочиб, Кундуз лашкари билан менга қўшилди. Мен Ҳудойи таолога шукр этиб дедимки: «Умидворманки амир давлати ва шавкати баракатидин Амир Ҳусайн урушидан најсот ҳосил бўлади».

Шу орада Бадахшон волийси Шоҳ Муҳаммаддан ариза келдики, унда Амир Ҳусайндан шикоят битилган эди. Мен унга ёрлик ёзив юбордимки, «Амир Ҳусайндан шикоят қилиши керак бўлса, мен сизлардан ортиқ шикоят қилурман, чунки, у менинг жонимга қасд қилган. Мен ўз жонимни ҳимоя қилиши зарурати билан, шиъжоат юзасидан кураш узангисига қадам қўйдим. Агар Амир Ҳусайндан сизларда ҳам шикоят бўлса, инишооллоҳи таоло сизларнинг шикоятингиз шукрга айлансан».

Бу ёрлик унга етиб бориши билан у дарҳол хизматимга бсл

боғлади. Бадахшон ва Моварауннаҳрнинг қабила ва эллари жам бўлиб, Амир Ҳусайнни бартараф қилишга ҳиммат камарини боғладилар. Аризалар ёзиб мендан сардорлик тиладилар.

Мен Амир Жокуни уларнинг сардорлигига тайинладим. Амир Ҳусайндан безор бўлган барча қабилалар Амир Жоку ёнида жам бўлдилар. Мен бу маънони ҳазрати Рисолатпаноҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам рухонияти мададидан билдим ва Амир Абу Бараканинг ҳам қадамини муборак англаб, салавот айтиб, Куръондан фол очдимки, бу жамият менга доимо садоқатли бўладими ё йўқми. Фолимга бу оят чиқдики, «*Инамо йуриду-лаҳу ли таузҳибу анкуму-рижса аҳ-ла-лбайти ва йутаҳҳиракум татҳиран*» («Оллоҳ сизлардан гуноҳни ювишни ва сизларни бутунлай поклашни истайди, холос»). Уламо шундай тафсир этдиларки, бу оят пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам уй аҳлининг поклиги ва исмати бобида нозил бўлгандир ва Амирнинг муносаби ҳолидир, негаки саййидлар руҳлари нопоклик, нажосат, бутпастлик, ширк ва исёндан покдурлар. Уларнинг арвоҳи либосидан чиқкач, ўзларининг зоти поклиги билан жам бўладилар. Амир ҳам душманларнинг исён ва душманлигидан фориғ бўлади.

Шу билан уламонинг ушбу тафсири мазмунидан пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг уй аҳлига менинг муҳаббатим ва ихлосим янада ошиб, Амир Абул Баракотнинг келиб ёнимда бўлганини Худойи таолоннинг менга қилган аъто ва қарами билдим.

Ўша пайтда ўзимча қарор қилдимки, ҳар ишда Куръондан фол очиб, Тангри таолоннинг амру фармонига амал қилгайман. Олдимга турли хил аскар, уруғ-аймок йигилгандан сўнг, ўз ишончли амирларимни ҳузуримга чакириб, уларга: «*Амир Ҳусайн макр ва ҳийла курсатиб бу гирдобдан қутулиб колмоқчи, бўлмаса унинг эл-улуси тезда тарқаб кетади. Жўмладан, Амир Мусо таҳтикага тушиб қочиб Самарқанд тарафга қайтди. Энди яхиси шуки, мен бу одамларга андик мулоҳимлик ва меҳрибонлик кўрсатай, тики ҳамма иттифоқ бўлиб, Амир Ҳусайнни даф этишига Куръон билан онт ичиб вайда берсинлар*».

Шундан сўнг аймоқнинг ёл ва амирлари бир мажлисда йи-

ғилиб, янгидан ахду наймон этдилар. Чигатой улусининг барча буюк амирлари, кўшин ва эллари менинг итоатим камарини белларига боғлагагач, менинг аввалги қилган ишим шу бўлдики, Шайх Али Баҳодирни бир неча жанговар баҳодирлар билан мунқалой расми билан олдинга юбордим. Шу аснода эшитдимки, Амир Ҳусайн бир гурух лашкарга Чўпон Баҳодирни сардор килиб, менинг лашкарим истиқболига тайинлади. Мен ҳам кўч ногорасини чалдириб, Шодмон тоги этагидан ўтиб. Газсув лабини ёқалаб Албурзкуҳ якинига тушганимда эшитдимки, Амир Ҳусайн умаро ва фукароси билан келиб халойикни бу тарика иғво килдики; сизлар бу замонгача туркларнинг исм ва конунини бузиб хонлардан бўлмаган кимсага бўйсуниб келмоқдасизлар, бурунги тузук ва конундан ташкари чикибдурсизлар. Хонлик мартабаси Чингизхон авлодига тегишили эмас.

Кейин бу хабар менинг қулоғимга етди, сўнг умарони жам этиб дедимки. Амир Ҳусайн урушидан манинг ғаразим мусулмонларнинг аҳволини яхшилаш ва фароғатидир, кўшин ва раият, фуқаро ва амирлар ундан юз ўѓурганлар ва бизларнинг орамизда бу кун Тўра Суорғатмиш Ўғлондурки, уни хон килурмиз. Агар умаролардан бири Амир Ҳусайн сўзи билан хотирила хонлик хаёли бўлса ва ёки кўнглига келтирса, ақлдан йирок бўлгай.

Шундан сўнг кўч нағорасини чалдирдим, токи Амир Ҳусайн халойикни алдаб ўзига оғдиргунча устига ҳужум ясагайман. Мунқалай расми билан отда кетган Шайх Али Баҳодир ўзга баҳодирлар билан Амир Ҳусайн тарафидан лашкар тортиб келган Чўпон Баҳодирни кўлларини боғлаб, бўйнига ип такиб менинг зафарёр жиловимга келтирдилар. Менга биринчи мусассар бўлган ғалаба шу эдики, Мұхаммад Ҳожа ўз лашкари билан Шибирғонотдан келиб, менинг зафар нишонли лашкаримга қўшилди. Шунда кенгаш килдимки, тўхтовсиз Балхни қуршовга оламан. Агар Амир Ҳусайн қалъадан чиқса, қандай яхши бўлар эди. Агар камалиб, калъя истеҳкомига машғул бўлса, худо осон этгай. Ва менинг хотирим жамдурки, унинг душмани Ҳудойи таолонинг Куръонидир. Ўша пайт эшитдимки, Амир Ҳусайн Балх қалъасидан ташкари чикибли. Мен амирларга амр бердимки, олдинга бориб жангга киришинглар, деб. Шу билан фармони қатъийни ба-

жарис юзасидан амирзода Умар Шайх дархол бориб, Балх қалъасига қилич ва камон билан хужумга ўтиб, жанг бошлиди. Ўша пайтда оёғининг гўштига бир ўқ тегиб, оёғини оти-нинг корнига тикди. Шунда амирзода ўн олти ёшда эди. Бу ярага карамай Амир Ҳусайн кўшинига шундай ҳамла қилди-ки. Амир Ҳусайн қалъа олди тўсигини ташлаб, қалъа ичига кириб, дарвозани беркитди. Соадатли ёш амирзода оғир яра билан бориб қалъа дарвозасига қилич солиб, аста-секин ор-кага кайтди.

Шу аснода баҳодирлар дуо қилиб, ўзларини унга фидо қилди-лар. Мен кейинги қуни отланиб, лашкарни тартибга солиб. Балх қалъаси тўсигига чоповул қилдим. Амир Ҳусайн ҳам қалъа устига чиқиб, ўз байрокларини намоён қилиб, урушга бел боғлаб, бир неча кишини қалъадан ташқарига юборди. Ўша қуни икки тараф баҳодирлари мардона жант-лар ва жасурона чопишлар килишиди. Ва лекин Амир Ҳусайн ўзини узукнинг кўзидаи қуршовда кўриб, ўзининг бошига тушган ғам-кулфатни очик-ойдин кўриб, то кечгача уруш қилди. Қун кеч бўлгач, саросимага тушиб хат ёзиб юбордими: «Мен сенинг адсоватингни камарини белимга боғлагандан бери бир қуним хуш кечмади. Билдимки, сенинг кин ва адсоватинг менинг азоб-уқубатимга боисдир. Мен тажриба юзасидан билдимки, сен «Оллоҳ ярлакаган» бандасан, давлат ва иқబол сенга юзланган, ғам-кулфат менинг гирибонимдан тутуб, сен тарафга судраб келтириб, менинг устимдан зафар қозондинг. Эй бузруквор, менинг гуноҳимдан ўтгилки, мен бошимни олиб бу диёрдан чиқиб, Макка томонга равона бўлайин».

Мен унинг муддаосини кабул қилиб, унга ёздимки: «Се-нинг амир ва навкарларингдан барчаси сендан кўнгли ран-жиб, филорадирлар. Фарзандларингдан бирини юборгинки, унинг ҳузурида уларга тасалли бераман, сенга зарир етказ-майдилар». Ва у катта ўглини ташқарига юборди. Мен амирлар олдида сўз бердимки. Амир Ҳусайн Балхдан чиқиб, Мак-каи Муаззама томонга йўл олади. Яна унга айтиб юбордими, йўлга керакли яргини тайёрлаб, мендан кузатувчилар олиб, мақсад тарафига йўл олсин.

У менинг бу сўзларимга ишонмай, шундай кенгаш қилди-ки, ўзининг борлик нағис буюмлари ва жавохирини белига

бөглаб, каландар киёфасида ўзини бир манзилга етказади.

Шу билан оила аъзолари ва маҳрамларидан ҳеч кишига билдириш, кийимини ўзгартириб, яширинча чиқгач тонг отди. Шунда у мени одамлар таниб қолмасин деб, масжидга яшириниб, миноранинг устига чиқиб бекинди. Масжид муаз-зини пешинда аzon айтгани минорага чиқиб. кўзи Амир Ҳусайнга тушди. Уни таниди ва Амир Ҳусайн муazzинга бир шода марварид бердик, унинг сирини фош этмасин. деб. Ва муazzин менинг даргоҳимга келиб аzon айтди.

Шунда мен уни олдимга чакиргач вахима босиб: «*Аzon айтгани минора устига чиққан эдим. у ерда Амир Ҳусайнни кўрдим. Мен унинг сирини яиришиим учун мана бу шода марваридни берди*», - деди.

Шунда мен муazzинга: «*Амир Ҳусайнга хабар етказгинки, ҳар нима қилиб бўлса ҳам ўзини маҳфий тутсин, уни ҳеч ким кўрмасин ва бошини олиб шаҳардан чиқиб кетсин*», дедим. Шундан сўнг Амир Ҳусайн жон хавфидан чиқиб, масжиднинг тагига яширинган эдики, ўзининг кондор навкарлари бу хабардан воқиф бўлиб, хужум билан масжидга юзландилар. Шу билан Амир Ҳусайнни бөглаб девонхонада ҳозир килдилар. Мен буюрдимки, уни ўша жойнинг одил козисига топширинглар, токи амирлар ва улусдан ҳар кимнинг у билан даъвоси бўлса, даволашсинлар. Ўша захоти Амир Ҳусайнга айтиб юбордимки: «Мен сенинг жонингга қаед қилмайман, деб сўз бериб, Куръон ушлаганман. Ҳали ҳам аҳдимни бузмайман, ҳозир ҳам ўша берган сўзимда баркарорман. Бу азоб ва балоларким, сенинг бошингга тушди Тангри таолонинг Куръонига хилоф иш тутганингданdir. Менинг мутлақо сен билан ишим йўқдир, аммо амирлар ва улуским, сенинг конингга ташнадирлар, уларнинг хужуми уддасидан чика олмайман». Унга бу хабар етиб боргач, бошка чораси қолмаганидан менинг ҳузуримга келадиган бўлди. Мен амирлар ҳузуримга келишига хукм этдим, токи барча амирлар ва раият жам бўлиб мажлис туздилар. Шу пайт амр этдим, Амир Ҳусайнни ҳам ўша мажлисга киритдилар. Мен унга хитоб этдимки: «Худойи таолонинг қаломи ва ўзинг аҳдни бузганлигинг сени тутиб. бу холга солиб, бу жойга келтирди. Аҳдни бузишнинг хосият ва натижаси шу бўлади». Шу аснода Сайид Абул Баракот бул байтни тилга ол-

ди:

*Киши яхши паймондан кўрмагай нуқсон,  
Яхши паймон авлодурким, яхши имон.*

Мен амирлар хузурида: «Амир Ҳусайнга омон бердим», - дедим. У ўта гурур ва такаббурлик юзасидан: «Агар мен сен бўлсан эди, сенга омон бермас эдим, мен сен бўлмаганим учун омон тиламайман», - деди. Шу аснода мен унга: «Алҳамду лилюҳки мен, сенга омон бермайдиган ва яна аҳдимни бузадиган Ҳудо ва расулидан юз ўғирадиган инсон эмасман». - дедим.

Шу пайт Амир Кайхусрав укаси қонини талаб килди. Мен уни тинчлантириб, кози, муфти ва шайх ул-исломни хузуримга чакиришга ҳукм этдим. Улар жам бўлдилар. Бир пайт Бадахшон волийси Амир Шоҳ Муҳаммад титраб-қақшаб, Амир Ҳусайн бизларнинг уйларимизни бузиб, тирикликни бизларга заҳар килган ва Бадахшон шоҳларидан неча солих кишини катл эттирган, деди. Ва Шайх Муҳаммад Баён Сулдуз фарёд солдики, менинг элатимдан минг уйлик одам неча йилдирки, Амир Ҳусайн зулмидан саҳро-биёбларда Саргардонлар, бизнинг қанча мол-дунёмизни талон-тарож килган, деди. Бошқа амирлар ҳам ҳужумга ўтиб, унинг катлига бел боғладилар.

Амир Ҳусайн билан орамизда яқинлик бўлгани учун менинг коним кайнаб, шиддатли ғам-алам дилемни эзди, лекин иложим йўқ эди. Негаки Амир Ҳусайндан ҳамманинг кўнгли колиб, ҳамма баравар ёпирилган эдилар. Шундан сўнг мен уламодан савол этдимки, Амир Ҳусайн қатлида не сўз айтурсизлар?

Уламо дедиларки, Амир Ҳусайн катл қилган кишилари ҳунбаҳога кўнса кўп яхшидир, йўқса уни ўлдирмок керак. Уламонинг гали даъвогарларнинг кулогига етгач, улардан бири Амир Ҳусайн навкарларидан эди, дедики: «Ё Амир, Амир Ҳусайн Ҳудойи таолонинг бандаларига чексиз озор етказар эди, оғир ишларга буюрарди ва уларнинг мол-мулкидан тами қиласарди ва ҳалойикни кўп вақт зинданга солиб, маҳбусликда туткарди». Уша куни минг етти юз эркак ва хотин Амир Ҳусайн туткинидан најжот топдилар. Мен унга, бу маҳбусларни олдинрок бўшатсанг дуойи бад этмас эдилар,

дедим.

Шу пайт уламодан бири: «Муаззи, яъни одамларга жабр берувчи, бадхулқ ва баднафс одамни ўлдирмок, илон ва чаён қатлидан ҳам зарурроқдир», деди. Бу сўз узок якин кишилар қулогига етгач, Кундуз ҳокими Амир Ўлжойтуки, Амир Ҳусайннинг лашкарбошиси эди, менинг афсус чекканимдан унинг қатлига норозилигимни англаб гулув қилдилар. Мен уларга «Амир Ҳусайн менинг қўлимдадир, уни ҳар вақт хоҳласангиз ўлдирурсанзлар», - дедим.

Шу пайт амирлар фарёд эта бошладиларки, «Шариати набавий ҳуққи билан қисос вожиб бўлди. Бу кун нечун кечга қўйорсизлар?» Ва мен улардан муҳлат сўрадим, эҳтимол бир йўлини қилиб уни тирик саклагайман. Ва лекин худони хоҳиши бошқача бўлди. Амир Кайхусрав укасининг қонини талаб киласди, Амир Ўлжойту ва Шоҳ Муҳаммад ҳам хужум килдилар.

Амир Ҳусайн кўрдики, кўпчиликнинг хужуми ғолиб келди, жонидан умидини узиб, мажлисдан ташкари чиқиб муштлашмоққа киришди ва бирдан кочиб, ўзини Ҳожа Аккоша мозорига етказди. Ўша ерда ўзининг навкари Ўлжойту, Амир Кайхусрав ва Амир Муаййиднинг ишорати билан уни катл этдилар. У ердан қайтиб Амир Ҳусайннинг ўғиллари Сайдхон ва Навруз Султонни ўлдиридилар.

Амир Ҳусайн воқеасидан ғамгин ва дил сиёҳ бўлиб, унга жаноза ўқиб, тупрокка дағн этдим. Амир Ҳусайн кизғанчик ва баҳл қўли билан жамлаган хазина ва дафиналарни ҳаммасини амирларга таксим этдим ва кейинги куни мажлис тушиб амр этдимки, унинг эл-улусини Самарқандга кўчиргайлар. Шу пайт мажлисга бир қора кийинган одам кирди. Ундан «Сен не сабабдан қора кийдинг!» - деб сўрадилар. «Менинг бир ёрим бор эди, уни ўлдиридим ва унинг ғамидан қора кийдим!» - деб жавоб берди. Уламодан бири: «Агар ўлимига лойиқ бўлмаса, нечун ўлдиридинг ва агар лойиқ бўлса, уни ўлдириганингдан сўнг нечун ғам ерсан?» - деди. Мен мажлис уламосига: «Одам аҳлининг яхшироги шундай кишидирки, яхши сифатлар билан орасти бўладиган, ва ёмонроги шундай кишидирки, у ёмон феълийк, нафси бузуқ ва кинига озор беришига қўл урадиган бўлади. Амир Ҳусайн ҳам, зулм, баҳл,

*жасағы ва кишига озор берадиган ва худодан құрқмайдыған сифаттарға әз әди*, - дедім. Ва ахли мажліс бу сүзға таҳсин ўқидилар ва дуойи давлатимға құл күттардилар.

Салтанат таҳтига ўтириб, Туранзамин соҳасини Амир Хусайннинг фасоди чүп-чоридан пок килганимдан кейин, Туранзамин салтанати учун уч киши даъво қылдилар. Ҳар бири ўзининг уруғ-аймоғига мағрур бўлиб, салтанат туғини кўтаришни истадилар.

Улардан бири Шоҳ Мұхаммад Бадахшӣ әдикі, ўзини Бадахшон шоҳларининг бири тутарди. Яна бири Амир Кайхусрав әдикі, ўзини хоннинг күёви санаб, Ҳатлонда қарор тутган әди. Яна бири Шайх Мұхаммад Баён Сулдуз әдикі, ўзини сулдуз уруғининг минг уйлигининг эгаси билар әди. Уларнинг таронаси менинг қулогимға етгач, мен бепарвовликни шиор қилиб, хеч сўз демадим.

Бу хабар Амир Абул Баракотнинг қулогига етгач, мажліс тузиб Термиз хони хонзода Абу Маъюний ва хонзода Али Акбарнинг иттифоки билан тўй қилиб, салтанат даъво килганларни чакирди.

Улар келгандан кейин Амир Абул Баракот сўз бошлаб: «Алҳамду лиллоҳиқим, Туран мамлакати оқибатсиз ҳокимлар палид вужудидан пок бўлди. Энди агар иттифок бўлиб ўзларингиз орангиздан бирорни улуғ оға билсангиз, иншооллоҳ жаҳонгир бўлурсиз ва агар иттифок бўлмасангиз, қабилалар маликлариdek тарқалиб кетасиз ва тез кунда Жета коғирлари устингиздан ғалаба қозонгусидир. Энди сизларнинг кенгашингиз недур?» - деди.

Бадахшон шоҳларининг улуги Амир Шоҳ Мұхаммад: «Бизлар тўрт оға-инимиз. Турап мамлакатини тўртга бўлиб, ҳар бириниз ўз қисмимизни бошқаришга машгул бўламиш ва ҳар вақт бир ҳодиса пайдо бўлса, тўртимиз идтифоқ билан душманни даф қилишга бел боғлармиз», - деди.

Амир Абул Баракот: «Агар ҳоким бирдан кўпроқ бўлса, нифоқ ва фасод боиси бўлади. Агар бир мулкда икки ҳоким бўймоги жоиз бўлса әди, худо икки бўлиб, бири ернинг худоси, бири осмоннинг худоси бўлиши керак әди. Бас, бир экан мулкда бир киши ҳоким ва юрт боши бўлиши керак, то бирлашмоқ ажомати юзага келсин», - деди.

Амир Баён Сулдуз: «Бизларнинг ҳеч бириниз тўра эмас-

мизки, хонлик таҳтида ўтирасак ва ҳалқ бизларга итоат қынса. Аммо Суюргатмиш, Чингиз авладидан ва тўрадир, ўша хонлик таҳтида ўтирасин ва Амир Темур унинг саркардаси бўлсин ва бизлар итоат қиласйлик», - деди.

Амир Баракот: «Мусулмонликда сизларнинг ҳаммангиз бир Чингизий коғирбаччага мутеъ бўлишингиз раво бўладими? Чингиз ҳам дашиб кўчманчиларидан биридурким, қаҳр қиличи билан мусулмонларга голиб бўлди ва бу кун Амир Темурнинг қиличи Чингиз қиличидан кам эмасдир ва сизлар ҳаммангиз Амир Ҳусайннинг дастидан қочиб, саҳро кезиб, бекинган жойингиздан чиқа олмадингиз ва Амир Темур Амир Ҳусайнни тутмоқда сизларнинг мададингизга муҳтож эмас эди, ҳозир ҳам муҳтож эмасдир!» - деди. Яна кўп сўзлардан сўнг Амир Абул Баракот уларга қаратада: «Сизларга туркона суз айтаман. Сизлар ҳаммангиз мусулмон ва ислом динида собитдур-сизлар. Муҳаммад саллаллоҳу алаїҳи вассалламининг ҳамма умматига зоҳирдурки. Муҳаммад саллаллоҳу алаїҳи вассаллам мулкни мушрик, коғирлар, яхудий ва насронийлардан қаҳр қиличининг зарби билан олди. Бас, мулк Муҳаммад саллаллоҳу алаїҳи вассаллам мулки бўлур. Ундан сўнг Йўл бошловчи Ҳалифалар ва Оли Муҳаммаднинг ҳаққидурки, уларга ворислик тарикасида етди. Ва улар ҳар кишини хоҳласа ўзларига ноиб қилдилар. Бу кунки мен Ҳусайний саййидларидандурман, Мадина ва Макка саййидларининг жамоаси ва иттифоқи билан Амир Темурни Йўл бошловчи Ҳалифаларга ноиб билиб, Турон мусулмонларининг иттифоқи билан уни барча ислом аҳлига ҳоким ва амир билурмиз!» - дедилар.

Улар хос кишилар ва омманинг иттифоқидан огох бўлиб, билдиларки барча ҳалқнинг кўнгиллари менга мойилдир. Амир Кайхусрав туриб: «Куръа ташлаймиз! Ҳар кимнинг отига қуръа туиси, бизлар ҳамма унга итоат қилурмиз!» - деди.

Амир Абул Баракот учовини отини ва менинг отимни қоғозга ёзиб, жойнамозни остига қўйиб «Илик суқиб ҳатларни жойнамозни остидан чиқаринг!» - деди.

Уч мартаба шундай қилдилар ва ҳар гал салтанат руқъаси менинг отимга чиқди. Улар хижил бўлиб ўз сўзларидан қайта олмадилар. Кейинги куни барча улус ва қўшинларнинг амирлари менинг даргоҳимга тўпланиб, оломон ҳосил қил-

дилар. Салтанат даъвосини қилаётган Амир Кайхусрав, Шайх Муҳаммад Баён Сулдуз ва Амир Шоҳ Муҳаммад Бадаҳшӣ менинг мажлисимга кириб, тиз букиб муборакбод килдилар. Бу юксак шон-шавкатли амирлар мутеъ бўлгандан сўнг, Саййид Абул Баракот ва Термиз хонзодалари мажлисда ҳозир бўлган амирлар: Амир Сори Буғо, Амир Жоку Барлос, Амир Муаййид Арлот, Амир Довуд Тархон, Зиндачашм, Арғун, Барлос ва Арлотнинг элу улусининг ўн икки амири билан биргаликда ўрнидан туриб, ўнг тараф ва сўл тарафда камондай ўраб турдилар.

Шундан сўнг Абул Баракот ўртага чиқиб мажлис ахлига хитоб килиб: «Эй мусулмонлар, гуруҳи пайгамбар салаллоҳу алайҳи васаллам дедики, уммат орасида икки оғир нарсани қўярман, бири Худонинг китоби ва бири ўз фарзандларимдир. Бу кун у икки нарса Амирнинг уйидадир. Агар итоат кўрсатсангиз дунё ва охират баҳрасини топарсиз, ва агар қаришик кўрсатсангиз, дунё ва охиратдан бенасиб бўлурсиз!» - дедилар.

Ундан сўнг менинг олдимда турган бир Қуръонни кўтарди ва уларнинг ҳар бирининг бошига текизди; ҳар киши бу Қуръоннинг панохига кирса, боши кўкка етади ва ҳар ким ундан бош тортса, юзтубан бў-либ срга йикиласди. Уларнинг хаммаси менинг салтанатимга жону дили билан рози бўлиб, аҳду паймон килдилар.

Ва сана етти юз етмиши бирдаким (771/1369-1370), ўтилиз беш ёшга кириб эдим, тўрт буюк шавкатли саййидким уларнинг бири Саййид Абул Баракот ва яна бири Абул-Маъоний, яна бири Амир Зиёвуддин ва яна бири Амир Али Ақбар эди, соадатли соатда мени кўлимни тутиб, салтанат тахтига ўтказдилар. Тахтга ўтиргандан сўнг олдимда турган Қуръонни олиб, салтанатим давомли бўлармикин, деб фол очдим. Бу оят чиқди: «Кулилаҳумма малика-л мулки ту ти мулка ман ташау ва танзи а-мулка мимман ташау». (Айтинг: «Эй мулку давлат эгаси бўлган Оллоҳум, Сен истаган кишингга мулк ито қулурсан ва истаган кишингдан бу мулкни тортиб олурсан!»)

Менинг тахтим олдилда йигилган уламо, бу оят мазмунида неча турлиқ тафсир килдилар ва давлатим то абад қолиши учун фотиха ўқидилар ва хосу омма ҳам кўл кўтариб

«омин» дедилар. Ундан сўнг буюк амирлар гурух-гурух келиб таъзим қилиб турдилар. Ва ол улус сардорлари хам тудатуда келиб шу йўсинда тик турдилар. Ўзга раият ва қўшин аскарлари хам овозини борича бакириб муборакбод килдилар.



Мен тахтга минган кун, аввало **амирлар** ва қўшиннинг ўтиromoқ ва **тик турмоғи тузукини** килдим: саййидлар, уламо ва машойихга ўнг тарафимда ўрин бердим, буюк амирлар, кариндош ва фарзандларга буюрдимки ярим доира бўлиб, менинг тахтим атрофида ўтирсинглар. Қўшин амирларига амр килдимки, тахтнинг орка тарафида жой олгайлар. Баҳодирлар, кўрчилар, шаковуллар, чоповуллар ва қоровулларга тахт олдида жой бердим. Ўн икки ясовул тайин килдимки, уларнинг учтаси олдимда. учтаси ўнг тарафимда, учтаси чап тарафимда ва учтаси орка тарафимда оёқ устида турсинглар. Ўзга қўшинга амр қилдимки, ўз мартабаларига лойиқ саф-саф бўлиб турсинглар.

Ва салтанат мажлисининг кўмагига кутиб эрди, юз ўттиз отлиқ ва эллик пиёда билан келаётир. Мен унинг истиқболига чикиб, у билан учрашиб. юрга тушурдим ва ўтган воқеаларни гапириб бердим, базм мажлисини ороста килдим. Яна бир неча кун Арсаф дарасида туриб. Жета лашкари та-

тарафига жосус юбордим. Шу пайтда кенгаш қилдимки, Манкали Нўғой Сулдуз кўл остида бўлган қалъани эгаллаб, кўч-кўлоннинг ортиқасини у ерда кўйиб, Жета лашкарига чоповул этаман. Ўндан сўнг қадимий ошнои Шер Баҳромни унга юбордим, бориб Манкали Нўғой Сулдузни бир сўз билан раъиидан қайтарсинг.

Шер Баҳром қалъя якинига етиб боргач, Манкали Нўғой одам юбордики, гарчи Амир билан бизнинг орамизда қадимий ошнолик мавжуддир, аммо Илёсхожа Ўғлон ишониб, бу қалъани менга топширганди. Нечук бўлсинким, унинг тузи хақини унтутиб, қалъани Амир Темурга бераман.

Шу пайтда менинг қадим навкарларимдан бўлган Дўлон қавмидан уч юз киши чиқиб, менга қўшилдилар.

Бу манзилдан кўчиб, Арсаф дарасининг иккинчи манзилига тушгач, Авлам Кули ва Маҳмудшоҳ Кобулий икки юз куролланган отлиқ билан Қундуз ва Бадахшон вилояти томонидан чиқиб, икки фарсах ерга келиб тушиб, келганларини менга билдирилар. Уларнинг кўзи менга тушиши билан отдан тушдилар ва мен ҳам отдан тушиб турдим. Улар хузуримга келдилар, ҳар бирига ўз тўнларимдан бир тўн бердим. Уларни ҳамроҳ келтириб, омон бердим ва Амир Ҳусайннинг мол-дунёсидан ҳар нимаики, ҳар кишида бўлса, унга инъом килдим.

Шундан сўнг ҳукм этдимки, Ҳисори Шодмон, Қундуз, Бадаҳшон, Андижон, Туркистон, Кобулистон, Кашгар, Тошканд, Ҳўжанд, Ҳисор, Сарҳад, Даشت Қипчоқ ва ҳудуди Хоразм ва ўзга чегараларнинг амирлари ўз жойларида қолиб, бурунги дастурларида барқарор бўлсинлар ва ҳар ишдаки ўзгаришларга боис бўлса, кўнгилларига келтирмасинлар.

Ўндан кейин рамазон ҳайитида Балх шаҳрининг жомеъ масжидига кириб ҳайит намозини адо килдим ва мусулмонлар менга иктидо қилдилар. Мен уларга «Мен ўзимни имоматга лойиқ билмасман», дедим. Балх мусулмонлари: «Амирни Йўл бошловчи Ҳатифаларнинг ноibi билурмиз ва дини исломнинг ривож бергувчиси санармиз. Оллоҳининг мулкити ҳимоячиси, Оллоҳ бандаларининг галаба қилувчиси ва Оллоҳ авлиёларининг эҳтиром этгувчиси деб бишамиз. Шундай кишига нечук иктидо қилмасмиз?» - дедилар. Шундан сўнг имом-хатиб минбарга чиқиб, худо ҳамди ва расул наъти

ва хулафо йодидан сўнг хутбани менинг отим билан безади ва бу иборатни айтди: «Оллоҳумма унсур жулус ал-муминийна ва саримаҳум ин кану васиятин мин машриқ ул-арзи ила магриби-ҳа, мин ад-давлати ис-салтанат ил-аъдал ил-аъзами ва хан ил-муаззами ил-хақани ибн ул-хақани аб ул-музаффар Темур Кўрагонхон хулд ул-лаҳи таъала мулкиҳи ва султаниҳи ва афаза алал-аламийна барриҳи ва иҳсаниҳи». («Ё Оллоҳ, мусулмонларнинг ўтирганлари ва турганларига, улар магрибдами, машриқдами бўлсинлар, энг буюк, энг одил давлат салтанатида бўлмиши хон ибн ҳокон, соҳиби зафар Темур Кўрагон хонки қўллагил, уни бутуни дунёда қўлини баланд қилиб, давлати ва жойини абадий қилгил».)

Масжиддан чиққанимдан кейин улуғлар ва кичик ахолининг ҳаммаси олдимга келиб муборакбод килдилар, масжиддан жиловимда юриб, мени йўлгача кузатдилар. Мен уларни эҳтиромини қилиб, ҳайит ошидан улушларини юбориб, ўз юртларига кетишга рухсат бердим.

Чуғом Барлоснинг укаси Мурод Баҳодирни Балхга ҳоким килдим ва унга кўшин билан раиятга не янглиғ йўл тутишни ва қандай яшаш кераклигини яхши билиши учун кўрсатма бердим.

Ва сана етти юз етмиши бирда (771/1370) шавволнинг иккинчи куни саодатли соатда Балхдан отланиб, жиловни Самарқанд пойтахт шаҳри тарафга бурдим. Ўша куни Жайхун бўйига тушдим. Бу ер билан Балхнинг ораси ўн фарсаҳ масофадир. Балхдан уғруқ ва кўш келгунча, Жайхун лабида тўхтаб мажлис туздим. Бу мажлисда Хоразмдан Ҳасан Сўфий келиб кўриниш топди. Ва мен ундан «Худои таоло золимга не тариқа изоб қилгусидир?» - деб сўрадим. У менга: «Худои таоло золимга хитоб қилибдурки сен мени адл билан ёд қилмасанг, мен сени таънат билан ёд қилгумдир. Золимга бу азоб басдурким, дуне ва охиратда ўз зулмига гирифтдордир», - деди. Ундан сўнг дедики: «Одил подшоҳ кофир бўлса ҳам азоби озрок бўлади, мусулмон подшоҳга нисбатан, золимдир. Ва шу тариқада сахиӣ кофир камроқ бўлади, у мусулмоннинг азобидан баҳирроқдир».

Мен бу икки сўзни эшитгач, адолат ва саховатни ўзимга шиор қилдим. Жайхун сувидан ўтиб, Шахрисабз водийсига етиб тушдим. Ҳамма эл-юртнинг улуг-кичиклари ва дўсту

дushman ҳамма келиб, мени паноҳ тутдилар. Ва Шаҳрисабз ўтлоғидан отланиб, Самарқанд тарафга йўл олдим. Самарқанднинг жумла аъён ва акобири, саййидлар ва ахолиси истиқболимга чиқиб, сочқилар сочдилар. Ўша куни жума бўлгани учун хеч жойга тушмай жомеъ масжидига бориб, жамоат билан намоз ўқидим. Ва хатиблар салтанат хутбасини менинг номимга ўқидилар. Ва Хожа Убайдким, ўша пайтдаги ҳалқнинг имоми эди, ҳалойикни менинг дуойи давлатим фотиҳасидан манъ қилди. Ўша кечаси Ҳазрати Расули Акрам саллаллоҳу алайхи васаллам унинг тушига кириб, газаб билан дедики: «*Нечун ҳалойикни Темур давлатининг янада кўтайшии фотиҳасидан манъ қилдинг?*» У деди: «*Ё Rasулulloҳ, Темур сенинг неча минг умматинги қатл қилди, ул жиҳатдан манъ қилдим.*» Ул Ҳазрат деди: «*Агарчи Темур менинг умматларимдан кўп кишини ўлдирди, аммо авлодимга иззату эҳтиром кўргизиб, дўст тутади ва уларнинг дустлик шартларини бажо келтиради.*»

Ва кечки пайт шоҳ чодирда ўтирган эдим, Хожа Убайд келиб ичкари кирди, тавба килиб узр айтди ва кўрган тушини баён этди. Ҳожанинг воеасини эшитгач, менинг кўнглим бўшашиб, Тангри таолога шукр қилдим ва ўзимнинг молу мулкимни Расул саллаллоҳу алайхи васалламнинг муқаддас мақбарасига вакф қилдим ва буюк саййидларнинг иззат-хурматини бажо келтиришда янада кўпроқ саъий-ҳарарат қилдим. Уларнинг айтган сўзи ва йўл-йўриғидан асло тажовуз килмадим.

Ва шу онда буюрдимки, Самарқанд шаҳрида жомеъ массжид ва дарвишлар учун хонақоҳ бино қилинглар, деб. Ўз салтанатимнинг қонун-қоидасини шундай туздимки, Самарқанд пойтахт шаҳри таҳтига ўтиргач, аввал умумий салом қилдирдим. Ҳар кишининг менда бир салом ҳаки бўлса, менинг олдимга келсин ва ҳар не хоҳласа мендан олсин. Болалик замонидан то салтанат замонигача кимни танисам, уни уйига кириб сийладим, ҳар кимни дўст ёки дushman билсан, ҳаммасига баравар муомала қилдим ва уларни эҳсон или билан боғладим.

Шундан сўнг амр қилдимки, ҳар хукм ва ҳар сўзки, ҳар бобда мендан содир бўлса, ундан кайтиб, ўзгартирmas эдим. Агар амирлар ва вазирлардан ҳар киши уни ўзгартирса, сиё-



З.Ф.

сат килар эдим, нединким мендан сўнг подшоҳларнинг ҳукми ва сўзи шу тариқа катъий бўлсин. Буюрдимки, менинг ёрлигим унвонида «сўзимиз» лафзини ёзсинлар ва ҳукм қилдимки, амирлар ва қўшин учун «улуфа» (иш ҳаки) тайин ки-

линглар, токи вазирлар ва амирлар бу тузукни йўлланма ва конун билиб, унга амал қилсинлар.

Ва шу йўсинда амр этдимки, базму урушда, отланмок ва тушмоқ, урушга кирмоқ ва чикмоқ тартиби бўйича тузук ёзсинлар. Ва шу каби буюрдим, токи раиятнинг юриш-турши ва муносабати учун коида тузсинлар. Бу мажлисда аввал буюк сайдилларга суюргол (ер совға)лар килдим. Сайдид Абдуллоҳи раислик ва бошчилик мансабига тайин қилдим. Шайх ул-исломликни Сайдид Абдураҳмонга бердим. Аскар қозилигини Сайдид Зиёвуддинга мукаррар қилдим. Уламо, сайдиллар ва машойихга ўнг тарафимдан ўрин Бердим. Бу мажлисда сайдиллар ва машойих орасида юкори-куйи ўтириш борасида кўп баҳс ва мунозаралар бўлди.

Фатво уламоси дедиларки, Мұхаммад хонадонидан ўзгалирнинг устунлиги, ҳалолдан ҳаромни устунлигидекдир. Менга бу сўз бағоят хуш келди. Уларнинг мунозараси ҳаддан ошгач, Ҳожа Абдуллоҳ уларнинг ўртасида қозилик килди ва уларни шаръий далиллар билан мулзам этди ва деди: «Тўрт имом ва Йўлбошловчи Халифалар ҳар намозда Мұхаммад саллаллоҳу алайҳи васаллатнинг хонадонига салавот юборибдурлар ва уларнинг риоясини қилибдурлар ва дин имомларининг авлод-аждоди салавотсиз намозни ножуя санабдурлар. Ва ҳар вақт сизлар беш вақт намозда Мұхаммад саллаллоҳу алайҳи васаллатнинг хонадонига салавот юборсангиз ва агар уларни юқори қўйиши ва улуғлашида қалтабинлик қылсангиз, Мұхаммад авлоди ва уларнинг зурриётининг маърифатидан камиоли бегоналиқ ва нотанишиликдир».

Бу сўзлар менга қаттиқ таъсир қилди. Сайдилларни улуглашга ҳаракат қилдим, уларни ҳақорат қилиш, қамаш ва ўлдиришни манъ қилдим ва ҳар киши уларга озор етказса, монелик қилдим. Ва Сайдид Абу Маъюнийки, менинг давлатимга ҳалал истаб, неча мартараб менга шикаст етказиш қасдиди эди, уни эҳтиромини қилдим ва ундан хафа бўлмадим. У ҳам мен раҳм қилганим учун ўз қилмишларидан пушаймон бўлди ва қилған гуноҳларини ювиш учун ҳаракат қилди. Ва мен уни пайгамбар арвоҳига солдим. Бу мажлисда Мозандарон волийси Амир Сайдид Алининг элчиси келди ва хабар етказди. Амир Сайдид Абул Баракот сўрдики, бу элчи кимнинг тарафидан келибдир? У деди: «Сайдид Али ибни

*Аби Толибнинг тарафидан келибдурман, токи Амирнинг суврат ва сийратини ўз кўзим бичан кўргайман». Мен ундан сўрадим: «Менинг суврат ва сийратимни нечук кўрдинг?» У деди: «Адолатни жаврдан биландроқ кўрдим ва ростликни ёлгонга голиб кўрдим ва салоҳни фисқу фужурдан зиёдароқ кўрдим ва сайтид ва уламони сенинг мажлисинга иззатикромда кўрдим».*

*Бу сўзлардан ишончим комил бўлдики зафар ва нусрат Амирнинг жиловида мулоғимидир, чунки, шариатда ва ислом йўлида доим қатъий турман. Дедим: «Элчи мундоқ керакдурким, барча ишини билса ва яхши-ёмонни ажратса, ўлчов билан сўз деса ва адаб бичан сўз эшилса ва саволга мундок жавоб берса!»*

*Ва Амир Баракот деди: «Бу элчи шиму ҳикматга мувофиқ сўз деди, чулки ҳар давлатдаки, шариат хор бўлиб, ривож топмаса ва ёлгон сўз ростдан кўп бўлса ва жавр адлдан зиёда бўлса ва бузукчилик тўғриликдан кўпроқ бўлса, ва жоҳиллар олимлардан голиб бўлиб, улуснинг мол-дунёсини зулм билан ноҳақ олмоқ ривож топса, тез фурсатда салтанат биносига вайронлик етади».*

Мен бу мажлисида Самарканд ҳукуматини Амир Довудга марҳамат килдим. Амир Жоку, Амир Сайфуддин, Амир Ику Темур, Амир Аббос, Искандар, Олим Шайх Қавчин, Киморий Иноқ Баҳодирга довул ва байрок бердим. Тавочиликнинг амирлигини Амир Сори Буғога топширдим. Амир Ҳусайн Барлосни амири девон килдим. Катта муҳрни Ику Темур Баҳодирга топширдим. Хитой Баҳодирни баҳодирларга бошлиқ килдим. Шайх Али Баҳодирни мантосийларга ва Оқ Темур Баҳодирни нуртосийларга ва Тобон Баҳодирни антосийларга бошлиқ килдим. Амир Буғони мажлис тузукига амир килдим. Элчи Баҳодирни злоҳида кўрчиларга саркарда килдим. Давлатшоҳ Баҳшини мажлисга барча киргувчи ва чикувчиларга бошлиқ килдим, то ҳар ким кирса ва чикса кунма-кун арзга етказсин. Самарканд ва Бухоро раиятини барча кўл остидагилари билан тархон килдимки, уларнинг мол-дунёсини олмасинлар ва уларга ёрлик бердим.

*Аввалиги халалки, салтанатим бошида юз берди ва мен уни тадбир билан иложини килдим. Зиндачашмнинг итоатсиз бўлиши эди. Зиндачашм Амир Ҳусайн томонидан Си-*

мирғон (Шибирғон)да хоким эди. Мен уни ўз хукуматида қолдирған эдим. Амир Жоку қайта-қайта арз қиласы, Зиндашым марҳаматга сазовор эмасдир. Мен дұст-душман-га уч йилгача омон бердим дегандим. Агар келишиб иш тутсалар мартабаси баланд бўлади ва агар каршилик кўрсатсалар юзтубан бўлади, деган эдим.

Амир Ҳусайннинг лашкарбошиси Амир Мусо мен Балх тарафга бораётганимда бир манзилгача бирга борди ва иккичи манзилда қочиб, Ҷуркистон тарафга борди. Амир Ҳусайн қатл этилгани хабарини эшигандан сўнг гунохига узр айтиб, омон тилади. Мен унга омон бердим. Ва у кўп ҳийлагар ва ишончсиз киши эди. Икки-уч марта менинг лашкарим билан урушиб шикаст топгани ва кўп азоб чекканига қарамай, яна қайта журъат қилиб менга кўп озорлар етказган эди. Мен унга ёрлик ёзиб, Чанги Баходирни унинг олдига юбориб тасалли бердим. Унинг кўнгли соф бўлмагани учун урушга кириб мағлуб бўлиб, пиёда, оч-яланғоч, аёли ва бола-чакаси билан қочиб, Шибирғонотда мухолифлик байроғини кўтарған Зиндашамга бориб кўшилди. Ва ҳийла-фасодга кўл урди. Ва мен ўзимни билмаганга олиб, ҳеч сўз демадим ва Зиндашам ва Амир Мусонинг яхши-ёмон ишига эътибор Бермадим ва уларни ҳеч хисобга олмадим. Ва амирлар менга: «*Бу икки бузуқни даф қилиш возможидир*», - дедилар. Мен уларга: «*Агар ўзим уларнинг дафига жўнасанам, ҳалоиик кўзида улар улуғлик касб қилишиади ва улар менга қарши чиқсалар ва мен уларни тутуб жазоласам, Амир Ҳусайннинг икки павкарини тутуб жазога етказган бўламан. Бу гоят ҳақиришидир. Яхшиси уларга ёрлиқ ёзиб юбораман, агар итоат кўрсатиб, қабул қилсалар хўп-хўп ва илло уларнинг сазосини бермак осондир*», - дедим.

Ва Зиндашамга тасалли ёрлиғини ёзиб, Амир Ўлжайту билан юбордим. У шодлик кўрсатиб, ёрлиғимга таъзим кўрсатиб, аҳд килдики, ҳозир сенинг изингдан тўхтовсиз бораман, деб. Амир Ўлжайту қайтиб келиб, унинг келиши хабарини етказди. Мен унга: «*У ўта хиёнаткор кишиидир*», - дедим.

Амир Ҳусайнга душман бўлган, Амир Байрамшоҳ Арлот, менинг уни устидан зафар қозонганимни эшитиб, Ҳурсондан йўл олиб менга итоат юзини қўйган эди, Зиндашам

унинг йўлини тўсиб, ҳамроҳлари билан ўз манзилига тушириб, тўй бериб меҳмондорчилик килди ва уни тутиб турди. Мен унга келишинг чўзилиб кетди, деб ёрлик юбордим. Ва Тумон Баходирни уни бирга олиб кел, деб юбордим. У оқибатини кўрмайдиган қайсар одам, Тумон Баходирни ҳам тутқунга солди. Мен унинг бундай сурбетлигидан хабар топгач, дархол газабим кўзиб амр килдим, то кўшин ва угрукни Симирғон тарафга чикардилар. Симирғон тарафига йўл олганим хабари Зиндачашмга етгач, Симирғондан Қалъаи Сафедни ўзига паноҳ этди. Ва Ўлжайтунинг этагига тавба ва истиғфор бошини уриб, ўзининг кафандан киличини даргоҳимга юбориб, Амир Ўлжайтуни гунохига шафиъ килди. Бир неча кундан сўнг ўзининг иниси билан менга узр келтирган Амир Мусони кўлини боғлаб олдимга юборди. Ва мен Амир Мусони иззат-хурмат қилиб, сарпо кийдириб, ўзининг эл-улусига амир килдим. Амирлар менга: «*Бундай хиёнаткор кишининг амир бўлгани яхши эмас*», - дедилар. Мен уларга: «*Уларга килган эҳсонимни кўриб, кўп қайсар-лар келиб тобе бўладилар. Зиндачашм Амир Мусони синамоққа менга юборди, унга эҳсон қиласаматми ё қасос оламанми?*» - дедим. Шу важдан Зиндачашмнинг сўзига ишониб, қайтиб салтанат мақомида жой олдим.

Менинг салтанатимнинг бошида рўй берган иккинчи ҳалал шу бўлдики, Зиндачашмнинг гунохидан ўтиб, қилмиш дафтарига афв қаламини чекдим. У яна салтанатимга ҳалал етказмок учун ғуурур-васвасага тушиб, исён йўлига қадам кўйиб лашкар тортди ва Балх ва Термиз саҳросининг улусига чоповул солди. Бу хабар менга етиб келгач, мажлисимдаги амирларга амр килдимки: «*Дарҳол отланиб, ҳеч нарсага қарамай ўзингизни Зиндачашмга етказиб, улусини талон тарож қилиб, олган молчарини қўлидан олинг!*» Ва буюордимки, Арғуншоҳ бир гурух билан ўнг тарафда ва Хитой Баходир бир гурух билан чап тарафда юрсинлар. Улар илғор килиб, оз фурсатларда Омуя сувининг кўприги устида Зиндачашмнинг лашкарига етиб олдилар. Уша манзилда улар сувдан ўтар эдилар, кўплари жон талвасасида сувга гарк бўлдилар. Сув бўйида урушга тайёрланиб турган бир жамоа, ўқ ва найза зарби билан мажрух ва ҳалок бўлдилар. Арғуншоҳ Зиндачашм изидан кувди. Зиндачашм кўп машакқат билан қочиб,

Симирғон қалъасига кириб, дарвозани беркитди. Шу билан Аргуншоҳ менга бундай арзу ҳол юбордики: «Зиндаашм Симирғон қалъасига кирди. Мен Хитой Баҳодир билан ат-рофди қараб туриблиз. Агар яна бир жамоа күмакка келса, Зиндаашмни қалъадан чиқарib, кўлини ва бўйини боғлаб, даргоҳга элтармиз».

Мен дархол Амир Жокуга от ва ярог-асбобни тайёрлаб бериб юбордим. Амир Жоку тезлик билан бориб Симирғон қалъасини куршовга олди. Киш фасли эди. Уч ой муддат камалда тутдилар. Қалъа ахлининг аҳволи танг бўлди. Охири Зиндаашм ўзининг ҳолини хароб кўриб, Амир Жоку паноҳига келди. Амир Жоку билан қадимий ошнолиги бор эди. Уни ўртага кўйиб, қалъадан чикиб, унинг химояси остида тавба ва истиғфор билан даргоҳга келди. Ва мен буюрдим, барча амирлар истиқболига чиқиб, иззат-икром билан Зиндаашмни мажлисга келтирилар.

Зиндаашм мажлисга киргач, бўйнига қиличини осиб хижолатдан бошини паствга эгди. Гумон килдики, мен уни катл этишга хукм этгумдир. Мен унга хитоб қилдимки: «Агар сени ўлдирсан бир фойда қилгайман, агар тирик сақласам икки фойда топарман. Ва лекин мен сени бағоят мардана ўнгит бисурман. Шу марданалигинг учун гуноҳингдан ўтиман. шу шарт биланки, ўтган ишларнинг ўрнини тўлдириши учун ҳозир Канг Темур улусининг устига юриши қилиб, уни бўйсиндирасан». У менга: «Мен жонимни Амирга тортиқ қилганман», - деди. Мен унга эҳтиром кўрсатиб, от, сарпо ва заррин камар инъом килдим. У бориб Сайхун (Сирдарё) сувидан ўтиб биринчи ҳамлада Канг Темур элини қуллик ҳалкасига солиб, уларнинг оқсоқолини даргоҳга олиб келди. Мен унга яна иззат-икром кўрсатиб Симирғон вилоятини топширдим. Канг Темур эли хукуматини ҳам унга арzonий тутдим.

Учинчи ҳалалким, менинг салтанатимда юз берди. Канг Темурнинг ҳалали эдиким, мен уни асили билиб хорлик тупроғидан кўтардим. У асили бўлмагани учун ўзини ҳоким билди ва ўзининг зоти пастилигини кўрсатди ва куфрони неъматга қадам кўйди, мухолифлик тутини кўтариб, лашкар тузди. Мен унинг устига лашкар тортишдан ор қилдим. Баҳром Жалойир менинг хизматимни тарқ этиб, яна кайта келишни

орзу қиласынан да жаңынан да өткөнде деңгелес болады. Шу жиһатдан уни сийлаб амирлик мансабини бердим. У хижолат бўлиб, қиличини чиқариб: «*To ўтмиси гуноҳларимни ювмагунча бу қилични қинга солмайман ва Канг Темурниким, мухолифлик тугини кутаридир. то бўйни ва илигидан боғлаб даргоҳга келтирмагунича, бир лаҳза тинчимайман*», - деди.

Мен унга таҳсин айтдим ва бир гурухни Шайх Али Баҳодирнинг сардорлиги билан тайин этдимки, бориб Канг Темурнинг жазосини берсингилар. Баҳром Баҳодирнинг кошида бир жамоа улус бор эдики, пистирмада туриб Баҳромдан қасос олишни мўлжаллардилар. Улар бундай қулай фурсатни кўлга кирита олмадилар ва Баҳром уларнинг макридан нажот топди. Ва Шайх Али Баҳодирни ўзига паноҳ килди.

Канг Баҳодир саф тузаб, борган лашкарнинг рўпарасида уруш тугини кўтаргандан кейин, Хитой Баҳодирнинг кўзи Канг Темурнинг лашкарига тушиб, ғазаб ўти алана олди. Макина Хотун сувидан танҳо ўтиб, ўзини яшиндек Канг Темурнинг сафиға урди. Шайх Али Баҳодир ҳам унинг изидан от кўйиб етиб келди. Канг Баҳодирнинг лашкари уларнинг забардастлиги ва мардоналигини кўриб ҳайрон бўлиб урушдан кўл тортилар. Ва бу икки баҳодир музaffer бўлиб, ўз кайтулига келдилар. Шу орада Канг Баҳодирнинг лашкари ўз-ўзидан бузилиб, ҳар бири бир тарафга тарқаб кетдилар ва Канг Баҳодирни танҳо колдирилар. Баҳром Баҳодирга халал етказган душманларини тутиб жазоладилар.

Тўртинчи халалким, менинг салтанатимда рўй берди. Жета лашкарининг келгани эди. Бу воқеа шундай бўлган эдики, Зиндачашм ва Амир Мусо ниҳоятда кўп нарсадан айрилганидан Жета тарафга хат юборган эдиларки, агар Жета лашкари Самарқандга йўл олса, бизлар Амир Темурни кўлга олиб Мовароуннаҳр вилоятини олурмиз. Жета лашкари хомтама бўлиб, кўп жамият билан менинг устимга юрдилар. Мен Жета лашкарининг йўлга тушганини эшитиб, бу воқеа иложини унинг юз беришидан олдин фикрини қилиб, ҳеч нимага қарамай Самарқанддан чиқдим ва Буқоҳ мавзеида Жета лашкарини қаршиладим. Улар тоб келтиролмай, кочишга юз тутдилар.

Зиндачашм, Амир Мусо, Абуллайс Самарқандий ва Амир

Абу Маъоний, менинг ҳаққим уларнинг бўйнида сабит эди, ўз ишларини яхши кетаётганини кўриб, кенгаш қилдиларки, овда мени кўлга туширмоқчи бўлдилар. Бир кун мен овга чиқиб қўлимга куш олган эдим, қўрдимки тўрт отлик баҳодир юзларига никоб тутиб, ов жойида менга ҳамла қилдилар. Мен дарҳол довул чалувчини олдимга чакирдим, килич ва қалқонимни кўлга олиб, каттиқ наъра чекдим. Наърамни эшишиб душманлар кочдилар. Шу ондаёк жиловимдаги баҳодирлар уларни тутиб келтирдилар. Мен уларни кўйиб юборманглар, деб буюрдим. Овни охирига етказиб, Самарқанд дор ус-салтанасига келгандан сўнг мажлис тузиб, уламо ва саййидларни чакирдим ва уламодан савол қилдим: «Ҳар жамоаким шаръий вожисиз бир мусулмоннинг қопини тўкишга қасд қиласа, уларнинг жазоси не бўлгусидир?».

Уламо дедиларки: «Уларнинг жазоси қасосдир ва лекин афв қилмоқ яхшироқдир!»

Мен уларнинг тўртталасини чакирдим ва Амир Абул-Маъонийга хитоб қилиб дедимки: «Мен сени ота-бобонгни дуосини қиласман, пайғамбарга тобе, умматиман ва мусулмонман. Сен пайғамбар саллаллоҳу алаїҳи васалламнинг наслиданурсан. Мен сенга эҳсон ва муруват кўрсатганимга қарамай, сен эвазига менинг жонимга қасд қилдинг. Шундай бўлса, ҳам гуноҳингни пайғамбарнинг арвоҳига солдим».

Ва Шайх Абу ул-Лайс Самарқандийга: «Сенинг гуноҳингни шайхлик отингга солдим», дедим ва Маккаи муazzамага кетмок рухсатини бердим. Амир Мусога: «Сен билан менинг кариндошлигим бордир. - дедим. – Мен қариндошлилк алоқасини узмайман, шу жиҳатдан сенинг гуноҳларингдан ўтдими». Шибирғонни Табтулда эл килган эдим, эл-улуси билан Баён Темур Баҳодирга бердим, билганини қилсин.

Менинг салтанатимга етган бешиничи ҳалал Хоразм во-лийси Ҳусайн Сўфи томонидан юз берди. Хоразм ҳокими Ҳусайн Сўфи фасодга кўл уриб, менинг вилоятимга қўшин жўнатибди. Ўша пайтда Хоразм вилоятининг катта-кичик машойихи менга бу мазмунда ариза битиб юбордиларки: «Қадимдин Ҳива вилояти ва Кот қалъаси Чигатой улусига таалуқли эди. Ҳусайн Сўфи бу вилоятларни эгаллаб, зулму ситам ҳаддан ошибдир. Мазлумлар додин золимдан олмоқ одил подиоҳга вожиб ва лозимдир».

Мен Ҳусайн Сўфини даф этиб, Ҳоразм вилояти раиятини унинг касофатидан кутқармок ўйида кенгаш қилдимки. Ҳоразмни бостиришга ўзим борсаммикин ёки кўшин тайин қиласаммикан. Бу кенгашда хотирамга келгани бу эдики, ча-вандозлик оҳангини тузиб, Ҳурросон тарафга от соламан. Бадаҳишон тарафдан хотирим жам бўлмагани учун Амир Жокуи Барлосни Қундуз, Бағлон ва Кобулистон худудига тайинладим ва лашкардан бир кисмини унга бўлиб бердим. Ундан сўнг Ҳоразмни эгаллаш тузукига машғул бўлдим.

Ҳоразм вилоятида салтанатимга юз берган ҳалаллар дафии-ни бундай тузукини қилдим: Амир Жокуи Барлосни Ҷадаҳишон ва Кобулистонга рухсат бериб юборганимдан кейин, Амир Довудни Эл Турдининг забтига тайин этдим.

Ва *сано етти юз етмиши учдаким* (773/1372) тахтга ўтирганимнинг учинчи йили ва ўзим ҳам *ўттиз етти ёшга кирган эдим*. Ҳоразмни эгаллашга жазм қилдим. Амир Сайдуддинни Самарқандга ҳоким қилиб кўйдим. Жайхун суви бўйига чиқишим билан Ҳурросон, Ғур ва Ғаржистон ҳокими Малик Фиёсуддиннинг элчиси кўп тухфа ва ҳадялар билан даргоҳимга келди. Уни сарпо ва инъом билан улуғладим ва бошини осмонга етказдим. Малик Фиёсиддин Изуддин Ҳусайн ўлгандан сўнг Ҳурросон, Ғур ва Ғаржистон вилоятларига ҳоким бўлиб, салтанат тахтига ўтирган эди. Унинг тахтга чиқиши табриги ва Малик Изуддин таъзиясининг номасини ёзиб, унга бериб юбордим.

Шу махалда эшитдимки, Ҳусайн Сўфиёнинг қўшинлари Мовароуннаҳр вилоятига келиб, чоповул қилмоқдалар. Амр этдимки, уларнинг дафъига коровул қўшини борсин. Қорувуллар шитоб билан Ҳоразм лашкарига юз кўйгач, биринчи ҳамлада кўпчилиги қўлга тушиб, бир жамоаси кочиб. Кот калъасини паноҳ этдилар. Байрам Ясовул билан Шайх Муайдики, Ҳусайн Сўфи томонидан у ерда ҳоким ва доруга эдилар. ваҳимадан Кот калъасига яшириндилар. Менинг зафарёр лашкарим уларнинг ортидан этиб бориб, Кот калъасини камал қилиб менга ариза ёздилар. Мен тўхтовсиз оёғимни узангига кўйиб, илгор этиб этиб бориб, ўша калъа хандагининг лабига тушидим. Лашкарим мени кўргач, ҳаммалари отдан тушиб, қўлларига каманд ва ёйларини олиб хандакга тушидилар. Аввал Шайх Али Баҳодир каманд ташлаб калъа

деворига чиқди. Қалъа аҳли унинг камандини кесдилар. У камандни тутиб қалъа деворидан боши билан ерга тушди. Оёғи ерга тегиши билан яна каманд ташлади. Жаҳон Пахлавон ҳам темир занжирни отиб, қалъа деворига маҳкамлаб, занжирга осилиб қалъа деворига чиқди. Шу пайт қалъа устидан бир найзадор келиб, Шайх Алига найза солди. Жаҳон Пахлавон унинг қўлидан найзани тортиб олиб, қалъанинг кунграсидан тутиб, қалъа устига чиқди.

Мен ўша онда довул урдим. Шундан сўнг лашкар ҳужумга ўтиб, қалъа ичига кирдилар. Қалъа хокими Байрам Ясовул омон тилади. Мен омон бердим, лашкар қалъа молини толон килдилар. Шундан сўнг Кот қалъасида уч кун бўлдим. Ғиёс суддин Тархон ва Ўлжайту Юсуфни икки гурух лашкар билан Ҳусайн Сўфи қайтулининг ўнг ва чап тарафларига юбордим. Ўзим довул уриб, Кот қалъасидан отланиб илғор этиб Хоразм ерига кирдим. Ҳусайн Сўфи лашкарини сафлаб турарди. Амир Кайхусравни сардор қилиб, Ҳусайн Сўфи каршисига тайин этдим.

Шу пайт Ҳусайн Сўфининг кўзи менинг жигамга тушиб, Хоразм қалъасига кирди ва элчи юбориб, агар менинг хатоларимга афв қалами чекилса амри фармонларини бажаришга бош эгармен. Унга омон бердим, аммо унинг кўнгилдан чиқариб бош эгканига ишончим йўқ эди. Синамоқ учун Амир Кайхусравга айтдимки, агар Ҳусайн Сўфи қалъадан чиқса, Хоразм унинг фасодидан тозаланаарди. У мендан бу сўзни эшитгач, Ҳусайн Сўфига хабар бердики. Амирнинг сўзига инониб, қалъадан чиқмасин. Агар лашкарини тузаб чиқса, мен ўз қўшинларим билан унга қўшиламан. Ҳусайн Сўфи Амир Кайхусравнинг сўзига алданиб, кўп лашкар билан қалъадан чиқди. Саф тортиб, Хоразмдан икки фарсанх йироқдаги Корун суви лабида сурон солди. Ул вақтда Амир Кайхусрав келиб менга арз этдики, мен Ҳусайн Сўфини аллаб ов майдонига келтирдим. Мен Амир Кайхусравга амр этдимки, ўз қўшини билан бориб Хоразм шаҳри йўлини тўс-син.

Шундан сўнг довул уриб отланиб, сув бошида уруш тузукини туздим. Аввал буюрдимки, Амир Муаййид ўз қўшинлари билан сув юкорисидан ўтсин. Ва Хитой Баходирга буюрдимки, у ҳам ўз қўшини билан сувнинг қуйи томонидан

кечиб ўтсин. Шайх Баҳодир ҳам ўз қўшини билан сувдан ўтди. Элчи Баҳодир ҳам ҳафсираб сувга тушди. Шу билан оти бир нарсага қоқилиб отдан айрилди. Мен амр этдимки, ҳамма лашкар сувдан ўтсин. Мен ўзим ҳам ўтаман деб отга камчи урган кезда, Шайх Мухаммад Баён Сулдуз билан Шайх Баҳодир узангимдан тутиб кўймадилар. Ўзлари менинг байроғимни олиб равона бўлдилар.

Қўшиннинг назари менинг байроғимга тушгач, ҳамма бирдан от солдилар. Икки тараф орасида уруш кирғин бошланди. Пичок ва ханжарни ишга солиб, икки тарафдан кўп киши ўлди.

Хусайн Сўфи ўз ҳоли ҳароблигини кўргач, «ағфарор», деб кочиб Хоразм қўрғони томонга юзланди. Амир Кайхусрав ўз жойидан унга бемалол ўтишга йўл берди. Бизнинг зафар низомли лашкар унинг кетидан бориб, Хоразм калъасини қамал қилдилар ва қалъа аҳолисининг ҳолини танг қилдилар. Шу орада Хусайн Сўфи қўрққанидан жонини худога топширди. Унинг ўрнига ўтирган Юсуф Сўфи ожизлиги белгиси сифатида қиличини ташкарига чиқарди: «Мен ҳали даргоҳ қулларидан биридурман, итоатларини сўзсиз қабул қилурман, шарти шуки икки томонлама алоқа ўрнатиш учун наасаби Ўзбекхонга бориб етадиган бир қизим бор, уша амирзода Жаҳонгирга мансуб бўлса ва шу восита ила итоат ва тобелик этагини маҳкам тута оламан».

Амирзода бу раъйга чин кўнгилдан рози бўлиб, менга арзнома юборди. Мен амирзода Жаҳонгирни бир неча кишилар билан Хоразмда қолдириш шарти билан рози бўлдим. Бу никохга ёрлик ёзib бериб, Самарқанд тарафга йўл солдим. Ва Самарқандда адолат ва фароғат бисотини ёздим. Шу орада Амир Кайхусрав Ҳатлоний менга карши чиқиб, Юсуф Сўфига хабар қилди. Уни шундай иғво қилдики, менга карши кўзғолсин ва мен кўйган кишилар билан амирзода Жаҳонгирни Хоразмдан четлаштирсинг.

Юсуф Сўфи аввал Амир Кайхусравнинг гапига ишонмай, итоат йўлида собит турди. Шу орада Кайхусрав ўз максадига этиш учун иккинчи марта ўз дўстларидан Шоҳ Махмуд Бухорийни Хоразмга юбордики, бориб Амир Кайхусрав томонидан Юсуф Сўфини иғво килсинки, у мухолифлик байроғини кўтарсинг. Улар орасида бу аҳд боғлангач, Юсуф Сўфи

мухолифлик созини тузди.

**Салтанатиминг тўртинчи йилда юз берган олтинчи халал Амир Кайхусравнинг миясига салтанат даъвоси уриб, нифок ва адоватга кўл ургани бўлди. Унинг нияти шу эдикি, Юсуф Сўфига дўст бўлиб Хоразмга бориб ва ҳйла билан Хоразмни Юсуф Сўфидан тортиб олиш ва ундан кейин мен билан уруш ва саваш қилишдир. У ўзи тарафидан юборган Шоҳ Махмуд Бухорий бориб Сўфи билан Амир Кайхусрав орасида келишув ипларини бир-бирига боғлади. Улар идтифок битими туздиларки, биргаликда менинг устимга лашкар тортмоқчи бўлдилар.**

Юсуф Сўфи Амир Кайхусравнинг сўзларига алданиб, мен билан килган аҳду-паймонини бузиб, сўзни бир жойга қўйиб келишдиларки, Юсуф Сўфи ўз лашкарини тузиб менга рўпара бўлган чоғда, Амир Кайхусрав менинг лашкаримдан юз ўгириб чиқади. Юсуф Сўфининг менга муҳолиф бўлгани хабарини эшитиб таажжубда эдимки, Амир Кайхусравнинг бир маҳрами Юсуф Сўфи билан Амир Кайхусравнинг аҳдномасини бир нарсага ўраб, менга келтириб: «улар сенга карши адоват камарини боғлаб иттифок туздилар», деди. Мен бу сўзни пинҳон тутдим.

*Сана етти юз етмиши олтида (776/1374-1375) қирқ ёзига кирган вақтимда* ов қилиш мақсадида Самаркандан чикдим ва кенгаш килдимки, Юсуф Сўфи ўзига куч-кудрат ва мададкор деб билган Амир Кайхусравни қулатиб, Юсуф Сўфининг устига от соламан. Қарши яқинига етгач, мажлис тузиб, уламо ва машойихни хузуримга чакиртирдим. Шундан сўнг Амир Кайхусравни олиб келиб, Юсуф Сўфи билан килган аҳдномасини чиқариб, Кайхусравга «ўқигин» дедим. У ўз хати ва муҳрини кўргач, шарманда бўлиб бошини қуи солди. Мен унинг уялганидан уялиб, хижолат тортдим. Шундан сўнг у инсофга келиб: «Амир ҳар кандай сиёsat килишни тиласа, ўшанга лойиқман», - деди.

Мен унинг сиёsatини шунда билдимки. Хатлон ту-манини Амир Муҳаммад Шер Бахромга бераман. У билан Амир Кайхусравнинг орасида бурундан адовати бўлгани учун Кайхусравни хам унга тошираман, нима килса билганини килсин.

Шу мажлисдан сўнг отланиб, Хоразм тарафга илғор этдим.

Хоразм құмларидан ўтишим билан Кайхусрав воеаси ва менинг етиб келганим Юсуф Сүфига маълум бўлди. У злчи юбориб амирлари билан амирзода Жаҳонгирни ўзига шафиъ этди. Амирзода Жаҳонгирга берган хонзода хотунни ута бе-зантириб, кўп тортиқ билан шафоатга юборди. Хонзода хотунни ўзига ёкимли ва тили бийрон аёл эди. Биринчи мажлисда менга: «У киши шаҳан-шоҳдирки, шоҳу гадога марҳамат қилиб, гуноҳидан ўтур. Уларнинг озгина калта ўйлаган ишларини ҳисобга олмас. афв этур. Душман ҳар қанча душманлик қиласа тиз чўкиб, бош эггандан кейин уни душман билмас. Подиоҳ улдирки. Ҳар кимсани кўтарса ташламас, ҳар пима берса ўрнига ҳеч нарса олмас ва ҳеч кишининг душманлигига эътибор бермас ва душманни назар-писанд қилмас, балки уни ҳақири бечора санар», - деди.



Шундан сўнг Юсуф

Сўфининг гунохини афвини илтимос этди.

Мен унинг сўзларининг эвазига Хоразмни унинг маҳр ҳақига бердим ва Юсуф Сўфини унга тайинладим. Юсуф Сўфига Жаҳонгирнинг ёнида кўйган кишиларнинг устидан назорат қилиб туришни тайинлаб. Самарқандга қайтдим. Амирлардан бир жамоасини тайинладим, то менинг орқамдан Хонзода хотунни Самарқандга олиб келсинлар.

Самарқандга етиб боргач, насаби Корачор Нўёнгга етиб борадиган Амир Ёдгор Барлос ва Амир Довудни ва Улжайтуни уни кутиб олиш учун Хоразм тарафга юбордим. Булар Хо-

разм яқинига етиб келгач, Юсуф Сүфи уларни қаршилаб, иззат-икром қоидасин бажо келтириб, ҳар бирига совға ва тортиқлар бериб, шоҳона зиёфатлар қилди. Итоат ва фармонга бўйсуниш аломати сифатида Хонзода хотунни даргоҳи олий тарафга жўнатди. Хонзода хотун ўша амирлар билан Самарқанд яқинига келгач, олий мартабали хотунларга амр этдимки, истиқбол расмини бажо келтириб, катта байрам ва улуғ тўй ва зиёфат тузасинлар. Ва буюрдимки, бу базмда саййидлар, қозилар, уламо ва машойих ва бошка аъёнлар йиғилишиб, тўй маросимини бажо келтирсинлар. Тўй маросими тузатилгач, амр этдимки, саййидлар ва қозилар Ҳазрат Мустафо саллаллоҳу алайҳи васаллам шариати бўйича никоҳ ўқидилар ва худога шукрки барчаси бўлди.

Салтанатимнинг бешинчи йили юз берган ва мен уни тадбир ва қилич билан ҳал қилган етгинчи ҳалал шу бўлдики, сана етти юз етмиш еттида кирк беш ёшга қадам қўйганимда Жета хонининг лашкарбошиси Қамаруддин Ўғлон, мен Мовароуннахрни қилич зарби билан Амир Темурдан оламан, деб қилич кўтарибди. Ҳаво каттиқ совук бўлишига карамай, отландим. Гайрат менга уйқу бермади. Шундай каттиқ совукда илғор этиб Қатағон работида тушдим. Кун ниҳоятда совук бўлгани учун кўп ўтин йигиб. гулхан ёкиб гўшт-кабоблар пиширишди. Бир пайт кор ёғишга бошлади ва кор кўплигидан отлар юролмай ўша работда кишиладим. Ва амр этдимки, ҳамма ўзига бошпана топсинлар.

Амирлар келиб тиз чўкиб айтдиларки, Самарқандга қайтилса яхши бўлар эди, кўп отларни бой бермоқдамиз. Мен уларга «Самарқанддан чиқмаганимизда бошқа гап эди. Энди орқага қайтишида неча нуқсондир ва бу ерда яшашида неча фойдаладир. Худога шукр. ҳаммага ҳамма нарса етарли. Подшоҳларда бир одат борки, ҳар бир ишга киришиса, орқага қайтмаслар. Агар бир ҳукм содир бўлса, бу ҳукмни ўз ўзидан бекор қилмаслар», - дедим. Мен Қамаруддинни тутишга жазм килдим ва ўша работда кирк кун турдим.

Совук шиддати сал камайиши билан амирзода Жаҳонгирни хировул қилдим. Шайх Мухаммад Баён Сулдуз ва Жалойир улусининг волийиси Одилшоҳ Баҳромни амирзода Жаҳонгирга кўшиб бердим. Улар Ҳорун мавзеига етганда, Ка-

маруддин Ўрийлар Ҳовузи бўйида ўтириб, лашкар тўплаш билан банд деб эшилдилар. Ва амирзода Жаҳонгир илохий иноятга суяниб, илгор этиб хужум уюштириди. Шундан сўнг Қамаруддин саросимага тушиб кочиб, Ғўрийлар Ҳовузи дарасида қамалди. Тонг отгач амирзода лашкари Қамаруддин лашкаридан колганларини йигиштириб, Қамаруддин бекинган дарага йўл олдилар.

Ўша куни Қамаруддин лашкари хийлагарлик урушини килиб, кун кеч бўлди. Сўнг тоб келтиролмай, кочишга юз тутдилар. Улардан колган барча Жета кофирлари ўқ ва киличга ем бўлдилар. Амирзода Жаҳонгирнинг аризаси менга этиб келгани ҳамоно, оёғимни узангига кўйиб илгор этдим ва этиб борган пайтимда Жаҳонгирнинг лашкари Қамаруддиннинг элини талон-тарож килиб тугатган эдилар. Мен Амир Довуд, Ҳусайн Баҳодир ва Жъефар Баҳодирни Қамаруддиннинг кетидан кувдириб, унга ерга тушмак ва дам олмок мажолини бермасликни тайинладим.

Шундан сўнг Или дарёси бўйидаги тоғлик мавзега тушдим. Шу кезда Ҳусайн Баҳодирнинг сувға гарк бўлганини эшилдим. Уларнинг Қамаруддиннинг таъқиб қилишини яхшиликка йўймадим. Бир гурӯҳ лашкарни амирзода Жаҳонгирга бериб, Қамаруддинни тутишда ҳар кандай жидду жаҳдан дариг тутгасликни буюрдим. Амирзода Жаҳонгир Қамаруддиннинг кетидан тогма-тоғ, дарама-дара кувлаб, барча яроғ, молу анжомларини олдилар. Унинг хотунлари ҳам қўлга тушиб, ўзи етти киши билан ўша тоғли жойларда саргардон бўлди. Амирзода ҳам ҳиммат камарини белга боғладики, то Қамаруддинни тутмагунча бу ишдан илик узмагай. Бу тоғликларда кўп даралик ва жарликлар бўлгани учун амирзода пиёда бўлиб ахтармоққа киришиди. Бир булоқ бошида Қамаруддинни елкаси билан бир тошга суяниб ўтирганини кўради. Шу пайт қўшин аскарлари этиб келиб Қамаруддинни кўлга оладиган бўлдилар. Шу пайт қадду-комати худди Қамаруддинни ўзи бўлган бир йигит, Қамаруддин менман деб бақиради. Улар буни қўйиб, ўша йигитни тутдилар ва унинг ёнидаги етгита ҳамроҳини ҳам қўлга олдилар. Уларнинг ҳаммаси ёлғондан гувохлик бердиларки, Қамаруддин ушбу йигитдир. Бу орада Қамаруддин қочиб, бир чукурга яширинишига улгуради.

Амирзода зафар била қайтиб Қамаруддинга ўхшаш йигитни менга кўрсатди. Қамаруддинни кўрган ва таниган одамлар: «Бу Қамаруддинга ўҳшайди, аммо Қамаруддин эмасдир», - дедилар. Ўна йигитнинг ўзи ва ёнидаги одамлар: «Шундай, бизлар Қамаруддин берган туз ҳақи учун ўзимизни фидо қшидик», - дедилар. Мен уларга оফарин, таҳсин айтдим ва уларга: «Сизларга туз ҳақини оқлаганингиз учун гуноҳингиздан ўтдим», - дедим. Амирлар: «Энди Қамаруддиннинг ҳоли ҳароб бўлгандир», дейишди. Мен уларга: «Ўтни ўчирдим, лекин чўги қолди», - дедим.

Шундан сўнг отланиб Қора Сумокка тушдим, у ердан ҳам кўчиб Рабоёзи сахросига келдим. Рабоёзи воҳаси дилкаш жой эди ва баҳор фасли ҳам келгани учун у ерда икки ой ишрат бисотин ёзib роҳат килдим. У ердаги амир тайинланган Амир Муборакшоҳ келиб бисот ўпиш шарафига муюссар бўлди ва зиёфат ва меҳмон кутиш маросимини тақдим этди. Мен унинг зиёфати эвазига Элсолор Ўғлон ва Ҳусайн элатини унга бердим. Шундан сўнг Самарқанд тарафга қайтиб, амирзода Умаршайхни у срга ҳоким тайинладим.

*Саккизинчи халал сана етти юз етмиши олтида* (776/1374-1375) *ва салтанатимнинг олтинчи йили ва мен қирқ ёшига кирганда юз берди.* Бу Сори Буғо билан Одилшоҳ халали эди. Қамаруддинни хаста хол ва паришон аҳвол кургандаридан сўнг, Қамаруддин уларни тарбия қилганлиги важидан унга кўшилдилар. У Жета хонига киши юбориб, ўз ожизлиги ва ҳоли ҳароблигини баён килиб, кўмак тилади. Сўнг Сори Буғо ва Одилшоҳнинг иғвоси билан Андижонга лашкар тортди. Амирзода Умаршайхнинг Андижонда минг қазоқи бор эди. Улар юз ўгириб бориб Қамаруддинга кўшилдилар. Шунда амирзода Умаршайх шундай кенгаш кўрдики. Қамаруддин билан лашкарини тоғликларга судраб, ўз томонига келтирмок эди.

Шу ният билан ўз лашкарини сафга тизиб Қамаруддинга кўрсатиб, секин-секин чекинди ва Қамаруддин буни кўриб изидан аста-секин кела бошлади. Хулоса шу зайлда Амирзода Қамаруддин лашкарини эргаштириб тоғ устига қадам кўйди. Шу йўсинда Қамаруддин лашкарини тузоқка туширди. Бу шундай рўй бердики, Қамаруддиннинг лашкари тогдараасига тушиши Билан амирзода унинг орқага қайтиш йў-



З.Ф.  
лини түсиб, күпчилигини ўқ ва киличга ем қилди. Сунг во-  
кеа тафсилогини менга етказди. Шундан сунг мен түхтөвсиз  
амр этдимки, лашкар түпланисин ва оёгимни узангига қуйиб

отланиб, Самарқанддан чикдим ва От суви мавзеига етиб келдим. Карасам Қамаруддин қочиб кетди, деган хабар кели. Унинг кочиши бир ҳийла эди. У тўрт минг отлик баходир билан менинг йўлимга пистирма қўйиб, тарқок аскарларини қочирганди. Мен Шайх Али Баходир, Оқ Темур Баходир, Амир Муаййид ва Хитой Баходирга амр этдимки, Қамаруддиннинг кетидан боринглар. Амирлардан баъзилари тиз чўкиб арз этдиларки, сизни ёлгиз қолдирмаймиз, дедиларки мабодо Қамаруддин бир ҳийла қилган бўлса-чи? Мен уларни койидим. Шу билан улар кетдилар. Мен уларни койиганимдан пушаймон бўлиб, шошилмай кетларидан кета бошладим. Менинг ёнимда қолган отликлар уч юз кишидан ортиқ эмасди. Лашкар кораси кўздан ғойиб бўлиши билан Қамаруддин пистирмадан чикди. Мени ёнимдаги лашкарим уни кўриб таҳликага тушдилар ва мен уларнинг кўнглига далда бердим. Шундан сўнг кўнгиллари тинчиди. Мен қуролларимни тўғрилаганлигимни кўриб, лашкарим ҳам якдиллик кўрсатдилар. Мен бир ўзим туриб, уларни олти гурух этдим. Шу пайт Қамаруддин лашкарини сафлаб, мен тарафга ҳамла килди. Уч марта ҳамла қилгандан сўнг, менинг олдимга етиб келиб, қилич солишга ҳозирлангач, бошига бир қилич урдимки саросима бўлиб, оти боши оқкан томонга йўл олди. Шу пайт, навкарлари жиловидан тутиб, жанг майдонидан чиқариб, «алфарор» деб қочиб равона бўлдилар. Мен ҳам саф тузиб одамларимни жамлаб, Қамаруддиннинг кетидан юриш қилдим. Ва саккиз фарсах юргандан кейин унга етиб олиб, бир амирга унинг ўнгу сўли ва орка-олдини қуршовга олинг, деб амр килдим. У гоҳ урушиб, гоҳ қочиб оркага чекинарди. ахири унинг олдиди етти кишидан ортиқ колмади ва оқшом тушди. Сўнг Қамаруддин пиёда колди, ўзи ҳам ярадор бўлганди. Бошка от ҳам тополмай пиёдалар орасида яширинди. Сўнг қуролларини ташлаб, ўзи бир чукурликда бекинди. Тонг отди, кейин Қамаруддиннинг отини тутиб олдимга келтирдилар. Қанча қидирмасин. Қамаруддиндан асар ҳам топмадилар. Барча амирлар Қамаруддин охират оламига равона бўлди, дедилар. Мен уларнинг гапига кўнмай, ўша ерни ён-атрофини қидиришни буюрдим. Ундан хеч асар топилмагач, Самарқанд тарафга қайтдим.

Амирзода Жаҳонгир Самарқандда бемор бўлиб қолгани

учун кўнглим нотинч эди. Бир кечада туш кўрдимки, бир дарёда кемада кетаётган эмишман ва Жаҳонгир бир қайикка минибди. У қайик сувда гарқ бўлди, мен кўл узатиб уни олишга қанча уриндим, мусассар бўлмади. Уйқудан уйгониб, кўнглим паришон, дилим ғам-аламдан кон бўлди. То Сайхун сувидан ўтгунимча ҳам ҳеч ким Жаҳонгир хабарини бермади.

Самарқанд қораси кўрингач, истикболимга чикишган бир жамоа амирлар ва аҳолини кўрдим. Ҳаммаси қора кийнган. Мен уларнинг ҳаммасини қора кийимда кўриб, яхшиликка йўймай, билдимки Жаҳонгир воқеаси хақиқатга айланиди. Қаттиқ ғам-аламда колдим, подшоҳлик гайрати мени қора киймакликдан асрари. Ғам-хасратдан неча кунлар узлатга чекилдим.

Мен икки нарсадан ғамгин эдим: бири шуки, у ҳали йигитликда, яъни йигирма ёшида (757/1356 - 777/1375-1376) бу олам билан видолашди, яна бири мен ўзим куч-қувватим бўлгани шундай фарзанддан айрилганим учун, лекин ундан икки ўғил колдику, деб ўзимга тасалли бердим. Уларнинг бири амирзода Пирмуҳаммад эди, унга ўз жамоатим соясида ер бердим. Ғамгинлигим боисидан бири шу эдики, унинг оталиги зиммасида бўлган Амир Сайфуддин юз берган бу воқеалардан сўнг тарки дунё қилиб, дарвишликларни ихтиёр этди.

Бу воқеа сана етти юз етмии еттида (777/1375-1376) рўй бергани учун бу йилни ўзимга ёмон фол кўрдим.

**Кирқ бир ёшига** (777/1375-1376) **кирганимда**, салтанатимда юз бергани халал Қамаруддин халали эди. У икки марта ўлимдан зўрга кутилганидан ҳам хулоса чикармай, Жега хонига бориб кўп лашкар жам этиб, менинг устимга лашкар тортди. Мендан юз ўтириб Қамаруддинга кўшилган Сари Буго билан Одилшоҳ икки йил тогларда сарсон-саргардон юргандан сўнг менинг даргоҳимга юз тутишдан ўзга чора топмадилар. Уларнинг шу муддао билан арзнома ёзиб, юборган кишилари келгач, мен уларни сўратиб, Кўкалтош билан Элчи Буғони юбодим. Булар шу ният билан у ерга боргач, Одилшоҳ кўркиб қочиб, Оксумо мавзеяга бориб тушди. У ердаги чўллик турклар унинг ёнидаги молини оламиз деб уни ўлдириб, молларини таладилар.

Бор овоги билан менга каршилик бонгини урган Сори Буго мардонавор сидк қадамини йўлга кўйиб, даргоҳимга ҳозир бўлди ва бўйнидан қиличини ерга кўйиб: «*Мана бош ва мана қилич*, - деди. - Қамаруддиндан азоб-укубат, бадаҳлоқлик ва баҳилликдан ўзга нарса кўрмадим. Бақллигимдан сендек Амирни ташлаб, унга қўшилиб, гумроҳлик килган эканман. Энди ундан кўнгилни уздим ва сидку ихлос билан даргоҳи олампаноҳга илтижо кўрсатдим».

Мен унга ён босиб, элатини бердим. Сори Буго асрุ мардона йигит эди. Мардоналиги учун гунохидан ўтдим. У Қамаруддинни тор-мор этишга йўл кўрсатишга аҳд килди. Мен амирзода Умаршайхни Қамаруддинга қарши юришга буюрдим. Сари Буғони унинг амири этиб тайинладим. Амир Оқ Буго ва Хитой Баҳодирни кўп қўшин билан амирзода Умаршайхнинг жиловига ҳамроҳ қилдим. Ва Сори Буғони маслаҳати билан иш тутишни буюрдим. Ва Сори Буго менинг хузуримда бундай кенгаш бердики: «*Мен чавандозлик ўқуситида Қамаруддиннинг устига илгор ўғлини тузаман. Лашкар чиққанинг хабари унга етиб боради, негаки у олақаргага ўшишган киши. Ҳушёрлик билан иши тутади. Унинг юртига бир жамоа қўшин юбориб, яна бир қўшин билан унинг устига илгор этиши керак*».

Мен унинг кенгашини маъқул кўриб: «*Амирзода Умаршайх Қамаруддиннинг устига борсин ва Хитой Баҳодир унинг эл-улусининг устига илгор этсан*», - деб тайинладим ва фотиха бердим. Сори Буғонинг йўл бошловчиси амирзода Умаршайхни Куротун сахросига шундай пайтда етказдики. Қамаруддин зиёфат пайтида овқат ейиш билан банд эди. Ва Қамаруддин қаддини ростлаб кўрдики, жазо қўшинлари унинг устига бостириб келмоқда. Саросима бўлиб яйдок отга миниб. биёбонга юз қўиди. Лашкари тузишиб каёкка қочгани маълум бўлмади. Амирзода Умаршайх бу биёбонда Қамаруддинни кўп ахтариб, ундан ҳеч асар топмагач. Самарқанд нойтаҳт шахрига кайтди. Хитой Баҳодир ҳам Қамаруддиннинг эл-улусини талон-тарож этиб, келиб амирзода Умаршайхга кўшилди. Шундай килиб амирзода ўша жазо қўшини билан ғалаба козониб, келиб Самарқандда этагимизни ўпиш шарафига мусассар бўлди.

Қамаруддин халалидан хотиржам бўлганимдан кейин,

Ўрусхоннинг ўгли Темур Малик Ўғлон оғир лашкар билан Жўжи улусига хужум қилганлиги хабарини эшигдим. Жўжи улусининг мустақил хони ва мутлак ҳукмрони Тўқтамишхонни мағлуб килибди. Тўқтамишхон пат-қанотидан айрилиб, беш отлик билан келишига мунтазир эдим. Тўқтамишхоннинг юборган кишиси келди ва хоннинг дуою саломини етказди. Уни ҳузуримга чакиришга амр этдим ва баъзи амирларни уни қарши олишга юбордим.

Самарканд пойттахт шахрида Тўқтамишхон базм мажлиси шу йўсинда тузилди. Аввал мажлис аҳли, амирлар, саййидлар ва уламони ҳузуримга келишга амр этдим. Сўнг барча ичкилик ва егуликни муҳайё килишни буюрдим. Тўқтамишхон менинг олдимга келиб, унинг назари менга тушгач, менга яқинлашди. Мен унга қучок очиб кутиб олдим. У мени кучоқлаганча дедики: «Эй Амир, бу мазлумни додига етгил!» Мен унга: «Бош устига. Сизнинг додингизга етишга розиман!» - дедим. Шундан сўнг барча ишларни менга арз этди. Мен ҳаммасига рози бўлдим. У кўп риёзат чеккан ва оч қолган эди. Зиёфат бошланиши билан кўп таом еди, қайси бирини ейишини билмай, шу кадар кўп овқат едики, егани оғзидан чиқди. Мен уни кўнглини кўтардим. Бу мажлисда унга кўнок жойи тайинлаб, унга чодир, килич, от, туя, либос ва бошка кераклик нарсаларни тайин қилдим. Унга бир гурух кўшин бериб амр этдимки, бориб Ушокда кишиласин, токи у ерда атрофига лашкар тўплансин.

Унинг овозаси Жўжи элига етиб боргач, тарқаб кетган аскарлари келиб кўшилдилар. Уруш пайтида Темур Маликка асир тушган унинг укаси Ўзбек Темур пайт пойлаб кочиб, менинг олдимга келди. Жўжи эли менинг олдимга ариза ёзиб юбордиларки, Ўрусхоннинг ўғли Темур Малик зулму ситамни ўзига шиор этиб, мол-дунёмизга тана кўзини тикиб, шароб ичмоқдан кўз очмайди. Агар Тўқтамишхон кувватланса, у бу томонларга кела оларди. Агар шундай қилинса бизлар Темур Маликни тутиб асирга оламиз.

Мен Амир Сори Буго бошчилигида бир жамоа донғи чиккан амирларимнинг асбоб-ярогини тайёрлаб, Тўқтамишхонга ҳамроҳ қилдим. Амр этдимки, лашкарни етти гурухга бўлинглар ва аввал ариза битган Жўжи улуси олдига киши юборсинлар ва уларнинг маслаҳати билан иш қиласинлар.

Агар улар ахдларига содик бўлсалар, тўхтовсиз етиб келадилар ва агар пайсалга солсалар, уларни ҳам Темур Маликка қўшиб ағдаринглар.

Амир Сори Буго қўпни кўрган ва ёши улуғ қиши эди, менинг айтганларимни пухталик билан бажарди. Улус амирларининг ўзаро ҳамжихатлигини кўргач, илгор этиб Темур Малик устига шундай пайтда етиб бордики, у қаттиқ маст холатда кетма-кет шароб косасини тиларди. Унинг ҳамсухбатлари ҳам баъзиси маст, баъзиси чала маст эдилар. Уни отга миндириб Жўжи улуси орасидан чиқардилар. Жўжи злининг амирлари ҳам роса ҳаракат қилиб, ҳар кимнинг уйида Темур Маликнинг амири ё лашкари бўлса, унинг ўлжаси бўлди.

Амир Сари Буго Тўқтамиш етиб бормасдан бурун ҳаракат қилиб, Темур Маликни тор-мор келтиргани учун мен унинг ушбу хизматлари ажрига Чингизхондан қолган тилла безакли садокни бердим. Тўқтамишхон зафар қозониб, барча Жўжи улусига ҳоким бўлиб, у элни ўз ихтиёри доирасига кирилди. Даشتда мустакил ҳоким бўлгандан сўнг менинг қўшинларимга руҳсат бериб менга: «*Тарбияси шарофати билан дашт таҳтига ўтиредим*», - деб нома ёзди. Ўша пайтда амирлардан бир гурухи менга «*Тўқтамишхон бизнинг қўли-мизда бўлса, давлат манфаатига мос иши бўларди, энди яна қудратга миниб бизларга душман бўлиши мумкин*», дедилар. Мен уларга «*Менга Дашиб подшоҳлигини унга ато қичганини ўзи етарлидир. Даврон саҳифасида олам аҳли мени «подшоҳларни таҳтига ўтказганди подшоҳ» деган сўзлари қолса бас. Агар мен билан душман бўлса, ийқилади. Менга Дашиб подшоҳига раҳм қилиб, мазлумнинг додига етганини кифоядир. Агар мен уни тутуб турсам ё бошқа хаёл қиласам, бадном бўлар эдим. Олам аҳли менга паст, номард деган бўлардилар. Тўқтамиши мендан паноҳ сўраб келгандан кейин мен уни паноҳ бермасам, инсоф ійусинидан чет (чека) ва муруват қондасидан ўироқ кўринур эди. Тўқтамишхонга қилган бунчка яхшилигимни ҳамма маъкул ва мактоворга сазовор англағайчар*», - дедим.

Ўрусхон элчиси етиб келгани ҳақида мажлис. Тўқтамишхонни менинг олдимга келаётгани хабари Ўрусхоннинг кулологига етгач, вахимага тушиб менга элчи орқали нома ёздики: «*Тўқтамишхон ўз ҳаддидан ташқари қадам қўйгани*

учун унга танбек бериш мақсидида ўглим Темур Маликни юборган эдим. Эшитишимича ҳозир Тўқтамишихон ўша томонларга борган эмиши. Унга жой бериш керакмас. Конхўр турклар унинг изидан тушиб, эртаю кеч излаб, ундан ному нишон тополмайдилар».

Ўрусхоннинг элчиси яқинлашгач, туркларнинг доно кишиларидан Амир Корачор ва Амир Барлосни унинг истиқболига юбордим, токи унинг ҳол-ахволини сўраб-суриштирсинглар. Амир Корачорга уни меҳмон қилишни буюрдим. Амир Корачор унинг мезбони бўлгани учун менинг олдимга келиб шундай арз қилди: «Эгнига кўк ранг шолдан тўн кийган, беллига бўйдан белбоғ боғлаган, унинг устидан чармдан камар ва халта такқан бир одам бир тойсиз байталга минган ва байталнинг эмчаклари сутдан тўла, байталнинг устига бир кийгиз ёспилган, унинг устига бир мўғулча эгар урилган, эгарнинг икки ёнига ёғочдан узанги боғлаган. Бир аркондан унга айил билан куюшкон ясаган, бир ёнида бир ёғоч товок, бир томонига қўбуз осган ва яна бир саноч тўла курт ҳам осилган экан. Уни кўришим билан «Йўл бўлсин?» - дедим. Менга кингир караб хеч сўз демади. Шундан сўнг отнинг ёлига тикилганча йўлга тушди. Уни уйга келтирдим. Солган тўшагимнинг устига қадам босмай ерга ўтирди. Унга таом ва шароб келтирдим, кайрилиб бокмади. Шундан сўнг ўрнидан туриб, ҳовлининг атроф-теварагига караб, ҳовли атрофидан бир бузук чалdevорни танлади ва ўша чалdevорга кирди. Мен ўзимнинг юонон боламни юбордим, бориб унинг нима килаётганини кузатиб тургай. Бир соатдан кейин келиб хабар бердики, элчи ўша ҳаробага кирди. Сўнг аркондан бўлган байталининг айил ва куюшконини ечиб, у билан байтални боғлади. Сўнг устидаги эгарини ечиб олиб, эгарни остидаги кийгизни ерга тўшади ва эгарни орқасига кўйди. Сўнг ўша ёғоч карсончани байталнинг остига тутиб, унинг эмчакларини согди ва сутига курт солиб бир кўтаришда иди. Шундан сўнг кўлига қўбузини олиб, қулогини бураб созлади, кейин «яъна ҳо-ялла» деб ўзича ялла айтди. Бир соатдан кейин ўрнидан туриб байтали томонга йўналди. Байталини орқасига ўтиб, жимоъ оҳангин тузмокка киришди».

Элчининг бу қилган ишлари ва юриш-туришини эшитгандан сўнг амирлардан «бу нечук элчи бўлди» деб сўрадим. Ҳар

кайсиси бир нарса дедилар, баъзилари масхара килдилар. Мен эса уларга «*Ўрусхон менга ўз лашкарини кўрсатибdir. яъни айтмоқчики менинг мана шу йўсингдаги чодир ва озуқа. созу навоз ва аёллик лашкарим бор. Буни чорасини ўйлаб қўйши керак. Мен бу ишининг бўлишидан бурун олдини олиш учун Тўқтамишни Ўрусхонга яқин қилган эдим*», - дедим. Кейинги куни Ўрусхоннинг ўша элчисини менинг мажлисимга келтирдилар. У ҳеч кимга бокмай менга қаради. Мен унга тахт каршисида жой бердим. У менга Ўрусхон томонидан салом айтди ва нома берди ва айтдики: «*Тўқтамишхон қочиб, сенинг олдинга келган экан. Сендан ҳам қочиб сенга душман бўлади. Агар сен мадад берсанг, унинг юзида ҳаёси ўйқ, тез орада сенга штоатсиз бўлади*». Ўрусхоннинг элчи-си кандай айтган бўлса шундай бўлди.

Темур Маликнинг мағлуб бўлгани Ўрусхоннинг қулогига етиши билан юз йигирма минг отлик лашкарни менинг устимга сурди.

Салтанатимда юз берган ўшиничи халал Ўрусхоннинг лашкар тортмоғи эди.

Тўқтамишонни деб касос олиш максадида Ўрусхоннинг Мовароуннахрга юриш бошлагани хабари барча хосу ом қулогига етгач, ҳамма бўшашиб дедиларки: «Агар бу яйдок отга минган ўзбеклар бу вилоятга келсалар, мўру малахга ўхшаб ҳеч нарсани қўймайдилар». Мен ундан илдамлик килиб, Чигатой улусини чақиришга ҳукм этиб буюрдимки, улуғ ва кичик, пиёдаю отлик ҳаммаси бу ясокда ҳозир бўлсинлар. Шундай килиб, лашкар йигилгандан сўнг илғор йўсина ида Самарқанддан чикиб. Сайҳун сувидан ўтиб, Ўрусхоннинг ўйл бошига тушдим. Ўрусхон ҳам даштнинг барча эл-улусини жамлаб келиб, мендан йигирма фарсах нарига тушди. Шу лаҳзада шундай қиласкари Ўрусхон лашкари атрофига уч гурӯҳ қўшин юборайки, то улар хабар топгунча чопқин ясасин. Шу ўй билан бир гурӯҳга Борик Темурни ва яна бирига Хитой Баҳодирни ва яна бир гурӯҳ Хуросон ахлига Муҳаммад Султонни сардор этиб тайинладимки, ўзи ўша гурӯхга бош бўлиб келган эди. Булар биринчи марта хизматга келиши эди. Бу уч гурӯхни шу амирлар билан юбордим. Шу билан улар илғор этиб, кечама-кеча юриб, Ўрусхоннинг лашкарига яқин этиб бордилар. Такдир Темур Маликни ҳам ўз их-

тиёри билан менинг лашкаримни устига юриш килишга  
чорлаганди. Йўл ўртасида дуч келдилар.





АМИР ТЕМУР КҮРАГОН

ТУЗУК ЁРЛИГИ

# **МАЪЛУМ БЎЛСИНКИ, БУ МАЖЛИСДАН**

## **«ВАСИЯТ МАЖЛИСИ»ГАЧА**

## **«ТУЗУК ЁРЛИГИ» ЗИКРИДИР**

## **ИНШООЛЛОҲ ОХИРИГАЧА ЕТСИН**

Абул Мансур (ғолиблар отаси) Амир Темур дебдурларки: омади ёр фарзандлар ва иктидорли набираларга маълум ва ошкор бўлсинки, менинг авлодим ҳамма салтанат ва хукумат мартабасига етадирлар. Менинг шунча меҳнат ва ранж ва савашлар ва раббоний кўллаб-кувватлаш ва Мухаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам берган зафарлар орқали қўлга киритган давлат ва салтанатимга посбонлик қилиши ва бу тузукка амал килишлари керак, то давлат ва салтанатим ха-лалдан омон бўлсин.

Энди омадёр фарзандлар ва толеъ ёвар набираларга тузук-йўл шуки, мен бу йўлдан юраман ва мен ўн икки иш билан мулк олиб ва мулкни бошқариб, салтанатим йўл-йўригини безадим. Улар ҳам ушбу тузукка амал қилиб, менинг ва ўзларининг давлат ва салтанатларига посбонлик қиладилар. Ўз давлат ва салтанатимга тузган тузуклардан биринчни тузук шу эдики, Худо дини ва Мустағоф шариатига ривож бериб, исломга қувват бердим.

Иккинчиси шуки, ўн икки тоифанинг йигини ва иғтиофоклари билан мулк олиб, мулкдорлик килдим, давлат ва салтанатимни улар билан мустаҳкамлаб, мажлисимни улар билан ўтказдим.

Учинчиси шуки, маслаҳат ва кенгаш, тадбир ва хушёрлик, эҳтиёт билан қўшинларга зарба бериб, мулкларни эгалладим ва давлат ишларида мадоро ва мардлик, чидам ва билсам ҳам билмаганикка олиб. Йўл тутдим, лўстларга мурувват ва душманларга мадоро килдим.

Тўртинчиси шуки, салтанатимнинг идора коидасини шундай мустаҳкам ва давомли этдимки, ҳар бир кишини мартабага қўйсан, ундан заррача тажовуз қила олмади ва ҳар киши ўз мартабасида туриб, ўзгалар мартабаси химоячиси бўлди....

Бешинчиси шуки, амирларим ва қўшинларимни жонбозликка ўргатдим, улардан тилло ва тангани аямадим. Уларнинг меҳнат ва машаккатларини ўзим кўтардим. Лашкарни

тарбияладим ва машақкатли иш буюрмадим. Захматларини ўзим чекдим ва миннатини кўтардим. Амирлар ва лашкарбоши мардоналикларини кўмаги билан килич уриб, йигирма етти подшоҳнинг таҳтини эгалладим. Эрон ва Турон, Рум ва Мағриб, Миср ва Шом, Ирок ва Ажам ва Ҳиндустон мамлакатларини тасарруфимга киритдим. Салтанат жомини сипкоргач, роҳат тўшагида фароғат ва хотиржамлик билан ухламадим ва ўн икки ёшдан етмиш ёшгача азоб чекиб, тадбирлар килиб, лашкарларга зарба бердим. Дўсту душман билан муросаю мадоро килдим. Амирлар ва кўшин ахлидан қаршилик кўрдим, аччик сўзлар эшитдим. Ҳаммасини эшитмаган ва англамаганга солиб кўтардим. Ўз кўлим билан килич чопиб, шахару вилоятларга хукмрон бўлдим. шухрат козондим. донг таратдим.

Олтинчиси шуки, адолат билан ҳалойикни ўзимдан рози ва хушиуд этдим. Гуноҳлик ва гуноҳсизга раҳм килдим. Ҳақ ишга хукм килдим. Эҳсон билан кўнгиллардан жой олдим. Сиёsat ва инсоғ билан аҳолини умид ва кўркув орасида тутдим. Раият ва ожизларга раҳм кўрсатиб, эҳсон бердим. Лашкарга инъом бердим. Зулмни пойини киркиб, мазлум додини золимдан олдим. Золим ва мазлумга бир хил муносабатда бўлиб, зулму ситами исбот қилингандан сўнг шариатга мувофиқ ҳукм этдим. Умарнинг гуноҳи учун Зайдни тутмадим. Менга ёмонлик килиб, килич чопиб шикаст етказган кимсалар олдимга қайтиб келганиларида, уларни зъзозлаб, мартабаларини ошириб, ёмонликларини унугтдим. Уларга нисбатан шундай муомала қилдимки, кўнгилларидаги каршилик ва хийла бутунлай йўқолди.

Еттингчиси шуки, саййидлар, уламо, машойих, донолар ва муҳаддисларни сийлаб, таъзиму эҳтиромларини бажо келтирдим. Баходирларни дўст тутдим, негаки Тангри таоло ботир кишиларни яҳши кўрар экан. Олимлар ва донолар билан сухбаг курдим. Соҳиб диллар кўнглидан ўрин олиб, улардан химмат тиладим. Уларнинг муборак нафасларидан фотиха илтимос этдим. Факир ва дарвишларни дўст тутдим ва ранжитмадим. Нафси бузуклар, гийбатчилар, ичи кора ва ёмонларнинг сўзларига амал қилмадим ва уларга мажлисимда жой бермадим.

Саккизинчидан ўз ниятимга амал қилдим, ҳар ишни мақ-

сад килиб кўйсам, уни охирига етказмагунча ундан кўл тортмадим. Ҳамиша ўз гапимга ва тутган ишимга амал қилардим. Ҳеч кимга оғир кунларни бошига солмадим. Ҳозиргача дунёда ўтган подшоҳларнинг юриш-туриши, қонун-қоидаларини бир-бир хотирга келтириб, уларнинг йўл-йўригини ўргандим.

Тўққизинчиси шуки, ўша ўтган подшоҳларнинг яхши хулк ва мактовли сифатларидан ўрнак олдим. Бурунги подшоҳлар давлати завол топиш сабабларини суриштириб, давлат заволига боис бўлгудек нарсалардан ўзимни четга тортдим. Зулм-бузукликдан ўзимни тутдим, зеро, у наслни йўқ бўлишига олиб келади, қаҳат ва вабо ўшалар шумлигидан вужудга келади.

Ўнинчиси шуки, раият аҳволидан огоҳ эдим, уларнинг қариларини отам ўрнида, йигитларни ука ўрнида ва ёш болаларни фарзанд сифатида тутар эдим. Ҳар мулк ва шахар аҳлига ўз мизож ва табиатларига мувофиқ муомала килиб мизожларига мувофиқ ҳоким тайинладим. Туну кун раият ва лашкар аҳволини сўрадим, эшитдим ва билдим. Ҳар мамлакатта диёнатли ва тўғри сўз хабар ёзувчилар кўйдим, токи қўшинни ўзини тутиши ва раият аҳволини, улар орасида ўтган воқеаларни менга ёзсинлар. Агар ҳақиқатга хилоф хабар берсалар, уларга сиёsat қилдим. Агар ҳокимнинг лашкар ва раиятга адолат килмоги ва жаър этмогини эшитсан, инсоф билан унинг чорасини қилдим. Турк, тоҷик, араб ва ажам тоифаларидан ҳар кимса давлатхонамга келса, улуғларини иззатини килиб, ўзгаларини холига яраша сийладим. Яхшиларини-яхшиликка ва ёмонларини ўз ёмонлигига солдим. Ҳар кимса менга дўстлик қилса, дўстлиги кадрини унутмадим. Ҳар кимса менга душманлик қилса, ундан сўнг пушаймон бўлиб олдимга келиб тиз чўкса, унинг душманлигини унутдим ва дўстлигига харидор бўлдим. Масалан, Шербахром менинг ҳамроҳим ва улус амири эди. Иш вактида мени ташлаб душманга қўшилди ва менга килич кўтарди. Охири уни мени берган тузим тутиб, менга паноҳ сўраб келиб тиз чўкди. У бир мардона киши ва асил иш қилгани учун, ёмон ишларидан кўз юмиб, уни сийладим ва мартабасини баланд этиб, уни мардоналиги учун гуноҳидан ўтдим.

Ўн биринчиси шуки, фарзандларим, кариндошларим, Ош-

наларим ва кўшниларимни давлат ва неъмат чоғи сийлаб, ҳакларини унутмадим ва қариндош-уруғлик алоқаларини инобатга олиб, уларни боғлаш ва ўлдиришга амр этмасдим. Ҳар бир таниган кишимни танишлигига лойик у билан муомала қилдим. Дунёнинг иссик-совугини кўп кўриб, тажриба ортиридим, ўзим килич чопдим, қўшин ва раиятга караму юмшоклик, тўғрилик ва қаттиклик билан иш тутдим.

**Ўн иккинчиси** шуки, қўшин, дўсту душманни азиз тутдим, чунки улар бокий матоларини (жонини) ўткинчи молга сотарлар ва ўзларини ҳалокатли жангу жадалга солурлар ва жонбозлик қилурлар ва жонини ҳовучлаб жон фидо қилурлар. Ҳар кимсаким душман тарафидан менга душманлик қилиб қилич чопди ва ўз валинеъматига эътиқоди маҳкам ва событ эди, уни ўта яхши кўрдим. Агар у кимса менинг олдимга келса, уни ўзимга ишончли киши санаб, вафодорлиги ва ҳақчиллигига ишончим комил бўлди. Ўз эгасининг туз ҳаққини унубтиб, вафосизлик қилган жангчини душмандан ҳам баттарроқ билдим. Шундай бўлдики, Тўқтамишхоннинг урушида унинг амирлари менга хатлар битиб, аризалар юбордилар, унинг туз ҳақини унубтиб менинг олдимга келдилар. Улардан нафратландим, ўзимча дедимки, ўз туз берган кишисига нима қилиб бердиларки менга кильсалар?!

Тажрибада синааб кўрдимки, дин ва миллат билан мустахкамланмаган, йўл ва тузук билан устувор бўлмаган давлатда тартиб ва баркарорлик бўлмайди ва бир ялангоч одамга ўхшайдики, уни ким кўрса кўзини юмади ёки томсиз уйга ўхшайдики, унинг ичидаги њеч нима омон қолмайди.

Кўнгил кошонасида биринчи қуёшдай чиққан тузук – Мустафо саллаллоҳу алайҳи васаллам шариати офтобининг ривожи эди. Ислом мамлакатларида шариат билан безадим. Шариат ривожини шу йўсинда қилдимки, мўътабар саййидлардан бирини ислом мамлакатлари раислигига тайин этдим. Унга вакфларни кўлга олиб, мутаваллилар кўйишни буюрдим. Ҳар мулк ва яшаш жойларига кози, муфти ва муҳтасиб тайин этдим. Саййидлар, уламо ва шундай ҳақга эга бўлган кишиларга вазифалар мукаррар қилдим. Ҳар диёрга ислом аҳлини гуноҳ ва ёмон ишлардан кайтариш ва амри маъруф этиш учун шайх ул-ислом юбордим.

Хар мулк ва яшаш жойларида масжид ва хонақохлар бунёд этишни, йўллар бошида работлар куришни ва ўтиш жойларида кўприклар солишини буюрдим. Ислом ахлига дин масалаларини ва шаръий ақидаларни таълим берсин деб, шаҳарларда мадрасалар курдим.



Салр ул-ислом (дин раиси) билан козилар мамлакатларнинг шаръий ишларини менинг арзимга етказсинглар. деб амр

этдим. Кўшин ва раиятнинг анъанавий маросимларини менга етказиб турсин деб амири одил тайин этдим.

Барча улуг ва кичикларнинг қулогига етиши учун ислом уламоси фатво ёздиларки «Тангри таоло ҳар юз йилнинг бошида бир ривож бергувчини оламга келтирадики, Мустафо саллаллоҳу алайҳи васалламнинг финига ривож беради. Санасаккиз юзда динга ривож бергувчи Амир Соҳибқиронидир».

Менинг замонимда улуг уламодан бўлган Амир Сайдид Шариф бу бобда менга бир мактуб ёзди. Салафу-халаф уламоси дебдурларки. Ҳазрати рисолатпеноҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам хижратидан ҳар юз йилнинг бошида дин ривожи учун бир «мужадид», яъни янгиювчи пайдо қиласди. Амир Соҳибқирон сана саккиз юзда динга ривож берганлари учун хакикатда у киши Ҳазрат саллаллоҳу алайҳи васаллам динининг ривож бергувчиси эканлиги аникланди. Бу мактуб таржимаси шундай: «Эй Бори Ҳудоё, Мұхаммад саллаллоҳу алайҳи васалламнинг динига ривоже ва ёри берган у кишига ёри бергил. Ҳижрат (Пайғамбарнинг күчган) замонидан бу күнгача саккиз юз йил ўтган экан, ҳар юз йилнинг бошида бир ривож бергувчи пайдо қиласурки, дини мубинни тозалар. Атҳамдушилоҳу, саккизинчи юз йилда Олчоҳ таоло Соҳибқиронни пайдо қилибдур ва суннатар уламоси ўрганиб чиқиб, янгиловчиларнинг аҳволини битибдурлар».

Аввалти юзда дин янгиловчиси Үмар Абдулазиздирки, хаворижлар минбарларда Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг қуёвларига таъна килиб, лаънатлашларидан ожизланиб эрди, уни бир ёкли килди. Ислом аҳли орасида бир адоват юзага келганди, яъни бир жамоа Йўл бошловчи Ҳалифаларга таъна қилиб, яна Али, Ҳусайн ва Аббос ризвополлоҳи алайҳим ажмаъинга лаънат ёғдирар эдилар, ҳаммасини йўқотиб, динни тозалади.

Ва иккичи юзда динга ривож бергувчи Маъмун ар-Рошид эрдики, ислом динида етмиш мазҳаб юзага келганди. Ҳамма мазҳабларни бекор килиб, тўрт мазҳабга қарор берди. Али ибни Мусо Жаъфарни Ҳурросонга чақириб, уни ўзига ворис тайинлади. Унинг рухсати билан Муҳаммад Расулиллоҳнинг мулкини бошқарди.

Учинчи юзда Муктадир Аббосий эди. Абу Тоҳир бошчилигидаги карматлар, яъни диндан қайтганлар жамоаси Мак-

каи Муаззамани эгаллаб олиб, арафа куни ўттиз минг маҳрамни, яъни эхромликларни ўлдирди ва ҳажар ул-асвад (Қора тош)ни ўзи билан бирга элтиб, ислом юртини бузиб, катл ва торож этдилар. Шундан сўнг ислом ожизланди. Муқтадир Биллоҳ ул қавмга лашкар тортиб, уларни ер билан яксон килиб, мамлакатларида исломга ривож берди.

**Тўртинчи юзда** ривож берувчи Азд уд-Давла Дайламий эди. Муте Биллоҳ Аббосийнинг фиску фужури ва унинг тобеларининг зулму жабридан ислом дини заиф булиб, ислом юртларида турли зулм ва бузукликлар тарқалган эди. Муиз уд-Давла уни халифаликдан четлаштириб, унинг ўғли Тобе Биллоҳни ворис қилди ва ўзи ислом дини ривожига бошли бўлди. Мусулмонларга тўғри йўлни кўрсатувчи ваъз ўкиди ва шариатга ривож берди.

**Бешинчи юзда** дин ва шариат янгиловчиси Маликшоҳнинг ўғли Султон Санжардир. Шайх Аҳмад Жомий Ҳаким Санойи унинг ҳамасри эдилар. Уларга мурид ва мухлис эди. Бу юзда ислом жоҳиллари билан диндан қайтганлар жамоаси динни заифлаштиргандилар. Уларни таг-томири билан суғуриб, дин итоатига шундай муболага кўрсатдики. ундан шариатга хилоф иш зоҳир бўлмади. Дини исломга бу хилда ривож бергандан сўнг, бир куни дарвишлардан биттаси мажлисга келиб, унга деди: «*Эй дин ва шариатга ривож берувчи! Худога қайтгил ва Худони хушнуд этгилки, мулк Пайгамбар саллашлоҳу алайҳи васаллатнинг мулкидир. Насроний ва ёҳуд кўп худолик тарғиботчиларидан баъзисини қаҳр билан баъзисини тинчлик билан олган эдилар. Ул Ҳазратдан сўнг Йўл бошловчи Халифаларга ва саҳобаларга тегди. Сен нечун берүхсат ул Ҳазратнинг мулкини эгаллаб, унинг ҳосилини ўзингга ва лашкарингга ҳалол этибдурсан?*» Ва Султон Санжар бу сўздан таъсиrlаниб, Абдуллоҳ Асъийнинг хати билан Зинда Пил Аҳмад Жомийга бир нома ёзди: «*Эй раббоний маърифатлар орифи, аҳд қылганлар ва ҳақиқатга етишганлар жиславаси, мишиоҳ шайхи Аҳмад Жомий! Ислом уламоси фатво ёзибдурларки. ер ҳақиқат ва ҳукм юзасидан Расул Худонинг мулкидурким кофиirlардан қаҳр ва тинчлик билан олган эдилар. Ундан сўнг унинг халифаларига ва халифаларидан сўнг ул Ҳазратнинг авлод ва зурриётига етишиди. Бас, ҳар кимса унинг мулкини эгалламоқ тиласа.*

*унинг зурриётидан рухсат олмоғи лозим, токи ундан олган фойдаси ҳалол бўлсин».*

Султоннинг бу ёзган хати шайхга етиб бориши билан у хошиясиға ёздики: «Эй Султон! Бу фатво бир хотинга ўхшарким, унинг ташқи кўринини салоҳ билан безанган, ботини ҳаром билан ҳомиладор, яъни бўгоздир. Агар ҳалол истасанг изн олгин, то эгаламоқ бермоқ ва олмоқ сенга ҳалол бўлсин. Тўгри йўлга ҳидоят топган кимсага салом!»

Ва олтичи юзда динга ривож бергувчи Гозонхон ибн Арғунхон ибни Ҳалокухон эди. Ислом дини Туркистон кофирлари истилосидан вайрон бўлиб эрди. Тангри таоло Гозонхонни юз минг кофир турклар билан пайдо килди. Барчаси Лоба сахросида шайх Иброҳим Ҳамавий олдиди имон келтириб, тавҳид калимасини тилга олдилар, куфр ва бузукчилик асарини йўқотиб, шариатга ривож бердилар.

Ва еттинчи юзда Гозонхондан сўнг тахтга ўтирган укаси Ўлжайтухон Султон Муҳаммад худо бандаларидандир. Дини Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллом шу даражада заифлашдики шаҳодат калимасидан сўнг Пайгамбар саллоллоҳу алайҳи васаллом билан хонадони ахлига саловот айтмаслар, деб эшигандан сўнг, ўзи Султония жоме масжидига келиб, ислом уламосини йиғишга хукм этди ва Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллом билан авлодига саловот айтмок фазилатларидан сўради. Шунда барча уламо бир овоздан айтдиларки, саловот Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллом ва авлодига айтилур. Ва уламодин бир жамоа дедиларки: «Агар намозда Муҳаммад хонадонига саловот айтмаса, намоз ботилдур». Ва баъзи дедиларки: «Имом Шофеий Муҳаммад хонадонига саловот айтмай, намоз ўқиганини фосид санабдур». Ва яна бир гурух уламо айтибдурларки: «Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ айтган эканларки: «Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллом хонадонига саловот айтмасиган намоз - намоз эмасдир». Шундан сўнг Султон уламодан саловот этдики: «Не учун саловотда ўзга пайгамбарлар билан хонадонларини зикр этмаслар ва пайгамбарларнинг сўнггишини саловотида «Ё Оллоҳ Муҳаммадга ва унинг авлодига олқишилар бўлсин» дерлар?» Бунинг жавобида уламо ожиз бўлдилар. Шунда Султон дедики: «Бу саловот жавобида хотирга бу далил келадики, бурунги пайгамбарларнинг дин ва

миллатлари завол ви ўзгариши жирафиададир ва бизнинг пайгамбаримизнинг ҳукмлари авлоддан-авлодга ўтиб қиёматгача ўзгармагусидир. Бас ул Ҳазрат саллоллоҳу алаихи вассалломининг умматларига саловотда ул Ҳазрат билан авлодларини ёд этиши воқиб ва лозимдир, то умматлари Мұхаммад саллоллоҳу алаихи вассаллом динининг ва барча пайғамбарлар шілларини ворислари эканини билгайлар. Улар инсу жинга ҳокимдүрларки, барча инсу жин ахли шлоҳий ҳұқылар ва диний мұомалатарни улардан олурлар. Уларнинг ҳұрмат ва унга бўйсиниши фарзлар жумласидан саналар». Султон ушбу сўзларни тилга олгач, масжиди жомега йиғилган халойик ҳамма бирдан саловотга оғиз очдилар. Шундан сўнг дедики: «Мұхаммад авлодининг биринчиси Али (Аллоҳ унга карам қылсип) ва охири имом Маҳди (Аллоҳ ундан рози бўлсин)дир, энди ву жудга келиши ваъда қилинган. Бас, бизлар Мұхаммад мулкida авлодидан изн олмай эгаллашибиз керак эмас, агар қылсан гуноҳкор бўламиш!»

Бу сўзлар яхши-ёмоннинг қулогига етиб боргач, ҳамма бош эгиб, унинг йўлидан юрдилар. Уламо йўлга киргандан сўнг Султон амр этдики, «иши ҳакиқати бу ахволда бўлгач, хутбани унинг хонадони ва авлодларига ўкиш ва тангани ҳам уларнинг номи билан зарб қилиш керак». Шундан сўнг уламо «Дин ва шариатга ривож бергувчи ушбудир», деб фатво ёздилар.

Саккизинчи юз йилнинг ривож бергувчиси Амир Соҳиб-қирондурки, Оллохнинг мамлакатларида шариатга ривож бериб, саййидлар ва уламога иззат-эҳтиром кўрсатиб, Мұхаммад саллоллоҳу алаихи вассаллом авлодининг изни билан унинг мулкини ўз тасарруфига киритгандир».

Амир Сайиди шарифнинг битиги менга етиб келгач, Тангри таолога шукр этдим ва Мұхаммад саллоллоҳу алаихи вассаллом билан авлодига илтижо этдимки, менга дин ва шариатни янгилаш мадади насиб бўлди ва бу бигикни бир нафис жинсга ўраб пиrimнинг олдига юбордим. Улар жавобида битибдурларки: «Дин ва шариатга ривож бергувчи Аллоҳ ярлақогани Темур билан, ҳар шаҳарда бир соҳиби шавкатни ҳар юз шиїда пайдо қиласиди, у дину шариатга ривож беради. Уламодан бирни тири саййид билан унинг мајстисида ҳозир бўлиб, Тангри таоло китобига олим бўлиб сифатлари-

*ни билади. Шундай қилиб, аввалги юз үйлда динни янгиловчи Умар Абдулазиздир ва ушбу юзда уламодан Ҳазрати имом Мұхаммад Боқир разияллоҳу ашҳу дин ақжомининг ривожлантирувчидир. Иккинчи юзда дин янгиловчиси Маъмундир ва уламодан динга ривож берувчи Али ибни Мусо Жаъфар разияллоҳу анхудурки Тангри таоло китоби ва шариатига олимдир. Учинчи юзда ривож берувчи Муқтадир биллоҳдур ва уламодан ривож берувчи Абу Жаъфар Мұхаммад ибни Яъкуб Калбийдир. Ва шоғеи үламодан Аб үл-Аббос ва ханафий үламодан Абу Жаъфар ва моликий үламодан Абу Бакр ибни Ахмад эди. Тұрттынчи ва бешинчи юзнинг ривож бергувчиси Султон Санжардир ва прифлардан Абул-Мажед Ҳаким Сапиейдир. Ва олттынчи юзда Гозонхондир ва вәҳдатга етишгаппаратдан Шайх Иброҳим Ҳамавийдир. Ва еттитинчи юзда динга ривож берувчи Султон Мұхаммад Ҳудобандадур ва үламодан Шайх Жамолиддиндир.*

*Ва саккизинчи юздаки, ушбу замондир, динга ривож берувчи Амир Соҳибқирондир ва үламодан Мир Сайийд Шараф ва алломадан Жўржонийдир. Ва бу улуғ ҳадя ва қумак Бермоқдурки, Тангри таоло у салтанат қутбига каромат қилишидир.*

Пиримдан ўз кўллари билан ёзилган хат етиб келгач, саййидлар ва үламо эҳтиромини бажо келтириб, шариат ривожига кўпдан-кўп муболага курсатдим ва бу мактуб матнини воеаларим дафтарига ёзиб қўйинглар, деб буюрдим.

Дину шариат тузукини қилиб бўлгач, салтанатим ишлари гузукига бошладим. Ва салтанатим мартабасини сакламок тузукини бу йўсинда қилдимки, аввал ўз салтанатими худо дини, пайғамбар шариати ва Мужтабо (пайғамбар) авлодлари билан баркарор этдим. Ва давлатим мартабасининг химоясини тузук ва тўра билан килдимки, салтанатимга дахл этишга ҳеч кимда журъат бўлмади.

Иккинчи кўшин ва раиятни кўркув ва умид мартабасида тутдим. Текис-нотекис, мулойим ва номулойим ишлар ва сўзларни чидам билан ўзимни тушунмаганга солиб кўтардим. Дўсту душмандан ҳар кимса кошимга келса, дўстларни бир мартабада тутдимки, дўстлигини оширдилар, душманларни бир мартабада сақладимки, душманлигини муҳаббатга айлантирдилар. Ва килган ёмонликларини унугандай ўзим-

ни тутдим ва ёмон амалларга афв қаламини чекдим, то ёмонлар ёмонликларини ва яхшилар яхшиликларини унугтилар. Ва ҳар кимсанинг менда ҳакки бўлса, уни зое килмадим ва ҳар кимники танидим, уни назардан колдирмадим. Ҳар кимсаким, менга ёмон-яхшидан қўшилдилар, лавлат тахтига минишим билан уни эҳсоним билан уялтиридим.

Учинчи шуки, ҳеч кимдан касд олиш пайидан бўлмадим.

Тўртингчи очик юз ва раҳму шафқат билан ҳалойикни ўзимга ром этдим ва ҳар нарсанинг ҳукмини ўз мартабасида жорий килдим ва адолат қилиб, зулмдан йироқ бўлдим. Шу вакълларда пирам менга ёздики: «*Абул Мансур (ғолиблар отаси) Темур, уни худо қўллаганга маълум бўлгайким, салтанат ишлари шюҳий ишлардан бир намунаидир, яъни ким Тангри таологи вазирдир. Вазирини ҳам вазирлару амандорлаши, ши қўйувчиларию ноиблари ва ҳисобчию лашкарлари бордурки, ҳар қайси ўз мартабасида бир ишга машгулдорчар ва ўз ишидан тажсовуз қўймаслар ва Тангри таоло амрига мунитазир бўлурлар. Сенга ҳам вазиру лашкарий, иичи ва ходим ва лашкарбоишлар керак бўлгайким, барчаси ўз мартабасида сенинг ҳукмнингга мунитазир бўлгайлар. Ҳар тоифа ва ҳар қавми ўз мартабасида тутгил, то давлатни мартабаси тартиб топгай. Агар ўзингни ва кимса ва нарсаларигни мартабаларини сақламасанг, салтанат мартабаси куфр ва худодан юз ўгиришига айланади. Бис, сен ҳар Кимсанинг қадр ва ўринини сақламоғинг керак. Аввал Мұхаммад саллоилоҳу алайхи васаллом авлодини барча мартабалардан баланд тутгайсан ва уларниг иззат-икромини бажо келтиргайсан. Уларга иисбатан мұхаббатни ортиқча санамагайсан, ҳар нарса худо йўлига қилинса, бунда истроғарчилик бўлмас. Ўн икки азиз тоифа билан салтанатниг йигинини безагайсан».*

Бу мактуб менга етиб келгач, ҳамма буюрганларини бажо келтирдим ва **салтанатим мартабаси тартибини ўн икки тоифага боғладим** ва бу ўн икки тоифани салтанатим корхонасининг ўн икки сулоласига ўш икки бурж ўрнида қарор бердим.

Аввалги тоифа саййидлар ва уламою машоиху фузалодурларким, уларга ўз қошимга йўл бердим, мажлисимни беҳзадилар ва диний илмлар масалаларини ва актий хикматлар-

ни зикр этдилар ва ҳалолу ҳаром масалаларини улардан сўраим.

**Иккинчи оқил** кишилар ва кенгаш эгаларига, эҳтиёт ва хуҷёрлик арбоблари, кори ва кўп кўрган кишиларга хос мажлисда бор ва кўриниш бердим. Улардан наф топиб, тажрибалар ҳосил қилдим.

**Учинчи тоифа** дуо арбобидурки, уларни улуглаб, хилвата улардан дуо тиладим. Ъу жамоадан базм ва уруш маслаҳатида кўп баракот топдим. Урушларда уларнинг таъсирини кўрдим. Чунончи, менинг лашкарим Тўқтамишхон лашкари кўплигидан урушда изтиробга тушиб, бетокат бўлган чоғда, соҳиб даъват бўлган Амир Зиёвуддин Сабзаворий бошини очиб, кўлини дуога кўтарди. Ҳануз дуоси охирига етмай турриб, дуо асари кўринди. Ва яна менинг бир маҳрамим қаттиқ бемор бўлганди. Ўн икки саййид дуогўйликка жам бўлиб, келиб ҳар қайсиниси унга ўз умрларидан бир йилдан баҳшида этдилар. Шу билан сихат топиб, яна ўн икки йил яшади.

**Тўргинчи тоифа** амирлар, лашкарбошилар ва қўмондонларни юксак мартаба билан қўксини кўтардим ва улардан сўз сўраб, сухбат тутдим. Улардан жанг майдони ва саваш жараёнига кириш-чикиш ва қўшинни маглуб қилиш йўлларини суриштирдим ва аскарлик мартабасида уларни ишончли билиб кенгаш сўрадим.

**Бешинчи қўшин** ва раиятни тенг тутдим ва қўшин баҳодирларига бош кийим ва хоса сағдок (ўқдон) билан имтиёз бердим. Ҳар мулкнинг катталари ва оқсоколларини азиз тутдим ва улардан наф олдим. Ҳамиша қўшин хизмат ҳакими оргифи билан бердим. Рум ясоғида олдиндан етти йилик хизмат ҳакими қўшинга бердим. Аскарлар ва раиятга бир хил кўз билан қарадим. Одамларнинг ҳар бирини ўзига яраша мартабаларида сакладим, улар ўз ҳадларидан ташкари қадам кўя олмадилар. Уларнинг мартабаларини на баланд этдим. на паст ва ҳар қайси бирон хизмат бажарса, уларга хизмат ҳаки ва инъом билан сийладим. Ўзга жангчиларнинг ҳам акл ва шиҷоатини адл тарозуси билан ўлчаб, тарбия килиб амирлик мартабасига етказдим ва килган ишларига лойик мартабаларини кўтардим.

**Олтинчи тоифа** ақлли, хушли ва эътиқоди маҳкам кишилар эдики, ўзимга сирдош қијудим. Шунга лойик ва сазовор

кишиларга подшохлик ишларини топшириб, давлат ишларини маслаҳатлашиб, пинхон сирларимни айтдим.

**Еттинчи тоифа** вазирларим ва салтанатим девонининг котиб ва мирзолари эди. Уларни мамлакатимга ойнадор этдимки, мулк ва қўшин ва раият воқеаларини менга ошкор килдилар, раият ва хазиналаримга хизмат кўрсатдилар. Мулк ва лашкарга рахна тушишини тадбир билан олдини олдилар ва давлат идорасининг кирава чиқар жойларини маҳкамаладилар. Мулк фаровонлигига ва маъмурчиликка интилдилар.

**Саккизинчи тоифа** ҳаким, табиб, мунахжим ва муҳандисларни олиб келдим. Бу салтанат ҳодимлариурлар. Ҳаким ва табиблар тоифаси билан касаллар муолажасини қилдим. Мунахжимлар тоифаси билан юлдузлар кунларини ва фалакларнинг сири ва айланишини аниқладим ва билдим. Муҳандислар тоифаси билан буюк иморатлар бино қилдим.

**Тўққизинчи** қиссаҳон, ҳадису ҳабар жамоасини ёнимга келишга йўл бериб, пайғамбарлар ва авлиёлар файзлари, ўтмиш сultonларининг ҳабарлари ва улар давлатининг заволи ва подшохлик мартабасига етишмок сирларидан огоҳ бўлдим. Уларнинг қиссалари айтган сўзлари ва қилган ишларидан тажрибалар олдим.

**Ўнинчи тоифа** машоих ва сўфи ва ориф жамоасига қўшилиб, улардан фойдалар олдим ва ҳақ сўзларни эшитдим. Улардан каромат ва одатдан ташқари нарсалар курдим. Сухбатларидан сурур ва хушҳолликлар ҳосил қилдим.

**Ўн биринчи**, ҳунармандлар жамоасини давлатхонамга олиб келиб, ўрду (марказ)да ўрин бердимки, сафар ва тайёргарликда ҳозир бўлиб, лашкар ҳожатларини битирдилар. Ўрдуда керак жинс ва матоларни тартибга солиб, муҳайё килдилар.

**Ўн иккинчи** ҳар мулк ва ҳар диёрнинг мусофири ва тараддуддаги кишиларига тасалли бердимки, мамлакатларнинг ҳабарларини менга етказдилар. Савдоғар ва қарвои бошиларга тайинладимки, турли юртларга бориб Ҳитой, Чинмочин, Ҳиндустон, арабу ажам ва Фаранг мамлакатларидан нағис матолар кетирдилар ва ҳар мулкнинг аҳолиси аҳволини арзимга етказди лар ва мамлакатлар ҳокимларининг раияти билан қилган муомаласи ва тутган ишларини арз этдилар.

**Даргоҳимга паноҳ сўраб келгандару ажам, турку то-**

**жик тоифалари тузукини бундай қилдим:** аввал амр этдимки, давлатхонамга ҳар тоифа юз келтирсалар, унга йўл беринглар. Агар улар уламо ва саййид жамоасидан бўлса, улари эъзозлаб, ҳар мақсадлари бўлса битиринглар. Уларнинг ахволига риоят ва ҳар ишда ёрдам беришни вожиб ва лозим билинглар. Агар савдогар бўлса, унинг хушнудлиги билан иш килинглар. Агар раият аҳлидан бўлса, ҳолига лойик риоят килинглар. Агар санъат ва ҳунар аҳлидан бўлса, давлатхонада ишлатинглар. Факиру мискинлардан бўлса, даражалари микдорича вазифа тайинланглар. Ҳар савдогар бошланғич жамғармасини ва дастмоясини йўкотган бўлса, унга дастмоя беринглар. Ҳар дехқонки, дехқончиликка қурдати етмаса, унга асбоб беринглар. Ҳар тоифаданки, жангчиликни ихтиёр этса, уни жангчи килинглар. Асил ва баходирларнинг фарзандларини ҳолига яраша тарбия килинглар.

Ва амр этдимки, ҳар жамоа мажлисимга келсалар, уларни давлат ва салтанатим дастурхонидан маҳрум қўйманглар. Ҳар кимсани назаримга келтирсалар, назарим унга тушса, ҳолига яраша кутиб олинглар. Гуноҳли ва гуноҳсиздан ҳар кимса девонимга адолат сўраб келса, уни кечиринглар ва иккинчи-учинчи гуноҳига шариат буюрганига қараб иш килинглар.

**Лашкар тутиш тузукини** бу тариқа амр этдим. Асил ва иш кўрган жангчилардан ўн киши йигилса, уларнинг энг баходири ҳаммасининг ризоси билан уларга амир бўлсин ва уни ўнбоши деб атанглар. Ўнбошидан ўн нафар йигилса, уларнинг бир иш кўрган ва иш килганини уларга бошлиқ қилиб, уни юзбоши деб атанглар. Ўн юзбоши жам бўлса, уларга бир оқил бекзодани амир этинглар ва уни мингбоши деңглар. Ва мингбошига ноибларидан бири ўлса ё қочса ва ё давлат ишларида эътиборсизлик киласа, унинг ўрнига бошқасини олиш ихтиёрини бердим. Юзбошига ҳам ўнбошининг биронтаси ўлса, ё қочса яна бир бошқасини ўрнига ўнбоши қилиб тайинлаш ихтиёрини бердим. Мингбошига ихтиёр бердимки, ўнбоши ва юзбошиларнинг биронтаси ўз ишига совуккон бўлса, уни ишдан бўшатиб ўрнига бошқасини кўйсин ва бўлган ишни менга арз этсин.

Амр этдимки, жанг майдонида ва салтанат ишларида мингбошининг хукми юзбошига ва юзбошининг хукми ўнбошига

ва ўнбошинини ҳукми унинг қўл остидагиларга мажбурий бўлсин. Агар амрини бузсалар жазога етказсинлар. Агар уруш майдонида совуқконлик юз берса, уни чиқариб ўрнига яна бошқасини қўйсинлар.

**Салтанатим истиқоли тузукини** бундай килдим: ўзимга ўн икки ишни шиор этдим, то подшохлик тахтида истиқол билан ўлтураман. Тажрибамда маълум бўлдики, то ҳар подшох бу ўн икки ишни бажармаса, подшохликдан наф ололмайди.

**Биринчи:** ҳар не дегани ва қилгани ўзидан бўлиши керак. Яъни жангчилар ва раият билсингларки, ҳар нима деса ва қилса, ўзи топиб ёздирап ва ўзи деб, ўзи қиласа ва ўзидан эшитар. Бас, ўзгаларнинг деган ва қилганларига салтанат мартабасига шерик бўлгандек амал кильмаслиги керак. Ҳар нечаки яхши сўзни барча кишидан эшиитмоқ керакдир, аммо давлат ишлари ва сўзларида ғолиб бўлгудек мартабада бўлмаслиги керак.

**Иккинчи:** барча ишда одил бўлиши керак, хусусан вазирлар ва амирлар тутишда, агар подшох зулм қилса, одил вазир унинг чорасини қилсин, аммо агар вазир золим бўлса тезда салтанат уйини ҳароб этади. Масалан, Амир Ҳусайннинг бир золим вазири бор эди, кўп ўтмай унинг зулмидан Амир Ҳусайн давлати заволга учради.

**Учинчи:** амру нахий (буюриш ва бекор килиш) ларни мустакил бажарсин, ўзи ҳукм этсин ва бу ҳукмга дахл қилишга ўзганинг журъяти бўлмасин.

**Тўртинчи:** жазм қилган ишидан қайтмасин, яъни ҳар ишга жазм қилса, уни битирмай ва охирига етказмай қўймасин.

**Бешинчи:** бир ҳукм чиқаргандан кейин, уни қанчалик зарар келтиришини билса ҳам ҳукмидан қайтмасин.

Эшитишимизча, Султон Махмуд Ғазнавий ҳукми билан бир ҳарсанг тошни Ғазнанинг майдони бошига ташладилар ва бу тошдан кўшин отлари ҳуркар эди. Буни Султонга айтиб одамлар йўлидан олиб ташлашга канча уринсалар ҳам Султон кўнмай: «*Бир марта айтдимми, бу ҳукмидан қайтмайман!*» дер эди.

**Олтинчи:** салтанат ишларини бирорга мустакил килиб тоширмасин, нима хоҳласа ўз ихтиёри билан қилсин. Дунё хиёнаткордир ва унинг ошиғи сон-саноксиз. Кўн ўтмай салта-

нат ишларида ғолиб келиб, давлат мартабасига кўл узатади. Худди Султон Маҳмуднинг вазирлари уни бир тухмат билан четлаштириб, ўзлари ҳукумат ишларини кўлга олганларидек.

**Еттинчи:** давлат ишларила ҳар кимсадан арзигулик ва маъқул сўз эшитса, уни хаёл хазинасида арасасин, сўнг унга керак пайтида иш берсин.

**Саккизинчи:** қўшин ва раият ишларида ҳар кимнинг сўзи-га кирмасин. Вазирлар ва амирлардан ҳар кимса бир киши ҳакида хоҳ яхши хоҳ ёмон сўз айтсин, уни ризо қулоги билан эшитсин, лекин уни бажаришда ўйлаб иш тутсин, токи бу ишнинг ҳакикати юзага чиқсан.

**Тўққизинчи:** салтанат шон-шавкатини раият кўнглига у янгилик солсинки, ҳеч кимсанинг амирларга қарши чиқишга юраги бўлмасин.

**Ўнинчи:** ҳар нарса қилса ўзи қилсин ва ҳар нима деса ўша сўзини – сўз билсин, чунки подшоҳларда ҳукмдан бошқа сўз бўлмас.

**Ўн биринчи:** подшоҳликда подшоҳ ўз ҳукмини жорий килмокда мутлак ихтиёрга эгадирлар, бирорни шерик этса этар, этмаса этмаслар.

**Ўн иккинчи:** ўзининг хос мажлиси ҳолидан хабардор бўлиб, хушёрлик билан иш тутсин: аксар мажлис ахли жосуслик килиб, подшоҳнинг сўзларини ва қилмишларини бошқаларга хабар берурлар. Худди шундай ходиса менда рўй Берди: хос мажлисим ахлидан бир жамоаси амир ва вазирларимнинг жосулари экан.

**Қўшин ҳизмат ҳаки тузукини** бундай амр қилдимки, амирлар, мингбоши, юзбоши ва ўзга жангчилар ҳизмат ҳакини бу тарика берсинлар: якка баҳодирларнинг ҳизмат ҳаки икки от баҳосидан тўрт от баҳосигача тайин этилсин. Юзбoshининг ҳизмат ҳаки барча кўл остидагилар ҳизмат ҳакининг ўндан бирича тайин этилсин. Мингбошининг ҳизмат ҳаки ҳам барча кўл остидагилари ҳизмат ҳакининг учдан икки кисми миқдорида белгилансин.

Амр этдимки, жангчиларнинг ҳар қайсиини ўз ҳолига яраша жанг майдонида бепарволик қилса, ҳизмат ҳакидан ўндан бирини камайтиурсинлар. Ва амр этдимки, юзбошини тасдиги билан, юзбоши мингбошининг ва мингбоши амир ул-умаронинг тасдиги билан ҳизмат ҳаки олсин. Ва

лашкар бекининг хизмат ҳаки ўз амирлари ва ноибларининг хизмат ҳакини ўндан бири бўлсин ва амирлар хизмат ҳаки хам ўз ноибларининг хизмат ҳакини ўндан бири бўлсин. Ва амр этдимки, девонбегининг хизмат ҳаки, амир хизмат ҳакининг ўн иккidan бири бўлсин. Ва чоловуллар ва қулликчиларнинг хизмат ҳаки мингдан ўн минг [танга]гача белгилансин. Ва саййидлар, уламою фузало, ҳакиму табиблар, мунахжим ва киссаҳон ва ҳадисбаёнлардан мажлисим ахли бўлганларга менга нисбатича лойик суюргол, вазифа ва хизмат ҳаки белгилансин. Ва югурдаклар, уй хизматкорларининг хизмат ҳакини юз минг [танга]дан белгилансин. Ва амр этдимки, мингбошилар амир ул-умаронинг ва девонбеги билан вазирларнинг ҳузурида менинг арзимга етказиб маош берсинлар. Ва амр этдимки, жангчиларнинг ҳар кайсинисига хизмат ҳаки ёрлигини ёзиб берсинлар. то улар хам ҳакини олганини ёрлиқнинг оркасига ёзинлар.

**Лашкар хизмат ҳакини тарқатиш тузукида** амр этдимки, пиёда (югурдак), қулликчи ва ясовулларнинг бир йиллик хизмат ҳаққини берсинлар, якка баҳодирларнинг олти ойлик хизмат ҳаққини берсинлар. Ўнбоши, юзбошиларга хизмат ҳаки учун бир от бергайлар. Амирларга ва мингбошиларга вилоятдан баъзи бирининг ҳосилини берсинлар. Шундай таксимлангларки, уларни барчасини ёзиб, девонхонада тўплаб кўйсинлар. Сўнг амирлар ва мингбошилар ҳар кайсиниси бир ёрликни олсинлар. Агар бу ёрликдаги унинг хизмат ҳакидан ортиқ бўлса, яна бировни ўзига шерик этсин.

Ва амр этдимки, амирлар ва мингбошилар раиятдан асли соликдан ортиқ тортиқ, кўнолга ва базм пули олмасинлар. Ҳар мамлакатдан унар маблагни йигишига вазир тайин этсинлар. то вилоятдан йигилганни ёзиб, яримини раиятга берсинки, уларнинг ҳоли ҳаробликка юз тутмасин, ҳосил оловчига ўзига тегишли соликдан ортиқроғи зиммасига тушмасин ва мулқдан униб келганларини жам этсинлар. Яна бири вазири ҳарж бўлур, ерларни ёзиб лашкарга улаштирсинг. Ҳар кайси амирга батул, яъни кент ёки амлок (ер) берилса уч йилгача ўз ҳолига кўйсинлар. Уч йилдан кейин кўрсинглар. агар раият рози ва мулқ ободон бўлса, яна ўз ҳолига кўйсинлар ва агар ундан бўлмаса, ундан бу мулкни олиб, уч йилгача хизмат ҳаки тўламасинлар.

Ва амр этдимки, раиятдан күркитиб ва таёк уриб, зулм билан мол-мулк олмасынлар.

**Фарзандларим ва қариндошларим маош пулини шу тариқа тайинлашни буюрдим.** Менинг биринчи фарзандым ва менинг ворисим Мұхаммад Жаҳонгирга ўн иккى минг отлиқ-нинг хизмат ҳаки ва вилояти берилсін. Иккінчи фарзандым Умаршайх ўн иккى минг отлиқка лойиқ вилоят олсін. Учинчи фарзандым Жалолуддин Мироншох мирзо түккіз минг отлик вилоятда жой олсін. Набираларимга хам ўз истеъдолдларига караб уч мингдан етти минг отлиққа етгудек маош берсінлар. Ҳар қайсинаси ўз мартабасида бўлиб, ўз хаддидан тажовуз килмасынлар. Агар улардан ихтилоф чикса, уларга эслатиб кўйсінлар.

**Фарзандлар ва қариндошларга нисбатан шундай сиёсат буюрдим.** Улардан қайси бири салтанат мартабасини дэвво қилур бўлса, уларни ўлдирмоқ ва боғламоққа журъат килмасынлар ва бирон аъзосига нұқсон етказмасынлар. Аммо уларни тутқунда сакласынлар, то даявосидан қайтсан, сўнг ўз мулкида қайта тикиласынлар. Агар фарзандлар, набиралар ва қариндошлар қаршилик кўрсатсалар, уларни қашшоқ этиннлар.

**Амирларким мамлакат қўргонидирлар,** агар иш вактида ўзаро келишмасалар, уларни амирлик ва бошқаришдан четлаштирынлар. Агар килган ишлари мулк ва вилоятда бузилишга олиб келган бир иш қилсалар, унинг мансабини пасайтирынлар. Агар мулк ишида бепарволик қилсалар, котиблар қаторига киритсинлар. Агар улардан ўз ишига совукконлик рўй берса, кўриниш бермасынлар.

**Давлат силсиласи** ва салтанат сулоласининг ишончли қишилари бўлган вазирлар, агар салтанат ишларида хиёнат ва давлат заволини ирова қиласидан бўлсалар, уларни ўлдиришга кистаб, шошилмасынлар. Эҳтиёт юзасидан даявогар кимлиги аниқлансин. Аввал улар устидан чақимчилик килган даявогарнинг тўғри сўзлиги текшириб кўрилсін. Чунки ҳасадгўй, ёлғончи, хиёнаткорлар кўпдирлар, ҳасад ва тамаъ юзасидан ёлғон ишга ростлик тусини берурлар ва ташқидан тўғрилик билан безаб, ичдан ҳаром билан юкли қиласидар, токи ўз ишларини битириб, муддаосини хосил килмагунча. Кўп хийлагар ва зоти паст одамлар борки, душманлар ирова-

си билан дўст кўлинин синдирадилар, хийлаю макр билан жонкуяр ва кўнгли тоза кишиларни хароб этадилар ва хиёнат-айёрлик билан давлат кўргонига рахна соладилар. Душманлар тадбири билан давлатни ағдарадилар.

Мисол учун Амир Ҳусайн менинг амирларимнинг бири билан тил бириткириб, давлатимнинг билаклари бўлган Тэмур ва Амир Жокуни синдиридилар. Мен фаросат билан англаб, уларнинг айтган сўзларини эшитмаганга олардим. Мўътабар кишилардан бир жамоаси ҳasad ва рашик юзасидан Амир Жокунинг катлига ғойибона бирлашдилар. Шунда мен уларни синаб кўрмай, уни ўлдирдим ва сўнгра уларнинг хиёнати ва бевафолигини англаб пушаймон бўлдим. Бу надоматим фойда қилмади. Мамлакатнинг хазинадорлари бўлган молия вазирлари солик ишларида калбакилаштириб, давлат молини ўзлаштирасалар, бу хизмат ҳаки миқдорида бўлса, уни инъом сифатида қолдирсинглар, маошни икки бараварича ўзлаштирган бўлса, хизмат ҳаки ўрнига ҳисобласинглар. Агар хизмат ҳакини уч бараварича ўзлаштирган бўлса, ундан пешкаш (совға) деб олинсин ва уларни эътибордан тушириб, ўзи эътибор берган одамни безътибор қилмасинглар, тики подшохлик ҳакида нотўғри фикр туғилмасин. Улар ҳакидаги ғаразгўй, феъли бузук, баднафс, ярамас, ҳasadгўй, ёлғончи ва бўхтон килувчиларнинг гапларига кулок солмасинглар, вазирлар жамоасининг душманлари кўп бўлади.

Оlam аҳли дунё талаб қиласалар, агар улар оlam аҳлининг риоясини қиласалар, подшох молига хиёнат қиласалар ва агар риоя қиласалар, уларнинг душманлигига бел боғлайдиар. Чунончи, Чигатойхоннинг бир вазири бор эди. Унинг ҳакида кўп хатлар битиб, ва кўп пуллар харжлаётганини баён қиласалар ва хоннинг назарига етказдилар. Шу билан хон унга караб, «Сен мендек подшоҳининг вазири бўла туриб, менинг мол-дунёмга шунчалик кўз олайтирдингми. - деб хитоб қиласалар. – Сен кўп зоти наст, бехиммат одам экансан!» Ва бу доно вазир ўша давлатманд подшодан мана шу хилда эхсон кўрди. Шунда у ҳамма бор-йўгини ихлос табағига кўйиб, тортиқ қиласалар ва ўз ишончи ва эътиборини саклади.

Ва агар оддий жангчилар ўз ҳаддидан ошиб, зулму ситамга кўл урсалар, уни мазлум кўлига берсинглар, тики адолат ка-

рор топсин. Оқсоқол бошликлар агар майда раиятта зулм этар бўлсалар, кудрат ва йўриғига караб жарима олсинлар. Ҳоким ва доруга агар раиятни хароб этгудай бўлсалар, уларни ҳам хароб этсинлар.

Амр эгдимки, гунохкорга гунохи исботлангач, жазоланглар. Агар мол билан жазоласалар, камчи билан жазоламанглар. Тўрт иш бўйича, яъни тиш синдириш, кўзни кўр килиш, зино қилиш ва шароб ичиш шариатта мувофиқ сўралсин. Шаръий ишлар бўлса, қозий ислом ишга мувофиқ шаръий хукм чиқарсин. Агар урфий ишлар бўлса, ҳадислар қозиси менинг арзимга етказсин.

Вазир тутиш тузукида амр этдимки, вазирларда тўрут сифат эҳтиёт этилсин: аввал асиллик, вазир асилдан бўлиши ва бадасилдан бўлмаслиги керак. Иккинчи олижаноб, яъни покгавҳарлик бўлсин ва бадгавҳар бўлмасин. Учинчи акл, туртгинчи киёsat, яъни зийраклиkdir. Ва ҳар кимса бу сифатларга эга бўлса, уни вазирлик маргабасига етказиб, молдунё, кўшин ва мамлакат инонини унга топширсинлар; унга ишонч билдириб, эътибор ва ихтиёр берсинилар. Етук вазир шундай киши бўлурки, мулку мол ишлари муомаласида яхшилик билан иш килсин ва олмайдиган ердан олмасин ва бермагулик жойга бермасин ва кўрсатмаларида ундан асиллик ва олижаноблик асарлари равшан ва намоён бўлсин ва мунофиқ бўлмасин ва кўшин ва раиятдан ҳар кимсанинг отини яхшилик билан тутсин.

Вазирлар нокаси шундай вазир бўладики, мол муомалалини бузуклик ва ёмонлик билан тутади ва тутган ишида шайтонлик ва пасткашлик аломатлари кўзга ташланади. Ҳар вазирки ёмон сўзласа ва ёмонлардан эшитса ва одамлар отини тилга ёмонлик билан олса, бундай вазирни вазирликдан чикарсинлар. Ҳасадгўй ва зоти паст ва кинчи ва бузуклик асари бўлган кимсаларга вазирлик бермасинлар, булар табиатан улуғ кишилар фарзандларига душман бўладилар.

Бузук кишилар ва зоти пастларнинг вазирлиги аломатларидан бири буки, давлат тез барбод бўлади. Чунончи, Султоншоҳ Салжукий ўз вазири Низомулмулкни вазирликдан бўшатиб, унинг ўrniga бир зоти пастни тайинлади. Шу билан унинг шум қилмишлари, бузуклиги ва баднафслиги дастидан унинг давлати вайронликка юз тутди. Халифалардан

Аббосий Мұтасим Биллох кину хасад сифатларига зға бүлгән Алқамийни үзига вазир қилди. Шу билан халифанинг муомаласидан күнглида кин сақлаб, уни мунофик кишилар сўзи билан алдаб, Ҳалокухонни ташвиқ қилиб, ўша халифанинг устига юриш килдирди. Халифанинг бошига не бало етган бўлса ўшанинг шумлигидан етди. Бас, бир вазир ихтиёр этмок керакдирким, асил ва олижаноб, зоти тоза ва юринтуриши покиза бўлсин. Асил одам хато қилмас ва асли ёмон вафо қилмас.

Доно вазир шундай одамки, у тўғрилик ва юмшоқлик билан иш тутади, на кўп кўпол бўлади, на кўп юмшоқ бўлади. Агар кўп юмшоқ бўлса дунёталаб, тамагирлар уни ютадилар ва агар кўп кўполлик ва номулойимлик килса, уни ташлайдилар. Ва яна доно вазир бўладики, салтанат дастгохининг яхши-ёмонини тартибга солади ва давлат ишларида чидам, бардош ва мулойимлик кўрсатади. Бундай вазирни салтанат дастгохининг уюштирувчи санаrlар ва давлатга шерик биладилар. Чунки, давлат биноси мулку хазина ва лашкар билан мустаҳкам бўлади, бу учовиси факт доно вазир томонидан тузатилади.

Ишибилармон, ишчан вазир у бўладики, мулк ободонлиги, раият осойиши ва қўшин жамлиги ва хазинани кўпайтиришни кўзлаб, қўшин ва раиятдан ҳар яхшилик ва ёмонлик соидир бўлса, ойнадек подшохга намоён этади. Давлатга ҳар қандай иш наф келтирса, уни қўллаб-қувватлашга интилади. Ҳар қандай иш салтанатга заарар етказса, молу жон билан уни бартараф килишга интилади ва қўшин керак-яргини яхшилик ва тўғрилик билан етказади.

Келишган вазир шундай бўладики, яхши ишлари ёмон ишларидан устун бўлади. Эшитишумча Низом ул-мулкнинг ёмон феъллари яхши ишларига мағлуб эди. У хаж сафарини ирода килганида, Оллоҳ бандаларидан бири унга Султон Маликшоҳ давлатида сен бажарган ишлар, худо бандаларига етказган нафларинг ҳажинг учун кифоя қилади, деган экан.

Яна эшитишумча Алмос Қибтй Ҳорун ар-Рашиднинг вазири эди. Ва ҳалойикка мадади етиб турарди. Вакти келиб бир кун вазирликни тарқ этганида, дин имомларидан бири унга ёздики: «*Бу киши даргоҳида намоянда бўлиши сенга лоиқ ва сазовордорид, ундан ажралиб, ишдиган кетишоти ихтиёр*

*этма. Худо бандаларига бу хилда мадад етказмогинг барча яхши амалларингдан авлороқ бўлур».*

Ва шундай эшитдимки, Ҳазрати Пайғамбардан «Сиз пайғамбар бўлмаганингизда кайси иш билан шуғулланардингиз?», - деб савол этдилар. Ул Ҳазрат дедиларки: «Подшоҳлар хизматин ихтиёр этар эдим, то худо бандаларига мадад етказгайман».

Мана шу жихатдан мен Илёс Ҳожанинг вазирлиги ва лашкарбошилигига рози бўлдим, токи худо бандаларига мададим етсин. Ва худо бандаларига мададкорлик қилганимдан Тангри таоло мени подшоҳлик мартабасига етказди. Ва ҳар вазирки, тадбир ве шамшир билан мулкни ўзига бўйсундирса, ё бир мулкни ушласа, ундай вазирни мансабини ошириб, «қилич ва қалам эгаси» деб хитоб этадилар.

Ақлли-ҳушли вазир шуки, акл ва тадбир билан бир лашкарни пароканда ва бир лашкарни уюштириб, интибок этади. Душман қўшинларини ўзига каратади ва ўз эгасига қўз-кулқ бўлади. Салтанат эгасига ҳар кандай мушкул дуч келса, эҳтиёт ва тадбир билан бу мушкулни осон этади ва ҳар хил кийинчилик ва тугунлар юз берса, уни ечади. Чунончи Алибек Жоникурбоний менин тутқунга солиб, бургага тўла уйга камаганида, менинг вазирларимдан Азуддин Термиздан илфор этиб менинг олдимга етиб келди. Алибекни уйқуга солиб, мендан қўз юмдириб менга кувват берди, токи жасорат ва мардоналик куввати билан қилич уриб, пойлоқчилар орасида чиқдим, худди Низом ул-мулк Маликшоҳни Қайсар тутқунидан куткарғандай. Бундай вазирларни давлат шериги билгайлар ва уни азиз тутиб, қилган ва айтганидан ортиқ иш тутмайдилар. У ҳар нима қилса ва деса акл юзидан бўлади.

Агар подшоҳ золим бўлиб, вазири одил бўлса, подшоҳ зулмининг чораси бўлади. Аммо бунинг акси бўлса, тез орада давлат силсиласи узилади.

**Амирлик ва волийлик мартабасининг тузукida амр этдимки, уч юн уч хос навкарим бор эдики, уларга амирлик берилсин. Улар шундай жамоа эдики, ҳаммалари асил ва олижаноб, баходир ва одил, тузниятилик, тадбирлик, хунёрлик, эҳтиётлик, узокни кўриш ва чуқур ўйлаш билан машхур эдилар. Ҳар бирига бир ўринбосар тайинладимки, агар улардан бири ўлса ва путур етса, ўринбосар унинг жойини эгал-**

лайди ва уни «мұнітазир-ул-аморат» («амирлікка мұнітазир») деб ном қўйдим.

Амр этдимки, бу уч юз ўн уч нафардин тұрт нафари беклар begi бўлсинлар ва бир нафар амир ул-умаро бўлиб, унинг ҳукми ясоклар ва савашларда барча амирлар ва лашкарга жорий, менинг ҳузуримда нойибим бўлсин. Тұрт беклар беги унинг ноиби бўлсин. Яна ўн икки гайрат ва номус эгаси бўлган уруш одамига бу тартиб билан амирлик бердим. Биринчи амирга минг кишининг амирлигини бердим. Иккинчи амирга икки минг киши, учинчи амирга уч минг кишини, тұрттынчи амирга тұрт минг ва бешинчи амирга беш минг. Бу йўсинда то тўққизинчи, ўнинчи, ўн биринчи, ўн иккинчи амирнинг ҳар бирига ўн минг кишининг амирлигини Бердим. Уларнинг ҳар бирининг тарбиясини бошқа амирнинг зиммасига юкладим, яъни биринчи амирнинг иккинчи амирнинг ноиби ва учинчи амирни тұрттынчи амирнинг ноиби, то ўн иккинчи амиргача шу тариқа. Ўн иккинчи амир амир ул-умаронинг ноиби ва амир ул-умаро менинг ноибим бўлган.

Ва уч юз ўн уч кишидан амр этдимки, юз кишини ўнбоши ва юз кишини юзбоши ва юз кишини мингбоши этсинлар. Ва амр этдимки, лашкаргоҳда амир ул-умаро мингбошиларга ва мингбошилар юзбошиларга ва юзбошиларга ўнбошиларга хабар етказсинлар. Ўнбошининг ишини юзбошига ва юзбошининг ишини мингбошига буюрмасинлар. Ва ҳар бир иш ўнбоши билан битса юзбошига, юзбоши билан битса мингбошига буюрмасинлар.

**Лашкар ахлидан ҳар кимсанинг килган ишиңга лойик мартабага кўтармок тузуки.** Лашкар нима тарбия кўрганда энг пастдан юксак мартабага чикар ва уларнинг йўсунин шундай: якка баходирлардан ҳар кимсаким, асил ва насли-насадлик бўлиб, очик-ойдин килич урса, аввалги киличда ўнбоши, иккинчисида юзбоши, учинчисида мингбоши қилурлар. Агар унда асиллик ва тагинасли тоза бўлмаса, бу мартабаларга етказмаслар ва факат килич урмоқликни ўзини манзур тутмаслар. Негаки сигир ҳам гоҳида шох урап, ўша суzmок билан мартаба ва мансабга лойик бўлмас.

Агар мингбоши бир кўшинга зарба берса, уни биринчи амир қилурлар ва биринчи амир сафларни синдириса. уни иккинчи амир қилурлар. Шу йўсунда ҳар амир ўз мартаба-

сига лойик иш килса, мартабадаң мартабага күтәрарлар. Ўзга жангчилар килич урсалар, уларнинг хизмат ҳакини ортти-рарлар. Ҳар жангчи иш вакғи юз ўғирса, унга кўриниш Бермаслар. Агар саросимага тушиб, тоб келтиролмай юз ўғирса, унга кўриниш берарлар. Ҳар жангчики ярадор бўлса, унга музд ва иш ҳаки берадилар ва агар ярадор бўлиб қочадиган бўлса, унга таҳсин этарлар. Унинг қилган ишини инкор этмаслар, чунки жароҳати ҳолининг гувоҳидир. Ҳар жангчи кариса, уни хизмат ҳаки ва мансабдан бушагтаслар.

Амр этдимки, ҳар амир ва вазир ва жангчи давлатимга хизмат ҳаккни исботласа ё бир лашкарни тор-мор килса, ё бир мулкни ғалласа ё қилич чопса ва ё бошқа хизмат килса, уни манзур тутиб, ҳаққини адо қилсинлар. Аскарларниң қариарини иззат қилсинлар ва сўзларига кулок солсинлар, ҳар сўз айтадиган бўлса, тажрибадан бўлади. Уларнинг фарзандлариши маҳкам тутсинларким, ўчоклари совимасин.

Амр этдимки, ҳар аскарни душман томонидан урушда тутишса, уни ўлдирмасинлар. Агар навкарлик қабул килса, навкар қилсинлар ва илло озод этсинлар. Масалан, мен тўрт минг отлиқ румийни озод этиб, Шайх Садруддин Ардабилийга багишладим. Ва ҳар аскардан мол олсалар жон олмаслар. Агар жон олсалар мол олмаслар, то **жаҳондан муруват расми кетмасин**.

Ҳар жангчиким, душман тарафидан килич чопса, унинг туз ҳакини бажо келтиrsa, ундан сўнг хоҳ ихтиёрий, хоҳ заруратдан илтижо қилиб паноҳ сўраб келса, унга ишонч билдиrsинлар, ўз эгасига вафодорлик қилиб, туз ҳакини манзур тутмишdir. Чунопчи, Амир Ҳусайн урушида Шер Бахром менга рўпара бўлиб, менга карши очик-ойдин килич чопди, сўнг зарурат юзасидан менга келгач, мен унга эҳтиром кўрсатиб, эъзозладим. Менгли Буғо ҳам Балх урушида менга лашкар тортди. Мен урушдан бурун унга меҳрибонлик қилиб, менинг олдимга келишга даъват килдим. У Тўфлук Темурхон тузини унутмай мен билан мардана жанг қилиб, чекинди. Ва бир кун ўз ихтиёри билан менга келди. Марғабасини баланд қилиб, иноят ва шафқатлар кўрсатдим. Унга шунча меҳрибонлик кўрсатдимки, у хотирасидаги ўнгайсизликни унугтди. Мажлису маҳфилларда унга раҳматлар айтиб ёдга олдим. У мардана киши бўлгани учун давлат ва

салтанатимга ишлар бажариб мени миннатдор этди. Қора Юсуф Туркман билан урушганда менинг лашкарим саросимага тушган эди. У Қора Юсуф лашкаридан олинган бошларнинг бирини найзага илиб баланд кўтариб. бу Қора Юсуфнинг боши деб. Қора Юсуф лашкарининг қалбига уриб, уни кочирди. Мен бу ғалабани унинг номига битиб, мартабаларини янада оширдим.

Амирлар ва вазирлар, кўшин ва раиятта инъом этмоқ ва жилду бермоқнинг тузукини бу йўсинда килдимки. ҳар амир бир мулкни эгалласа ё бир лашкарни тор-мор килса амр этдимки, унга бир канча имтиёзлар берсинглар. Жумладан, унга түғ ва садоқ бериб, баҳодир лақаб кўйиб, ўзга амирларни унга тобе килсинглар. Ҳар амирким, амирзодани мағлуб қилса ёки бир хонни қочирса, уни давлат шериги билсинглар, кенгашга кўшсинглар ва юзбоши берсинглар. Масалан, мен Ику Темурни Ўрусхонга тайин килиб эдим, уни тор-мор қилди. Шунда унга туг ва ногора бердим ва ўз давлатимга шерик этдим, кенгашга кўшиб унга чегара бериб, амирларни унга тобе қилдим. Ҳасадгўйлар у ҳакла шундай гап тарқатдиларки, у Ўрусхоннинг улусини талаб. барча мол-дунёсини эгаллаб олди, деб. Шу каби сўзлар билан мени ундан ҳафсаламни қайтардилар. Лекин Баҳром Чуббиннинг киссаси кулогимга чалинганди ва мен ундан тажриба ортиргандим. Бу воқеа шундай бўлган эди: Турк хокони уч минг конхўр турк билан Нуширавоннинг ўғли Ҳурмузнинг устига лашкар тортгач, у Нуширавоннинг энг илғор лашкар бошиси бўлган Баҳром Чубинни юз йигирма минг эроний билан тайин этди. У Хоқоннинг рўпарасига келиб уч кечакундуз урушиб, Хоқонга зарба берди ва унинг мол-дунёсидан кўп ўлжалар олиб келиб Ҳурмузга тортиқ қилди. Шунда ҳасадгўй, ғаламис, бузук ва баднафс кишилар Ҳурмузга етказдиди. Баҳром кўп маблағ билан бирга Хоқоннинг жавохирлар кадалган этиги, безалган бош кийими ва киличини ўзига олиб қолди, дейишди.

Ҳурмузи ҳомкор ўша ёлғончи хонлар сўзи билан уни гуноҳкор килиб, унга бир түғ ва бир занжирни хотунлар кўйлаги ва рўмоли билан юборди. Баҳром түғни бўйнига, занжирни оёғига солиб, хотунлар либосини эгнига кийиб кўриниш ва бори ом берди. Шу билан лашкар улуглари бу ҳолни

кўриб, Хурмузга тъяна килиб, ундан кўнгли совиб Баҳром билан бирга Ҳурмуз даргоҳига келдилар, уни подшоҳликдан бўшатиб, Ҳусрав Парвизни салтанат таҳтига ўтқаздилар. У чақимчиларга жазо берди.

Бу хикоятдан тажриба орттирганим учун, кўшин тъянасиға колмай деб Ику Темурни талаб қилиб, мажлиси ом тузатдим. Ӯрусхоннинг молларини унга ва лашкар ахлига ва у билан бирга килич чопишган лашкар улуғларига инъом этдим.

Амр этдимки, ҳар ким урушда ярадор бўлса, унга таҳсин айтиб маош ва инъом бергайлар. Ва қилган ишидан кўз Юмасинлар.

Тўқтамишхоннинг урушида Тобон Баҳодир туғга етиб бориб, туғни йиқитди. Уни кўролмайдиганлар, унинг ишини йўққа чиқаришга интилдилар. Токи уни менинг подшоҳлигимга сифиширмасинлар. Мен унга амирлик бериб, тарбия килдим ва ногора ва байроқ бердим.

Амр этдимки, ўнбоши ва юзбоши ва мингбошилар кўшинни тор-мор қилсалар, ўнбошининг жилдусига бир шахар бергайлар ва юзбошининг жилдуси бир мамлакат ҳукумати бўлсин. Жумладан, Йўлбарс Баҳодир Барлос юзбоши эди. Тўқтамишхоннинг урушида кўшинни тор-мор қилди. Унга Шодмон қалъаси ҳукуматини бердим. Амр этдимки, мингбоши душман кўшинига зарба берса, уни бир мамлакат волий-си биладилар. Жумладан Беҳзор урушида Мухаммад кора либосликларнинг кўшинини тор-мор қилди, унга Кўлоб ва Қундуз ҳукуматини бердим. Амр этдимки, амирларнинг ҳар бири бир мамлакатни душман тасарруфидан чикарса, бу мамлакатни уч йилгача унга бердилар. Ва амр этдимки, якка баҳодирларнинг ҳар қайсиниси килич чопса, унга мурасса (кимматли тошлилар қадалған) калтак ва ўтоға (бошга тақиладиган жига) берсинлар ва от ва қилич ва камарбанд ҳам бериб, ўнбошилик мансаби билан имтиёз берсинлар, токи иккинчи ва учинчи қилич чопганида мингбошилик мартабасига кўтарсинлар. Колган аскарлар иш кўрсатса, хизмат ҳакини кўпайтирсинлар.

**Ногора ва байроқ бермоқнинг тузуки.** Амр этдимки, ўн икки амирнинг ҳар бирига бир байроқ ва ногора ва бир хартук (катта туғ) берсинлар. Мингбошига бир хартук ва бир карнай (нафир) берсинлар. Ўймок амирларига бир гўй бср-

синлар. Якка сипоҳ-ёйларга билодий берсинлар. Тұрт беглар бегининг хар бирига бир байроқ, ногора, хартук ва бир ғүй берсинлар. Амирларнинг хар қайсинаси күшин тор-мор килса ё бир мулкни эгалласа, агар биринчи амир бўлса иккинчи амир даражасига кўтарсинглар, иккинчими учинчи мартабасига ва шу тарика то ўн иккинчи амир мартабасигача кўтариб туғ берсинлар, яъни иккинчи амирга икки туг, учинчига уч туг, тўртингичга тўрт туг ва байроқ ва ногора берсинлар, токи тугини туман мартабасига етказинглар.

**Лашкар асбоб-анжомининг тузуки.** Амр этдимки, бошка лашкар ясокларда хар ўн саккиз киши бир чодир, икки от, ўқдон, килич, арра, игна, жуволдиз, болта ва теша кўтарсинглар. Якка баҳодирлардан хар беш киши бир чодир ва совут ва дубулға ва қилич ва ўқдон кўтарсинглар. Тузукка кура отларига ҳам озукасини ғамлаб бирга олиб юрсинглар. Унбoshiларнинг хар қайсинаси бир чодир, ўн от, аслаха, ўқдон, килич, гурзи ва бир неча совут кўтарсинглар. Мингбошилардан хар бири бир чодир, соябон кўтарсан ва аслаҳадан чоройна, совут, наиза, ўтога (жиға) ва ўкни кўтара олгунча олсин.

Аввалги амир чодир, ўток ва жуфт соябон кўтарсан, аслаҳадан ўз амирлигига лойик канча кўтара олса, кўтарсан ва бошқаларга ёрдам берсин. Шу йўсинда иккинчи амирдан то амир ул-умарогача ўз мартабасига лойик чодир, ўток, соябон ва отдан тараддудини қилсинглар. Яъни биринчи амир етакда кўшимча юз ўн от олиб юрсин, иккинчи амир юз йигирма, учинчи - юз ўттиз, тўртингич - юз кирк [от] олиб юрсин. Пиёда аскарларнинг хар бири қилич, калкон, ўқ, сўта олиб юрсинким, иш чоги ҳозир бўлгай. Кудрати еткунча ҳамма нарсадан ўзи билан бирга олиб юрсин. Лекин жанг пайтида тузукда кўрсатилган ишларга тайёр ва огоҳ бўлсин.

**Базм ва разм мажлиси йўсунининг тузуки.** Амир этдимки, базм мажлисида аскарлар, амирлар, мингбошилар бош кийимсиз, этиксиз, ёқалик кийимсиз ва қиличсиз ҳозир бўлмасинглар. Ўн икки минг қулча қилич кўтариб, яроғ ва салоҳ билан ўнг ва чапда, олд ва оркада ҳозир бўлсинглар. Хар юз ходим ва кулчага бирини юзбоши тайинлаб бир сурнай бергайлар.

Амр этдимки, маърака ва мажлисларда ўн икки амирнинг

хар бири, хоҳ вазир, хоҳ мингбоши ва юзбоши ва ўнбоши бўлсин, лашкарлар ва ясоқларда ўн икки минг қуролли отлик билан бир кечакундузда уйларининг олдида ҳозир бўлсинлар. Бу ўн икки минг отлиқни 4 гуруҳ қилиб, бир гурухни буронгарда, бир гурухини жувонгарда, бир фавжни хировулда, бир фавжни чоповулда тайин этгайларким, навбатма-навбат ярим фарсаҳлик ерга бориб тушсинлар. Бу тўрт гурухнинг ҳар бири ўзига ҳушёр одамлардан қоровул тайинласинлар, токи хабар етказинлар.

Амр этдимки, урдуйи (армия) зафарнишоннинг хар тарафиди бир кутвол (комендант) муқаррар бўлсинки, лашкар посбонлиги унинг зими масида бўлсин ва улар бозор аҳлининг расмича қўрикласинлар. Агар урду (лашкар) ахлидан бирон нарса ўғирланса, улар жавоб берсинлар.

Ва яна амр этдимки, тўрт гуруҳ бақунчи (санитар) этсинларким, лашкарнинг тўрг фарсаҳлик ерини қайду забт этсинлар. Агар улар бирорни ўлиқ холда топсалар, кафанлаб дафн этсинлар ва агар мажрух кўрсалар, унга ёрдам кўрсатиб арасасинлар. Ва амр этдимки, лашкарнинг учдан бир қисми чегараларни саклаш хизматига тайинлансан. Икки ҳиссаси кундалик хизматга ҳозир бўлсин.

**Вазирлар хизматининг тузуки.** Амр этдимки, тўрт вазир хузур девонида бўлсинлар. **Биринчи вазир** – вазири мамлакат дейилсин. У мамлакатнинг мухим ишлари ва раиятнинг ахволи, олди-бердиси, мамлакат кишим-чикими, мулк ободлиги ва хароблиги, тартиб-интизоми ахволини арзга етказиш ва уларнинг ахволидан огох бўлсинким, паришон бўлмасинлар.

**Иккинчиси** кўшин-вазиридир. Кўшинга маош ва озик-овқат тарқатиб, уларни ахволидан огох бўлсин, токи улар паришон ва безовта бўлмасинлар. Уларни ахволидан арз этсин.

**Учинчиси** вазири-бодий (шамол вазири) дейилсин ва ғойиб ва ҳавоий нарсаларни йигсин, яъни ғойиб бўлган, ўлган ва қочганларнинг молини йигиб, келган-кетганларнинг молидан закот олиб жамласин ва чорва ўтлогидан хабардор бўлсин. Тўпланган молнинг хар кайсинисини ворисларга ва ҳакли кишиларга берсин. Ҳазина ва чорва харжидан огох бўлсин.

**Тўртинчи** вазир-парвоначидир. Чегара ва холис мамлакат-

ларга ҳам уч вазир тайин этсинларким, мол ва вилоят олди-бердиларини тартибга солсин.

Бу етти вазир девонбеги кўл остида бўлсин, молиявий ишлар олди-бердисини ҳал килиш ва битимларини девонбеги қошида тартибга солиб, арзга етказинлар.

Ва яна амр этдимки, арз беги тайин этсинларким, лашкар ва раият ва додгох (суд) ахволини арзга етказин.

Ва яна амр этдимки, **саййидлар** суюрголларини ва вакфлар вазифадорларининг сўзини **садр** (раис) арзига етказин. **Қозин ислом** шаръий ишларни арзга етказин ва **Қозин аҳдос** хадислар ва урфий ишларни арза килсин ва мамлакатлар камокхоналари, газ ва ўлчовларни арзга стказин.

Ва амр этдимки, хос маҳфилда мулк ишларини ва мамлакат яширин тил бириктирувларини, у ишдан бу ишга ўтказиш маслаҳатларини ва лашкарнинг тадбир ва тайинларини арзга етказинлар.

Ва яна амр этдимки, мунший (котиб) бўлган салтанат сирларининг маҳрами (хабардор) бўлсин ва ҳар доим хизматга ҳозир бўлсин, ростлик ва тузлик қалами билан маҳфий ва яширин гапларни бита олсин.

Ва яна амр этдимки, бир канча мажлиснавислар (мажлис баёнини ёзувчи) тайин этсинларким, навбатма-навбат мажлис ва маҳфил девонида белгиланган олди-берди ва муҳим ишларни, чиккан-кирган нарсаларни ёзib сақласинлар. Молиявий ва мулкий ишларда рўй берган воқеа ва ходисаларни битиб ва менинг арзимга етказган ва ҳукм қилганва мажлисда айтилган гаплар ва амр этганларимни, олдимга кимлар келиб-кетганини, умумий ва жузъий ишлар-дан қандай воқеа рўй берган бўлса ҳаммасини ёзив, менинг воқеаларим баёнига киритсинлар.

Амр этдимки, салтанат даргоҳида яна бир **котиб** тайин қилсинлар ва у ҳар кунги кирим ва чикимларни ёзив борсин. Ва амр этдимки, савдогарларга бош мол ва дастмоя бериб, турли мулк ва шаҳарларга юборсинларким. ўша жойларнинг нафис молларидан олиб келсинлар.

**Улуслар ва қўшинларни бошқариш тузуки.** Амр этдимки, ҳар улус ва қўшин ва тумоннинг амири ясок чоғида ҳар чодирдан бир отлик, ҳар икки олочукдан бир отлик ва уч уй-

дан бир отлик тайинлаб, сафар вактида бирга олиб келсин ва хар ернинг суви ва ўтидан, агар улар яшайдиган бўлса. уларнинг улуши бўлсин.

Амр этдимки, кўл остирга кирган кирк аймоқдан ўн икки аймокга тамға килсинларким, менинг энг имтиёзли тобеларим бўлсин.

Барлос улуси тузукини бундай қилдимки, тўрт кишини амир ул-умаро қилдим. Аввал Амир Худододким, унга Бадаҳшон мамлакатини бердим. Амир Жоку ва Амир Сулаймон ва Амир Мусога мамлакат чегараларини бердим. Барлос улусидан яна юз кишини мингбоши қилдим. Амир Жамолиддин Барлосни ўнинчи амир этдим ва Амир Абу Саидни тўқизинчи амир қилдим ва Тархон улусидан Амир Боязидни саккизинчи амир тайинлаб, йигирма кишини юзбоши қилдим.

... улусидан Тошхўжани саккизинчи амир этдим ва йигирма кишини юзбоши ва ўнбошиликка тайинладим. Тўлокчи улусидан битта Ўлжойтуга амирилик бердим, Қипчок улусидан Амир Сори Бугони амир қилдим. Арлот улусига Шилончи Баҳодирни амир этдим. Тотор улусидан Куюкхонга амирилик бердим. Яна тамға қилинган йигирма саккиз аймокни хар биридан амир тайинладим, токи ясоқ чогида лашкаргоҳда хозир бўлсинлар ва тузукка мувофиқ отлик олиб келсинлар.

**Навкарнинг оғо (хўжайини)** билан сулуки ва оғонинг навкар билан муомаласининг тузуки. Ҳар кимсаки навкардир билсаким, унинг оғосидан умиди бўлса, оғосининг ҳам ундан умиди бордир. Шундай экан, у хизматдан бўйин товламасин ва билсинки аввал оғоси иноятлик бўлса, сўнг беиноят бўлади. Барча шуксон ва камчиликни ўзидан билсин, оғосидан кўрмасин. Ва навкар ихлос билан иш килса ва ихлосспешалик бўлса навкардир. Ҳар навкарким оғосига кин сакласа, бунинг оқибати хору зорлик бўлади. Агар ихлосспешалик бўлса, неъмат ва давлати зиёда бўлади. Ва эътиқоди маҳкам навкар улдурки, оғосининг юз ўгирмаги ва койишнидан кўркмайди ва бу билан ихлос-эътиқодини ўзгартирмайди. Ҳар навкарким ўйида фақат лукма ва кийим бўлса унга худди шу лукма ва кийим назари билан карасинлар. Ҳар навкарким хизмат ҳаққини унутса, иш вактида юз ўгирса,

унинг юзини кўрмасинлар. Ҳар навкарким, уруш вақтида баҳона топса ва ясоқ куни рухсат талаб қилса, бу кунги ишни эртага кўйса, худди Фулод Буғо билан Ўғлон Темур хийла қилиб мени урушда ташлаганидай, бундай навкарни отини атамасинлар. Ва ҳар навкаргаким иззат берибдурлар, уни хорламасинлар, ўз кўтарганини ерга урмасинлар ва ҳар кимсанни таниган бўлсалар унутмасинлар.

**Дўст-душман билан маош ва равиши қилмоқнинг тузуки.** Турон мамлакатини ўзимга бўйсиндириб, Самарқанд таҳтига ўтириб, дўсту душманга teng ва бир хил сулук қилгани куним Бадаҳишон ва баъзи турк ва тожик кўшинларининг амирлари менга ёмонлик қилган эдилар, қилган ишларидан ваҳимага тушиб менинг олдимга келдилар. Шунда уларга шу қадар эҳсон этдимки, мендан шарманда ва уятлик бўлдилар.

Агар бир кишини кўнглини оғритган бўлсам, юз кайтара ранжиган кўнглини олишга ҳаракат килдим ва буюк марга-баларга етказдим. Лекин Сулдуз ва Ясурий ва Жета амирларига ўз нафратимни билдиридим, чунки улар Кобулшоҳ Чингизни хон кўтариб, у билан аҳд боғладилар.

Мен салтанат тепасига келганимни эшитгач, аҳдларини бузиб, менинг хушомадимга унга заҳар бердилар. Бунинг акси-ни қилиб, ўз эгаси учун охирги дамгача қилич чопган ва урушда менинг кўлимга тушган жамоага эса, шу қадар кўнгил кўйдимки уларнинг дилида заррача кин-алам қолмади.

Тажрибада кўрдимки оқилу зийрак душман жоҳилу нодон дўстдан яхшиrok бўлур. Масалан, Амир Ҳусайн жоҳил дўстлардан эди, унинг менга дўстликда қилган ишини ҳеч душман қила олмас. Амир Худодод Барлос менга айтдики, душманни лаълу жавоҳирдек асрамоқ керакдур ва бир тошлоқ жойга етишгач уни тошга шундай уриш керакки, ундан асар ҳам колмасин.

Агар душман кўринишга келиб кўлинини бошга кўйса, унга раҳм этсинлар ва мурувват кўргизсинлар, худди мен Тўқтамишхонга қилгандай. Агар душман кайтадан душманлик қиласа, уни худога солсинлар.

Дўст шундай кишики ранжимайди, агар оғриса ҳам узрни қабул этади.



**Фарзандлар ва қариндошларнинг мартаба даражасига караб ўтиргани тузуки.** Амр этдимки, фарзандлар ва набиралар салтанат тахти атрофида ярим ойдек саф тутиб ўтиргинлар. Сайидлар, садрлар, шайх ул-ислом ва қозилар, уламою фузало, ахолининг буюклари ўнг кўл тарафда ўтиргинлар. Беклар беги, амир ул-умаро, улус ва туман ва қўшин амирлари, мингбошию ўнбошилар мартабалари даражасига караб, чап кўл тарафда ўтиргинлар. Мамлакатларнинг катта ва оқсоқоллари вазирлар орқасида саф тортиб ўтиргинлар. Баҳодирлик мартабасига эришган якка баҳодирлар, тахт орқасида ўнг кўл тарафда ўтиргинлар. Девонбегилар ва қушчилар чап кўл тарафда ўтиргинлар. Ҳировул амири тўғрида карор топсин. Махрам ясовул чодир эшигига таҳтнинг тагида турсин. Буронгор ясовули қаршида турсин. Бошка қўшин, хизматкор ва ходимлар мартаба даражасига караб саф тортиб турсинлар ва давра-давра бўлиб ўз жойини сакласинлар. Ва тўрт амири тузук юриб, мажлиснинг ўнгу сўл, олд-орқасига тузук берсинлар ва тузукдан сўнг минг тавок ош ва минг нон келтириб мажлиси омда зиёфат чеккайлар ва мажлиси хосда ҳам минг товок зиёфат чеккайлар ва шу жумладан беш юз тавокни улусга номма-ном берсинлар.

**Мулк олиш тузуки.** Ҳар мулқдаки, зулму ситам, бузукчилик кўпайса, адолат ўрнатиш ниятида, зулму фисқни йўқотиш учун, мулкни тартибга солиш ниятида ўша мулкка хужум килиш одил подшохга раводур. Тангри гаоло ушибу ният билан бу мулкни золим кўлидан чиқариб, у одил подшохга берсин. Мана мен Мовароуннаҳр вилоятини адолат нияти билан золим ўзбеклар (мўғул хонлари) кўлидан олдим. Ҳар мулкким, шариатни заиф этсалар, худо улуғ килганларни таҳқирласалар, худонинг хос бандаларини кўнглини оғритсалар, адолатпеша мулк эгаси дину шариат ривожи ниятида тўхтовсиз у диёрга юриш қилиши керак. Худо пайгамбари уни кўллаб-куватлайди. Шу-нинг учун мен Ҳинд мамлакатини Фирузшоҳ ва Маллухоннинг набираси Султон Махмуддан олдим ва шариатга ривож бериб, бутхоналарни бузиб, бутларни синдиридим. Ва ҳар мулкнинг ахолиси ўз ҳокимидан озор топиб, ундан кўнгиллари колса, адолатпаноҳ подшоҳ ул мулкни ўз тасарруфига киритиши керак. Бу султон

ўша мулкка юзланиши билан бу мулк унга тобе бўлади. Худди шунинг учун мен Ҳурросон мамлакатларини Курт подшоҳларидан олдим.

Ҳар мулкда худодан қайтган даҳрийлар кўпайса, шахриёр дороғасини бу мулкка сафарбар қилиши керак. Ана шу мақсадда мен Ироқи ажам ва Форс мамлакатларини даҳрий малъунлар қўшинларидан пок этдим. Қабила маликларини ҳам ағдардим.

Ҳар мулкдаким, унинг одамларининг эътиқоди саййид ул-мурсалин (пайгамбар) саллоллоҳу алайхи васалломнинг хонадони ўзгариб колса, адолатпаноҳ подшоҳ бу мулкни эгаллаб олиши вожибdir. Шунинг учун мен Шом, Басра ва Аммон мулкини эгалладим. Бу мулк аҳолисининг ҳаммаси Пайгамбар авлоди душманлари эдилар ва Язиди палиднинг тарафдорлари эдилар, улардан пок этдим. Ва ҳар сultonким, ҳарамайнин шарафайнинг (каъбага) беадаблик килиб Ҳазрати рисолатпаноҳ саллоллоҳу алайхи васаллом хонадони ва саҳобаларига тухмат килса, шер келбатли подшоҳ бундайларни тор-мор қилишга қиличини қиндан чиқарса, вожибdir. Худди шунинг учун мен ҳарамайнинг лашкар чекиб саййидлар қатлига хукм этган Йилдирим Боязидга танbih берив, тутқунга солдим ва Мұхаммад саллоллоҳу алайхи васаллом авлоди душманларини кўтардим.

Мулк олишга бошлиганимдан кейин тўрт ишни кўнгилда ихтиёр этдим. **Биринчи** дуруст тадбир ва туз кенгаш килдим. **Иккинчи** хушёrlик ва эҳтиёт чорасини килдим, то ҳар ишким қилсан ҳатога йўл кўймай. Ҳар мулкнинг мизож ва табиатларини билдим ва мизожларига мувофиқ ҳоким кўйдим. **Учинчи**, уч юз ўн уч мардона, асили, довюрак ва фарзона кишини ўзимга бирлаштиридим ва улар шу даражада идтифок эдиларки, гўё ҳаммалари бир тан эдилар ва уларнинг сўзи билан иши бир эди, агар бир ишни қиласиз десалар, уни қилмагунча кўймас эдилар. **Тўртинчи** бугунги ишни эртага кўймадим. Юмшоқлик керак бўлганда дагаллик килдим, бир ишни қилиш пайтида кутиш керак бўлса, шошилмадим ва шошилиш керак бўлганда чўзмадим. Тадбир билан битадиган ишда шамширга муҳтоj бўлмадим. Кундуzlари тажриба аҳли билан мулк олиш режасини туздим. Тахт устида ёлғиз ёнбошлиганимда

салтанат ишларини тартибга солиш устида ўйладим, подшохлик яширин ишлари, тартиб-интизом ҳақида ўй сурдим ва режасини тасаввур килдим. Мулк олиш ишида ўзимча ўй килдимки, хато қилиб қўймаслик учун қай йўлни танлашни ва қўшин ичидан қайси кимсани тарбия қилишни ва қайси ишга буюриш фикрини килдим. Қўшин аъёнида ҳар ким менга дўстлик қиласа, уларга эҳсон килдим, ҳар кимса душманлик қиласа, у билан мадора қилдим ва мадорани муруватга алмаштирудим. Менга яхшилигим эвазига ёмонлик килганларни ҳаромдан бўлган билдим. Негаки Расули Худо саллоллоҳу алайҳи васаллом айтибдурларким: Зинодан бўлган фарзанд, яхшилик қилган одамга ёмонлик қилмагунча Дунедан кетмас.

Пирим менга бундай ёздиким: «Худо ва Расулнинг ҳарамида Худонинг неъматини еб, Худо ва Расулга душман бўлганларни Худо мулкидан чиқаргин. Худо мулкида адолат билан иши килгинки, чунки мулк бокий қолади ва зулм фоний бўлади. Сенга сўзим шуки, қабиҳ феъллар ва ярамас амалларни худо мулкидан кўтормагни. Худди ёмон таом баданги таъсир қилганидек, ёмон феъллар ўз асарини қолдиради. Золимнинг кўп яиамогини унинг яхшилигига ийўмагинки, унинг боқилилигининг сабаби шуки, унинг зоти ва замирида бор зулму фисқни юзага чиқаради, ундан сўнг Худонинг газабига учрайди.

Золим ва фосиқлар даражоти тараққийларидан таажжуб қилмагинки, сабаби шуки, шояд зулму-фисқдан қайтиб, неъмат шукрини бажсо келтирсиллар. Улар қайтмоқ, тавба ва шукр этмоқдан гофил бўлиб, Худо ва Расулнинг неъматини унудиб, Тангри таолонинг газаб ва изобига гирифтор бўладичар».

Пирим номасини олгач, Худо мулкини золим, кофирлар, диндан қайтганлар, мунофик ва бузуклар чангалидан тортиб олдим. Ҳар мулкни кўлга олганимда, бу мулк азизларига иззат-икром кўрсатдим ва уларга суюргол, вазифа ва тортиклар тайинладим, йигитларини ака-ука ўрнида, қариларини ота ва ёшлиарини фарзанд ўрнида тутиб, раиятга шафкат кўрсатдим ва ҳаммани умид ва кўркинч орасида сақладим. Ҳар мулкнинг яхшиларини уларнинг яхшилигига ҳавола килдим, ёмон ва баднафсларини орадан кўтардим, разил-тубанларини ўз мартабаларида тутдим ва улуғларини буюк мартабалар

билан мұмтоз этдим. Ҳар мулқдаadolat әшикларини очиб, зулм ва жавр әшикларини бекитдим. Ва ҳар мулкни олдим, уни үз ҳокимиға топширдим. Менинг олдимға келмаганини эса үз қилмишиға гирифтөр килдим ва унинг мулкиға одил, омилкор ва оқил ҳоким тайин этдим. Ва буюрдимки, ҳар мулкнинг ўгри ва қарокчи ва йўлтўсарларини лойик жазога етказсинглар ва бемаза, бекорчиларни бекор кўймасинглар. Ҳар балада, калья ва кентда бир кутвол (комендант) тайин этиб, буюрдимки йўллар ва манзилларда йигилган савдогар ва тадбиркорларнинг молу матоларини манзилга етказсинглар. Агар бирон нарсаси йўқолса, ёки тушиб қолса, унинг ўрнини копласинглар. Ва амр этдимки, ҳар ернинг ҳокими гаразгўй, тухматчи, гийбатчи, баднафс ва бадъфелларни сўзи билан шаҳар ва қишлоқларнинг ҳеч бирига жарима солмасинглар ва гуноҳи исботлангандан сўнг гуноҳига яраша гуноҳкор килсинглар. Ва амр этдимки, сизларнинг ҳеч бирингиз шаҳар ва қишлоқлардан уй ва одам олманг, олдинги дастур билан кўшиндан ҳеч бири раиятнинг уйига тушмасинглар ва чорвасини үлов килмасинглар.

Ва амр этдимки, шаҳарда бор безори ва ўғриларни катл этсинглар ва ҳар мулкнинг гадоларига вазифа берсингларки, гадолик расми қолмасин.

**Мулку мамлакат, сипоҳ ва раият аҳволидан огохлик ва хабардор қыммоқлик тузуки.** Амр этдимки, ҳар чегара, вилоят, лашкар ва мамлакатга бир ахбор ёзувчи тайин этсингларким, сипоҳ, раият, ҳоким, бегона лашкар, молу дунёнинг кирим-чикими, бегона одамларнинг ва карвоннинг кирибчиши, кўшни подшоҳлар мамлакатининг аҳволи, уларнинг тутған иши ва қилиқлари, узок юртлардан мамлакатимга юз кўйган уламо ва фозил одамларнинг ишлари ва сўзларини ростлик ва тўғрилиқча ёзиб даргоҳга юборсинглар ва агар хилоф ёзсалар бармокларини кессинглар. Ва ҳар хабар ёзгувчи кўшин ишини пинҳон тутса, унинг қўлини ҳам чопсинглар ва агар ёлғондин ё бир гараз билан тухмат ёзсалар, уни ўлдирсинглар.

Ва амр этдимки, ҳар шаҳар ва туар жойнинг хабарларини кумма-кун, ҳафтама-ҳафта, ойма-ой арзга етказсинглар. Ва амр этдимки, бир қисми түя ва отда, бир қисми пиёда тайин этсингларким, мамлакатлар ва сultonлар хабарлари ва улар-

нинг мақсад ва иродаларини ўрганиб, хабар етказсинглар, токи воқса юз беришидан олдин иложини топайин. Чунончи, Тўқтамишхоннинг мағлуб бўлганлиги хабари менга етиб келиб, у менга паноҳ сўраб келишини билдим. Ўрусхон уруши ва Тўқтамишхонга кўмак беришга шайланиб. чорасини кўрдим. Худди шунингдек. Хиндустон мамлакатини бўйсундиришига йўл олган чоғимда менга хабар етказдиларки, хинд қальяларининг ҳар бирида бир султон ё амир таҳтда ўтиришипти. Чунончи Маллухоннинг укаси Сортак Мўлтонда ва Махмудхон Дехлида подшоҳ бўлиб, Муборакхон Қунужда салтанат даъвосин килур эдилар. Бу хабар менга етиб келгач, у мулкни бўйсундириш назаримда осон кўринди, лекин қўшин назарида мушкул эди.

Хинд мамлакатини эгаллаганимдан сўнг, менга хабар етказдики. Рум қайсари келиб менинг мамлакатимга ҳужум килиб, гуржилар ҳам ўз аҳидан қайтиб, вилоятим қальяларидан баъзисига халал етказмоқдалар. Ўзим билан кенгаш килдимки, агар Хиндустонда колиб кетсан, Эрон мамлакати кўлдан чикади. Шундан сўнг Хинд мамлакатининг тартиб-интизомга солиб илгор этдим. Аввал гуржи кофирлари-нинг қальяларини яксон килдим, ундан сўнг Кайсар урушига бел боғладим. Менга етиб келган бу хабарлардан манфаат топганим учун ҳар мулкка хабар ёзувчи тайин этдим. Ва амр этдимки, барча юрт-элда бу тузукни жорий қилсинлар.

**Шахар ва вилоятларда яшовчиларнинг тартиб-интизом тузуки.** Амр этдимки, ҳар мамлакатни эгалласам ва бу мулкда яшаб коладиган қўшин аҳлига навкар қилиб жой берсинглар, шу мулкда ватан қилсинлар. Уларни катл ва горатдан, ходисалар зааридан химоя қилсинлар. Уларнинг молдунёсини талон-тарож килдирмасинлар. Ўша мамлакатдан йиғилган ўлжалардан юрт оқсоқоллари ва деҳконларга сийлов берсинглар.

Ва амр этдимки, ҳар юрт фатҳ бўлгач, унинг саййидлари, уламо ва машойихига суюргол, вазифа ва маош берсинглар. Дин улуғлари мозоротига ер ва қишлоклар вакф этиб, тўшак, шам, чироғ, ошу нон муқаррар қилсинлар. Ҳазрати Али қАрамуллоҳ важҳаҳушинг равзаларига Нажаф ва Ҳулла молин вакф этсинглар. Ва Ҳазрати Имом Ҳусайн разияллоҳу анхунинг равзасига Карбало ерларини вакф этсинглар. Ҳазрати

Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайхининг равзасига Бағдоднинг баъзи қисмларини вакф этсинлар. Шайх Абд ул-Қодир раҳматуллоҳи алайхининг равзасига турли маҳаллалар вакф этиб, Имом Козим ва Имом Муҳаммад Тақий ва Салмони Форсий разияллоҳу анхуга Жазойирдан ер ва маҳаллалар ва Мадойин ҳосилини вакф этсинлар. Бошқа Бағдодда ётган машойих ва акобир мозорларига ер ва маҳаллалар вакф этиб, Имом Али Мусо Ризо разияллоҳу анху равзаси учун Тус шахри маҳаллаларини вакф этсинлар. Ҳар кунлик ош, фаррош, чирог ва шамларини мукаррар қилсинлар. Эрон ва Турон машойихи мақбараларига номма-ном вакф ва назрлар тайин қилсинлар.

Ва яна амр этдимки, кўлга олингандан ҳар бир мулкнинг гадоларини тўплаб, ҳар кунги вазифасини мукаррар қилиб, уларга тамға урсинлар, токи бошқа гадолик қилмасинлар. Агар тамға босилгандан сўнг гадолик қилсалар, уларни узоқ яшаш жойларига элтиб сотсинлар ё юборсинлар, токи гадо ва гадоваччалар камайсин.

**Мамлакатни қўриқлаш, мол ва хирож олиш тузуки.** Амр этдимки, раиятдан мол ва хирожни бир хилда олсинлар, токи мулк ва раият хароблигига сабаб бўлмасин. Раият хароблиги хазина хароблигига сабаб ва хазина хароблиги лашкар хароблиги ва салтанат мартабаси халал топмогига сабаб бўлгусидир. Ва яна амр этдимки, кўлга киритилган мулкларнинг ҳосил ва даромадларини хатлаб ўйлаб қўрсинлар, агар раият бурунги хирожларига рози бўлса, ризоларига амал қилсинлар ва илло тузукка мувофиқ жам боғласинлар.

Ва амр этдимки, хирожни зироатга мувофиқ олсинлар ва ер ҳосилига боғласинлар. Жумладан, раият экин ерларини ер ости сув, булоқ ва ариқ суви билан зироат киладиган бўлса, далаларини ҳам шунга мослаб қўйган бўлса, экин ерларни хатлаб, олингандан барча ҳосилнинг икки ҳиссасини раиятга қўйиб, бир ҳиссасини лашкар учун олсинлар. Агар раият унга рози бўлмаса, ҳамма нарсадан вакт нархи билан жам ва хирож боғласинлар. Хатланган срларни нақд пулга ўтказиб, нақд пул ҳисобидан хирож олиб, лашкарга етказинлар. Агар раият ҳосилни уч бўлмакка рози бўлмаса, уч хил таноб этсинлар, аввалги танобга уч ботмон, иккинчисига икки харвор ва учинчисига бир ботмон мажбурий хирожи жавр сол-

синлар, яримини бүгдой ва яримини бошқадан жамласинлар. Ва агар раият ғалла бермакка рози бўлмаса, бир ботмон бўгдойга беш мисқол (4 гр) кумуш ва бир харвор арпага икки ярим мисқол нарх қўйсингилар ва совари ва қўнолга қўшмасинлар. Бундан бошқа раиятдан ҳеч исм-у расм билан ҳеч нарса талаб қиласинлар. Қолган экинлари хоҳ баҳорий. хоҳ кузги, хоҳ ёзги, хоҳ кишни бўлсин раиятнинг ўзиники бўлсин ва раиятнинг фаровонлигини ўйласингилар.

Ва яна амр этдимки, экин пишмасдан ва ҳосил йигилемасдан бурун раиятга мол ва солик солмасинлар ва ҳосилни йигиб олганидан кейин қадимий дастурга амал килиб, молу хирож олсингилар. Агар раият соликчисиз олиб келиб Бергудай бўлса, соликчи тайнинласинлар. Ва агар соликчига эҳтиёж бўлса, соликчи юбориб, ҳукм ва сўз билан мол олсингилар ва таёқ урмоқ ва боғламоқ билан олмасингилар. Раиятни занжир билан боғлаб кишанбанд қиласингилар.

Ва яна амр этдимки, бирон сахрони обод этсалар, ё бир ер ости сув, қазисалар, ва ё бир бօғ кўкартирсалар, ё бир мавзени янги обод этсалар, бирипчи йил ундан ҳеч нарса олмасингилар, иккинчи йили уларнинг ризолиги билан ҳар на берса олсингилар, учинчи йил тузукка ва дастурга мувофик мол олсингилар.

Ва амр этдимки, улуғ раият майда раиятга зулм қилсанум, унинг хароблигига сабабчи бўлса. ўша катта раиятга ҳам шу микдор хароблик етказсингилар, хароб ерларнинг агар эгаси бўлмаса, хоссаликда обод этсингилар ва агар эгаси бор бўлса, аммо паришон ва нотавон бўлса, унга мулк ва дехкончилик асబоблари берсингилар.

Ва амр этдимки, хароб ерларда коризлар қазиб сув чикарсингилар, бузук кўприкларни тузатсингилар ва халқ ўтар жойларида арик ва анхорларга кўприк солсингилар. Йўлларда ҳар манзилда бир работ солиб. сокчи ва йўлга қаровчилар тайин қиласингилар ва ҳар работда бир жамоани жойлашитирсингилар. токи хавфсизликни таминаласингилар.

Ва амр этдимки, ҳар шаҳар ва яшаш жойида масжид, мадраса ва хонақоҳ бунёд этсингилар. Бир табибга вазифа тайин этиб, дор уш-шифо (шифохона)да фойдалансингилар. Шаҳарда дор ул-аморат (амирлик биноси) ва дор ул-адолат (адлия вазирлиги) бино қиласингилар. Раият экинларини қўриқлаш учун

коровул мукаррар килсинглар. Ҳар мулқда учта вазир тайин этсинлар: бири раият учунким, раиятдан ҳар нима ҳосил ва кирим бўлган бўлса уни ёзид сақласин; иккинчи аскар учунким, лашкарга нима маблағ етишади ва нима талаб килишларини ёзид борсин; учинчи вазир ғойиб, ўлган, қочган, мажнун ва етимлар молларини ва меъросларини қози ва шайх ул-исломнинг савоб билмоғи билан хатласинлар.

Ва амр этдимки, ўликлар молини ворисларига етказсинглар, агар ворис бўлмаса, сақласинглар, токи вориси топилгинча. Агар мутлако вориси бўлмаса, хайрия ишларига сарф этсинлар ё Маккан мутабаррака ва Мадина тайибага юборсинглар.

**Уруш ва жанг этмок, кирмоқ-чиқмоқ, сафга тизмок ва кўшинни мағлуб қилмокнинг тузуки.** Амр этдимки, агар душман босса, аймок ва тумандин ўн икки минг отлик билан мингбоши, юзбоши ва ўнбошилардан баъзи бирга бўлиб, душман тарафга бир манзил бориб, менга хабар берсинглар.

Ва амр этдимки, ўша ўн икки минг отликдан тўққиз бўлинма тузсинлар. Шу тартибдаки: бир бўлинма кўл (ўрта), уч бўлинма буронғар (ўнг канот), уч бўлинма жувонғар (чап қанот), бир бўлинма ҳировул, бир бўлинма коровул ва буронғар бўлинмаси ҳировуллик, чоповуллик ва шақовулликни ўз ичига олсин.

Ва амр этдимки, амир ул-умаро уруш жойида тўрт ишни мулоҳаза қилсин. Аввал, сув ва сомон: иккинчи, лашкарни саклагудек ер; учинчи, душман турган жойнинг шарқида бўлсин, офтобнинг шуъласи лашкар кўзини камаштиради; тўргинчи, уруш жойининг олди очик бўлсин.

Ва амр этдимки, урушдан бир кун олдин саф тузсинлар ва тузук қилиб юрсинглар. Бошда юриш расми билан ўзи юрар, ўз юриши ҳаддидан оширмасин ва от бошини қайирмасин, адл тутсин ва соғу сўлга бокмасин ва эгилмасин.

Ва амр этдимки, лашкар кўзи душман кўшинларига тушгач, баланд овоз билан «оллоҳу акбар» десин ва хужум қилювчи лашкар сардори хато қилганини кўрса, унинг ўрнига ўлтирсин ва унга топширган фатҳ ёрлигини амирлар ва кўшинга кўрсатсан.

Ва амр этдимки, лашкар сардори арзга етказувчи билан бирга душманинг оз-кўплигини кўриб чиқсин ва ўз сардор-

лари билан душманни киёслаб, каму ортигининг чорасини кўрсин. Ўз лашкари билан душман лашкари куролларини солиштиурсин ва душманнинг барча феъл-атворидан хабардор бўлсин.

Ва амр этдимки, то душман уруш бошламагунча, урушга кирмасин, душман майдонга киргач, сардорнинг фикри бўлинмаларга иш буюрмоқда бўлсин ва уларга иш буюришда като қилмасин. Ҳар бўлинмани ўз қуролларидан бир қурол ўрнида кўрсин. Сардор бўлинма билан ўзини кураш тушаётган кишига киёсласинким, барча аъзосини бор кучи билан ишга солиши керак. Сардор аввал ҳировул бўлинмасини душман устига югуртиурсин ва унинг орқасидан буронгар ҳировулини мададга юборсин ва унинг изидан жувогар ҳировулини юборсин, шу қабилда душманга уч зарба берсин. Агар бу вактда ҳировул ожизлик қилса, буронгарнинг биринчи бўлинмасини сурсин, унинг кетидан жувонгардан бир бўлинмани сурсин ва менга хабар юбориб, менинг ратъимга муитазир бўлсин ва Тангри таоло иноятига сўяниб, сардорнинг ўзи уруш солиб харакатга кирсинким, худо мадади билан душманга саккиз зарба берилиб, тўққизинчисида тор-мор қилинар ва бизга фатх юзланар.

Сардор тез жиловлик қилмасин ва лашкарга иш буюрсин ва ўзига навбат етганидан кейин қўлидан келса, ўзини ўлимдан сақласин, чунки унинг ўлими бадномлик келтиради. Душманнинг коровул бўлинмасини хира килур. бас, сардор сабр ва тадбир билан иш қилмоғи керак ва бир жойга кирмасинким, ундан чиқа олмаса.

Амр этдим ва тузук боғладимки, агар душман лашкари ўн икки мингдан ошиқ бўлса, то кирқ минг отликқа етишса, саодатли фарзандлардан бири сардор бўлсин. Унинг қўл остида икки беклар беги ва кўшин ва улус амирлари билан юрсинлар ва агар кирк мингдан кам бўлмаса, мени ҳам ўша ерда хозир билсинлар.

Ва амр этдимки, менинг қўшхонамни чикарганларидан кейин ўн икки бўлинма тайин қилсинлар. Ҳар бирига кўшин ва улус амирларидан бирини тайинласинлар, тузук тузсинлар ва саф тузиши ва кўшинни мағлуб килиш, чиқмок ва кирмокда тузган тузугимни назарда тутсинглар. Душман лашкари сардорларини санаб, уларнинг кархисида сардор тайин эт-

синлар. Душманинг қиличдор ва найзадор аскарларини эътиборга олиб, душман лашкарининг юришини кўрсилар-ким, урушга кетма-кет ва оҳиста келаётитими ёки мағлуб келаятими? Душман хийла ва макрини ҳам мулоҳаза киль-синларким, баъзида ўзини оз чоғли қилиб кўрсатади ва ўзла-рини босилиб, кочган кўрсатадилар. Зинхор уларнинг камли-ги ва қочганига алданманглар.

Уруш кўрган ва иш килган сардор шуки, урушнинг паст-баландини тушунади, кайси бўлинмани ишга солиш, кайси раҳнани тўлдирмоқ ва қандай уруш солмокни яхши билади. Сардор душман иродасини англамоғи, унинг йикилмоқ ва турмогини ва кай йўсинда урушга киришини билади ва бу йўлнинг олдини тўсади. Сардор кирк минг отлиқни ўн икки кисмга бўлиб саф тузиши керак.

Аввал ўз бўлинмаси бўлган кўл (марказ) кисмини сафга тузсин, ундан сўнг буронгарнинг уч бўлимини сафлаб, уч бўлинманинг бирини буронгар хировули деб атасин ва яна уч бўлинмани жувонгарга тайинлаб, бирини жувонгар хировули деб атасин. Ва шу тариқа яна уч бўлинмани буронгар олд томонида тартиб бериб уни чоповул деб атасин. Чоповулнинг ўша уч бўлинмасининг бирини олд томонга тайин килсин ва ҳам шу тариқа яна уч бўлинмани жувонгар олд томонида карор бериб, уни шақовул, деб атасин. Ва бу шақовулнинг уч бўлимининг бирини шақовул хировули деб номласин.

Ундан сўнг кўл олдида бўладиган улуғ хировулни килич-боз ва найзадор баҳодирлар билан шундай мустаҳкамласин-ки, улар орасига каттарок игна ҳам сифмасин.

Душман шикаст топгач, сардор душман юришига бокиб турсин. Ҳар кимсаким, ҳукм бўлмай бўлимдан харакат қиласа, унга танbih берсин. Омадли фарзанднинг бўлинмалари сафига иккичи бўлинманинг буронгари, чоповул бўлимидининг жувонгари ва хировулнинг биринчи бўлимидининг чап кўли, шақовулнинг иккичи бўлимидининг чоповули, хировулнинг иккичи бўлими ва хировул бўлимидининг шақовули ўнг кўлнинг аввалги бўлими бўлур.

Амр этдим ва тузукка киритдимки, агар душман лашкари кирк мингдан ортиқ бўлса, беклар беги, амирлар, мингбоши, юзбоши ва ўнбошиларнинг ва бошқа сипоҳ ва баҳодирлар-

нинг нигоҳи менинг туғларимда бўлсин.

Амр этдимки, ҳар амир ва ҳар бўлимга фатҳ ёрлигини юборсам, ёрлик ҳукмига амал килсинлар ва ундан оширмасинлар. Агар унга хилоф иш тутса, сиёsat қиличи билан жазо бериб, унинг ёрдамчисини унинг ўрнига қўйсинлар.

Ва амр этдимки, тамға қилинган қирқ аймокни қирқ бўлимга бўлсинлар ва тамға қилинмаган йигирма олтита аймок қўл ортида саф чексинлар. Фарзандлар ва набиралар қўлнинг ўнг тарафида ўз қисмларини сафласинлар. Қариндошлар қўлнинг чап тарафида қисмларини тартибга солсинлар. Уларнинг қисмлари бу икки жойда ёрдам кўрсатсан. Буронгарда олти гуруҳни тайинласинким, бу жумладан бири буронгарнинг хировули бўлади. Ва бу тариқа жувонгарда ҳам олти қисм тайин этсинларки, бу олти бўлимдан бирини хировулнинг хировули қилсинлар. Ва бу тариқа амр этдимки, буронгарнинг олд томонида олти бўлим мукаррар қилсинлар ва унга чоповул от қўйсинлар ва бу олти бўлимнинг бирини хировулнинг чоповули қилсинлар. Ва бу тариқа жувонгарнинг олд томонида ҳам олти бўлим тайин этсинлар, унга шаковул от қўйсинлар ва бу бўлимларнинг бирини хировул қилсинлар. Шаковул ва чоповул бўлимларининг олд томонида баҳодир ва иш кўрган амирларни тайин этсинлар. Хировулнинг олти бўлимидан бирини ажратиб, уни хировул деб номласинлар. Хировулнинг ўнгсўл томонида икки коровулбеги тайин этсинларким, душман лашкарини кузатувчи-си бўлсин ва унга боқиб хировул амирига хабар етказсинлар ва хировул амири менга хабар етказсан.

Амр этдимки, ўн тўрт бўлимнинг амирлари то мендан уруш ёрлиги етмагунча, урушга кирмасинлар ва то уларга уруш наъбати етмаса, аралашмасинлар ва жанг оҳанги тузмасинлар. лекин жангга тайёр бўлиб турсинлар. Уруш ҳукми уларга етиб боргач, душман урушини кўриб урушга кирсинлар.

Амр этдимки, душман хировули урушга машғул бўлгач, хировул амири олти бўлинмасини бир-биридан сўнг урушга солсинки, душманга олти зарба урилгач, мағлуб бўлади. Шу вактда чоповул амири олти бўлимини ахён-ахён кўмакка юборсин ва ўзи ҳам ҳужумда қатнашсан. Ва шу тариқа шаковул бўлимларининг амири ҳам олти бўлимини мададга

юбориб, ўзи ҳам урушга кирсин. Худои таоло қувват берса, душманга бундай зарбалар етказилса, мағлуб бўлиб, парокандаликка юз тутар. Шунча зарбалардан кейин ҳам душман қаршилик кўрсатса, буронғар амири ўз ҳировулини сурсин ва жувонғар ҳам ўз ҳировулини югуртиrsин. Бу икки хировул ўнгу чапдан келгач, душман лашкари албатта мажоли куриб, тоби қочади. Агар душман яна кайсарлик қилса, буронғар ва жувонғар амирлари ўз қўшинларини кетма-кет душманга сурсин ва агар кўрсаларки, бу қаҳрли бўлинмалар душманни тор-мор киломадилар, буронғар ва жувонғар амирларининг ўзлари душман дафига юз қўйсингларким, фатҳ мусассардир.

Агар бу пайтда буронғар амирлари бўш келсалар, амирзодалар хужумга ўтсинлар. Улар душман сардори билан бизнинг сардоримизни кўздан кочирмасинлар ва шижоат ва мардлик билан душман сафини синдирисинлар. Душман Сардорини тутишга касд килиб, мухолифлар тугини йигишга ҳаракат килишлари керак. Бу зарбалардан кейин ҳам душман қаршилик кўрсатса, у ҳолда «қўл» (марказда) турган қариндошлар бўлимлари, пароканда лашкар ва кўл баҳодирлари ва кўлда саф тузиб турган улусот лашкарини бир йўла хужумга ташласинлар. Ва агар шундан кейин ҳам фатҳ мусассар бўлмаса, сultonнинг ўзи баланд химмат ва кўнгил хотиржамлик билан ҳаракатга келсин, худди мен Қайсар урушида қилгандай. Унг кўл сафидаги кисмнинг амири Амирзода Абу Бакрга амр этдимки, бир нушта устида турган Йилдирим Боязиднинг кўлига қарши хужумга ўтсин. Мен ўзим Мироншоҳ бошчилигидаги ўнг қанот кўл бўлимлари ва Амирзода Султон Ҳусайн ва Амирзода Сулаймон бошчилигидаги чап кўл қўшинлари билан химмат юзини Қайсар тарафга келтирдим ва биринчи ҳамладаёқ Қайсар бўлимлари ортидан суреб, уни кўлга олиб даргохга келтирилди.

Тўқтамишхонга ҳам бу тузуклар билан зарба бердим ва биринчи бўлиб унинг байрогини йигишни буюрдим. Агар душман қазоклик килиб, чоповул ва шақовул, буронғар ва жувонғарни тор-мор килиб, кўл кисмига етиб келгудай бўлса, сulton шижоат оёгини сабр узангисига қўйиб, душман дафига отланиши возибдир. Худди мен Шоҳ Мансур урушида қилганимдай. У ўзини менга етказди, мен ўз қисмларим би-

лан унга рўпара бўлиб, уни тупрокқа кордим.

**Бўлинмаларнинг сафланиш тартиби.** Чап кўл коровулининг бўлими, хировул бўлими, биринчи бўлимлар, хировул бўлими, иккинчи чоповул бўлими, учинчи хировул бўлими, тўртинчи хировул бўлими, бешинчи шаковул бўлими, олтинчи хировул бўлими. Шундай тартибда; бўлим, бўлим, бўлим, бўлим, бўлим, бўлим; шаковул бўлими: бўлим, бўлим, бўлим, бўлим, бўлим, бўлим, бўлим; амирзолаларнинг бўлими; кариндошларнинг бўлими; буронғар хировулининг бўлими: бўлим, бўлим, бўлим; жувонғар хировулининг бўлими: бўлим, бўлим, бўлим; тамға килинган йигирма саккиз бўлим.

**Мулкдорлик ва лашкарни мағлуб килиш ишлари.** Душманни ўзимга ром этиш, тузокқа туширмоқ ва мухолифларни дўст қилмоқ ва дўстлар билан борди-келди расмлари кенгашининг тузукини бундай килдим.

Пирим менга бу мазмунда нома битди: «*Абул Мансур Темур салтнатида тўрт ишини кўлга олгиги: аввал кенгаш, иккинчи маслаҳат, учинчи тадбир, тўртинчи эҳтиёт. Ва ҳар подшоҳликки кенгаш ва маслаҳатдан ҳоли бўлса, бир эсоҳиду нодон кишига ўхиласа, ҳар шима этса ва қиласа хото ва янглиш бўлади ва барча қишган ва деганининг сўнги надомат ва пушаймончик келтиради. Давлат ишлари ва идорасида тадбир ва маслаҳатга амал қиласан, то надомат чекиб пушаймон бўлмассан. Подшоҳлик ишларининг бир ҳиссаси сабру чидам қилмоқ ва билмаганинги билган бўлмоқдир. Голиб бўлмоқ, азм, иттифоқ, сабр, чидам, эҳтиётилик ва шижсоат билан муссесар бўлади. Ҳимоя ўюлидан юрувчиларги салом*». Бу мактуб бир фариштадай менга йўл кўрсатди.

Тажрибада кўрдимки, бир иш килган ва иш кўрган, азму қарорли ва хушёр киши ўн бегона одамдан яхшироқдир. Тажрибамда кўрдимки, душманга голиб бўлмоқ, лашкарнинг кўплигига боғлиқ эмасдир ва мағлуб бўлмоқ ҳам лашкар озлигидан бўлмасдир, балки голиб бўлмоқ [Оллоҳ] кўллаб-куватлаши ва тадбир билан бўлиб ва мағлуб бўлиш [Оллоҳ] кўллаб-куватламаганидан ва тадбirsизликдан бўлади. Чунончи, Ҳиндустон урушида минг киши билан Камолхоннинг ўн минг отлик лашкарига зарба бердим.

Тажрибада кўрдимки, раъй ва кенгашни хушёр ва доно дил

киши билан килмок керак, хар нечаким, барча ишлар тақдир пардасида яширинган. Аммо Мұхаммад саллоллоху алайхи васаллом суннати талаби бўйича, хар иш килсам кенгаш билан килдим ва кенгашлик кишилар жам бўлган чоғда, яхши-ёмон, фойда-зиёнини суриштирдим. Ҳамманинг сўзларини эшитиб, уни иккала томонини мулоҳаза килиб, унинг хатарли жиҳатларига эътибор килдим. Ҳар ишда иккита хатар бўлса, уни қўйдим, бир хатар бўлса, уни ихтиёр этдим.

Тажрибада кўрдимки, барчасининг фикри менинг сўзимга бирлашган ва ўз ишига машғул бўлган кишилар кенгаш эгаси бўлади. Яъни агар бир ишни киламиз деса, килади ва килмаймиз деса килмайди.

Тажрибамда кўрдимки, кенгаш икки қисмдир, бири хабар берувчи, иккincinnси таҳлилий. Хабар етказувчи кенгашда эшитиб эслаб колишга ҳаракат килдим ва таҳлилий кенгашга хуш ва кўнгул бердим. Лашкаркашликлар чогида тинчлик ва урушдан сўрадим ва карадимки, амирларнинг кўнгли жангни тилайдими ёки тинчликнами? Тинчлик манфаатларини уруш зарари билан қиёсладим. Агар урушдан сўз десалар, унинг наф ва фойдасини, тинчликнинг наф ва зарари билан мулоҳаза килдим. Ҳар қайси галиб келса, уни ихтиёр этдим. Мардона кенгаш бериб, оқилюна сўз айтган ҳар одамни қабул этдим. Ҳамма киши билан кенгаш килдим ва барча одамдан сўз эшиздим, лекин унинг яхши-ёмон томонини мулоҳаза этдим. Қайси тарафи маъкул бўлса, уни ихтиёр этдим. Жумладан, Тўглук Темурхон Мовароуннахрни босиб олишни мўлжаллади. Бу ҳақда илгарирок эслатиб ўтилди.

Амир Ҳусайнни йўқ килиш, яъни таг-томири билан йўқ килишни кенгаси бу эдики, унинг феъли бузуклигидан амирлари юз ўғирдилар. Амир Ҳусайн Кайхусравнинг укаси Ҳатлоннинг ҳокимини ўлдирди. Кайхусрав Бадахшонда Амир Ҳусайнга карши бўлди ва ўзга амирлар ҳам нифок мА-комида бўлдилар. У уларни ўзига өл ва иттифоқдаги хисоблаб, менга карши олдинги қатор аскарларини Балхдан чикарди ва менга хабар келди. Шу билан мен Амир Ҳусайн то тебраниб йўлга тушгунча, унинг устига етиб борай, деб қарор килдим. Ва шу пайтда ёнимда хозир турган уч юз ўн уч киши билан Самаркандан Балх тарафга жўнадим ва ҳеч кутилмаганда Балх ёвуғига бориб тушдим. Шу билан Амир

Хусайн чидаш беролмай, қалъага кириб қамалди ва ўша жойда қатл бўлди.

Ўша чоғда хабар келтириларким, Хурросон ҳокими Султон Ғиёсуддин бу хабарни ёшишиб, лашкар йигиш тараадду-дидадир. Хурросонни ўзимга қарам килиш кўнглимда бўлишига қарамай, уларни гафлат уйқусига солишини маъқул кўрдим. Шунинг учун Самарқанд тарафга йўл олдим. Самарқандда пирим мактуби етиб келди: «Султон Ғиёсуддиннинг зулми кучайди, сенга башорат бўлсинки, менга аён бердики, Султон Хурросонни сенга берди». Бу муждана ёшигач, ўзимга кенгаш қилдимки, Балхда «Самарқандга қайтдим», деб овоза тарқатганимдек, энди Дашиб Кипчоқка бораман, деб овоза килай. Дашиб Кипчоқка илғор кисмларни жўнатдим, йўлдан бурилиб ов қилиш баҳонасида Жайхундан кечиб ўтдим ва илғор этиб Хирот пойтахтига етиб бордим. Султон Ғиёсуддинни гафлат уйқусида тутдим. Шу билан шаҳарни ташлаб чиқиб, ҳазина ва дафиналарини менга колдиришдан ўзга чораси қолмади. Хурросон менга қарам бўлди. Шу билан Хурросон амирларининг ҳаммаси менга итоат қилдилар.

Сейистон, Кандаҳор ва Афғонистонни эгаллашда бундай кенгаш қилдим: бу диёрнинг ҳокимларига ёрлиглар юбориб, ёздимки, агар менга келсалар юксак мансаб эгаси бўлурлар. келмасалар йикилурлар.

Бу тадбир такдирга мувофиқ экан шекилли, ёрлик етиб боргани ҳамон, ҳаммалари итоат бошини ерга қўйдилар.

Журжон, Мозандарон, Озарбайжон, Форс ва Ирокнинг эгалланиши шундай бўлди: кабила маликлари ва Музаффар авлодининг жабр-зулмидан шикоят аризалари менга етиб келгач, Ироқ ясоғи оҳангини қайтадан туздим. Шу ҳолда кўнглимга келдики, мабодо кабила маликлари ва бу мамлакатлар бирлашиб карши чиқишлошалар, урушга тайёр туриш керак. Менинг амирларим шундай кенгаш бердиларки, уларни бир-бирдан ўзим ром қиласам яхшидир. Агар ким бўйсунмаса уни жазолайман. Менинг олдимга келган биринчи Кимса Мозандарон ҳокими Амир Али эди. Менга тортиқ юбориб нома ёздики. Ҳазрати Али разиаллоҳу анху авлодидан бир жамоа билан бу ўлкага қаноат килиб турибмиз. Агар олур бўлсангиз қўлингиз кучлидир ва агар авф этиб, озод қилсангиз, таквога яқинрок бўлгусидир.

Мен буни яхши фолга йўйдим. Ирекка лашкар тортиб, Исфаҳонни эгалладим ва у ернинг элига ишонч билдириб, қалъани уларга топширдим. Шунда улар ёв бўлиб, тайинланган доруғамни ўлдирдилар. Улар менинг икки-уч минг кишимни ўлдирганлари учун қатли омларига ҳукм этдим.

Яна бир кенгаш Тўқтамишхонни тор-мор килиш борасида. Эрон ясогидан кейин менинг лашкар кучларим кучсизланганини кўргач, Тўқтамишхон бу ҳолни эшишиб, устимга фурсатдан фойдаланиб лашкар тортиди. Менинг сардорларим урушга майл кўрсатмадилар. Шунда кариндош-уруглар, фарзанду набиралар келиб тиз чўкиб жонбозлик кўрсатдилар. Шу пайтда Тўқтамишхоннинг байроқдори менинг олдимга келди. Кенгашни шунда кўрдимки, урушга бошлайман. Икки саф тузилган пайтда, у байроқни қулатди. Авлод ва кариндошларимнинг тиз чўкканларини эшигач, амирларимнинг кўнгли таскин топди. Мирзо Абу Бакрни саккиз минг отлик билан хировул қилдим. Иккинчи ва учинчи ҳамлада буюрдим, то чодир тикиб овкат пиширишга машгул бўлсинлар. Шу пайт Тўқтамишхоннинг байроби қулади ва хон Жўжи улусини толонга ташлаб, урушдан чекиниб кочди.

Яна бир кенгаш Багдод мамлакати Ироқи Арабни эгаллаш борасида. Ироқи Ажам ва Форсни эгаллагандан кейин Кутб ул-актоб пирнинг мактуби келди: «*Араб ва Ажсаннинг қаҳрамони Ироқи арабни ҳам сенга берди*», деб ёзибди. Бу хушхабардан сўнг Хурросоний Амир Ҳусайнни элчилик расми билан Бағдодга юбордим, токи Бағдод ҳокими Султон Аҳмад Жалойирнинг аҳволи ва лашкари хақида менга ёзиб юборсин. Амир Ҳусайн Хурросоний биринчи сухбатдан кейинок барча аҳволни менга ёзди: «*Аҳмад бир парча гўштдир*», деб ёзди. Мен худонинг амрига суюниб илгор этдим. Шунда у тоқат қилолмай хабар етиб келган куни, барча юк ва асбоб билан Бағдоддан чиқиб кетиб, Бағдод менга карам бўлди.

Шу чоғда мағлуб бўлиб қочган Тўқтамишхон фурсат топиб, Шер Дарбанди йўлидан келиб, Мовароуннаҳрга лашкар тортиб, бузуклик бошлади. Иккала Ирок менга тобе бўлгани учун уни йўқ килиш кенгашини тузиб, ялпи хужумга ўтиб Даشتга боришига қарор қилдим. Лашкаримни кузатиб қарасам, тўрт фарсаҳга уч фарсаҳ с尔да эди. Тангри гаолога шукр килиб, Сайхун сувидан ўтиб, Даشتдаги элу улусга ёрлик

юбордим: хар кимса менга келса қутулур ва хар кимсаким урушса, йиқилади. Шу билан Даشتга кириб, орка яшаш жойларининг охиригача бордим. Жўжи улусини йўклик шахрига юбордим ва Тўқтамишхонни жаҳон мулкида тўхтамасдек қилдим, беш-олти қалъасини эгаллаб, зафарёр бўлиб Дарбанд йўлидан кайтдим.

Ҳиндустон мамлакатини эгаллашда, аввал қўнглини билиш учун фарзандлар ва амирлар билан кенгашдим. Шунда амирзода Пир Мухаммад Жаҳонгир туриб: «Ҳиндустонни олурмиз, лекин Ҳинднинг тўрт қўргони бордир: биринчиси дарё ва анҳорлар; иккинчиси ўрмон ва тўқаёнлар; учинчиси қуролланган жсангчилар; тўртичиси одам овлаидиган фичлар», - деди.

Амирзода Султон Ҳусайн: «Ҳиндни олсак тўрт иқлимга ҳукмрон бўлурмиз», деди. Амирзода Рустам: «Турк конунилирида ўқиганим бўйича, тўрт буюк шавкатли подиоҳлари борки, улуғликларидан отларини айтмаслар. Чуюнчи, Ҳинд подиоҳини рой, Рум подиоҳини қайсар, Хитой подиоҳини фагфур, турк подиоҳини хоқон дерлар. Ва бу кун Эрон ва Турон подиоҳини шоҳанишоҳ дерлар ва шоҳанишоҳнинг ҳукми Ҳиндустонга жорий бўлур. Эрону Турон қўл остилизда бўлгач, Ҳиндустонни эгаллашини лозим билурмиз», - деди.

Амир Кароча, Амир Жаҳоншоҳ ва Амир Худодод: «Ҳиндни олармиз, аммо унда иқомат қилур бўлсақ, наслимиз кам бўлур, авлод ва наслларимизнинг ранг ва таркиби бузулур, балки қуфрга эврилиб, ислом ва шариатни унтурлар», - дедилар. Мен уларга: «Куръонга кенгаши соламан, Таигри таолонинг хоҳини нима бўлса, шунга амал қиласман», - дедим. Қуръондан фол очган эдим: «Жаҳид ил-куффора вал-мунафиқийна ва агуз алаиҳим» («Коғирлар ва муноғиқларга қарши жон-жасдинг билан уруш қили») ояти чиқди. Уламо бу оят маъносини амирлар хотирига ўрнатдилар. Ҳамма бошларини куйи солиб, хомуш бўлдилар. Уларнинг бу хилда хомушликларидан қўнглим хижил бўлди. Рози бўлмаган баъзи амирларни амирликдан чиқариб, уларнинг ўрнига навбатда турғанларини тайинласам ўринли бўларди. аммо улар ҳам ўзим тарбия килганларим эди. Улардан ўзими ни тортишни истамадим. Ҳар канча жигаримни қон килган бўлсалар ҳам, аммо интибок бўлгани учун хотиримга ҳеч

нарса келтирмадим. Шу билан иқбол карвонини Ҳиндустон томонига чикариб, фотиҳа ўқидилар.



Амирзода Жаҳонгирни ўғиз минг отлик билан жувонғар этдим ва унга амр этдимки Сулаймон тоглари йўлидан бо-

риб, Синд сувидан ўтиб, Мұлтонга ҳамла қилғин. Амирзода Султон Маҳмудни ўттис минг отлик билан буронғар этиб, амр этдимки. Синд сувидан ўтиб Кашири тоғи этаги йўлидан Лоҳур вилоятига ҳамла қилғин. Ўзим ўттис икки минг отлик билан кўл бўлиб отландим. Борлик аскарим Ҳазрати Муҳаммад саллоллоҳу алайхи васаллом оти ададига мувоғик тўқсон икки минг эди. Бу рақамни ўзимга яхши фол тутиб, отланиб Бадаҳшон ўлкасидан Андароб ерларига тушдим, Катура тоғи кофирларига танbih бераб, Ҳиндустон ғазотига жўнадим.

**Ҳиндустон кенгашини шундай килдим:** Амир Сайфалким, бир неча марта менга килич кўтарган эди, бу ҳалқнинг мардларини дўст тутганим учун кошимга келиб мадад берди. Шунинг учун уни давлатимга шерик килиб, Қандахор, Ҳазора, Гуристон ва Сейистон вилоятларини унга бердим. Унинг ўғли қалъани ўз кўл остига киритгач, Нафир қалъаси қўлимда бўлса, Ағонни йўқ килиш осон бўлади, деб хотиржам бўлдим. Шу орада Амир Сайфалнинг ўғли Мусо туркман келиб, Мусо туркман ўн минг отлик билан устимизга келиб, отамни ўлдирди ва молларни талон-тарож қилди ва қалъани олди, деб фарёд килди. Унинг фарёдига қулок солдим, сўнг уни камоққа олишга фармон қилдим ва Мусо менинг давлатим фойдасини кўзлаб иш килибди, дедим. Мен уни ҳибсга солгач, амирлар мени зулм қилди, деб ҳукм чиқардилар. Аммо Амир Сайфалнинг ўғлини ҳибсга олганим хабари Мусонинг қулогига етиб боргач, кўнгли тинчиди. Шундан сўнг уни талаб килиб ёрлик етиб боргач, кўрқмай келиб қалъани менга тортиқ қилди. Аммо ундан сўнг менга мақр кўрсатиб, жазосига етди.

Шундай килиб, Ҳинд дарвозалари очилди. Дехли ҳокими Султон Маҳмудни мағлуб килиш кенгашини бундай килдим: у кирқ минг отлик ва икки юз занжирили фил билан Дехли қалъасини мустаҳкамлаб, қазоқ бўлиб қалъадан узокка кетган эди. Агар уни тутишга банд бўлсан, мабодо иш узокка чўзилса. Агар кўйсан, душман қазоқ бўлиб мабодо бир расвоник юзага келмасин, деб ўйладим. Бас, ўзимни ожизу забун кўрсатай, токи душман юраги дов бераб урушга сафлансин. Шу жихатдан одамларимни тарқатиб, лашкар теграсига хан-

дақ казитдим. Бир гурұх қүшинни унға каршы юбордим, бориб рұнара бўлсин. сўнг оркага чекинсинлар. Бу тадбирни кўллагач, душман ўзини ғолиб йилаб. Дехли майдонида ғазбенок лашкаrim билан учрашди. Шу билан бир-икки ҳамладаёқ оламни фатҳ килувчи ўқ билан уларнинг устидан зафар топдим ва Ҳиндни эгалладим.

Машрик замин мамлакатларини бўйсиндиришдан ва Тўқтамишдан кўнглим хотиржам бўлгач, мағриб замин диёри, Фаранг коғирлари ва Рум ўлкалари азмига камар боғладим. Рум мамлакатлари устига юришга азм қилганимдан сўнг, амирларим кенгаш килдиларким: Рум лашкарининг икки қаноти бордирки, Қайсар ўша икки қанот билан парвоз этади, бири Миср қўшини ва бири Шом лашкаридир. Агар бу қанотларни синдирысан, Қайсар ўз-ўзидан тор-мор бўлади. Бу кенгашда эдимки, Қайсар элчиси хат олиб келди. У мактубда «*Қул аллоҳумма малик ул-мулки туттий ал-мулка ман таша'у ва танзий ал-мулка мимман таша'у*...» («Айтинг, парварди-горимнинг ўзи мулк эгасидир, ўзи хоҳлагандага уни беради ва ўзи хоҳлагандан уни кетказади») деб битибди. Ва кўпдан-кўп дуо ва ҳамма нарсанни эслагандан сўнг ҳазрати салтанат мақомидаги ва иззат маромидаги Қайсарнинг мактуби салтанат ва амирлик курсисидаги Соҳибқирон Амир Темур Кўрагонга буким, «*Жоҳиди куффора вал-мунафиқийна ва агуз...*» («Коғирлар ва мунофиқларга қарши жон-жасадинг билан уруш қил») ояти каримаси ва сайдид ул-мурсалин саллаллоҳу алаихи вассаллом суннати тақозосига кўра Усмоний давлати бошидан бу кунга тегру ҳамиша коғир ва муршириклар галаба қозонганимиз. Бу сабабдин галаба аскарларни янгидан ясоққа сағлаб, Фаранг ороллари коғирларини қўпуррга азм этиб чиқибдурмизким, Таңгри таоло тавфиқи ва Ҳазрати Мустафо саллаллоҳу алаихи вассаллом кўмаги билан бу ўлкаларни ўша тоифа чиркидан пок этамиз. У динга ривож берувчи амирдан ҳиммат тишаб, улар билан алоқалар ўрнатишга бошладик. Колган сўз элчи баёнига ҳаволадурким, шарофатли қўлоқларга етказур».

Бу элчи билан менга бир узук, бир безалган таҳт, бир кўза ва безалган ҳасса тухфа расми билан юборган эди. Мен буни менга Қайсарнинг узук ва таҳти насиб бўлгуси деб, яхши фолга йўйдим. Унинг элчиси: «*Қайсар коғирлар устига*

*юриши қилмоқда ва сендан мадад тилайди», - деди.* Энди мадад килмасам менинг ислом ақидаларимга мөс келмайди. Менинг мададим шуки, унинг устига лашкар тортмайман.

Шу жиҳатдан яна Ҳинд кофиirlари устига ғазот жиловини бурдим. Бу бобда лашкар ахлидан кенгаш тилаган эдим, улар яна менга «Ҳинднинг тўрт қалъаси бордиr: бири сув қалъаси, бири дараҳт қалъаси, бири ўрмонлири ва бири одамлиридиr», - дедилар. Мен уларга: «Сув қалъасини аро-баю занжисир, дараҳту ўрмон қалъаларини – ўт ва одам қалъасини олами олувчи ўқ билан фатҳ этгумдиr», - дедим. Қароча: «Ҳиндни олурмиз, аймо унда ватин қылмоқ муш-кул-диr, у диёрда фарзандларимиз таркиби бузилур ва баъли диндан бегона бўлурлар», - деди. Узангидаги уламодан Амир Абул-Маоний (маънолар отаси) унинг гапини тасдиқлади ва менга: «Ҳаким ва олимлар биргаликда айтибидирларки, би-ринчи ва иккинчи иқлимининг аҳолиси нутқ ҳиссисидан бебаҳ-радурлар. Уларда инсонлик кўринишидан ўзга нарса бўлмас, маънидан ишроқ тушиб, қуфр мартабасида яшайдилар. Ҳам Ҳиндустоннинг сув тупроғи уларга мана шу зайдада таъ-сиr қиласди. Ҳайвонларининг уругига ва донларига ҳам таъ-сиr қиласди. Агар ўзга ернинг дони ва мевааларидан Ҳинд ерида эксалар, иккинчи йиши ўзгаради», - деди.

Амирларим ва лашкаримнинг кўпчилигини Ҳинд ясоғида икки кўнгиллик топдим, юрак ютганларини парвариш кильдимки, иккиланиб турганларни хазина ва дафиналар билан таъмали қилдилар. Уламога фатво чикаришни амр этдим. Улар кофиirlарга карши ғазотнинг охиратда икки нафи бўлур: бири шуки ўлдиргувчи ғозий бўлур, яна бири ўлган киши шахид бўлур, деб ёздилар.

Алқисса, Ҳинд кофиirlари ғазотига азм этиб, кирк манн-зилни босиб ўтгач, ароба ва занжир билан Синл сувидан ўтдим. Менинг хабарим Султон Маҳмудга этиб боргач, Дақан томонга кочди. Иқбол остонасини хоҳловчиларга кўп молу дунё, хисобсиз ўлжалар насиб бўлди ва бир йил муддатда минг фарсахлик Ҳинд мамлакатини таслим қилиб, Самар-қанд шаҳрига кайтдим.

**Яна бир кенгаш Гуржи斯顿 юришидир.** Ҳали Ҳинд ясоғидан фароғат ва осудалик топмасимдан, хар икки Ироқ хо-кимларининг аризалари этиб келди. Йилдирим (Боязид) ва

Гуржистон ва Озарбайжон кофирлари исён йўлига қадам кўйдилар. Ўзимга кенгаш қилдимки, агар уларнинг дафъида хаялласам яна бир бузғунчилик ва түғёнга қўл урилади. Бас, уларни даф этишга шошилдим. Ҳинд ясоғидан қайтган лашкарни ўз ихтиёрига кўйдимки. бирга бориш-бормаслигини ўзлари билади. Хурсон, Қандахор. Сейистон, Табаристон. Гилон. Мозандарон ва Форс лашкарига ёрлик ёздим, гоки янгидан ясок ясад Исфаҳонда менга қўшилсинлар. Лашкар тўплангач, қўшин аҳли маъкул кўрган кенгашга амал қилдим. Бошимга пўлот дубулға, эгнимга довудий совут кийиб, жавохир қадалган қилич осдим. Турон баҳодирлари. Хурсон паланглари ва Журжон, Гилон, Мозандарон нахангларини койиб наъра тортдим. Шу билан Сивос қальаси ва Гуржистон қалъаларини жабр ва қаҳр билан босиб олдим ва таслим қилдим. Бу қалъалардан олинган ўлжаларни лашкарга улаштирудим. Шундан сўнг Малата ва Зобулистон қалъаларини эгаллашга киришдим. Улар сиёсатим хабарларини эшитгач, хавфсираб турганиларида Катур, Гур ва Гаржистон паланглари ҳамла килдилар.

Биринчи ҳамладаёқ бу қалъаларни фатҳ этдилар. Шундан сўнг Ҳалаб ва Хумсни эгаллашга бордим ва уни ҳам биринчи ҳамлада фатҳ этдим. Шундан сўнг Миср ва Шомни эгаллашга азм килиб, юриш килдим.

Бу хабарлар Кайсарга етиб боргач, кўнглида Озарбайжон, Баалбек ва Диёрбакр ҳукумати бўлган, мендан кочиб Кайсарга паноҳ келтирган, Қаро Юсуф Туркманинг иғвосига учди. У давлати охирлаб, заволи яқинлашганини сезгач, Қайсарни мен билан уруш қилишга тарғиб этди. Кайсар унинг иғвоси билан юз минг отлик ва пиёда олиб ҳаракатга кирди. Мен ўзимча аввал Қайсарни ҳовуридан туширай, дедим. Унга бир хат ёздим: «Бисмиллоҳи раҳман ир-рахим, Оллоҳ субҳанаҳу ҳамди ила машриқ ўлжалари ва чекка Даشти Қипчоқдан то Ҳинд мамлакати интиҳосигача. Араб ороллари ва иккала Ирок ва Туронким, тўрт подшоҳнинг тахтгоҳидир. тасарруфимиздадир. Зоғу укки япалокнинг мАкони бўлган Румнинг бир неча ҳаробасига эҳтиёжимиз йўқдир. Аммо баъзи бедавлатлар иғвоси билан, ўз гаразлари учун у давлатда паноҳ этибди ва уни ҳам ўз уйидек кўйдирмокни тилайдир. иш қилмайсан. Қаро Юсуфни боғлаб менга

юборасан. Йўқса, раҳмдил Оллоҳ қўмаги билан лашкарни янгитдан ясок тузиб етиб бораман». Ва бу хатни Ҳурносон саййидлари улувларидан Амир Ҳайдар Ҳурносонийга бериб юбордим. Нома юборгандан кейин кенгашни шундай топдимки, Ҳумс йўлидан Шом мамлакати сари бориб, ундан сўнг Малата ва Зобулистон қалъаларини эгаллашга юзланаман. Уларга сиёсатим хабари етиб боргач, хавфсираб турган здилар. Катура, Ғур ва Ғаржистон тоғликларининг паланглари ҳамла килиб, биринчи ҳамладаёк бу қалъаларни эгалладилар. Ундан сўнг Макрамакр ва Ҳалабни эгаллашга азм этиб, Ҳалабга етиб борганимда эшитдимки, Малик Фарруҳ Миср қўшинлари билан Дамашқ тарафига йўл олиди. Мен ҳам тўхтамай илгор этдимки, Миср билан Шом қўшинларини қўшилишига йўл қўймай, деб. Аммо Малик Фарруҳ бурунрок етиб келиб, ҳали аралашиб улгурмаган эдики. Дамашқ атрофига осмонга ўралган чодирлар тикдирдим. Шу орада Амир Ҳайдарнинг аризаси менга етиб келди. Шом ва Миср Аскарлари тор-мор бўлганлиги хабари Қайсарга етиб келгач, нотинч бўлиб қайтадан ясок тузди, дебди. Мен Шом ва Дамашқ ўлкаларини қўлга олиб мустаҳкамладим ва Мўсул йўлидан Бағдодга юриш килдим. Ва ўзимга кенгаш килдимики, Озарбайжон тарафидан илгор этаман, токи агар Қайсарнииг қарори қатъий ва қайтадан ясок қилмоги чин бўлса, билай. Ўша пайтда Бағдод бузукларидан бир жамоа шўхлик килиб, Бағдодга қамалганлари хабари етиб келди. Карбало ва Нажаф тарафига юриш тадбирини кўрдим. Карбалога етиб боргач, Сайид Амир Ҳусайнни юбордим.

Бағдоднинг қўшин ва раиятига омон бериб, кирк кун куршовда ушлагандан кейин таслим килдирди, Бағдодга кирдим. Шундан сўнг Аббосия халифаларининг иморатларини ер билан текисладим. улувларини ҳузуримга чакиртириб, Бағдоддан Озарбайжон тарафга равона бўлдим ва ражаб ойида уруш килдим. Шундан сўнг озгина фурсат ўтмай. Қайсарни тутиб менга олиб келдилар.

Турон замин ахлишинг дастур ул-амали ёрлигининг шакли шундай. Эрон-замин мамлакатининг ҳоким ва доругалари билсинким, Турон мамлакати-нинг ахолисини баъзилари турк ва бир жамоаси тожик, бир гурухи араб ва арабзодалардир. Бани Умайя замонида Самарқанд фатҳ бў-

либ, неча араблар Турон заминга келиб туриб қолдилар. Уларнинг авлод ва наслларидан қишлоқ ва мавзелар обод бўлиб, бу уч тоифанинг авлод ва наслларидан Турон замин маъмур ва ободон бўлгандир. Бу жиҳатдан у диёр ахли ҳам сипохийдурлар, ҳам раият, ҳам шайх ва ҳам хожа.

Одамлар гапидан эшитиб, таниб орттирган тажрибам шу бўлдики, улар қўзғолган пайтда қўшин ва фаровон турмуш замонида раият бўладилар. Яхшилари кўп яхши ва ёмонлари кўп ёмондирлар. Шу даражада сода фаҳм бўладиларки, бўлиши мумкин ва мумкин бўлмаган нарсалардан нима эшитсалар, ишонадилар. Кўпроқлари ахли суннат мазҳаб тариқатидадурлар. У диёр шайхлари муриддуст бўладилар. Унинг ахолиси айтган сўзлари ва қилган ишларидан тез пушаймон бўладилар. Нигоҳлари кадамларида ва олдиларида бўладики, бу кунни кўрарлар, эртани кўрмаслар ва оқибатини ўйламаслар. Ҳар нарса кўнгилларида бўлса ёки бўлмаса, тилга келтирадилар, ростни ёлғонга ва ёлғонни ростга аралаштирадилар ва аҳдларини тез бузадилар. Чунончи, Турон заминдан кўп жамоа менга аҳду паймон этдиларким, ўзбек (мўғул) кабилаларини йўқ килишда менга мадад қилдилар ва мен уларга ишондим. Илёсхожага лашкар чекар бўлганимда мендан айрилиб, унга қўшидилар. Унга зарба бериб, зафар топганимдан сўнг яна ундан айрилиб менга келдилар. Бу икки ишни уларнинг олдида тенг кўргач, кирдикорларидан кулфат чекмадим, гапларига улфат тутмадим. У диёр одамлари бу кун ошно бўлса, тонгда бегонадирлар. Бу сифатлар уларнинг хусусиятларидан бўлгач, улардан қўз юмиб, ўз ҳолларига кўйдилар.

Энди Эрон доруға (қалъя беги)ларига ва ҳокимларига таъкидимиз шуки, бу ёрликда ҳар нимаки битилибdir хотирга келтиринглар ва улардан оғринманглар ва уларни оғритмангларким, табиатлари ўзгармас.

Аввал чигатой ва барлос улусларини юксак ўринда тутиш керак ва Ҳарбузоннинг суви ва ўтлогини чигатой ва барлос улусига бўлиб берганман. буни сақлаб қолиш керак. Сайидлар, уламо ва машойих таъзимин бажой келтирсинлар, гараз шуки адолат эшикларини очадилар.

Хурросон дастур ул-амали ёрлигининг кўришиши. Хурросонни қўлга олгач, бу диёр одамларининг табиатларини на-

зарга олиб, мижозларига мувофик яшадим. Иззатли ва азатли фарзандлар, хурматли амирлар ва буюк мақомли доругалар билгайларким, Хурносон ўлкасининг кўшин ва раият, улуф ва кичикларининг авзойи ва хулк-атворидан орттирган тажрибам шуки, бу диёр аҳолисининг мижози мўътадилга яқиндир ва бу вилоят одамлари хар нечаким ташқи кўринишдан дарвишдурлар, аммо ички дунёси бойдир.

Гадога, ўта қийинчилик ва машаққат билан нон берурлар, мuloҳазали ва тадбирли бўлурлар. Бу диёр сўфиylари бир лукмага қаноат қиладилар ва бир хирка билан кун кечирадилар ва вафоли бўладилар. Хурсондан кўп буюк кишилар чиқкан. Биринчиси Абу Муслим соҳибдавлатдир, яна бири Абу ул-Лайс Сиғордир ва Музаффар авлодидан Шоҳ Мансурким, менга келиб кетди, ўшалардан. Номусли ва вафоли бўладилар. Жумладан, менинг вазирларимдан Носируддин Маҳмуд. Маҳмудшоҳ, Шаҳоб, Мулло Пирмуҳаммад ва Абд ул-Азиз ўша вилоятдан келган эдилар. Мен улардан қилич урмок, жонбозлик, кўнгли очиқлик ва вафодорликдан бошқа нарса кўрмадим. Улар билан бир хил муомалада бўлса, оғримайдилар. Бу диёр ҳокимларига шуни айтиш керакки, улар билан бир хил муомала қилсинлар, ҳам кўшин ишини кильсинлар, ҳам раият ишини.

Бу диёрда бир ҳарам бордирки, бу ҳарамни муazzзам ва муҳтарам тутгайлар ва ўша жойда мадраса ва хонакоҳ қуришларини буюрдим. Бу ҳарамга вакф этган мавзеларнинг ҳосилини эртаю кеч ош, тушак, чироғ, шам, ходимлар ва сўфи ва имом ва мударрис ва уламолар вазифасига сарф эта-дилар. Бу ўлканинг оксоқол, жамоа бошлиги, дехкон ва аҳолисини эҳсон қайдида асрайлар ва уларнинг ери ва номусини химоя қилинглар.

Хурносон ерида ўта юксак даражали макбараплар бордир, ўша макбарапларнинг файзи эвазига бу ердан кўп авлиё ва уламо чиқкан. Ҳусусан, Зиндапил Аҳмади Жомий, Аб ул-Хайр, Шайх Абулфазл, Лукмон Сарахсий, Ҳожа Абдулло Анзорий ва булардан бошқалар ҳам бордир. Ҳар қайсинаси-нинг мозорлари учун мавзелар тайин этиб, вакф этганлар.

**Ирек ва Ажам ва Озарбайжон аҳли билан муомала қилиш дастури.** Бу мамлакатни қилич чопиб. Қора Юсуф Туркман кўлидан олганимдан кейин, бу мулк аҳли менга

ёмон м uomала килдилар. Бу диёр аҳли табиатларидан ортирган тажрибам шуки, ҳаммалари фитначи бўлурлар, фитна қўзғаб охирига етказурлар ва шу билан душманларига қўшилурлар. Улар икки юзлама, икки тиллик бўлурлар ва олтинкумушнинг қули бўлурлар. Дунёни шу даражада яхши кўрадиларки, динларини унга сотадилар. Уларнинг қиликлари ваъдага вафо килмаслик, ёлғончилик ва чақимчиликдир. Ташки қўринишдан қўй ва ичдан бўри бўлурлар. Хусусан Озарбайжон аҳлиним, тил билан яхшилик дерлар ва кўнгилда ёмонлик истарлар. Бу диёр бир заррин қўринишили тўнга ўхшаркан, аммо ичи тўла илон ва чаён бўлади. Бу диёр аҳлига шундай м uomала қилиш керакки, кондан лаъл чиқарган-дек, улардан мол ва солик тўпланади.

**Ироқи Араб аҳли билан м uomала қилмоқ дастури ёрлинг қўриниши.** Эшитдимки, бу диёр одамлари ўғри ва йўл тўсардиirlар. Дунёга шу кадар ўчдиrlарки, дунё учун ота-оналарини ўлдирадилар ва ўз жинсига зарар етказадилар. Мен Бағдод аҳлига яхшилик килдим. Улар унинг эвазига Бағдодни олиб ёв бўлдилар. Уларнинг ёмонлиги яхшилигидан устундир. Уларнинг ср-сувига аҳду вафо зилолини аралаштирганилар. Ироқи Араб эҳтиромининг сабаби шуки, бу диёрда кўп имом, уламо ва машойих қабрлари бордир. Уларни ўшаларнинг арвоҳига топширилади. Нажаф ва Карбало азизлари учун вакфлар тайин этиб, тўшак, шам, машоих, имом, сўфи ва ходимлар вазифаларини белгиланглар. У диёр аҳлидан мол-дунё тана килманглар.

**Шом аҳли билан маош этмак дастур ул-амалининг ёрлиги.** Бу кавмнинг авзойи атворидан эшитган нарсамиз шуки, бу мамлакат Бани Умайя амирлари, яъни Язид авлодининг келиб чиқсан ватани бўлгани учун уларнинг ёмон сифатлари бу диёр яшовчиларига таъсир этган.

Бу мулк аҳолиси ташки қўринишни такво билан безаб, кўнгилларини ҳаром билан ҳомилали килурлар. Мен Шом қалъаларини қуршовга олганимда, улуғлари ҳам ташки қўринишдан ўзларини такво билан безаб, мендан омон сўрадилар. Фурсати келиши билан урушга машғул бўлдилар. Яна иккинчи марта уларни поймол килганимдан сўнг, аскарлари ни Шомдан чикариб кочирдилар.

Шом аҳли ичи кора, бағритош бўладилар. Улар тутурик-

сиз, гапида турмайдиган, йўлтўсар ва шум бўладилар. Улар газаб кўрсатиб одамлар молларини оладилар. У мулкнинг кабила ва уруглари худога ёв бўладилар. Шунинг учун мен уларни катли ом килишга буюрдим. Аммо Шомнинг амир ва хукмдорлари уларнинг ёмонлиги ва килмишларига бокмаганлар.

**Арзи Рум аҳолиси билан муомала қилиш дастурининг ёрлиги.** Омадли фарзандлар ва иктидорли амирларга маълум бўлсинким, Кустантиния мамлакати одамларининг ахлоқ-автори ва авзо-сифатларидан эшигнларим шуки, бу мулк одамлари содла табиатли бўлурлар, иззат ва улуғликни молдорликда биладилар. Шу жиҳатдан хамма ерда мол-дунё тўплашга машғул бўлиб, маккор, хийлагар ва хиёнаткорларни аклли хисоблайдилар, ҳар канча макр килишса, макрлари ўзларига қайтади. Жон ва кўнгилни зару мол маъдани қилурлар ва зарни кондан яхшироқ сақларлар. Аралашувга ўч ва урушда баҳил бўладилар. Зарлари микдорича зътиборли бўладилар. Либосларини мерос колдиришади. Шижоатлари ёнбошидаги куролга ўхшайди. Уларнинг ёмон муомаласи – химматдир. Уларга феълига яраша муомала қилиш керак, агар тўғриликка кўнса яхши, бўлмаса нотўғри иш килсалар тўғрилаш керак.

**Форс дастур ул-амалининг ёрлиғи.** Форс илм маъданидир. Бу ернинг аҳли хаммаси худоталаб дарвиш, содла табиатли, саййид ва аҳли риёзат бўладилар, улуғлари ёшларнинг ишини киладилар. Бу мулкда маърифат ва кашф арбоби ва савдоийлар кўп бўлади. Бу ернинг одамларида вахм ва хавф ўта устундир. Вахмлари шу даражадаки, ўз-ўзидан кўрқадилар. Урушга киргач, ўз куролларидан кўрқарлар ва кўшинни кўргандан қочадилар. Базм ва размда ўз саломатлигини эҳтиёт киладилар. Саломатлик кўчасини истарларким, ўзларини саломатлик билан манзилга етказадилар. Ҳеч бир сабабсиз кўнгиллари ранжиди ва тез хушҳол бўладилар. Вахима билан хафа бўладилар ва гумон билан шод бўладилар. Ошиоликда собит бўладилар. Улар билан худди муаллим шогирдига муомала қилгандай йўл тутиш керак ва муросаю мадора билан иш тутсишлиар.

**Хинд одамлари билан иш тутиш дастурининг ёрлиғи.** Фарзандлар ва амирлар билсинларким, Хинд ахлининг мизо-

жи нокис ва нафси ожиз бўлади. Агар дунёни тасвирлаш мумкин бўлса, хинд аҳли сувратида тасвирлаш керак бўлар эди. У жойнинг одамларининг кўнгли тор ва нафси бузук бўлади, то тиланчи ўз баданини мажруҳ этмаса, унга ҳеч ни ма бермаслар. Мен шундай фикрға келдимки, бу ернинг халқлари худонинг газабига учрагандир. Агар газабга учрамаганида, уларга инсондан бир пайгамбар туғилган бўлар эди ва уларни бутпарастлик, молга топиниш, офтобга топиниш ва ўтга топинишдан қайтариб, худопарастликка йўл кўрсатган бўлар эди. Улар обрў ва номусдан йирок ва уларда хаё ва авратни бекитиш камрок бўлар ва зар учун жон берурлар. Чунончи, бир хиндустонийнинг бирорда қарз берган за-ри бор эди, бу зарини қайтиб ололмагач, захар еб ўлганини мен ўзим кўрдим...

**Давлатим даврларида ҳакни қарор топтириш бўйича қилган ишларим зикри.** Биринчи ҳакни жойига қарор топтирган ишим шу бўлдики, Ирок мулкида тайин этган вазирларимдан Азиз отли вазирга ҳасадчи ва ғаразли кишилар бир катор иғво ва бўхтон битиб, унинг хужжатини менга келтирдилар ва арз этдиларки, Азиз вазир зулм кўрсатиб, раият ва савдогарлардан жабр билан олтин олганмиш. Уни ҳузуримга чакиришга ҳукм этдим, яна кўнглимга шу фикр келдики, маълумот берганларни ҳам чақирсан. деб. Улар ҳозир бўлгач, Азизни жазолашга ҳукм этдим, аммо фикру мулоҳаза қилиб кўриб, ариза битувчиларни қайтадан сўроқка тутдим. Шунда уларнинг тиллари айланмай қолди. Кейинги куни иккни тарафни юзмаюз килдим. Шу билан Азиз вазир ростлик юзасидан улардан ғолиб келиб, ҳакиқат юзага чиқди. Шундан сўнг игвогарларни жазосини бериб, ноҳақ иш қилмаганимга худога шукр килдим.

Яна бир ҳак жойига қарор топтирган ишим шу бўлдики, савдогарлардан бир жамоа келиб Банола ҳокими Султон Маҳмудхондан шикоят килди. Мен унга: «*Банола ҳокими билсинки, мен Ҳинд ўлкасида адолат ва инсоф башан бир қаср бино қилибдурман ва бу қасришг деворити баланд этиб, томини эҳсон билан ётибдурман. Сен уни зулм ва жавр билан ҳароб этибдурсан. Мен сенинг умринг уйини ҳароб этарман*», - деб ёздим.

Менинг ёрлигим унга етиб бориши билан таъзим бажо кел-

гириб, килган ишини ўта маъкул равишда ўрнини қоплади.

Яна бир ҳакқа қарор топган иш Бағдодда эди. Уч оқсокол одам тўғрилик билан ўзини безаб хузуримга келди. Уларнинг бири, менинг молим фалон савдо гардадир, бу икки қария гувохлик беришга келишиди, деб арз килди. Ўша савдо гар қайтиб бермай мени кийнаб, жафо етказяпти, деди. Кози уни чакиртириб, ўша икки қария гувохликка ўтганларидан кейин молни қайтариб беришга ҳукм килди. Шунда мен ҳукм имзосида ўйланиб колдим, шу билан ҳакиқат очилди ва маълум бўлдики, бу уч оқсокол бири даъвогар, иккитаси гувоҳ бўлиб тил бириткириб келган эканлар. Ҳақ жойига қарор топгач, бу ут оқсоколни жазоладим ва амр этдим Ислом козилари Ироки Араб аҳлининг гувоҳлигини кабул қилмасинлар.

Яна бир ҳукм чикарган ишни шу эдик, саррофлардан (пул майдаловчи) бир жамоа келиб, менинг олдимда фарёд урди-ларки, бир неча сандик жавоҳир ва безалган буюмлар тилла ва кумушни Истанбул Қайсариясига қўйган эдик, уларни ўтриб олиб кетибди ва каёкка кетгани маълум эмас. Шу пайт бир хушкомат кимса эшикдан кириб, бу молларни мен олиб кетгандим. деди. Шунда ноҳақдан тутиб олиб келиб, сўрокка тутилаётган одамларни чакиртирдим, мен бу маҳалла одамларини бўшатишга ҳукм этиб, келган кимсани мол эгасига топширдим. Шу билан мол эгалари қайтиб келиб яна фарёд этдиларки, ўша ўтриб бизларни бир қудук бошига элтиб, у молларни шу ерга қўйгандим, деди ва белига бир ип боғлаб қудукка тушиб гойиб бўлди. Текшириб кўргач маълум бўлдики, тагидан тешик казиган экан, ўша ер ости йўлидан чиқиб бадар кетибди. Мен бу ўғрини мактаб, бегуноҳларни халос этиб, ўз мардлигини билдириди. дедим. Мен унинг олкишлаганимни эшитиб, бехосдан ўзи хузуримга келди ва мен уни сийлаб жиловимдаги паҳлавонлар сафидан ўрин бердим. У саррофларнинг молини тўлиғича қайтиб берди. Мен ўрнига мол бердим.

Яна бир ҳакиқатни жойига қарор топтирганим шу эдик. Бадахшонда ислом уламосидан бир жамоа келиб менга: «*Ё Амир! Бадахшондан бир жамоа чиқиб, ўзлари учун бир мазҳаб ташаббусидар. Амир бу бидъатни ўйқ қилмоғи возжисидир!*» - дедилар. Мен икки бир-биридан фарқли уламони ху-

зуримга чакиришта ҳукм эттим. Ҳамма йигилиб ўтиришгач, Самарқанд ва Бухоро уламоси уларга даъво килдиларки, сизлар ота-бобо йўл-йўриғини тарк қилиб, тўрт мазҳабдан чикиб, ўзингиз учун бир мазҳаб ясаганмишсизлар ва мусулмонларни гумроҳ қилурсизлар. Улар жавоб бердиларки, биз туркласига сизга исбот қиласизки, бизнинг мазҳабимиз қадим ва сизники янгидир. Мен уларга савол бердимки, менга туркласига айтинг. Улар менга: «Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллом ҳудонинг юборган расули эканига ҳеч шакшуубха йўқ ва у Ҳазрат бизга бир китоб келтирибдурларким, ҳамма кутган ишлар унда ёзилгандир. У бизлар учун шариатни киритиб бизни исломга даъват қилгандир. У Ҳазрат саллаллоҳу алайҳи васаллом бако уйига кўчганларидан кейин, умматнинг йигини билан Ҳазрати Абу Бакр Сиддик разийаллоҳу алайҳ биринчи халифа дин ва шариатга ҳомий бўлдилар. Ундан сўнг иккинчи халифа Ҳазрати Умар разийаллоҳдир дин ва шариат пешвоси бўлди. Ундан сўнг тўртинчи халифа Ҳазрати Али разийаллоҳдир дин ва шариат пешвоси бўлди. Ва бу халифалар замонида Оллоҳ китобига ва халифалар сийратига амал қиласидиган ҳеч бир мазҳаб йўқ эди. Ва ахирни халифаликдан имомликка ўтилиб Ҳазрати Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайн разийаоллоҳу анху шариат пешвоси бўлдилар ва улардан фарзандларига колиб, кориндан қоринга ўтиб бизга етиб келди. Бу сўзларни айтгач, амирлар зътиroz билдирамадилар.

**Оллоҳга муножот.** Узок муддат ва кўп замонлардан бўён уни ёзишга қўлим қувватини ва кўнглим журъатини сарф этиб, чексиз меҳнат ва ҳисобсиз машакккат билан мушкин қалам билан ракам тулпорини варак майдонига сурдим ва шу тарика жидду жаҳд билан ушбу рисоланинг ибтидосини интихоси чегарасига етказдим. Чеккан ранжимни зое ва меҳнатимни йўққа чиқармай, уни хосу ом орасида машҳур ва та ниқли кил, хусусан истеъдоллар ҳомийси подшоҳ олдида марғуб ва мақбул этиб, фасоҳатбаён тиллари илиа зикр этиши ва ёд этишига мадад бергил.

**Байт:**

*Бу нусхани ёзиг аро фойиқ қил,  
Кўрган киши кўнглини унга ошиқ қил.*

*Бу ранж ила меҳнатимни қилмаи зое.  
Суннат мажслисига хусусан лойиқ кил.*

Иккинчидан, акли комил ўрганувчилар ва зеҳни саломат тадқикотчилардан илтимос шуки, «ал-инсанни муштақу мин инсанни» («инсон инсондан яралади») мазмунига кўра, унинг янглиш хатосини бекитиб, бузук жойини ислох пардаси билан ёпсинлар.

**Рубоий:**

*Ҳар кимгаким бу рисола бўлгач манзур,  
Рӯҳимга дуо айлабон этса масрур.  
Етқурғай ани даги жаҳондин боргоч,  
Рӯҳига раҳим раҳмати номақдур.*

Бу энг яхши рисолаларнинг шариф рисоласи **таржимони гуноҳкор** банда, факир, ҳақирларнинг энг ҳақири малик улманнон қули **Пахлавон Девон Комил ибни Абдуллоҳ Охунд** Хоразмий номи билан танилган. Оллоҳ гуноҳларини мағфират айлаб, айбларини ёпсин. Холик ул-Вахҳаб замонида - (1274/1857-1858) бир минг икки юз етмиш тўргинчи [хижрий] йили, муборак рамазон ойи, жумъа куни охирига етди.



## МУНДАРИЖА

Сўз боши.....	3
Масъул мухаррирдан.....	15
Темур киссаси.....	17
Мехрибон ва шафкатли Оллоҳ номи билан.....	18
Йигирма бир ёшимда.....	24
Йитмиш ёшимда .....	24
Ва етти юз эллик олти ҳижрий санасида .....	25
Сана етти юз олтмиш икки .....	28
Шунда етти ёшга киргандим.....	46
Ва тўккиз ёшга қадам қўйдим.....	46
Ва ўн икки ёшга кирганимда.....	46
Ўн тўрт ёшга қадам қўйганимда.....	47
Ва ўн беш ёшлик умрга қадам қўйгач.....	46
Ва ўн олти ёшга қадам қўйганимда.....	47
Ўн етти ёшга етганимда.....	49
Ўн саккиз ёшга қадам қўйганимда.....	51
Йигирма ёшга кирганимда.....	52
Ва ўн тўккиз ёшга қадам қўйганимда.....	56
Ва ўн саккиз ёшга етганимда.....	58
Ўн тўккиз ёшга чикқанимда.....	59
Йигирма ёшга қадам қўйдим.....	59
Сана етти юз эллик олтида.....	60
«Рости-ю русти» .....	61
Сана етти юз эллик еттида.....	61
Сана етти юз эллик саккизда.....	67
Сана етти юз эллик тўккизда.....	68
Ва йигирма тўрт ёшга қадам қўйгач.....	73
Йигирма беш ёшга қадам қўйганимда.....	77
Ва йигирма олти ёшга қадам қўйганимда.....	80
Йигирма етти ёшга кирган йилим.....	81
Ва Хоразм вилоятининг тузуги.....	92
Қандахор ва Бохтарга бориш тузуки.....	97
Ва сана етти юз олтмиш тўртда.....	98
Сейистон вилоятининг қалъаларини эгаллашда бундай тузук этдим.....	99
Бадаҳишон вилояти тузуки.....	110

Ва йигирма тўққиз ёшга қадам кўйганимда.....	111
Жета лашкари тузуки.....	112
Ва ўттиз ёшга қадам кўйганимда.....	120
Ва ўттиз бир ёшга қадам кўйганимдан кейин.....	128
Ўттиз икки ёшга қадам кўйгач.....	131
Амир Ҳусайн билан уруш тузуки.....	131
Хуросон ва Моҳондан Мовароуннахрга жўнаш тузуки.....	146
Ўттиз уч ёшга қадам кўйганимда.....	156
Ва сана етти юз етмиш бирдаким.....	173
Амирлар ва кўшиннинг ўтирмок ва тик турмоги тузуки.....	174
Ва сана етти юз етмиш бирда шавволнинг иккинчи куни.....	176
Ва сана етти юз етмиш учда.....	186
Сана етти юз етмиш олтида.....	189
Сана етти юз етмиш еттида .....	191
Сана етти юз етмиш олтида .....	193
Қирқ бир ёшга кирганимда.....	196
Ўрусхон элчиси етиб келгани ҳакида мажлис.....	199
«Тузук ёрлиги» зикри.....	203
Маълум бўлгайки, бу мажлисдан «васият мажлиси»гача «тузук ёрлиги» зикридир.....	204
Энди омад ёр фарзандлар ва толеъ ёвар набираларга тузук.....	204
Кўнгил кошонасида биринчи куёшдай чиккан тузук.....	207
Дину шариат тузукини қилиб бўлгач, салтанатим ишлари тузукига бошладим .....	213
Салтанатим марғабаси тартибини ўн икки тоифага боғладим .....	214
Даргоҳимга паноҳ сўраб келган арабу ажам, турку тоҷик тоифалари тузуки.....	216
Лашкар тутиш тузуки.....	217
Салтанатим истиқлоли тузуки.....	218
Қўшин хизмат ҳаки тузуки.....	219
Лашкар хизмат ҳакиини тарқатиш тузуки.....	220
Фарзандларим ва қариндошлиарим маош пули.....	221

Фарзандлар ва қариндошларга нисбатан	
шундай сиёсат буюрдим.....	221
Амирларким мамлакат кўргонидирлар.....	221
Давлат силсиласи ва салтанат сулоласининг	
ишенчли кишилари бўлган вазирлар.....	221
Вазир тутиш тузуки.....	283
Амирлик ва волийлик мартабасининг тузуки.....	225
Лашкар ахлидан ҳар кимсаннинг килган ишига	
лойик мартабага кўттармоқ тузуки.....	226
Амирлар ва вазирлар, қўшин ва раиятга инъом	
этмак ва жилду бермакнинг тузуки.....	228
Ноғора ва байроқ бермакнинг тузуки.....	229
Лашкар асбоб-анжомининг тузуки.....	230
Базм ва разм мажлиси йўсинининг тузуки.....	230
Вазирлар хизматининг тузуки.....	231
Улуслар ва кўшинларни бошкариш тузуки.....	232
Барлос улуси тузуки.....	233
Навкарнинг оғо (хўйжайини) билан сулуки ва	
огонинг навкар билан муомаласининг тузуки.....	233
Дўст-душман билан маош ва равиш қилмоқнинг	
тузуки.....	234
Фарзандлар ва қариндошларнинг мартаба	
даражасига караб ўтиргани тузуки.....	236
Мулк олиш тузуки.....	236
Мулку мамлакат, сипоҳ ва раият ахволидан	
огоҳлик ва хабардор қилмоқлик тузуки.....	239
Шаҳар ва вилоятларда яшовчиларнинг	
тартиб-интизом тузуки.....	240
Мамлакатни кўриқлаш, мол ва хирож олиш	
тузуки.....	241
Уруш ва саваш этмак, кирмок-чиқмок, сафга	
тизмок ва қўшинни мағлуб қилмоқнинг	
тузуки.....	343
Бўлинмаларнинг сафланиш тартиби.....	248
Мулкдорлик ва лашкарни мағлуб қилиши, тузокка	
туширмок ва мухолифларни дўст қилмоқ ва	
дўстлар билан борди-келди расмлари кенгашининг	
тузуки.....	248

Турон замин аҳлининг дастур ул-амали ёрлигининг шакли шундай.....	258
Хуросон дастур ул-амали ёрлигининг кўриниши.....	259
Ирок ва Ажам ва Озарбайжон аҳли Билан муомала килиш дастури.....	261
Ироки Араб аҳли билан муомала килмок дастури ёрлигининг кўриниши.....	261
Шом аҳли билан маош этмак дастур ул-амалининг ёрлиги.....	261
Арзи Рум ахолиси билан муомала килиш дастурининг ёрлиги.....	362
Форс дастур ул-амалининг ёрлиги.....	262
Хинд одамлари билан иш тутиш дастурининг ёрлиги.....	262
Давлатим даврларида ҳақни қарор топтириш бўйича килган ишларим зикри.....	263
Оллоҳга муножот.....	265

МАХПИРАТ НОМИДАГИ ЎРТА ОСИЁ  
ХАЛҚЛАРИ ТАРИХИ ИНСТИТУТИ  
САЛТИКОВ-ШЧЕДРИН НОМЛИ РОССИЯ  
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ

АМИР ТЕМУР КЎРАГОН  
ТЕМУР ҚИССАСИ  
Тошкент – «Фан» - 2004

Чоп этиш учун масъул: Ҳайдарбек БОБОБЕКОВ

Мұхаррирлар: Ибодулла Шоймардонов ва

Маъмура Соддикова

Рассомлар: Зайниддин Фахриддинов,

Салима Шергалиева

Мусаҳиха Нигора Холбоева

Компьютер оператори Мавлуда Исакова

Теришга берилди 2003.11.11. Босишга рухсат этилди 2004. 22. 01.

Бинчими 60 x 84<sup>1/32</sup>. Офсет көғози. Ҳисоб-нашриёт табоби 10.8.

Шартли босма табоби 16.7. Адади 200. Буюртма № .

Баҳоси келишилган нархда.

Ўзбекистон Республикаси ФА «Фан» нашриёти: Тошкент, 700047,  
акад. Я.Ғуломов кўчаси, 70.

Махпират номидаги Ўрта Осиё халқлари тарихи институти:  
Тошкент, 7000114. Юнусобод тумани, 18-даҳа, 14-уй, 17-хона.

Тел.: 23-87-59; 24-21-45.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси Фан ва Технология  
Марказининг босмахонасида чоп этилди. Тошкент. 700027.  
Олмазор кўчаси, 171-уй.

Китоб Махпират номидаги Ўрта Осиё халқлари тарихи институтини  
компьютер марказида тайёрланган оригинал-макет асосида босијади.

